

# АБДУЛЛА ҚАҲҲОР

---

**АСАРЛАР**

БЕШ ЖИЛДЛИК

ТУРТИНЧИ ЖИЛД

**АЯЖОНЛАРИМ**

Пьесалар  
Портретлар  
Фельетонлар

Тошкент  
Гафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти  
1988

# ПЪЕСАЛАР

УЗ 2

К 35

## Редколлегия

УЛМАС УМАРБЕКОВ (рахбар), САИД АҲМАД, ЭРКИН  
АҶЗАМОВ, НИЗОМ КОМИЛОВ, ОЗОД ШАРАФИДДИНОВ,  
КИБРИЕ ҚАҲХОРОВА, МАТЕҚУБ ҚУШЖОНОВ

Нашрга тайёрловчи —  
Абдулла Қаҳхор уй-музейининг катта илмий ходими  
КИБРИЕ ҚАҲХОРОВА

К 4702570200—90  
М 352(04)—88 4—88

ISBN 5—635—00132—7 (т.IV)  
ISBN 5—635—00061—4

## **ЯНГИ ЕР (ШОҲИ СУЗАНА)**

**Комедия**

**4 парда, эпилоги билан**

### **ҚАТНАШУВЧИЛАР:**

Деҳқонбой — комсомол, фронтовик.  
Холнисо — унинг онаси.  
Омон — Деҳқонбойнинг укаси.  
Ҳафиза — комсомол, Деҳқонбойнинг қайлиғи.  
Ҳамробуви — Ҳафизанинг онаси.  
Мавлон — Ҳамробувининг укаси, бригадир.  
Раҳимжон — колхоз раиси.  
Одилов — колхоз партия ташкилотининг секретари.  
Қўзиев — комсомол, фронтовик.  
Салтнат — колхоз правлениесининг секретари.  
Эратмат — самоварчи.

### **БИРИНЧИ ПАРДА**

Пастаккина девор саҳнани иккига бўлган. Бир томонда **Холнисонинг**, иккичи томонда **Ҳамробувининг** ҳовлиси. Ўртада әшикча. Ҳафиза ўз уйи деразаси олдида хат ёзиб ўтирибди.

**То ву ш (кўчадан).** Ҳафиза! Деҳқонбой! Мажлисга.

Уйдан Ҳафиза югуриб чиқади.

**Ҳафиза (девор оша кўчага томон).** Ҳали эрта-ку!.  
Ҳозир борамиз!..

Холнисонинг уйдан Омон чиқади.

**О мон.** Ҳафизахон опа, акам соқол олаётидилар. Агар бемалол бўлса, бирлас кутар эмишсиз... Эрталаб соқол олган эдилар, ҳали ўсгани йўғ-у, яна қиришилаётидилар. Нега бунақа қиласидилар-а, Ҳафизахон опа?

Ҳафиза. Соқолинг чиққандада биласан, ҳали гўдаксан.

**О мон.** Мен-а? Мен гўдакми? Гўдак бўлсам нега комсомолга олдиларинг? Сизни қарангут! (*Керилиб.*) Комсомол мажлисига кетаётиман.

Ҳафиза. Омонхон! Ҳали мажлисга бир соат борку!

**О мон (насиҳатмиз).** Комсомол мажлисига кечикмайин деган одам олдин боради. (*Велосипедини етаклаб чиқиб кетади.*)

Деҳқонбой соқол олганидан кейин ювингани чиқади.

Ҳафиза. Деҳқонбой ака! (*Қўйлидаги қогоzinи кўрсатиб.*) Мана, мана шундоқ бошладим: «Биз комсомолларнинг Мирзачўлга юриши тўғрисида комсомол съездининг чақиригини маъқуллаб...» Мана, ўқинг!

Деҳқонбой (хатга кўз югуртириб). Жуда яхши! Биласизми, Ҳафизахон, Мавлон акага ҳавасим келади. Хўб тогангиз бор-да! Ажойиб пахтакор! Жияни ўзидан ҳам яхши!

**Ҳафиза.** Жияни тоғасига етгуича ҳали кўп қовун пишиғи бор. Қишлоғимиздан биринчи бўлиб Мирзачўлга кетган киши!..

**Деҳқонбой.** Ёши бир жойга бориб қолган бўлса ҳам юрагида ўти бор. Ёшларга ибрат бўлди. Мана энди биз ҳам тоғангиздан ибрат олиб Мирзачўлга борамиз... .

**Ҳафиза.** Секин... Мажлис ўтгунча аям билмасин-лар.

**Деҳқонбой.** Нима, Мирзачўлга боришингизга қарши бўлармикинлар? Борсангиз тоғангизнинг олдига борасиз-да. Лекин ҳали мен ҳам аямга айтганимча йўқ.

**Ҳамробуви айвонга чиқади.**

**Ҳафиза.** Холнисо холамни-ку йўлга солиш жўн, лекин менинг аям... дод солиб мажлисга боришдан ҳам тоймайдилар.

**Ҳамробуви.** Қизим, нима деяпсан, менинг тўғримда гапираётисанми?

**Ҳафиза** (шошиб қолади, Деҳқонбойга). Ана...

**Деҳқонбой.** Салом, Ҳамробуви хола, яхшимисиз?

**Ҳамробуви.** Шукур, болам, яхшиликка хўп яхшиман-ку, бемаврид қариганимга ҳафа бўламан-да! Қариганингдан кейин мана бунақа булар экан, ёшлар бир чеккага сурин қўйишар экан...

**Деҳқонбой** (хавотир олиб). Нега?.. Нима бўлди?

**Ҳамробуви.** Майли, нима ҳам дейман, индамай-ман.

**Ҳафиза** (Деҳқонбойга). Аям эшитибдилар...

**Ҳамробуви.** Қулоғим оғир. Қулоқ ўлгур оғир! Лекин ҳар нечук, кар эмасман. Эшитаман, эшитганимда ҳам, нима дер эдим, индамайман. Мажлис соат сак-кизда бўлса...

**Ҳафиза** (Деҳқонбойга). Айтмадимми...

**Ҳамробуви.** Мажлисга етиб бораман деган киши уйдан эртароқ чиққани яхши дейман, холос.

**Деҳқонбой** (кўнгли жойига тушиб). Тўёри, хола.

**Ҳафиза.** Рост айтасиз, аяжон, тезроқ борайлик бўлмаса.

**Деҳқонбой.** Хўп, биз кетдик, хола.

**Ҳамробуви.** Шошмагин, болам, Деҳқонбой, бир оғиз гапим бор...

**Деҳқонбой.** Жоним билан.

**Ҳамробуви.** Ҳафиза ҳали ёш, звено бўлса ҳам, ҳар қалай ёш. Сиз ақллик, бу ерда ҳам, урушда ҳам

ўқиган йигитсиз. Шундек бўлгандан кейин ўзингиш айтинг, тўйсиз, никоҳсиз икковларинг бир эшикдан, чиқсаларинг қандоқ бўлади? Эл-юрт нима дейди? Майли, мен нима ҳам дейман, индамайман...

**Деҳқонбой.** Ҳа... бундоқ денг... Майли, майли, холажон, мен ўзимизнинг эшикдан чиқа қолай.

**Ҳафиза.** Хўп, хўп, аяжон.

**Ҳафиза** билан **Деҳқонбой** ҳар қайсиси ўз эшигидан чиқади ва кўчада кўришади.

**Деҳқонбой.** Салом, Ҳафизахон! Яхшимисиз?..

**Ҳафиза.** Узларидан сўрасак... Кўринмайсиз?..

Иккови кулиб, қўлтиқлашиб кетади.

**Ҳамробуви.** Умрингдан барака топгурлар, кўп қобил болалар-да!

**Холнисо** ўз айвонига чиқади.

**Холнисо.** Ўртоқ, болалар кетишдими?

**Ҳамробуви.** Ҳа, бир-бирига хўп муносиб-да!.. Икковининг ҳам умрини берсин!

**Холнисо.** Зап қизингиз бор-да! Онасининг боласи-да, онасиннинг боласи!.. Толеимдан ўргилай, пешонамга шундай келин битибди!

**Ҳамробуви.** Деҳқонбой-чи? Деҳқонбойдай йигит етти иқлимда топилармикин? Қани энди ҳар бандайи мўминга Деҳқонбойдай куёву сиздай қайнана насиб қиласа!

**Холнисо.** Бу ёққа чиқсангиз-чи, қуда, бирпас чақчақлашайлик.

**Ҳамробуви.** Жоним билан... Қўсагимни олиб чиқа қолай бўлмаса. Қимирлаган қир ошар...

**Холнисо.** Олиб чиқинг... Қўсак чувишга сиз устасиз-ку, шундоқ бўлса ҳам, қўлимдан келганича қара-шаман.

**Ҳамробуви.** Қўсак чувишда сизга етиб бўладими... (Қўсагини олиб Холнисонинг ҳовлисига ўтади.) Сизнинг қўлингиз машина-ку... (Иккови сўрига ўтириб қўсак чувийди.) Бугун болаларнинг мажлиси бор. Ком-сомол мажлиси...

**Холнисо.** Биламан, қуда.

**Ҳамробуви.** Нима масала экан, билмадингизми?

Иккови ўйинга тушади.

Йиглама, қиз, йиглама, тўй сеники,  
Остонаси тилладан уй сеники...

Ҳамробуви бирдан йиглаб юборади ва уйга томон йўналади.

Ҳолнисо. Ҳой, шошманг... нима, нима бўлди,  
куда?..

Ҳамробуви (йиглаб). Қиз бола шу экан-да,  
катта бўлиб энди қанотингга кирганида пирр этиб учади-  
кетади, учади-кетади...

Ҳолнисо. И-и, қуда, учиб қаёққа борар эди? Ни-  
ҳоятда девор ошар экан... Менинг ўз уйингиз  
эмасми? Шуми ҳали қирқ йиллик қадрдондан чиқсан  
гап? Болаларимиз бир-бирини яхши кўрганига суюнинг!..

Ҳамробуви (йиглаб). Суюнмайманми... Кошки  
тўй баҳонаси билан укам ҳам келса...

Ҳолнисо. Келмасдан нима қиласди? Наҳот Мав-  
лонингиз жиянининг тўйига келмас!

Ҳамробуви. Э, қуда, Мавлонни билмайсиз! Бу-  
нингдай ўжар, бунингдай қайсар... Узимизнинг колхоз  
ёмонмиди? Ўша йиллари Мавлон ударник деб ном  
чиқарган эди-я! Бирдан бошига Мирзачўл савдоси туш-  
ди-ю, кетаман деб туриб олди. Нима дейман? Мендан  
кичик бўлса ҳам, ҳар қалай эркак, индамадим.

Холнисо. Индагандирсиз (ишонмай).

Ҳамробуви. Йўқ, лом деганим йўқ! Сен бола-  
лигинингда ҳам хира эшакдан баттар эдинг, гап кор қил-  
мас эди, энди нима бўлар эдинг дедим, холос... Қетди-  
қолди. Мана энди, Мирзачўлда қамиш ёқиб, шўр ялаб  
үтиргандир.

Ҳолнисо. Одам наҳот Мирзачўлни ҳавас қиласа.  
Худо яратишга яратиб қўйиб, кейин, дафтаридан ўчи-  
риб ташлаган жойлар-ку!

Омон ҳовлиқиб киради.

Омон. Ая! Ая! Ая!

Ҳолнисо. Ҳа, ҳа, нима бўлди?

Омон. Мажлис тамом бўлди. Бюро кетаётибди.

Ҳамробуви. Мен чиқиб чой қўяй бўлмаса. Ҳо-  
зир келаман. (Чиқиб кетади.)

Ҳолнисо. Нима бўлди, болам, мажлисда сени  
танқид қилишдими, рангинг бир аҳволда?

Ҳолнисо. О, қуда, менга айтишармиди.

Ҳамробуви. Соат нечада келар экан?

Ҳолнисо. Менинг соатим тўхтаб қолибди.

Ҳамробуви. Соатим тўхтаб қолибди? Нега тўх-  
табди? Бузилибдими?

Ҳолнисо. Вой, менинг соатим бузиладиган соат  
эмас. Бурамабман. Эрталаб хамиртурушга чиққанингиз-  
да юриб турган эди. Қалай, қуда, хамиртуруш дуруст  
еканми, нонингиз яхши чиқдими?

Ҳамробуви. Сизнинг хамиртуришингиз бўлади-ю,  
емон бўладими? (Бирдан.) Вой, эсим қурсин, сизга  
иссиқ нон бераман деб эсимдан чиқибди.

Ҳолнисо. Майли, майли, ўртоқжон, бир-бири миз-  
нинг ионимизни энди кўрибмизми, қирқ йилдан бери  
еъмиз.

Ҳамробуви югуриб кириб уйидан иккита нон олиб чиқади.

Ҳамробуви. Енг, қуда, жизза солган эдим...  
Соатингизни бурамаганингизни қаранг! Кўнглингизга  
келмасин-ку, қуда, соатни бураш менинг эсимдан ҳеч  
чиқмайди. Раҳматлик поччангиз: «Соат — уйнинг сўфи-  
си» дер эди. «Ҳой, сўфини бурадингми, ҳой, сўфи нега  
жирингламаяпти», деб тураган эди. Соатни бураш эсадан  
чиқса, худо эсадан чиқади-я, жон қуда!

Ҳолнисо. Поччам раҳматлик, соатни сўфи деган-  
лари билан намоз ўқимас эдилар.

Ҳамробуви. Ҳа, ўқимас эди. Сизнинг чолингиз  
ҳам ўқимас эди. Лекин намоз ўқимаса ҳам, жаннати  
одамлар эди. Бу дунёда кўрмади, у дунёда кўрсинг!

Ҳолнисо. Гўрингда тўнғиз кўпгур, Фозилбек ик-  
ковини ишлатиб-ишлатиб, яна қарздор қилиб, эчкимиз-  
ни, кўрпамизни олиб чиқиб кетганда иккови қандоқ  
йиглабланган эди. (Ўпкаси тўлиб.) Икковимиз қандоқ йиг-  
лаган эдик!..

Ҳамробуви (йиглаб). Қандоқ йиглабланган эдик!..

Ҳолнисо. Шундоқ замонлар бўлар экан, иккови  
кўрмай ўлди, кетди.

Ҳамробуви. Кўрмай ўлди, кетди.

Ҳолнисо. Қўйинг, қуда, энди болаларимизнинг  
боши омон бўлсин. Ҳадемай тўй қиласиз, орзу-ҳавас  
кўрамиз. Эсингизда борми: «Ҳай, ёр-ёро келин тушди...»

Ҳамробуви. Қирда тойчоқ кишинайди от бўлдим  
деб...

Ҳолнисо. Уйда келин йиглайди ёт бўлдим деб...

О мон. Э, мен қаёқда-ю, танқид қаёқда?.. Ая, холамнинг олдида айтгим келмади.. Мажлисда Дехқонбой акам тўғрисида гап бўлди...

Холисо. Нима гап бўлди, акангни танқид қилишдими? Вой шўрим!

О мон. Нима бўлса «вой шўрим» экан-да, Дехқонбой акамни мақташди. Ҳафизахон опамни ҳам мақташди.

Ҳамробуви ёвонга чиқади.

Биласизми, Дехқонбой акам билан Ҳафиза опам икковлари... кетадиган бўлишди!

Ҳамробуви (бештиёр). Қаёққа? (Дарров ўзини уйга олади.)

Омон иргиб туриб атрофига қарайди. Ҳеч ким йўқ.

Холисо. Қаёққа? Районгами? Тошкентгами? Гапирсанг-чи! Үқиганими, мажлисгами?

Ҳамробуви деразадан қарайди.

О мон. Икковлари Мирзачўлга кўчиб кетадиган бўлишди.

Ҳамробуви. Вой! (Дарров паст бўлади.)

Омон иргиб туриб атрофга қарайди. Ҳеч ким йўқ.

Холисо. Нима деяпсан ўзинг?

О мон. Мажлисда бўлган гапни гапираётibман. Дехқонбой акам, Ҳафизахон опам, яна бешта комсомол Мирзачўлга кўчиб кетамиз деб сўз беришди. Мен ҳам сўз берай десам, Дехқонбой акам қўймади!..

Холисо. Йўқ! Йўқ! Тушунмагандирсан, болам! Худо сақласин!

О мон. Сиз тушунмаётибсиз, ая! Комсомол мажлиси қилгандан кейин худонинг қўлидан нима келар эди.

Холисо (иргиб туради). Биламан, бу гап Ҳафизадан чиқкан. Бунақа гап ўшандан чиқади. Мирзачўлда ўнинг тоғаси бор, менинг кимим бор. Кўчиб кетадиган бўлса ўзи кетаверсин! Дехқонбойни қўймайман!

Ҳамробуви (деразадан). Биламан, бу гап кимдан чиқкан! Дехқонбайдан чиқкан гап бу!. (Уйдан бўғ-

чалар олиб чиқади ва Холисога улөқтиради.) Мен қизимни шу умид билан бераман, деганимидим! Бўлди! бермайман! Олинг, нарсаларингизни!

Холисо. Вой!. Вой!..

Ҳамробуви. Дехқонбойингиз, Мирзачўлда тургиси бор экан, ўзи кетаверсин, менинг қизимни нега йўлдан уради?

Холисо. Вой, вой, қуда...

Ҳамробуви. Қуда деманг!

Холисо. Вой, қўшни, бу гапни мен айтсам бўлади. Қизингиз менинг ўғлимни йўлдан урган. Керакмас қизингиз! Дарахтни силкитсанг қиз ёғилади.

О мон. Ая, гапни ўйлаб гапирсангиз-чи!

Холисо. Мен ҳали ҳеч нарса деганим йўқ! Сен аралашма! Бор. (Омонни ҳайдайди.) Болагинам шунча йил урушда юриб ўз қишлоғини, уйини соғиниб келган, нучук эканки, соғиниб келган колхозини ташлаб Мирзачўлга кетар экан? Мирзачўлда сизнинг укангиз бор, қизингиз тоғасининг олдига борар экан, ўзи бораверсин, менинг ўғлимни нега йўлдан уради?

Ҳамробуви. И-и-и, вой, қуда...

Ҳолисо. Қуда деманг!

Ҳамробуви. Вой, овсин, ҳеч жаҳонда қиз бола ҳам йигитни йўлдан урадими?

О мон. Ая! Хола! Қўйсаларинг-чи!

Холисо. Нега йўлдан урмас экан! Йигит билган гапни қиз ҳам билади. Ҳозирги қизлар ота соқоли кўкрагига тушган эркакларни мусобақага чақиради, трактор минади! Ҳа! Женотдел замони ўтиб кетган. Ҳозирги қизларнинг ҳар бири бир женотдел! Ҳафизанинг ўзи ўнта женогдел!

Ҳамробуви (бақириб). Отини оғзингизга олманг!

О мон. Хола! Ая! Бақирмасаларинг-чи!

Ҳамробуви. Мен ҳали бақирганим йўқ... Мен қизимни куёвга бераман, орзу-ҳавас кўраман деган ниятдаман, наҳотки Дехқонбойнинг бўйнига қўнғироқдай осиб қўйману Дехқонбой қаёққа борса бўйнида жиринглаб кетаверади деган бўлсам!..

Холисо. И-и-и, қуда... Йўқ, қўшни, оғзингизга қараб гапиринг! Дехқонбой тўяниди бўйнига қўнғироқ осади?

Ҳамробуви. Туя! Туя! Туя бўлмаса Ҳафизанинг бўйнига осиб олмоқчи бўлармиди! Туя!

Ҳолисо. Нима дедингиз?!

Ҳамробуви. Туя!..

Холнисо. Яна битта айтинг шу гапни!..  
Ҳамробуви. Туя! Туя! Туя!  
Холнисо. Ҳали шунақами? Чиқинг, ҳозир уйимдан чиқиб кетинг!..

Ҳамробуви. Ҳали шунақами? (Ўз ҳовлисига чиқади.) Бўлти!.. Қиз болани йўлдан урадиган одамга тушиб қолган қизим йўқ!

Холнисо. Ким кимни йўлдан урибди?  
Ҳамробуви. Уғлингиз қизимни йўлдан урган! Ана у Озарбойжонга тажриба олиб борганида ҳам йўлдан уриб хат ёзган эди.

Омон. Тажриба олиб боргани йўқ, тажриба алмашгани борган.

Ҳамробуви. Бари бир, йўлдан уриб хат ёзган.  
Холнисо. Нима деб хат ёзибди, Мирзачўлга кетамиз дебдими?

Ҳамробуви. Мирзачўл ҳам гапми, (куюниб) Қавказ тоғларига кетамиз деган!..

Холнисо. Ёлгон!  
Ҳамробуви. Ёлғонми?  
Холнисо. Ёлғон! Ёлғон! Ёлғон!  
Ҳамробуви. Хўп, ҳозир хатини олиб чиқаман.  
Омон (қизиқиб). Олиб чиқинг-чи, хола!

Ҳамробуви уйга киради.

Холнисо (тугунларни титкилаб). Ӯғлимни Мирзачўлга олиб кетар эмиш-а! Олиб кетиб бўлти! Омон, ғижим рўмол қани, ғижим рўмол! Ҳа, бу ёқда экан...

Ҳамробуви хатни олиб чиқади.

Ҳамробуви. Ёлғонми? Мана! (Холнисонинг ҳовлисига ўтади ва унинг ҳайдагани эсига тушиб дарров қайтади.) Ҳой Омон, ма, ўқи! Менинг кўзим ўтмайди. (Омонга девор оша бир хатни беради.) Пастроғидан ўқи! Пастроғидан...

Омон (ўқийди). ... кетаётган куним...  
Ҳамробуви. Ана! Эшитинг!  
Омон. Сизни яна битта...  
Ҳамробуви. Эшитинг! Эшитинг!  
Омон. «Яна битта, биттагина ўпмаганимга пушай-монман...»

Ҳамробуви. Вой шарманда!. Бу ёқса бер! Бер! Бер дейман!.. (Холнисонинг ҳовлисига ўтади, хатни

Омоннинг қўлидан юлиб олади.) Мана, бунисини ўқи-чи... пастроғидан...

Омон (ўқийди ва қотиб-қотиб кулади). Буниси ҳам шунақа...

Ҳамробуви. Бу ёқса бер! Мана, бунисини кўрчи...

Омон (ўқийди). Бирга келсак.  
Ҳамробуви. Ана!

Омон. «Қўл ушлашиб юрсак... Денгиз бўйларини, Кавказ тоғларини кезсак...»

Ҳамробуви. Ана! Кавказ тоғлари! Мирзачўл ҳам гапми!

Омон. Саёҳатга бормоқчи бўлишган!

Холнисо. Саёҳат!. Саёҳатни биласизми?

Ҳамробуви. Бари бир, йўлдан уриб хат ёзганми? Ёзган!.. Ёзган!.. Қиз боланинг бошини айлантириб.

Холнисо. Ким кимнинг бошини айлантирибди?

Омон. Аяжон!.. Хола!..

Ҳафиза билан Деҳқонбой киришади.

Холнисо. Ҳафизангиз кўзимга кўринсин-чи, нима қиласман!

Ҳамробуви. Деҳқонбойингиз кўзимга кўринсин-чи, нима қиласман!

Ҳафиза. Билишибди-ку.

Деҳқонбой. Омон шу ердами? Масала ҳал. Сиз уйга киринг. Мен ҳар қалай, жанг кўрган одамман, аввал мен рўпара бўла қолай,

Деҳқонбой (Ҳамробувига). Тинчликми?

Иккала кампир тескари ўгирилади.

(Омонга.) Дарров айтибсан-да!  
Омон. Айтганим йўқ, маълумот бердим, холос. (Қочиб чиқиб кетади.)

Деҳқонбой. Мирзачўл тўғрисида гаплашаётган эдиларинг шекилли.

Холнисо. Юр деса кета берасанми? Ким айтади сени йигит деб!

Ҳамробуви. Қиз боланинг бошини айлантириб.. йўлдан уриб... Сизни шу умид билан куёв қиласман деғанимди!..

Деҳқонбой. Бормаймиз! Бормаймиз!..

Ҳамробуви. Бормайсизларми?  
Деҳқонбой. Сизлар рози бўлмасаларинг ҳеч қаёққа бормаймиз.

Ҳамробуви (*қатъий*). Мен рози эмасман!

Деҳқонбой. Бўпти, бормаймиз...

Холнисо. Эшитдингизми, қуда? Менинг ўғлим онасининг розилигига қарайди. Болам, шу гап аввалбoshi кимдан чиқди?

Ҳамробуви. Аввалбоши сиздан чиққандир-да?

Холнисо. Шошманг, қуда...

Деҳқонбой. Аввалбоши бу гап.., комсомол съездидан чиққан эди. Съездда комсомолларинг Мирзачўлга юриши тўғрисида гап бўлган эди.

Холнисо. Ана, эшитдингизми? Съезд!

Деҳқонбой. Ундан кейин комсомол мажлисида гап бўлди.

Ҳамробуви. Ҳафизани мажлисга сиз бошлагандирсиз-да!

Деҳқонбой. Нега мен бошлайман, комсомол бўлгандан кейин мажлисга боради-да.

Холнисо. Боради-да!

Деҳқонбой. Ўэзимизнинг колхозда-ку, бир парча ерни бўш қўйгани кўзимиз қўймайди; ҳеч бўлмаса ошқовоқ, у ҳам бўлмаса супурги экамиз. Мирзачўлда шунча ерни қамиш-қиёқ босиб ёта берадими? Нима учун Мирзачўлга бормаймиз, янги ерлар очмаймиз?

Ҳамробуви. Ана, қуда, эшитинг!..

Холнисо. Хой, нима деяпсан ўзинг?

Деҳқонбой. Мен мажлисда бўлган гапни гапи-раётибман. Бормаймиз!

Ҳамробуви. Бормайсизларми?

Деҳқонбой. Сизлар рози бўлмасаларинг қаёққа борамиз?

Ҳамробуви (*қатъий*). Мен рози эмасман.

Деҳқонбой. Бўпти, бормаймиз.. (*Паузадан кейин*) Ота-боболаримиз ер деб, сув деб доғ-ҳасратда ўтган экан. Мана ер, мана сув.. Трактор бўлса, ҳукуматимиз ёрдам берса, худо йўл қўйган хатоларни тўғрилаётган олимларимиз бўлса...

Ҳамробуви. Астағфирилло денг, болам!

Холнисо. Астағфирилло дегин!

Деҳқонбой. Мана шунаقا гаплар бўлганда мен Ҳафизага қарадим, Ҳафиза менга қараб турган экан. Икковимиз жилмайиб қўйдик.

Ҳамробуви. Аввал сиз жилмайгандирсиз-да!

Деҳқонбой. Аввал мен жилмаймасам, Ҳафиза жилмаяр эди, аввал у жилмаймаса, мен жилмаяр эдим...

Иккала кампир бир-бирини қучоқлаб йиғлади,

Э, ахир бормаймиз дедим-ку!

Ҳамробуви. Бормайсизларми?

Деҳқонбой. Сизлар рози бўлмасаларинг бормаймиз!

Ҳамробуви (*қатъий*). Мен рози эмасман!

Деҳқонбой. Бўпти, бормаймиз!..

Ҳамробуви. Ҳа, баракалла, болам. Шуни Ҳафизага ҳам тушунтиринг. Ҳафиза қаёқда қолди экан?

Деҳқонбой. Уйда, бирга келган эдик.

Ҳамробуви. Шундақами... Мен бу ерда лақиллаб ўтирибман. Чиқай бўлмаса. Овқатини берай...

Холнисо (*туғуларга имо қилиб*). Куда!..

Деҳқонбой. Бу нима?

Ҳамробуви (*хижолат бўлиб*). Шамоллатгани олиб чиққан эдик.

Иккала кампир тугуларни Ҳамробувининг уйига олиб киришади.

Холнисо. Сен ҳам овқатингни егин! (*Уйига киради*).

Деҳқонбой (*ўзи ёлғиз*). Онажонларим, тилимиз янги чиққан вақтларда-ку, чала-чулпа айтган гапларимизга тушунар эдиларинг, ҳозир нега гапимизга тушумайсизлар!

Ҳафиза (*киради*). Аямни қанақа қилиб кўнди-дингиз? Мен ўн кечаю ўн кундуз йиғлармикин деб ўйлаган эдим. Сизни дуо қилиб ўтирибди.

Деҳқонбой. Бормаймиз, сизлар рози бўлмасаларинг, бормаймиз дедим.

Ҳафиза. Ие!. Жанг кўрган одамман деган эдингиз шекилли.

Деҳқонбой. Бу жангда сабр тактикасини қўллаш керак. Сабр қылсак оналаримиз ўзлари оқ йўл тилаб кузатиб қўйишади.

Ҳамробуви (*товуши*). Ҳафиза, овқатингни егин!

Деҳқонбой. Кейин гаплашамиз.. Мен сизни боғда кутаман.

Ҳафиза кетади,

**Холнисо** (овқат олиб чиқади). Қарилик қурсин, подадан олдин чанг чиқарыб сени хафа қилаёздик-а...

**Деҳқонбой.** Сизлар хафа бўлмасаларинг бўлганида, онажон...

Омон югуриб киради.

**Омон.** Деҳқонбой ака, деворий газета чиқди. Клубга осиб қўйишиди. «Мирзачўлга кетаётган илгор комсомолларга шон-шарафлар бўлсин!» деб ёзишибди. Отларингни катта-катта қилиб ёзишибди...

**Холнисо.** Кир, уйга кир, овқатингни егин!

**Омон.** Бир кун эмас, бир кун менинг тўғримда ҳам шунаقا деб ёзишади. (Уйга кириб кетади.)

**Холнисо.** Болам, отинг газетага тушган бўлса, энди нима бўлди!

**Деҳқонбой.** Бундан илгари мажлисга ҳам тушган эди... Нима бўлар эди, отимни газетадан ўчириб қўйинглар, аям қўнмаётидилар, дейман-да...

**Холнисо.** Қандоқ бўлади.. (Ўйлаб туриб бирдан.) Болам, Мирзачўлнинг ҳавоси менга ёқмайди деб доктордан қофоз олсанг-чи!

**Деҳқонбой.** Ая, аяжон, шу ҳам гапми!. Уялмайсизми... Қим айтади сизни тушунган хотин деб!

**Холнисо** (хижолат тортиб). Ахир... болам... шу ерда ҳам иккининг бири, колхозимизнинг кўрки эдингку. Урушдан орден олиб келдинг, худо хоҳласа, пахтага ҳам орден олар эдинг... Бу ҳам кўкрагингда яшиар эди.

**Деҳқонбой.** Онажон, орден деган нарса олга юрган кишининг кўкрагида яшнайди.

**Холнисо.** Олға юраман деган киши Мирзачўлга бориши керак эканми? Нега ўйламай иш тутасан?

**Деҳқонбой.** Урушга борганимда оқ йўл тилаган эдингиз, бу сафар ҳам оқ йўл тиларсиз дебман-да...

**Холнисо.** Урушнинг йўриғи бошқа эди. Унда сени әл-юрг чақирган эди!

**Деҳқонбой.** Ҳозир-чи? Партиямиз чўл-биёбларни обод қилинглар дегани мени чақиргани эмасми?

**Холнисо.** Болам, жон болам... (айғламсираб.) Мени яна ташлаб кетасанми?

**Деҳқонбой.** Нега ташлаб кетар эканман? Борамиз, ўрнашамиз, уй-жой қиласиз... Ундан кейин келиб Ҳамробуви холам икковларингни олиб кетамиз-да.

**Холнисо.** Ҳамробуви бориб бўпти! Ҳафизани ҳам юбормайди. Унга гап ўқдириб бўладими?

**Деҳқонбой.** Мен ўқдира олмасам сиз ўқдира оласиз.

**Холнисо.** Менинг гапимга қулоқ солармиди. Укасидан ҳам баттар ўжар!

**Деҳқонбой.** Нега қулоқ солмайди? Қирқ йил қулоқ солиб қелиб, энди қулоқ солмайдиган бўлиб қолдими? Нега? Нима ёмонлик қилдингиз холамга?

**Холнисо.** Мени энди... агитатор қилмоқчимисан?

**Деҳқонбой.** Тушунган ҳар бир хотин агитатор-да. Ё тушунмаган хотинмисиз?

**Холнисо** (ўйлаб). Ҳозир гапирайми?

**Деҳқонбой.** Агитатор деган ишни пайсалга солмайди.

**Холнисо.** Майли... Сен овқатингни еятур бўлмаса. Кетиб қолма, адашиб кетсан, келиб сўрайман. Қариган чоғимда агитатор ҳам бўлдим! (Ҳамробувининг ҳовлисига ўтади.) Қуда, ҳо қуда!..

**Ҳамробуви** (ўйдан чиқади). Лаббай... келинг, қуда...

**Холнисо.** Зерикиб кетдим, бирпасгина лақиллашайлик деб чиқдим...

**Ҳамробуви.** Жоним билан... киринг, киринг, жон қуда.

Иккови уйга кириб кетади. Омон киради.

**Омон.** Ака! Сизга айтаман деб эсимдан чиқиб қолибди. Комсомол комитетидан топшириқ олдим.

**Деҳқонбой.** Нима экан?

**Омон.** Автомоделистлар тўғараги ташкил қиласман. Жуда кўп бола ёзилди. Биласизми, ҳозир мен нима ясаётиман?

**Деҳқонбой** (хаёли ичкарида). Трактор!..

**Омон** (аҷчиғи келиб). Трактор учадими? Тез учар самолёт ясаётиман.

Кампирларнинг товуши эштилади. **Деҳқонбой** шошиб Омонни уйга ҳайдаб ўзи даражатинасига ўтади.

**Омон.** Битта қаноти битди. Кўрсатайми? Эртага кўрсатаман... (Уйга киради.)

Ҳамробуви билан Ҳолнисо киради.

**Ҳамробуви.** Йўқ! Гапирманг! Гапирманг!

**Холнисо.** Аввал гапимга қулоқ солинг, қуда...

**Ҳамробуви.** Үғил сизники, Үғил сизники бўлгандан кейин мен нима дейман, индамайман.

**Холнисо.** Менга қаранг, қуда, қирқ йилдан бери ўртоқмиз-а? Қирқ йилдан бери сизга бирон ёмонликни раво кўрдимми?

**Ҳамробуви.** Чиқинг! Ҳозир уйимдан чиқиб кетинг!

**Холнисо** (ўз ҳовлисига ўтиб). Тушунмаган хотиндан хафа бўлишинг хожати йўқ.

**Ҳамробуви.** Нима! Нима дедингиз?

**Холнисо.** Тушунмаган хотиндан хафа бўлиш керак эмас дедим.

**Ҳамробуви.** А, мен тушунмаганга чиқдимми? (Иғламсираб.) Қирқ йилдан бери қадрдан эдик, энди мен тушунмаганга чиқдиму, сиз тушунган бўлиб қолдингизми?

**Холнисо.** Тушунган бўлиб ҳали газетага тушганим йўқ, лекин ҳар ишга сиздан олдинроқ тушунаман.

**Ҳамробуви.** Мен сиздан кейинроқ тушунаманми? Нимани сиздан кейин тушунибман? Қани, айтинг!..

**Холнисо.** Ер ислоҳоти эсингизда борми? Ҳукумат бойларнинг ерини, от-улови билан тортиб олиб камбағалларга бўлиб берганда «бу ҳаром» деган ким эди?

**Ҳамробуви.** Айтган бўлсанм ичимдан чиқариб айтганим йўқ. Қудратилла маҳсумнинг гапини айтганиман. Ўшандай деган бўлсанм ҳам, ер олганмиз!

**Холнисо.** Ер олдиларинг-ку, лекин биздан кейин олдиларинг. Мен «ҳукумат шундоқ қиласмиш» деб эшишим билан Ленинни дуо қилганман. Мана шу мендан кейин тушунганингиз бўлади! Паранжи ташлаганда-чи.

**Ҳамробуви.** Буниси тўғри, паранжини сиздан бир йил кейин ташладим.

**Холнисо.** Бир ярим йил кейин ташлагансиз, ҳисобдан адашманг! Колхозга киришда-чи.

**Ҳамробуви.** Тўғри, сиздан кейин кирганман... Худоё колхозимиз у дунёю-бу дунё кам бўлмасин!

**Холнисо.** Шуни айтаман-да, мен тушунган нарсага сиз ҳам тушунмай қолмайсиз. Мен ҳозир мана бу ишга — Мирзачўлга тушуниб турибман, бориб-бориб сиз ҳам тушунасиз демоқчиман. Тушунасиз, лекин... кейин! Мендан кейин тушунасиз!

**Ҳамробуви.** Ахир, жон қуда, нега ундоқ дейсиз! Нега тушунмас эканман! Тушунаман, тушуниб турибман! Лекин биттаю битта қизим... (ўпкаси тўлиб.) Орзу ҳавас кўраман деганимда мени ташлаб кетса...

**Холнисо.** И-и-и, қуда, нега ташлаб кетар экан. Боришиади, уй-жой, мол-ҳол қилишади... Уидан кейин келиб бизни ҳам олиб кетишади-да! Мирзачўлга нима қипти, укангиз шунча йилдан бери турибди-ку! (Ҳамробувининг ҳовлисига ўтади). Юринг, қуда, Ҳафизани суюнтирайлик... Юринг! (Ўйга киришади.)

**Деҳқонбой** (ўзича). Жуда яхши агитатор экансиз-ку, онажон, яна адашиб кетаман дейсиз...

**Ҳафиза** чиқади.

**Ҳафиза.** Деҳқонбой ака, бўлди! Кетамиз! Аям билан холам йўлга нима пиширсак экан деб маслаҳат қилиб ўтиришибди!

Каттакон китоб кўтариб Омон чиқади.

**Деҳқонбой.** Бунақа жангда сабр тактикаси қўлланилса шунақа бўлади. Мана энди Мирзачўлга бориб тонги толқон қиласмиш!

**Омон.** Ҷўлда тог бўладими! Дарсликда «тог бўлмайди» дейилган. Мана!

**Деҳқонбой.** Биз дарсликни ҳам ўзгартирамиз.

**Омон.** Бир оз қисқартириб берсаларинг ёмон бўлмас эди. (Кўчага чиқиб кетади.)

**Деҳқонбой** девордан ошиб Ҳафизанинг олдига ўтмоқчи бўлади ва уни ўтмоқчи бўлади.

**Ҳафиза.** Ҳай-ҳай... бевош бўлманг.

Ашула эшитилади:

Сенга мафтун бўлиб севиб қолганим,  
Ишқинг оловида ўртанганим рост...

**Ҳафиза** (қўшилади).

Сенинг ёдинг билан нафас олганим,  
Исминг такрорлашга ўрганганим рост...

**Деҳқонбой.** Яхши ашула экан...

**Ҳафиза.** Уруш йиллари чиққан ашула.

**Деҳқонбой.** Узингиз чиқарганмисиз?

**Ҳафиза.** Йўқ, мен мафтун бўлган, мен ишқида ўртанган киши...

**Деҳқонбой.** Йўқмиди?

**Ҳафиза.** Бўлса ҳам мен унга «қўшнининг қизи» эдим, холос. Фронтдан онасига ёёган хатларида «қўшниниз Ҳамробуви холам ва унинг қиёчга салом» дер эди!

**Деҳқонбой.** Эсингиздан чиқмаган экан!

**Ҳафиза.** Эсдан чиқадиган саломми?

**Деҳқонбой.** Мен фронтга кетганимда кичкинагина қизча, Омондан салгина катта эдингиз-да. Бир куни Ўзбекистондан газета олдим: қарасам, Ҳафизахоннинг сурати: «Пахта далаларининг стахановчиси «Хурмат белгиси» ордени билан мукофотланди...»

**Ҳафиза.** Уша суратимни фотограф далада олган эди. Афт-бошим чанг, соchlарим тўзғиган... Хўп кулган-дирсиз...

**Деҳқонбой.** Ўҳӯ, у суратга менинг кўзим билан қарасангиз эди. Қўзларим қамашиб кетди!..

**Ҳафиза.** Қайтиб келганингиздан кейин шунинг учун бир йилча юзимга қаролмай юрган экансиз-да...

**Деҳқонбой.** Аввал сизга муносиб йигит бўлишим керак эди.

**Ҳафиза.** Муносиб эмасмидингиз?! Аям муносиб йигит деган эдилар-ку!

**Деҳқонбой.** Ўзингиз-чи?

**Ҳафиза.** Вой, мен айтмасам аям қаёқдан билар эдилар!

**Холисо билан Ҳамробуви уйдан чиқади.**

**Ҳамробуви.** Секин, эҳтиёт бўлинг, қуда, зина қийшайиб қолибди.

**Холисо.** Биламан, қудажон... юринг, қуда. Эшикни мен оча қолай. Ўтинг...

**Ҳамробуви** (эшикдан ўтиб деворни силайди). Қуда, мана шу деворни поччангиз урган эди. (*Йигламсираф*.) Чолгинам урган эди!

**Холисо.** Ҳа... (*Йигламсираф*.) Менинг чолим лой бериб турган эди.

Иккала кампир йиглайди.

**Деҳқонбой.** Ие, агитатор деган ўзи қўшилишиб йигдамайди-да!

**Холисо.** Қандоқ қилай, даданг лой бериб турган эди.

**Омон** киради.

**Ҳафиза.** Онажонларим, ҳамма ўзининг эски де-ворини қучоқлаб ўтира берса юрт қачон обод бўлади?

**Деҳқонбой.** Мирзачўлда катта-катта ёруғ уйлар соламиз.

**Омон.** Москвада қурилаётган иморатлардай йигирма қават, ўттиз қават иморатлар соласизлар-а, Деҳқонбой ака?

**Деҳқонбой.** Ўттиз қават бўлмаса ҳам Москва кўринадиган иморатлар соламиз. Қаер обод бўлса, ўша ердан Москва кўринади.

**Ҳамробуви.** Чўлни обод қилиш савоб.

**Холисо.** Албатта! Қани, қуда, болаларга фотиҳа берайлик.

**Ҳамробуви.** Илоҳи омин... Ҳой, қизим, борганингдан кейин тоғанг менга бетўхтов хат қилсин!

**Ҳафиза.** Хўп.

**Ҳамробуви.** Илоҳи омин... Деҳқонбой болам, бу тоғасиникида турса, сиз бошқа жойда туриңг... Айб бўлади.

**Деҳқонбой.** Хўп, мен жуда узоқда тураман.

**Ҳафиза.** Ая! Шам гапми?..

**Ҳамробуви.** Мен омади гапни атаётибман... Илоҳи омин... Ҳой, қизим, тоғанг чизган чизиқдан чиқма! Деҳқонбой болам, сиз ҳам Мавлоннинг маслаҳати билан иш тутиңг!

**Холисо.** Албатта!

**Деҳқонбой.** Мавлон ака Ҳафизахонга тоға бўлсалар, менга ўз акам...

**Ҳамробуви.** Омин, шайтоннинг бўйни синсин!

**Омон.** Хола, шайтон хурофот, йўқ нарса!

**Ҳамробуви.** Бор-бор! Сенга қолса худони ҳам йўқ дейсан!.. (*Бирдан*) Вой эсим қурсин!..

**Деҳқонбой.** Тағин нима бўлди? Ҳозир фотиҳа бердингиз-ку!

**Ҳамробуви.** Вой шўрим... Сўфини бураш эсимдан чиқибди!

## Парда

### ИККИНЧИ ПАРДА

Мирзачўл. Бир томонда қамиш билан ёпилган қатор уйлар уфқа туташган, олдинги планда ўша уйлардан бири. Бир томонда уфқадан чиқиб келган канал. Каналнинг сўл бети пахтазор, ўнг бети очилмаган кўриқ. Пашишахона туттилган сўрида **Мавлон** ака ётибди. Қўлида папка, **Салтанат** югуриб киради.

**Салтанат (камидир қидиради).** Одилов ака! Одилов ака!..

**Мавлон (пашаҳонадан бошини чиқариди).** Менга қара, Салтанат, сўфи аzon айтганини эшитганимисан?

**Салтанат.** Йўқ, Мавлон ака, умримда эшитган эмасман.

**Мавлон.** Сўфидан ҳам бақироқ бўлибсан. (Яна ётади.)

**Салтанат.** Қечирасиз, Мавлон ака, тобингиз қочгани эсимдан чиқибди. Парторгни қидириб юрибман... (Бармоғини букиб.) Раис МТСдан келгани йўқ — бир... парторт йўқ — икки... Комсомоллар келиб қолишиди...

**Мавлон (бошини кўтариб).** Нима?

**Салтанат.** Комсомоллар келишиди...

**Мавлон.** Шундоқ демайсанми ахир!..

**Салтанат.** Айтаётиман-ку...

Мавлон ўрнидан туради.

Турманг, турманг, Мавлон ака!. Қасал одам, нима қиласиз туриб...

**Мавлон.** Менга ўргатма! Узим биламан... (Уйга киради ва дарҳол тўн кийиб, этик кўтариб чиқади.) Комсомоллар қаердан келишибди? Қайси райондан?

**Салтанат.** Анжан областидан... Ётинг дейман!,.. **Мавлон ака!**

**Мавлон (этик кияётуб).** Анжан областидан? Бизнинг райондан эмасмикин?

**Салтанат.** Одилов акам қимиrlамай ётинг демодиларми?.. Кўймайман!..(Бир пой этигини олиб қоҷади.)

**Мавлон.** Салтанат. Бер бу ёққа! Аччиғимни келтирма! Колхозга комсомоллар келганда, бригадир деган ялпайиб ётмайди. Меҳмонларни ким кутиб олади? Бригадир кутиб олиши керак! Мавлон кутиб олиши керак! Қанча одам келиби?

**Салтанат.** Қўпчилик...

**Мавлон.** Қизлар ҳам борми?

**Салтанат.** Учта қиз...

**Мавлон.** Шуларнинг биттаси менинг жияним эмасмикин? (Жўнайди.)

**Салтанат (Мавлоннинг кетидан югуриб).** Жиянгиз келиши керакмиди? Ётсангиз бўлар эди... Одилов акам хафа бўладилар.

**Иккови чиқиб кетади.**  
Машина гураллайди, тўхтайди. Товушлар. Елқасига термос ўған семиз киши — Раҳимжон киради.

**Раҳимжон (ташқаридан шофёрга).** Қарим, шошима, ҳозир тахта топиб бераман, филдиракнинг тагига қўйиб бос-чи... Мана, тахта... Қарим! (Тахтани беради.) Ма! (Машина гураллайди.) Йўқ-йўқ, бўлмади... орқага юр-чи... Йўқ-йўқ... Бўлмайди, филдирак ботиб кетди.

Одилов киради. У жон куйдираётган Раҳимжонни кўриб тўхтайди ва кулимсираб қараб туради.

Карим! Моторни ўчир, бензинни нобуд қилма! Ҳў, кўрдингми, трактор турибди. Бориб айт: «раиснинг машинаси ариққа тиқилиб қолди, чиқазиб беринглар» дегин. (Одилови кўриб.) Э, ўртоқ парторт... Салом, ўртоқ Одилов. (Хижолат бўлиб.) Машинанинг оёғи тойиб кетди...

**Одилов.** Жуда тез ҳайдабсиз-да...

**Раҳимжон.** Э, ўртоқ Одилов, раис тез ҳайдамаса бўладими!.. Иш кўп, кун қисқа... Машинада юриб оёқдан қоламан-да!. Бирпас дам олайлик... Бир пиёла кўк чой ичмайсизми? (Термосни очади.) Сомонхонага ўт тушди... (Чой ҳўплаб.) Бай-бай, зап чой бўлибди-да!..

**Одилов.** МТСга бордингизми?

**Раҳимжон.** МТСга бордим, пахта пунктига кирдим... Яхшиям кирганим: саккиз арава пахтамиз ўтмай турган экан, жанжал қилиб зўрга ўтказдим. Бугун-эрта яна иккита сушилка солмасак бўлмайди. Тахта бор, сушилка соглани одам йўқ, ҳамма пахтада... Бир ёмғир ёғса борми?.. Бу комсомоллар кела қолса-чи-я!..

**Одилов.** Эрталаб штабга телефон қилган эдим.

**Раҳимжон.** Хўш?

**Одилов.** Бугун-эрта келиб қолишар.

**Раҳимжон.** «Бугун-эрта...» Идорадан келаётган мидингиз?

**Одилов.** Йўқ, даладан... фермага кетаётиман. Йўлакай Мавлон акамни кўриб ўтай дедим.

**Раҳимжон (ҳайрон бўлиб).** Нима, нима қипти Мавлон акага?

**Одилов.** Далада безгак тутиб қолди. Машинага солиб жўнатган эдим.

**Раҳимжон.** Ҳай, аттанг!.. Шундай вақтда энг яхши бригадир касал бўлиб қолса-я...

**Одилов.** Юринг, кўриб чиқайлик.

**Раҳимжон.** Юринг, юриинг... (*Шофёрга*). Карим, бўлаэздингми? Бўлсанг, мени чақир!

**Товуш.** Орқа ғилдиракнинг дами чиқиб кетди.

**Раҳимжон.** Садқай машина кетсин! Сенга ким қўйибди машина минишни, эшак арава олиб бераман...

**Одилов** эшикни тақиллатади, ҳеч ким товуш бермайди.

**Одилов.** Ухлаб қолибди. Қўйинг, уйғотмайлик.

**Раҳимжон.** Йўқ, уйғотмаймиз, секин кириб кўриб чиқамиз-да... Кечгача бошқа фурсат бўлмайди... (*Эшикни секин очиб бир қадам қўяди ва орқасига қайтади*.) Уртоқ Одилов, сиз кира қолинг... Мен оғирроқман, тахта фижирлаётиди..

**Одилов** уйга киради, Раҳимжон диққат билан ичкарига қулоқ солади.

**Одилов (товуши).** Одам ҳам шундоқ қайсар бўладими?.. Шу ҳам гап бўлдими?

**Раҳимжон (ҳайрон бўлиб).** Ие, касал одамга-я!..

**Одилов** чиқади.

(*Тажсанг бўлиб*). Касал кўриш ҳам шунақа бўладими?..

**Одилов.** Қани касал? Йўқ!.. Чиқиб кетибди!..

**Раҳимжон (завқ қилиб).** Ажойиб одам-да, Мавлон ака! Далага чиқиб кетгандир-да! Касал ҳолида дала га чиқиб кетса-я? Қаранг! Ғайратига чидамайди!

**Одилов.** Ғайрати-ку яхши, лекин ўжарлиги ёмон!

**Раҳимжон.** Ҳар кимда бир камчилик бўлади-да: бирор ўжарроқ, бирор сал (*қорнини силаб*) семизроқ..

**Одилов.** Бирор ҳар камчиликка бир важ кўрсатади..

**Раҳимжон (кинояга тушуниб).** Бирор шундай яхши бригадирни ҳар важ билан сўкаверади.

**Одилов (кулиб).** Яна бирор танқидни сўкиш деб тушунади. (*Жийдий*.) Мавлон аканинг мана шунақа ўжарлиги бир куни эмас, бир кун ўзига ҳам, колхозга ҳам жуда қимматга тушади.

**Салтанат (товуши).** Раҳимжон ака!

**Одилов.** Салтанат сизни қидириб юрибди... Хўп, мен фермада бўламан (*кетади*).

**Раҳимжон (ташқарига).** Карим, бўлдингми?

**Карим (товуши).** Ҳозир...

**Раҳимжон.** Бўлмаса мен чой йичиб олай. Бўлсанг чақир. (*Термосга қарайди, чой йўқ*.)

**Эрмат (товуши).** Чойни ичиб бўлгандан кейин чойнакни хор қилмай дарров элтиб берсанг бўлмайдими! Ота-буванг чой кўрганми ўзи!..

**Раҳимжон.** Эрмат! Ҳо, Эрмат!

**Қўлида бир талай чойнак, Эрмат киради.**  
(*Термосни узатиб*)

Чойга ялчитмасанг шунақа бўлади-да! Ма, дамлаб кел! Эрмат. Ие, ҳозир дамлаб берувдим-ку!

**Раҳимжон.** Чойинг ҳам ўзингга ўхшаган — бараси йўқ...

**Эрмат.** Сизга чой чидамайди, бўйнингизга бир хум айрон осиб қўя қолай! (*Чиқади*.)

**Раҳимжон (кетидан).** Айронни ўзинг ич, бўйнинг ўсади...

**Салтанат** киради.

**Салтанат.** Раҳимжон ака! Раҳимжон ака!  
**Раҳимжон.** Салтанат, мен бу ёқдаман!..

**Салтанат** пашшахонанинг бир чеккасини кўтаради.

**Салтанат (энтикиб).** Сизни қидира бериб оёғимда оёқ қолмади, Раҳимжон ака!

**Раҳимжон.** Секретарь деган раисни қидиргани яхши-да!. Нафасингни ростлаб ол.

**Салтанат.** Кейин ростлайман... Комсомоллар келишди — бир...

**Раҳимжон.** Э-э-э, келишдими? Шундоқ демайсанми?

**Салтанат.** Айттаётиман-ку!..

**Раҳимжон.** Үзим кутиб олишим керак эди-я! Чой, овқат...

**Салтанат.** Айтдим, овқатга уринаётиди — икки... Етоқхонани тайёр қилдириб қўйган эдим — уч...

**Раҳимжон (хурсанд бўлиб).** Аммо-лекин кетиворган секретарсан-да!. Сал семирсанг раис бўласан!. (*Шофёрга*) Карим, мунча ивирсидинг, бўлдингми?

**Товуш.** Машина тайёр!

**Раҳимжон (машина томон юради).** Салтанат, раисга етиб юр...

**Салтанат (кетидан чопиб).** Мавлон аканинг жияни келди. Куёви ҳам келибди...»

**Раҳимжон** (тўхтаб). Ие, Мавлон ака да яада юрибди..

Салтанат. Мавлон ака правлениеда. Комсомоллар билан гаплашиб ўтирибди.

**Раҳимжон** (завқ қилиб). А! Комсомолларни ҳаммадан олдин кутиб олди дегин!. Оббо Мавлон ака-е, ҳар ишда биринчи-я!. Жонинг роҳат қилади.

Иккови чиқиб кетади. Машина жўнайди.  
Мавлон, Ҳафиза, чамадон кўтариб Деконбой киради,

**Мавлон** (үйни кўрсатиб). Мана, Ҳафиза, тоғангнинг уйи. Ўз уйинг (бирдан). Қап-катта бўлиб қолипсан-а, жияним!. Үзим ҳам Деконбой билан келарсан деб ўйлаган эдим.

Ҳафиза уялиб уйга кириб кетади.

Қани, Деконбой, уйга кирайлик...  
Деконбой. Ҳозир, тоға...

Мавлон Деконбайнинг қўлидаги чамадонлардан бирини олиб уйига киради. Деконбой қолган чамадонни ерга қўйиб атрофга қарайди. Мавлон қайтиб чиқади,

Мавлон. Ҳа, қандай биёбонга келиб қолдим деб чўчиб кетдингми?

Деконбой. Йўқ, тоға, чўчиганим йўқ..

Мавлон. Ҳимм. Мирзачўлдан ҳозир ҳам чўчидиган одамлар бор. Илгариги Мирзачўлни кўрганинг йўқ. Мен келганда мана шу ерларда гиёҳ унмас эди. Одам кам... одам ҳозир ҳам кам... Машина кам эди. У вақтда Фарҳод йўқ эди. Зовурлар қазидим, ариқлар чиқардим... Йўл бўйидаги теракларни кўрдингми?

Деконбой. Қўрдим...

Мавлон (керилиб). Мен экканман!. Тутни кўрдингми?

Деконбой. Яхши ўсибди.

Мавлон. Мен экканман!. Уйни кўрдингми? Ёмонми? Тўгри, яхши ҳам эмас. Лекин нон ҳам нон, нон ушоқ ҳам нон. Капаларда, ертўлаларда турганимиз... Колхозни уй бадавлат қилмайди, пахта бадавлат қилади. Мавлонни Мавлон қилган уй эмас, пахта! (Уйдан чиқсан Ҳафизага.) Шундоқ эмасми?

Ҳафиза. Тўгри, тоға...

Мавлон. Мен самовар қўйай...

**Деконбой.** Ҳожати йўқ.

Ҳафиза. Үзим қўяман, тоға... Айтгандай, аям майдачуида бериб юборган эдилар. (Чамадонни очмоқчи бўлади.)

**Деконбой.** Шошманг, Ҳафизаҳон, аввал анжирни есинлар, ачиб қолади. (Пақирдаги анжирнинг юзини очади.)

**Мавлон** (анжирдан бирини оғзига солади). Байбай-бай...

Ҳафиза. Самоварингиз қаерда?

Мавлон. Уйни қара-чи.

Ҳафиза уйга киради.

**Мавлон.** Пахта мени кўрса яйрайди... Менинг бригадам қанча пахта беришини ҳозир сенга айтмайман... Мавлоннинг бригадаси қанча пахта беришини ўзинг чамалаб кўра қол. Қолган кўсагимни кўрсанг биласан. Қачон далага чиқамиз.

Деконбой. Ҳозир десангиз, ҳозир чиқамиз-да.

Мавлон. Йўқ, қоронги тушсин... Мени парторг кўриб қолса хафа бўлади.

**Деконбой** (ҳайрон бўлиб). Нега? Бригадирни ўз даласига қўймайдими?

Мавлон. Тобим йўқ... безгак... парторгга тузалмагунимча далага чиқмайман деб сўз берганман.

**Ҳафиза** (уйдан чиқиб). Тоға, самоварингизни то-полмадим.

Мавлон. Қелинойнг шаҳарга кетгандан бери ўзим ҳам ҳеч нарсани тополмайман. Юр, қазноқни қарайлик-чи.

Иккови чиқиб кетади. Деконбой чамадон ва пақирни олиб уйга киради.

**Қўзиев** (товуши). Юсуф, сен кетавер. Мен бригадирга учрашмоқчиман.

Қўзиев киради ва Мавлоннинг эшигини қоқади.  
Деконбой уйдан чиқади.

**Қўзиев** (афтига қарамай). Салом, Мавлон ака, мен яна ўша масала билан келдим. (Деконбони кўриб.) Ие, кечирасиз... бригадир уйдами?

Деконбой. Ҳозир, айтиб келаман...

**Қўзиев.** Йўқ, йўқ; овора бўлманг, туратураман...

Кечирасиз, сизни биринчи кўришим, колхозга яқинда келдингизми?

Деҳқон бой. Шу бугун келдим.

Қўзиев. Шунақами?.. Қалай, Мирзачўл?..

Деҳқон бой. Ҳали ҳеч қаерни кўрганимча йўқ.

### Пауза

Қўзиев. Папирос чекасизми?

Деҳқон бой. Чекаман.

Қўзиев (папирос узатиб). «Давай, закурим товарищ, по одной...»

Деҳқон бой. «Давай, закурим, товарищ мой...»

Қўзиев Деҳқонбойга, Деҳқонбой Қўзиевга папирос беради, бир-бирининг гугутидан папирос тутатади.

Деҳқон бой (Қўзиевнинг лентасига ишора қилиб). Урушга борган экансиз...

Қўзиев. Сиз-чи?

Деҳқон бой. Мен ҳам борганман.

Қўзиев (хурсанд бўлиб). Шунақами?.. Сўрашиб қўйялиқ бўлмаса... (Қўл бериб.) Ҳошим, Ҳошим Кўзиев...

Деҳқон бой. Деҳқонбой. Немисни қаергача қувиб бордингиз?

Қўзиев. Немисга етолмадим, ака, келишда қадамлаб келди-ю, қочища ёмон ҳам шаталоқ отиб қочди-е! Уруш бўлган жойларни кўрдим, холос. Бутун урушни кўприк солиш, кўприк тузатиш билан ўтказдим. Насиб экан-да...

Деҳқон бой. Медалингиздан кўприк солиш ҳам жанговар ишга ўхшайди-ку.

Қўзиев. Ўҳӯ, ҳар кўприклар солдикки!.. Будапештдан қайтдим. Биз солган кўприклардан ўтгандирсиз...

Деҳқон бой. Мен Шарқий Пруссияда эдим.

Қўзиев. Бошқа томонда экансиз-да. Мирзачўлга қаердан келдингиз?

Деҳқон бой. Анжан областидан.

Қўзиев. Бу ерга ҳам бошқа томондан келган экансиз-да? Мен Самарқанд области, Ўзгариш қишлоғидан. Қишлоғимизнинг эски оти Сийқа танга эди. Эшигандирсиз?

Деҳқон бой. Сийқа танга? (Кулиб.) Илгари хўп, ғалати отлар қўйишар экан-да. Сийқа танга-я!..

Қўзиев. Қишлоғимизда бир бой ўтган экан. Шу бой мачит солмоқчи бўлиб битта уста ёллабди. Бой устага ҳар ҳафта ярим танга берар экан. Уста ярим тангани олиб ўша куни бойнинг хотинларидан бирига берар экан... Қандоқ қилсин, у вақтда уйланиш қийин, бўйдоқчилик.. Бой ҳалиги тангани хотинидан тортиб олиб, бир ҳафтадан кейин яна устага берар экан. Шунақа қилиб, танга қўлдан-қўлга ўтавериб сийқа бўлиб кетган экан!

Деҳқон бой (кулиб). Мачит битибдими?

Қўзиев. Танга ўтмас бўлгандан кейин масжид ора йўлда қолиб кетибди.. Үзимизнинг қишлоқда бир мактаб, бир клуб, қанчадан-қанча уй-жой согланман...

Деҳқон бой. Бинокормисиз? Яхши...

Қўзиев. Э, ака, жон-дилим иморат!.. Бугун қарайсизки, қуруқ ер, бақа сакраб юрибди; эртага қарайсизки, лой, тараша. Бир вақт келиб қарайсизки, бир томонда райҳон, бир томонда жамбил, ҳаворанг дераза, пушти парда, нозанин ёр.. (Уф тортиб.) Лекин бу ерда... (Жим қолади)

Деҳқон бой. Бу ерда шўр иморатнинг офати бўлса керак?

Қўзиев. Гап шўрда эмас!

Деҳқон бой. Нимада?

Қўзиев. Қўйинг, танишган замонимиз ҳасрат қilmай...

Деҳқон бой. Сабр қилсангиз, ҳаворанг дераза ҳам бўлади, пушти парда ҳам бўлади. Қанақа ёр дедингиз ҳали?

Қўзиев. Нозанин ёр...

Салтанат (төвущи).

Поезд келади шошиб,  
Шунда келган ёрмикин?..

Қўзиев (уни қаршилаб).

Тоза қаранг, ўртоқжон,  
Менинг ёрим бормикин?..

Салтанат киради,

Лабларинг лаълу, тишинг гавҳар, кўзинг ферузадай.  
Икки бетинг қип-қизил — хумдонда пишган кўзайдай... Салтанат! Жоним!

**Салтанат (жеркиб).** Гапирманг!.. Утгац куни Кундузхон билан нима деб лақиллашиб турган эдингиз? Қўзиев. Йўл тўғрисида гаплашдиқ.

**Салтанат.** Йўл тўғрисида хир-хир кулмасдан гаплашиб бўлмас эканми?

Қўзиев. Ахир, бу йўлларни кўрмайсанми, турган-битгани кулги-ку, дўқир-дўқир...

**Салтанат.** Эрталаб нима тўғрисида гаплашиб турган эдиларинг?

Қўзиев. Тахта тўғрисида.

**Салтанат.** Тактанинг ҳам турган-битгани кулги эканми? (Деҳқонбойни кўриб қолади.) Шошиб турибман... Бугун соат саккизда комсомол мажлиси бор. (Деҳқонбояга.) Ҳафизахонга ҳам айтиб қўйинг.

Қўзиев. Салтанат, мажлисда бирга ўтирамизми?

**Салтанат (кўз қисиб).** Хайр, Ҳошим ака... (Чопиб чиқиб кетади.)

**Деҳқонбой.** Нозанин ёрнинг тайёридан борга ўхшаб қолди-ку.

Қўзиев. Нозанин ёр борку-я, лекин.. ((тажсанг бўлиб, қўл силтаб) бўғилиб кетасан киши!..

**Деҳқонбой.** Ҳа, нега бўғиласиз?

Қўзиев. Бўғилмасдан бўладими?. Мен бинокорман. Колхозда бинокорлик масаласи думи хуржунда бўлгани учун келганимдан бери паҳтада ивирсиб юрибман! Паҳтани билмайман! Мен бинокорман ахир!. Колхознинг бир вагондан ортиқ тахтаси бор, ҳар кўрганимда юрагим эзилиб кетади: хотўғри тахлашган! Бригадирга шунча айтаман: «ҳой ака, менга икки соатгина жавоб беринг, шуни бошқатдан тахлаб қўй» дейман. Қаёқда!.. Ана, дейди, мана, дейди. Ҳозир яна бир айтиб кўраман, йўқ деса раисга арз қиласман, парторгга бориб дод дейман!..

**Деҳқонбой (ҳайрон бўлиб).** Бригадирингиз Мавлон аками?

Қўзиев. Ҳа-да!.. Танийсизми?

**Деҳқонбой.** Мавлон ака қаллиғимнинг тоғаси бўлади.

Қўзиев. Э, саломат бўлсинлар!.. (Кетмоқчи бўлади.)

**Деҳқонбой.** Тушунолмадим... Мавлон ака яхши бригадир-ку...

Қўзиев. Мен ҳам шунаقا деяпман-ку...

**Ҳафиза (қаради).** Салом... (Уйга кириб кетади.)

Қўзиев. Сизнинг нозанин ёрингизми?

**Деҳқонбой.** Ҳа... қаллиғим.

Қўзиев. Дуруст, дуруст...

**Ҳафиза (уйдан пақир кўтариб чиқади).** Кечира-сиз, сувни қаердан оласизлар?

Қўзиев. Сувними? Сувни каналдан олиб келамиз. Пақирни беринг, олиб келиб бераман.

**Деҳқонбой.** Йўқ, ўзим...

Деҳқонбой пақирни Ҳафизанинг қўлидан олади.

**Ҳафиза.** Мен ҳам бораман.

Қўзиев (йўл кўрсатиб). Мана шундоқ тушиб, аввал ўнгга, кейин чапга буриласизлар.

Ҳафиза билан Деҳқонбой чиқиб кетади.

Бўш чойнак, термос кўтариб Эшмат киради.

Қўзиев (қайтиб Мавлоннинг эшиги олдига ўтиради, ўзайча). Қутаман! Қўймайман! (Бармоғи билан сабаб.) Тахта, Чий. Қўсак... Иўқ, қўсак керакмас!

**Эрмат.** Бу ишда бари бир барака топмайсан, ука, қўй, ғишту тахта деб жонингни ҳалак қиласма, чаққонгина йигит экансан, менга шогирд туша қол! Ўзим пуфлаб, туфлаб парвариш қиласам уч йилда дидлик, таъби но-зик, кетиворган самоварчи бўлиб етишасан! Хўп дегин!

Қўзиев (калака қилиб). Шунақами?

**Эрмат.** Баъзи бир тўқимтабиат самоварчилардан бўламан десанг уч ҳафта ҳам етади. Мен сени астасекин учирма қиласман: аввал мана бунаقا чойнак йифасан, ундан кейин ўтин-кўмирга қарайсан; бир оз қўлинг келгандан кейин хум тўлдирасан, чойнак-пиёла артасан; бу ишда машқинг роса бўлгандан кейин келганини кутиб, кетганини кузатасан; ана ундан кейин...

Қўзиев. Биласизми, Эрмат ака...

**Эрмат.** Биламан, биламан, ҳаммасини ўргатаман!

Қўзиев (афсусланиб). Бинокорлик бригадаси йўқда, бўлганда мен сизни бунаقا судраб юрмас эдим, дароров битта тешага даста қилиб белимга қистириб олар эдим!

**Эрмат (аччиғи келиб).** Нодон! Бир куни ялиниб келарсан! Унда самоварга карнай ҳам қилмайман!

Мавлон киради.

Раисни кўрмадингизми?

Мавлон. Ҳозир самоварга қараб кетди.

**Эрмат чиқада.**

Құзиев. Тахта, ғишт...

Мавлон. Ҳа, ғишт жиннисі! Ишлар қалай? Да-дан келдингми? Мен йўқ, иш қанақа бораётиди? Қанча қўсак тердиларинг?

Құзиев. Тердик...

Мавлон. Сен ўзинг қанча тердинг?

Құзиев. Тердим...

Мавлон. Бугун ҳам 50 кило тергандирсан-да!. Пахта деса саратонда қўлинг совқотади... (*Пашаҳонага киради.*)

Құзиев. Бугун эллик кило терганим йўқ...

Мавлон (бошини чиқарип). Ростданми? Кўпроқ тердингми? Қанча?

Құзиев. Бугун қирқ уч кило тердим... Қўсак те-ришга уқувим йўқ.

Мавлон (*анграйиб туриб бирдан*). Минг лаънат! (*Пашаҳонани ёнади, яна очади.*) Менга қара, Құзиев, ҳеч ўйлайсанми? Фикр-ёдинг нимада ўзи?

Құзиев. Тахтада.

Мавлон. Минг лаънат! Қеча ғиштдан теккан эди, энди тахтадан тегибди-да!

Құзиев. Уч-тўртта одам беринг, шуни бошқатдан тахлаб қўйяй!

Мавлон (*бўғилиб*). Менга тахта эмас, пахта ке-рак! Пахта!!

Құзиев (*ялиниб*). Шундай яхши тахта чириб ке-тади, Мавлон ака!..

Мавлон (*бирдан юмшаб*). Бери кел. Қўрқма, бе-рироқ кел! Менгә қара, Құзиев, сен Мирзачўлга нимага келдинг? (*Тажсанг бўлиб.*) Эртага раисга айтаман, сени колхоздан жўнатсин.

Құзиев. Тахта нобуд бўлади, Мавлон ака...

Мавлон (*хуноб бўлиб*). Эртага эмас, ҳозир айти-ман! (*Туради.*) Ҳозир бориб айтаман. Менинг бригадам-да қирқ уч кило қўсак терса-я! Мавлоннинг бригадасида қирқ уч кило терса-я. «Пахта» десам, «тахта» дейди... *Такасалтанг!*

Құзиев (*аччиғи келиб*). Ким такасалтанг?

Мавлон. Сен... Шаҳрингга бориб ғиштингни тер, Мирзачўлга келинни сенга ким қўйган эди! (*Чиқиб ке-тади.*)

Салтанат киради.

Құзиев. Кетаман! Колхоздан кетаман!. Бутунлай кетаман...

Салтанат. Қаёққа? Одамлар келаётиби-ю, сиз кетасизми?

Құзиев жаҳл билан чиқиб кетади.

Салтанат. «Кетаман? Бутунлай кетаман?» (*Ииф-лайди.*) Энди нима қиласман?..

Одилов киради.

Одилов. Ҳа, Салтанат, нима бўлди?. Салтанат, гапирсанг-чи!

Салтанат (*ийғлаб*). Ҳошимжон акам кетармишлар...

Одилов. Қўзиевми? Қаёққа?

Салтанат (*ўлқасини тутолмай*). Колхоздан ке-тармишлар... Бутунлай кетармишлар...

Одилов. Шунақами? Кутмаган эдим... Яхши ком-сомол эди-ку...

Салтанат (*ийғлаб*). Бирам яхши эдики..

Одилов. Ҳўп, гаплашиб кўрамиз.

Салтанат (*ёлвориб*). Гаплашинг, Одилов ака... Ҳозир гаплашинг...

Одилов. Ҳўп. Қаёқда ўзи?

Салтанат. Ҳозир топиб келаман...

Одилов (*Салтанатни тўхтатиб*). Шошма! Ана у Мавлон аканинг жияними?

Салтанат. Ҳа. Ана у куёви... (*Иифлайди.*)

Деҳқонбой билан Ҳафиза киради.

Ҳафиза. Деҳқонбой. Салом.

Салтанат. Танинглар, бизнинг парторг... (*Чи-киб кетади.*)

Одилов. Хуш келибсизлар... Қалай, ўрнашиб ол-диларингми?

Деҳқонбой. Ҳафиза тоғасинида туради. Мен, ётоққа ўрнашдим. Кечирасиз... (*Сувни уйга олиб кира-ди.*)

Ҳафиза. Сув узоқроқ экан.

Одилов. Қаналдан қишлоққа қувур ётқизилса бўлар эди, бироқ қийин, одам етишмайди.. Мана энди сизлар ёрдам қиласизлар. Ҳали кўп ишлар қилишимиз керак.

**Деҳқонбой (уйдан чиқади).** Мавлон ака қани?

Одилов. Тогангиз ўзини эҳтиёт, қилмайди. Бугун қимирламай ётаман деб менга сўз берган эди... Хўп яхши пахтакор-ку, лекин... Ўзингиз яхши биларсиз? (Деҳқонбойга.) Қалай, Мирзачўл ёқдими?

**Деҳқонбой.** Нима десам экан.. Иўқ, ёқмади.

Одилов. Ҳм... (Ҳафизага.) Сизга-чи?

Ҳафиза. Менга ҳам ёқмади. Биласизми, бизнинг Ўзбекистон шоҳи сўзана, Мирзачўл мана шу шоҳи сўзанага тушган чипта ямоқ!

**Деҳқонбой.** Қишлоғимизда обком вакили шундоқ деганда мен бу гапнинг маъносига унча тушумаган эканман, Мирзачўлни кўриб мана энди тушундим,

Одилов (иккогига ер остидан разм солади ва ўзланиб туриб). Чипта ямоқ... Мирзачўлни ҳам шоҳи сўзанага айлантирамиз.

**Деҳқонбой.** Кечирасиз... Биз Мавлон аканинг бригадасида ишласакмикин деган эдик. Ҳужумда тажрибали командир яхши-да.

Одилов. Мирзачўлга ҳужум қилмоқчимисизлар? Мен раисга айтиб кўраман. Бирга айтамиз.

Ҳафиза. Раҳмат...

Одилов. Ҳужум қиламиз денг... Ҳужум яхши нарса... баъзи одамлар чекинмоқчи...

**Деҳқонбой.** Комсомолларданми?

Одилов. Битта комсомол. Сизлардан аввалроқ келган бир йигит. Қўзиев деган...

**Деҳқонбой.** Ҳошим Қўзиевми? Ундоқ эмасдир... Мен боя гаплашган эдим. Бинокор экан. Пахтани унча билмайман дейди. Бинокорликдан гапирсангиз кўзлари чақнаб кетади. «Колхознинг тахтаси бор экан, нотўғри тахлашган, чириб кетади» дейди. Шу тўғрида гаплашгани Мавлон аканинг олдига келган эди.

Одилов. Мавлон аканинг олдига?! Тахта тўғрисида! Ҳим... маълум бўлди.. Шунинг учун кетаман деган экан-да. Мавлон ака пахтадан бошқа нарсани тан олмайди. Қўзиевга сушилка солдириш керак... Хўп, бу тўғрида гаплашамиз... Хўш, ўзингиз-чи, ўзингиз нима иш қиласр эдингиз?

**Деҳқонбой.** Пахтакорман... Қейинги вақтда бригадир эдим.

Одилов. Бу ерда нима иш қилмоқчисиз?

**Деҳқонбой.** Катта ниятлар билан келганимиз...

Одилов. Эшитсак мумкинми?

**Деҳқонбой.** Мумкин. Урушдан қайтишда Тош-

кентга тушдим. Қизил майдонни кўрдим. Навоий театрни кўрдим... Эскижўвага бордик. Бир томон боғ, бир томон стадион, театр, кино... Ҳайрон бўлдим, бунинг нимаси Эскижўва, нима учун Эскижўва?..

Одилов. Эскидан қолган от.

**Деҳқонбой (шавқ билан).** Бир вақти келиб Мирзачўл ҳам шунаقا эскидан қолган от бўлиб қолса, келтган одам: «Бунинг нимаси Мирзачўл? Нима учун Мирзачўл?» деса.. Менинг орзум, бизнинг орзумиз мана шу!

Одилов (Деҳқонбойга бошдан-оёқ разм солиб). Кўп яхши орзу!..

Раҳимжон ҳовлиқиб киради.

Раҳимжон. Иш чатоқ, Мавлон ака ётиб қолди. Идорага келган эди, бирдан безгак титратса бўладими?!

Ҳафиза. Қаердалар?

Раҳимжон. Идорада. Диванга ётқизиб қўйдим. Салтанат қараб туриди.

Ҳафиза югуриб чиқиб кетади.

Одилов (Ҳафизанинг кетидан чиқиб кетмоқчи бўлгани Деҳқонбойга). Шошманг... (Раҳимжонга.) Докторга одам юбордингизми?

Раҳимжон. Юбордим. Қўзиев кетди.

Одилов. Мавлон ака бу ерда ётмайди ҳам, тузалмайди ҳам!

Раҳимжон. Районга, касалхонага юборамиз.

Одилов. Райондан қочиб келади. Тошкентга юбориш керак!

Раҳимжон. Аттанг!. Шундай долзарб вақтда энг яхши бригадиримиз ётиб қолди-да!

Қўзиев (киради). Келди, доктор келди!..

Раҳимжон. Баракалла!

Одилов (ўйлаб туриб). Мавлон ака тузалиб келгунча бригадирликка..

Раҳимжон. Ҳайронман, кимни қўямиз?

Одилов. Деҳқонбойни қўйсак-чи?

**Деҳқонбой.** Меними?

Қўзиев (суюниб). Жон ака, хўп денг! Уч-тўрт кун бўлса ҳам орқамга офтоб тегсин!

Парда

## УЧИНЧИ ПАРДА

Уша саҳна, фақат сўри йўқ. Орадан икки ҳафта ўтган. Ғўзася йигиб олинган. Одилов бошлиқ комсомоллар зовур тозалашмоқда. Қўзиев зовурга солинган кўпrikни битирмоқда. Унинг олдida патефон ашула айтмоқда.

Одилов. Ҳа, баракалла!.. Дэҳқонбой, қани нари ёққа ўтиглар-чи.

Одилов билан Қўзиевдан бошқа ҳамма чиқиб кетади.

Қўзиев. Паҳтани йиғиб-териб олдиқ, зовурларни ҳам бугун тозалаб бўламиз, шудгорни трактор қиласди, одамлар бўшайди... Бинокорликни ҳозир бошламасак, қачон бошлаймиз?

Одилов (кулиб). Бошладинг-ку! Хамирнинг учидан патир деб сушилка солдинг-ку!

Қўзиев. Сушилка нима?.. Уй керак, клуб керак...

Одилов. Шундоқми?.. Эртага бўладиган правление мажлисида биринчи масала — бинокорлик бригадаси тузиш масаласи! Бўлдими?

Қўзиев (мамнуният билан). Бўлди... (Патефонни кўтариб кетмоқчи бўлади.) Мумкинми... яна битта савол...

Одилов. Ҳўп.

Қўзиев. Музикани яхши кўрасизми?

Одилов. Нима эди?

Қўзиев. Колхозда биронта чолғу асбоби йўқ.

Одилов. Нега? Танбур, дутор...

Қўзиев. Қачонгача дуторнинг қорнини қашлаймиз? Дэҳқонбой менга духовой оркестр ташкил қилишини топшириди. Комсомол комитетининг топшириғи! Бажар-маслик мумкинми? Раҳимжон акага чолғу олиб беринг десам, «мактабда пианино бор, пианино чалиб туринглар» дейди.

Одилов. Ҳўп, буни ҳам гаплашамиз.

Қўзиев. Яшанг.

Қўзиев чиқиб кетади.

Раҳимжон (киради). Салом, ўртоқ Одилов. Зоурларни бугун тозалаб бўламиз чоғи?

Одилов. Албатта!

Раҳимжон. Ёшлик хўп яхши-да!.. Комсомолларни кўрсам, жоним роҳат қиласди. Нима ишга ёпишса, ўн қўллаб ёпишади-я! Ўт! Олов!..

Одилов. Дэҳқонбойни комсомол комитетининг секретарлигига тавсия қилиб янгишмабмиз.

Раҳимжон. Ухў, нимасини айтасиз!.. Раисга тиним йўқ. Раис озадиган бўлди. Сиз Кисловодска боргин дейсиз, мана Кисловодск!.. Жонинг роҳат қиласди. (Мамнуният билан.) Ҳафиззани айтмайсизми?.. Иккаки бир олманинг икки палласи!

Одилов. Қўзиев-чи?

Раҳимжон Қўзиевми? Қўзиев ўша олманинг учинчи палласи-да! Сушилкасини қаранг, жонинг роҳат қиласди...

Одилов. Бинокорлик бригадасига шунинг ўзини бригадир қила қолсан нима бўлади?

Раҳимжон. Иккала қўлимни кўтараман! Узи билан гаплашиш керак.

Салтанат (төвущи эшитилади). Раҳимжон ака! Раҳимжон ака!

Салтанат югуриб киради.

Сизни қидира бериб оёғимда оёқ қолмади. Райводхозга телефон қиласди — бир; раийжроком сводка сўраётиди — икки; ёнилги олиб келишди — уч; эртага идорада ўтирамайман, комсомоллар билан далага чиқаман — тўрт...

Раҳимжон Менга қара, Салтанат!

Салтанат. Чиқма демоқчимисиз? Мен ҳам комсомолман, чиқаман. Гапингизга қулоқ солмайман.

Раҳимжон. Ҳўп, эртага қулоқ солмасанг майли, лекин бугун қулоқ сол. Қўзиевга айт, менга учрашсин (Салтанатни тўхтатиб). Шошма, телеграммани юбордингми?

Салтанат. Қанақа телеграмма?

Раҳимжон. Мавлон акага... э-э-э. (Пешонасига уриб.) Телеграммани ўзим юбормоқчи эдим-а!.. Эсимдан чиқибди.

Салтанат. Яхши бўлмабди. Мавлон ака касалхонада егани ичига тушмаётгандир. Ўзингиз биласиз-ку, Мавлон акани...

Раҳимжон. Ҳой, аттант!

Салтанат. Бармоғингизни буksангиз эсингиздан чиқмас эди.

Одилов. Салтанат, почтага ўзинг бориб келгин.

Раҳимжон. Машинада бориб келасан.

**Салтанат (бармоғини букиб). Телеграмма —**  
иккни... Беринг!

**Раҳимжон (Одиловга қоғоз бериб). Сиз ёзинг.**  
(Тепадаги чироқни ёқади.)

Одилов (ёзади). «Тошкент... касалхонаси...»

Раҳимжон. «Пахтани муддатидан олдин йиғиб-териб олдик. Сизнинг бригадангиз планни биринчи бў-либ бажарди...» Зовур тўғрисида ҳам ёзиш керакдир?

Одилов. Албатта!

Салтанат. «Тезроқ тузалиб қелинг...»

Одилов. Тўғри. Ма, Салтанат (қоғозни беради).

Салтанат (қоғозни папкага солади ва Раҳим-жоннинг бармоғини буқади). Райвоздхозга телефон қилинг, эсингиздан чиқмасин — бир!..

Раҳимжон. Ҳозир идорага бораман (Одиловга). Сиз қаёқка?

Одилов. Деҳқонбой билан гаплашмоқчиман.

Салтанат (йўлга қараб). Деҳқонбой акам кела-ётидилар.

Раҳимжон. Қани? Ҳа, тамом, зовур битибди!

Комсомоллар ашула айтиб кетишади. Ҳафиза билан Деҳ-конбой саҳнада қолади.

Деҳқонбой. Рапорт беришимиз мумкин: ҳамма зовурларни тозалаб бўлдик.

Раҳимжон. Баракалла!. Ут! Олов! Салтанат, сводка ёз! (Шофёрга.) Қарим! Идорага кетдик.

Раҳимжон билан Салтанат кетади. Машина жўнайди.

Одилов. Ҳорманглар энди! Ҳужум давом этаётидими?

Деҳқонбой. Бутун фронт бўйлаб ҳужум давом этаётиди.

Одилов. Бутун фронт бўйлаб? Айтгандай, ипак-чилик бригадаси тўғрисида ҳам ўйлаб кўрдиларингми?

Ҳафиза. Иккита кружок ташкил қилишга тўғри келаётиди.

Деҳқонбой. Ҳа, кампирларга алоҳида кружок ташкил қиласиз.

Ҳафиза. Кампирлар деманг!. Үрта ёшлик жувонлар...

Одилов. Ҳўп, хўп. Үрта ёшлик жувонлар ҳам рози бўлишибди да. Қўп яхши. Ўзингиз бригадир бўласиз.

Катта ашула.

Деҳқонбой (ташқарига). Ҳо, Эрмат ака! Чойга биз ҳам ёзилганмиз!

Эрмат (товуши). Ҳозир...

Шогирди билан бир қанча чойнак кўтариб киради.

Жудаям зиҳни хит шогирд чиқдинг-да! Минг марта айтдим, чойни мана бундоқ кўтаради киши! Үргатабе-риб эзилиб кетдим-ку!

Одилов. Ҳа, шогирд олганингиздан бери яна чў-кибсиз!..

Култи

Эрмат (Одиловнинг қулогига ишора қилиб). Ҳеч қулогига гап кирмайди...

Култи

Одилов. Қулогига бўйингиз етмагандир-да!

Деҳқонбой. Соат чўнтақка оёқ қўйиб, елкасига миниб гапирмабсиз-да!

Эрмат. Кичкина деманг бизни, кўтариб урай сиз-ни...

Ҳамма. Кичкина, кичкина, кичкинажон-кичкина, Одилов. Яна нима гап?

Деҳқонбой. Иш кўп, ўртоқ Одилов... Нимадан бошлашимни ҳам билмайман.

Одилов. Овқат едиларингми?

Ҳафиза. Йўқ.

Одилов. Мана шундан бошлаш керак.

Ҳафиза. Йўқ, бир нарса айтмоқчи эдим...

Одилов. Аввал таом, баъдаз қалом.

Деҳқонбой. Тўғри, ўртоқ Одилов (Ҳафизага ишора қилиб), тўқ бола оч болани ўйламайди. (Ҳафи-зага.) Оч бола тўқ бола билан ўйнамайди.

Ҳафиза. Ҳўп, овқат пишириб бераман. (Уйга ки-риб кетади.)

Хор

Деҳқонбой. Мавлон аканинг ётиб қолгани ёмон бўлди-да. Янги ер очища бизга катта ёрдами тегар эди. Тажрибаси бор, ернинг тилини билар эди. Биз Мирзачўлда ҳали янгимиз.

Одилов. Мирзачўлда бир вақтлар ҳамма, ҳатто Мавлон аканинг ўзи ҳам янги эди. Сизлар, янги бўлсаларинг ҳам, янгидан-янги масалалар кўтараётисизлар. Ботқоқнинг нариги томонидан олинадиган зовур тўғрисида бир фикр чиқиб қолди. Мен агроном билан гаплашган эдим...

Деҳқонбой (қизиқиб). Қанақа фикр экан?

Одилов. Шу зовур ана у томондан... ху, ана у, ердан олиб ўтилса...

Деҳқонбой. Ичкарида план бор, кирайлик!

Одилов. Юринг-чи... Шу зовурни...

Одилов билан Деҳқонбой уйга кириб кетади.

Салтанат (киради). Одилов ака! Одилов ака!..

Ҳафиза (эшикдан бошини чиқариб). Келинг, Салтанатхон, уйдалар... (Салтанат уйга кириб кетади).

Қўзиев патефон кўтариб киради ва ашулага қўшилади. Салтанат уйдан чиқади. Қўзиевнинг орқасига келиб туради ва у ҳам ашулага қўшилади.

Қўзиев (аланглаб, сўнг Салтанатни кўриб). Салтанат!..

Салтанат (аразлаб). Шунақа экан-да, идорага бир кирай ҳам демайсиз! Қаерларда юрасиз?

Қўзиев. «Ўзим ҳар жойдаман, кўнглим сендадир» деган экан шоир.

Салтанат. Қанақа шоир экан у, кўнглини суйганига ташлаб ўзи ҳар қаёкларда юрадиган?

Қўзиев. Шоир юрса юраверсин, мен келдим-ку...

Салтанат (аразлаб). Келганингиз маълум эмас...

Қўзиев. Жонимни жонингга қоқай!.. (Қўлидан ушлаб ўзига тортмоқчи бўлади.)

Салтанат. И-и, бу қўлимга тегманг; ишларим чалкашиб кетади... (Бармоқларини кўрсатиб.) Мана бу — агроном... мана бу — телеграмма... Мана бу сиз!..

Қўзиев. Шу-я. (Уша бармоғини ўлади.)

Салтанат. Раҳимжон акамга учрар эмишсиз. Сизни бригадир қилишмоқчи!

Қўзиев. Қанақа бригадир?

Салтанат. Бинокорлик бригадаси тузилади!

Қўзиев А! (Иргишлайди. Салтанатнинг иккюзидан ўпив, чиқиб кетади.)

Салтанат (қўлига қароб). Вой, иншарим чалкашиб кетди. Бу — телеграмма... бу-чи? (Эслаб.) Ҳа, агроном!.. (Чопиб чиқиб кетмоқчи бўлади.)

Чамадон кўтариб Мавлон киради.

Мавлон. Салтанат!..

Салтанат. Ким?

Мавлон. Салом, Салтанат!

Салтанат (ҳайрон бўлиб). Мавлон ака? Салом... Сиз ахир... Тошкентда... касалхонада эдингиз-ку...

Мавлон. Ҳа, Тошкентда, касалхонада ётибман. Бас ётганим! Нима қилиб юрибсан, бемаҳалда? Нега ухламадинг?

Салтанат. Ҳеч ким ҳам ухлагани йўқ.

Мавлон. Ҳеч ким ҳали ухлагани йўқ? Ҳим, аҳвол чатоқ дегин? Қўсак ҳали кўпми? Жуда кўпми?

Салтанат. Йўқ, Мавлон ака. Пахтани йигиб-териб олдик. Далада бир туп ҳам фўзапоя қолгани йўқ.

Мавлон. Менга тасалли берма. Тасалли беришга докторлардан, профессорлардан уста эмассан.

Салтанат. Тасалли бераетганим йўқ. Сизга телеграмма юбормоқчи эдик.

Мавлон (тушунмай). Телеграмма? Келганим яхши бўлиди-да?

Салтанат. Йўқ, Мавлон ака, плани бажарганимиз тўғрисида телеграмма бермоқчи эдик. Мана!

Мавлон. Қани... (Ишонмай қоғозни олади ва чироққа солиб ўқийди.)

Салтанат (ўзича). Раҳимжон акага айтай... (Чопиб чиқиб кетади.)

Мавлон. Хайрият, йигиб-териб олишибди... (Уйлаб.) Йўқ, менга тасалли бериб ёзилган гап бўлмасин тағин. Ҳа, албатта! (Таъкидлаб.)

Уйдан Ҳафиза чиқади.

Ҳафиза (Мавлонни кўриб). Тофал.. Салом! Тузалиб келдингизми? Иккى ҳафтадан кейин келасиз деб эшигган эдик-ку.

Мавлон. Шовқин солма, жияним. Сестраларнинг шовқинидан қулоқ қолгани йўқ, энди сен ҳам борми... Утири! Салтанат қаёқдаги гапларни гапирди.. Ростини айт, қанча қўсак қолди? Менинг бригадам қалай?

Ҳафиза. Вой, тога... Қўсак қолгани йўқ!.. Бригадангиз биринчи бўлиб бажарди.

Мавлон. Ростми? Салтанат рост айтган экан-да. Телеграмма рост экан-да... Менинг бригадам биринчи ўринда дегин? Менинг йўқлигимни билинтирамбасизларда. Баракалла!.. Қасалхонада икки ҳафта ётган бўлсан, икки ҳафта дунё кўзимга қоронги бўлди: бригадам қўсакни йигиб-териб ола олмаса, қўсак нобуд бўлса... ҳар йилги обрўдан маҳрум бўлсан!..

Ҳафиза. Биз қўярмидик!..

Мавлон. Баракалла! Доктор қилмаган давони сизлар қилдиларинг. Мана энди тузалдим. Қани, гапир, колхоз бўйича неча центнер, менинг бригадам бўйича неча центнер?

Ҳафиза. Колхоз бўйича йигирма етти, сизнинг бригадангиз бўйича ўттиз беш центнердан. Ҳозир Дехқонбойни чақириб чиқай. (*Уйга киради.*) Дехқонбой ака, тогам келдилар!..

Мавлон (ҳайрон ва дарғазаб бўлиб). Ие, бу қандоқ бўлди, тўйсиз, никоҳсиз...

Ҳафиза ва ундан кейин Дехқонбой чиқади.

Дехқонбой. Салом, тога!..

Дехқонбой қулоч ёзиб боради, лекин Мавлон четга қараб бир қўлини бермоқчи бўлганда, уйдан чиқсан Одиловни кўриб қолади-да, Дехқонбой билан қутоқлашиб кўришади.

Одилов. Салом, Мавлон ака.

Раҳимжон келади.

Раҳимжон. Салом! Муддатидан илгари келибсиз-да. Ҳозир колхозда ҳамма иш муддатидан илгари бўлаётиди!..

Мавлон. Ўтирглар, ўтирглар. Раҳмат... Бригадирни йўқлаб телеграмма юборибсизлар...

Раҳимжон (хижолат бўлиб). Э, Мавлон ака, айб менда: телеграммани ўз қўлим билан юбораман деб, эсимдан чиқибди.

Мавлон. Нега? Олдим. Мана.

Раҳимжон. Ие, дарров олдингизми?

Одилов (кулиб). Салтанат берган телеграмма телеграммадан ҳам тез боради.

Раҳимжон. Муддатидан илгари боради.

Мавлон. Қани, гапиринглар, қандоқ бўлди, нима бўлди? Менинг бригадам биринчи бўлиб бажарибди-ми?..

Раҳимжон. Дехқонбойга қуллуқ қилинг.

Мавлон. Дехқонбойга?

Одилов. Сизнинг ўрнингизни босиб турди, йўқлигингизни билдирамди.

Мавлон (Дехқонбойга). Шунақами?

Дехқонбой. Қўлнимиздан келганча ҳаракат қилдик... Яна бир иш қилмоқчимиз, Мавлон ака.

Мавлон. Сен қилмоқчимисан? (*Кулиб.*) Йўқ, бригадир келди, ҳамма ишни энди бригадирнинг ўзи қиласди.

Ҳафиза. Йўқ, тога, аввал қулоқ солинг.

Мавлон. Бугун ишдан гапирмаймиз. Эртага гаплашамиз.

Ҳафиза. Тоға, биз эртага...

Мавлон (*кулиб*). Тоғанг бир нима дегандан кейин дарров «хўп» дегин. (*Ярим жиддий.*) Тоғангни писанд қилмасанг, бригадирни писанд қилишинг керак... Икки ҳафта қасалхонада ётиб далада ишлагандан кўпроқ чарчадим. Қўй, бир кечадам олай. Вақтим ҷоғ... Менинг бригадам биринчи бўлиб бажарибди. Бугун бир айш қилайлик. Сен жиянман десанг ҳозир меҳмонларни зиёфат қилгин.

Одилов (Дехқонбой билан кўз уришириб). Кейинроқ бўлар, зиёфат қочмайди, Мавлон ака.

Дехқонбой. Ҳозир мавриди эмас.

Мавлон (*ўпкалаб*). Майли, зоримиз бор, зўримиз йўқ.

Раҳимжон (*шошиб*). Бирпас ўтирайлик. Нима қиласизлар, бригадирни хафа қилиб.

Мавлон. Ҳа, баракалла... Бормисиз, раис! Ҳафи-за, юр, винодан олиб чиқайлик.

Ҳафиза билан Мавлон чиқиб кетмоқчи бўлади. Қўзиевнинг товуши эшитилади: «Дехқонбой ака!» Қўзиев киради. Мавлон рўнарасидан чиқиб қолган Қўзиевни кўриб, таъби хира бўлиб тўхтайди, Ҳафиза чиқиб кетади.

Қўзиев. Салом, Мавлон ака!

Мавлон. Ҳали ҳам шу ердамисан?

Қўзиев (*норози тарзда*). Тузалиб келибсизда-а?

Мавлон (*Раҳимжонга*). Кетмабди-да. (*Дехқонбоеса.*) Бу такасалтангни бригададан ҳайдамадингми?

Раҳимжон. Э-э, Қўзиевни унақа деманг.

Деҳқонбой. Қўзиев такасалтанг эмас, Мавлон ака...

Мавлон. Шошма, Деҳқонбой! Ҳозир сен бригадир эмас, мен бригадирман. (*Одиловга*) Менинг обрўйимни, бригаданинг обрўйини тўкади. (*Раҳимжонга*) Бунинг масаласини ҳал қилиш керак эди.

Раҳимжон. Ҳар кўкатнинг ўз суйган тупроғи бўлади.

Деҳқонбой. Қўзиевни билмайсиз, Мавлон ака.

Мавлон. Қим, мемми? Мирзачўлга кеккайиб келиб қийқиллаб қочган бунақа жўжахўроларни кўп кўрганман. Қетмонга тоби йўқ, «пахта» десанг, «тахта» дейди. (*Қўзиевга*) Шунақами?

Қўзиев. Пахта ҳам керак, тахта ҳам керак, Мавлон ака!..

Мавлон (*Одиловга*). Ана, кўрдингизми, яна дўқ қиласди!..

Одилов. Колхоз планини муддатидан олдин бажаришида шунинг тахтаси ҳам катта ёрдам берган бўлса нима дейсиз? Қўзиев солган сушилкани бир кўринг...

Мавлон. Қанақа сушилка? Янги сушилка солдими?

Раҳимжон. Үҳў, шунақа сушилка солдики... жонинг роҳат қиласди.

Мавлон. Шу Қўзиев-а?

Деҳқонбой. Ҳа, шу такасалтанг...

Мавлон (*Қўзиевга*). Шунақа ҳунаринг борми?

Қўзиев (*мийифида кулиб*). Бинокорлик ҳам ҳунарми... тахта нобуд бўлмасин дедим-да...

Ҳафиза вино олиб киради. Деҳқонбой унга қарашади.

Раҳимжон (*Қўзиевнинг елкасига қўйини ташлаб*). Қўзиевни бригадир қислак деган фикримиз бор.

Мавлон (*ҳайрон бўлиб*). Қанақа бригадир?

Раҳимжон. Паҳтани билмаса, ғишти билади, тахтани билади. Бинокорлик бригадаси ташкил қилмоқчимиз, Мавлон ака.

Мавлон. Ҳимм. Шунга бригадир бўлади денг. Бу ғишту тахта деб одамларни ишдан қўймаса дейман.

Одилов. Бунинг бригадасига ҳаммамиз, бутун колхоз ёрдам бериши керак. (*Қўзиевга*) Энди ярашинглар.

Раҳимжон (*Қўзиевга*). Қўлингни бер, Ҳошим.

Мавлон (*Қўзиевга*). Сен бизга ёрдам берибсан,

биз ҳам сенга ёрдам берамиз. (*Қўл беради*.) Қани ўти-ринглар, меҳмонлар!

Ҳамма ўтиради.

Қўзиев, косагули бўлгин-чи... қуй винони! Ёзда ўз қўлим билан тарвуздан солган эдим. Ўз қўлим билан солганиман! Ҳўп, қани, нима деб кўтарамиз?

Раҳимжон. Пешқадам бригадиримизнинг саломатлигига!

Одилов. Бригаданинг соғлигига...

Қўзиев. Ярашганимиз учун...

Ҳафиза. Тоғамнинг саломатликларига.

Деҳқонбой. Сафга қайтган командиримизнинг саломатлигига!

Қўзиев. Жуда ошириб юбордиларинг-ку!..

Мавлон. Раҳмат... (*Қўзиевга*) Нима дединг?

Ҳамма ичади.

Қўзиев. Жуда яхши тарвуз экан-да, уруғини қаердан топгансиз?

Мавлон (*Ҳафизага*). Иссиқ овқатинг ҳам борми?

Ҳафиза (*товоқни очиб*). Марҳамат, меҳмонлар...

Мавлон. Үҳ-үҳ-үҳ! Чучвара-ку!.. (*Биттасини оғизига солади*.) Ҳай-ҳай, оғизда эриб кетади-я!.. (*Чучварага тикилиб, емай ўтирган Раҳимжонни кўриб*.) Олинг, раис!

Раҳимжон (*уғ тортиб*). Хамир овқат... семиртиради-да, қурғур!.. (*Овқатга қўл узатиб*.) Боринг, нима бўлса, бўлди!..

Қўзиев (*ашула бошлидига*).

Ўз яратган замонамиз, умримиз боқи.  
Тўпланибdir ошноларнинг яқин-йироғи,

Ҳамма қўшилади:

Тўлдириб қуй қадаҳларни, янграсин гул ёр  
Халқлар озод, Ватан обод, ҳамма баҳтиёр.

Салтанат киради.

Мавлон. Ўтири, Салтанат, чучвара егин...

Салтанат. Раҳмат, Раҳимжон ака, сводкага қўйимабсиз. Райижрокомга юбориш керак!

**Раҳимжон (тегишиб).** Раисга тиним йўқ эканда... (Қоғозга қўл қўяётуб.) Мана бунақа сводкага қўл қўйсанг, жонинг роҳат қиласди. Ма, Салтанат!

**Мавлон.** Мумкини, мен ҳам кўрсам...

**Раҳимжон (қоғозни узатиб).** Кўринг, жонингиз роҳат қилин! Сизнинг бригадангиз зовур тозалашда ҳам олдинда борди, планни муддатидан олдин бажарди...

Мавлон сводкани кўриб таъби хира бўлади.

**Мавлон (қоғозни қайтариб беради).** Олдинда борган бригада менинг бригадам эмас. Менинг бригадам ҳатто рўйхатдан тушиб қолибди.

**Ҳифиза.** Нега? Қани?..

**Деҳқонбой.** Нима бўлиб тушиб қолади?

**Раҳимжон (сводкани диккат билан кўздан кечиради).** Тўқизинчи бригада... бригадир Деҳқонбой... Э, (Салтанатга.) бригадир Деҳқонбой эмас, Мавлон ака!

**Салтанат.** Икки ҳафтадан бери Деҳқонбой деб ёзиб юрган эдим.

**Раҳимжон.** Э, нодон, унда Мавлон аканг йўқ эди, энди келди... Мана, кўриб турибсан-ку!

**Ҳифиза (Салтанатга).** Дарров тузатинг, Салтанатхон!

**Салтанат.** Бошқатдан ёзаман. Катта хато қилибман (кетади).

**Одилов (Мавлонга ер остидан қараб).** Унчалик ҳам катта хато эмас, шекилли.

**Мавлон (соҳта кулиб).** Албатта... Хато эмас, тўғри... Мен хафа бўлаётганим йўқ. Нега хафа бўламан? Ашуладан ол, Қўзиев.

**Қўзиев (ашула бошлайди):**

Қон-қариндош халқлар ўсган Ватан ҳурмати.  
Меҳнатимиз обод қилган гулшан ҳурмати...

Ҳамма қўшилади:

Авлодимиз ўйнаб-кулган чаман ҳурмати...

**Мавлон (бирдан қадаҳни кўтариб).** Таклиф бор. Мана шу пиёлани пахтани муддатидан олдин бажарган, зовурларни муддатидан олдин тозалаган Деҳқонбой бригадасининг саломатлигига ичайлик.

**Ҳифиза (Мавлонни секин туртиб).** Нега ундоқ дейсиз!..

**Деҳқонбой.** Сизнинг бригадангиз, Мавлон ака...

**Мавлон.** Йўқ, бу ишлар бўлганда Мавлон касалхонада дори ичиб ётган эди. Мавлоннинг бригадаси янги ер очади, пландан ташқари янги ер очади!..

**Раҳимжон (Деҳқонбойга).** Мавлон аканинг ҳали ҳеч гапдан хабари йўқ.

**Ҳифиза.** Биз сизга мана шу тўғрида гапирмоқчи эдик.

**Деҳқонбой.** Биз пландан ташқари янги ер очиш масаласини ишлаб чиққанмиз. Правление тасдиқ қиласди.

**Қўзиев.** Эрта саҳарда янги зовурлар қазигани далага чиқамиз...

**Одилов.** Шунаقا, Мавлон ака, Деҳқонбой комсомолларни янги ҳужумга бошләтиби.

**Мавлон.** Деҳқонбой? Бригадир бу ёқда қолиб, Деҳқонбой бошлайдими?

**Деҳқонбой.** Ҳозир тушунтираман, Мавлон ака... Биз ишни бедапоянинг нариёғидаги ботқоқликдан бошламоқчимиз.

**Мавлон.** Бедапоянинг нариёғи учинчи бригадага қарайди-ку?

**Деҳқонбой.** Агар кўплашиб шу ботқоқликни қуритсақ, биринчидан, учинчи бригада очадиган янги ер яхлит бўлади; иккинчидан, колхоз чўлнинг бағридан икки гектар ер юлиб олган бўлади.

**Одилов.** Яхши таклиф...

**Мавлон.** Ҳмм... Яхши таклиф! (Бирдан.) Хўп, мен пландан ташқари уч гектар ер очаман!

**Ҳифиза.** Йўқ, тоға...

**Мавлон (бақириб).** Ўзингдан катта бир нима деганда тек ўтири!

**Деҳқонбой.** Мавлон ака, гап ҳозир пландан ташқари янги ер очиш тўғрисида кетаётгани йўқ, ишни қаердан бошлаш тўғрисида кетаётibi. Янги ер очиш тўғрисида бригада... сизнинг бригадангиз ҳам мажбурият олди. Пландан ташқари беш гектар янги ер очади.

**Мавлон.** Менинг бригадамми? Бу ҳам сенинг таклифингдир?

**Деҳқонбой.** Бунинг аҳамияти йўқ... Бригада рози.

**Мавлон (бақириб).** Бригадир рози эмас!

Раҳимжон. Қўрқманг, Мавлон ака, бригадангизда шундоқ йигитлар бўлгандан кейин беш эмас, олти гектар ҳам очасизлар. Қани, мана шу охирги пиёлани бригаданинг муваффақияти учун ичайлик!

Мавлондан бошқа ҳамма ичади.

Қўзиев. Ие, Мавлон ака... Ичинг!..

Мавлон. Касалхонада узоқ ётиб дорини кўпроқ ичибман, вино кетмаётиди.

Ҳафиза (секин). Тоға...

Паузা

Одилов Мавлонга ер остидан тикилади.

Мавлон. Мехмонлар ичишсин... Қуй, Қўзиев. (*Киноя билан*) Тўй тўйдай бўлсин!..

Қўзиев. Вино тамом бўлди, Мавлон ака!

Мавлон (*турраб*). Ҳозир бочкаси билан олиб келаман.

Одилов. Бас, Мавлон ака!

Мавлон бир тўхтаб яна чиқиб кетади.

Паузা

Раҳимжон. Безгак одамни шунақа инжиқроқ қилиб қўяди. Ўзига келиб қолар.

Одилов. Йўқ, Мавлон аканинг касали бошқа...

Салтанат киради.

Салтанат. Раҳимжон ака, ер тузувчилар келишиди — бир; МТСдан иккита экскаватор келди — икки...

Ҳамма туради.

Одилов (*Раҳимжонни тўхтатади ва бошқалар чиқиб кетгандан кейин*). Мавлон ака билан бир гаплашиш керак, Раҳимжон ака. Айб ўзимизда, ернинг шўрини ювибмизу одамларнинг дилидаги эскидан қолган шўрни ювишга учча эътибор қиласмабмиз...

Раҳимжон. Майли, гаплашинг, лекин хафа қилманг... Жон, ўртоқ! Яхши бригадир...

Одилов. Хўп.

Раҳимжон чиқиб кетади.

Паузা

Кичкина бочка кўтариб Мавлон киради.

Мавлон. Ие, қани меҳмонлар?

Одилов. Ер тузувчилар келишибди, экскаватор келиби... Идорага кетишиди.

Мавлон. Деҳқонбойга уч-тўрт пиёла вино қўйиб берсам бўлар эди...

Одилов. Ёшлар билан аҳил бўлинг, Мавлон ака. Булар Мирзачўлга зўр ниятлар билан келишган. Файратини кўрдингизми?

Мавлон. Деҳқонбойнинг ғайрати жойида... Лекин ўртоқ Одилов, той иргишлайди-ю, аравани... (*кўкрагига уриб*) от торгади!

Одилов. Ёлғиз отнинг чанги чиқса ҳам, донғи чиқмайди.

Мавлон (*дўнғиллаб*). Мирзачўлга кеча келган жўжахўроларнинг донғи чиқади!..

Одилов (*кулиб*). Деҳқонбой жўжахўрол, сиз хўрзомисиз?

Мавлон (*Одиловга тик қараб*). Мирзачўлнинг хўрзомим десам, ҳаддим сифади! Ўттиз беш центнер пахтани ким берди? Мен бердим! Мавлон акангиз берди!

Одилов. Ёлғиз ўзингиз бердингизми?

Мавлон (*бир оз ўйлаб*). Менинг бригадам берди.

Одилов. Ёлғиз ўзими?

Мавлон. Ҳа, ёлғиз ўзи! Мен ҳеч кимдан ёрдам сўраганим йўқ! Сўрамайман ҳам!

Одилов. Шундақами?

Мавлон. Шундоқ!

Одилов. Чирчиқ, Челябинскнинг ишчилари, Бокунинг нефтичилари билан Украинанинг ғаллакорлари, Доңбасснинг шахтёрлари билан Уралнинг металлурглари, Москва, Тошкент олимлари сизга ҳеч қанақа ёрдам бергани йўқми?

Узоқ паузা.

Яхши эмас, Мавлон ака. Қўзга яққолроқ кўринай деб ўзингизни кўпчилиқдан четга олманг. Ҳожати йўқ, бусиз ҳам колхозда ҳамманинг қўзи сизда; ҳамма иззат

қилади, қаттиқ сўз ўрни келганда ҳам айди, ҳам авайлади.. Буни билиш керак, тушуниш керак... Ундан кейин Дэҳқонбой хато қилаётган бўлса, ётиғи билан тушуниринг. Бақиришнинг ҳожати йўқ. Раҳбар томонига зўр бердими, обрўидан птур кетгани бўлади. Трактор ҳам керосини тамом бўлиб қолса, пак-пук қилади-ю, тўхтайди. Мирзачўлнинг ҳўрози бўлсангиз бордирсиз, лекин ҳўroz қичқирмаса тонг отмайди деб ўйлашингиз чакки... Хайр.

Одилов чиқиб кетади, Мавлон ўйлаб туриб вино қуяди ва ичмоқчи бўлганида Ҳафиза, Дэҳқонбой, Салтанат, Қўзиев киради.

Ҳафиза. Ҳали ётганингиз йўқми, тоға?

Мавлон. Сизларга қараб ўтирибман. Ўтирглар. (Пиёлани Деҳқонбойга узатиб.) Сенинг таклифингни ўйлаб кўрдим. Бўлади!

Дэҳқонбой (суюниб, пиёлани олади). Бормисиз, Мавлон ака! Албатта бўлади!

Мавлон. Лекин беш гектар эмас, уч гектар.

Дэҳқонбой. Нега, Мавлон ака? Колхоз бўйича пландан ташқари қирқ беш гектар янги ер очамиз. Бизнинг бригадамиз бошқа бригадаларга намуна бўлиши керак.

Мавлон. Сенга ётиғи билан гап уқдириб бўладими, йўқми? Янги ер нима эканини биласанми, ўзинг?

Дэҳқонбой. Биламан.

Мавлон. Билмайсан!.. Беш гектар янги ер бригада бўйича ҳосилни камидаги ўн-ён беш процент тушириб юборади.

Дэҳқонбой. Чўлнинг бағридан бригадамиз беш гектар ерни юлиб олгани қолади-ку. Бу йилча туширса нима?

Мавлон. Туширса нима? Сенга ура-ура, чапак... Мен, бригадам бўйича центнер тушиб, ҳар йилги обрўйимдан маҳрум бўлай... Қизиқ бўлибди-да!

Салтанат. Сиз фақат ўз кўмочингизга кул тортар экансиз-да!

Мавлон. Сен, секретарь бўлсанг, машинканги чиқиллат, бунақа гапларга аралашма!

Қўзиев. Ие, нега аралашмайди!

Дэҳқонбой (мулойимлик билан). Йўқ, Мавлон ака, Салтанатнинг гапига тушунмадингиз. Биз фақат битта бригада, ҳатто колхоз тўғрисида эмас, бутун

мамлакат тўғрисида ўйлашимиз керак. Мамлакатда коммунизм қураётимиз.

Мавлон. Мен ўз бригадамни ҳаммадан олдин коммунизмга олиб чиқсан нима дейсан?

Қўзиев (файласуфон). Йўқ, Мавлон ака, битта мих билан иморат солиб бўлмайди.

Мавлон. Мих? Ким мих?

Дэҳқонбой. Мен мих, сиз мих...

Мавлон (ирғиб ўрнидан туради). Ким мих?

Ҳафиза. Мен ҳам мих.

Салтанат. Мен ҳам мих.

Қўзиев. Ҳаммамиз ҳам мих. Сиз каттароқ мих...

Мавлон. Ҳа-ҳа! Мен мих бўлиб қолдимми?

Дэҳқонбой. Тушунмадингиз, Мавлон ака!

Мавлон. Ҳа-ҳа! Мен тушунмайдиган... мих! Занглаган мих ҳам дерсан ҳали... Ҳўш, у ёғимдан чўқиб, бу ёғимдан чўқиб нима қилмоқчисан? Мен бу обрўйни тер тўкиб топганиман!.. Энди мен сенга занглаған мих бўлиб қолдимми? Қани, шу занглаған михни суғуриб кўрчи!..

Ҳафиза. Тоға!.. Дэҳқонбой бошқа нарса демоқчи эди!

Мавлон. Сендақа жўжахўрозда берадиган жияним йўқ!

Дэҳқонбой. Ҳафиза эрга теккани келган эмас, колхозга келган!

Мавлон. Ҳа-ҳа, ҳали менга бутун колхозни қарши қилмоқчимисан?

Ҳафиза. Тоға, нима деяпсиз ўзингиз?

Мавлон (Ҳафизага). Сен эртага менинг участкамга чиқасан. (Дэҳқонбойга.) Сен қаёққа борсанг, боравер, еримга йўлатмайман.

Ҳафиза. Мен комсомоллар участкасига чиқаман!

Мавлон. Шундоқми?.. Ундоқ бўлса, йўқол, чиқиб кет уйимдан. Сендақа жияним йўқ!

Ҳафиза. Тоға!..

Мавлон уйига кириб эшигини ёпиб олади. Ҳафиза эшик олдин йиғлаб қайтади.

Дэҳқонбой. Ҳафа бўлманг, Ҳафизахон... Салтанатхон билан бирга турасиз.

Салтанат. Рост, ўртоқ, бизникида турасиз.

Ҳафиза (йиғлаб). Мирзачўлнинг шўри нима экан — трактор бор, сув бор; Одилов ака айтмоқчи,

одамларнинг дилидаги мана шу шўрни ювиш қийинроқ.

Деҳқонбой. Бунақа шўрни ҳам ювиг ташлаймиз, Ҳафизахон, сиз бор, биз бор... Кўпчиликмиз!

Тонг ёриша бошлайди. Қўзиев чироқни ўчиради. Хор. Мирзачўл комсомоллари марши.

Қўзиев. Эшитаётисизларми? Комсомоллар ишга чиқиб кетишаётиди.

Деҳқонбой (Ҳафизага). Эшитдингизми? Ҳужум бошланди. Юринг, Ҳафизахон!

Узоқдан ўтиб бораётганларга қараб ҳамма қўл силкитади ва хорга қўшилади. Чиқиб келаётган қуёшнинг қизғиш нури саҳнани ёритади.

### Парда

#### ТУРТИНЧИ ПАРДА

Колхоз правлениеси. Бинонинг сўл қаноти — эшик олди баланд алвон. Вивеска «Янги ер» колхози. Ўнг томонда каттакон дераза. Ичкарида стол ва телефон. Деразанинг бир томонига почта қутиси қоқилган. Айвоннинг пастидаги стол, стуллар.

Деҳқонбой шотига. Ҳафиза айвоннинг панжарасида «Хуш келибсизлар, меҳмонлар» деб ёзилган алвонни қоқишлоқда. Яна бир алвон ерга ёйиб қўйилган. Салтанат алвонга чўтка билан хат ёзмоқда. Шу яқин ўттада оркестр туш машқ қилмоқда.

Ҳафиза. Салтанатхон! Салтанатхон!

Деҳқонбой. Ҳо, Салтанат!..

Салтанат (аранг эшитади). Ҳа!..

Ҳафиза (қоқилаётган алвонни кўрсатиб). Қаранг-чи!..

Салтанат. А? (Югурниб Ҳафизанинг олдига боради). Нима дейсиз?

Ҳафиза (алвонни кўрсатиб). Қаранг-чи, тўғрими?..

Салтанат (қараб). Сал кўтаринг. (Туш машқ қилаётган томонига қараб). Ҳошим aka!

Ҳафиза. Ҳой, Қўзиев!

Деҳқонбой. Ҳошимжон!

Учаласи баравар қичқиради. Қўлида дирижёрлик таёқчаси. Қўзиев киради.

Қўзиев. Ҳой, машқ қилгани қўясизларми, йўқми?

Колхоз қизил байроқ олса.. атрофдан делегациялар келса.. Музикасиз иш битадими?

Салтанат. Идорани безатиш керак, лекин...

Қўзиев. Ҳаммаси ҳам керак, лекин...

Деразадан бошини тиқиб, девордан «Идорада шовқин солинманиси!» деган лавҳани олади ва кўзга кўринадиган жойга осиб чиқиб кетади. Оркестр гумбузлайди. Деҳқонбой алвонни қоқиб бўлиб шотини бир чеккага олиб қўяди. Одилов киради.

Одилов (оркестр томонга қараб). Салом, Ҳошимжон! Баракалла! Яхшироқ ўргат!

Деҳқонбой. Салом, Одилов ака. Қалай, яхши ясатибмизми?

Одилов. Уҳӯ, меҳмонларнинг келишига ҳамма нарса таҳт-ку. Яшанглар. Ҳаммаларингни ҳам рассомлик мактабига юборсак бўлар экан.

Салтанат. Ҳаммамизни рассом қилмоқчимисиз? Мен агроном бўламан.

Деҳқонбой. Салтанатни кузда институтга юбормоқчимиз. Тайёрлик кўраётиди.

Одилов. Биламан, биламан. Раҳимжон ака бунақа секретарни қаёқдан топаман деб ҳалитдан ташвиш тортиб юрибди.

Салтанат билан Ҳафиза айвондаги гуллардан гулдаста қилиш билан машғул бўлади. Одилов билан Деҳқонбой стол атрофига ўтиришади.

Деҳқонбой. Механизация курсига борадиган комсомолларнинг рўйхатини туздик. (Рўйхатни беради.)

Одилов (рўйхатни кўздан кечирар экан). Салтанат! Мавлон акангга айтдингми?

Салтанат. Айтдим, тантанали мажлисга боролмайман, касалман дедилар.

Ҳафиза (Салтанатга). Тогамнинг қилмишиданномусларга ўлади киши. Колхозда худди бегона одамдай бўлиб қолди. Тогам билан аразлашиб қолганимни, сизникида турганимни аям билсалар борми...

Салтанат. Ёмон бўлади, кўп ёмон бўлади.

Деҳқонбой (рўйхатни кўздан кечираётган Одиловга). Мавлон акани қандай қилиб йўлга солсак экан?

Одилов. Мавлон аканинг касали чўзилиб кетди. Манманлик, шуҳратпарастлик кўп ёмон касал бўлади. (Бошқа гапга кўчуб.) Мактабни қачон ясатасизлар?

Деҳқонбой. Раҳимжон ака майда-чўйда олиб келиши керак эди. Соат ўн иккита келади.

Машинада гудоги эшитилади.

Одилов. Ана келди.

Плакат, қизил алвон ва бошқа нарсалар кўтарган Раҳимжон киради.

Раҳимжон. Мана, ҳаммасини олиб келдим.

Нарсаларни Ҳафиза билан Салтанатга беради. Булар нарсаларни идорага олиб киришади.

Олти соат машинадан тушмасам бўладими? (Одиловга.) Менга қаранг, бу нима гап ўзи: раис машинада юрса-ю, парторг пиёда юрса.

Одилов. Пиёда юриб ўрганганман... Бундан ташқари... машина одамни семиртиради.

Ҳафиза. (деразадан қараб). Одилов ака! Мумкини, бу ёққа киринг...

Одилов правлениега киради.

Раҳимжон. «Қизим, сенга айтаман, келиним, сен эшишт». (Қорнини силаб.) Ойни этак билан ёлиб бўлмайди. (Саҳнадан ташқаридаги шоферга.) Карим! Бор, гаражга бор, бугун пиёда юраман.

Тову ш. Хўп, Раҳимжон ака.

Машина жўнайди.

Раҳимжон. Рост, семизроқман. Қандоқ қиласай?!  
Деҳқонбой (ҳазиллашиб). Лағмонни камроқ енг.

Раҳимжон. Олти ойдан бери лағмон еганим йўқ. Лағмондан эмас, жоним роҳат қилганидан семираётшибман. Сизлар келганда бир семирдим, планни муддатидан олдин бажарганимизда бир семирдим, пландан ташқари янги ер очиш масаласини... Э, яқинда раис эшикдан кирса қорни деразадан чиқадиган бўлади. (Оркестр гумбурлайди.) Ухў!.. Ҳафсаласи жойида-ку! (Саҳнадан ташқарига.) Қўзиев, бир парда туш, меҳмонларни кар қиласан!

Одилов (идорадан чиқиб Раҳимжонга). Тезроқ бўлайлик, меҳмонлар келиб қолишиади.

Салтанат билан Ҳафиза плакат, алвон, гул кўтариб идорадан чиқишиади.

Деҳқонбой. Қани, мактабни ясатгани биз билан ким боради?

Раҳимжон. Юринг, ўртоқ Одилов. Кетдик. Пиёда кетдик!

Одилов (дераза олдига келиб). Ҳозир, райкомга телефон қиласай.

Раҳимжон. Телефон қилинг, айтинг. Тантанали мажлис соат еттида.

Салтанат, Ҳафиза, Раҳимжон чиқиб кетади.

Одилов (трубкага). Гулнор, райком... Райкомми? «Янги ер» колхозидан, Одиловман...

Оркестр гумбурлайди.

Йўқ, йўқ, тўйни ҳали бошлаганимиз йўқ. Оркестр репетиция қилаётиди. Ҳа, Қўзиев ташкил қилған оркестр...

Мавлон қовоғини солиб киради ва Одиловни кўриб дарҳол қайтади.

Тантанали мажлис соат еттида очилади. Илгарироқ келсангиз яхши бўлар эди. (Мавлонни кўриб.) Хўп, хўп... мен яна телефон қиласман. (Трубкани қўйиб, Мавлонни тўхтатади.) Салом, Мавлон ака! Байрам билан қутлагани уйингизга бормоқчи эдим. Қалай, соғлиқ дурустми? Кечқурун мажлисга келасизми?

Мавлон. Йўқ, кечқурун безгак, безгак ангиз қиласади.

Одилов. Қундузи далада тинмай ишлайсиз, на овқат маҳалини биласиз, на дам олишни; кечқурун безгак ангиз қиласади... Кечалари-чи? Кечалари юрибсиз-ку...

Мавлон (хавотир олиб). Кечалари... баъзан дуруст бўламан... (Ўйлаб.) Кечаси шолипояга борган эдим.

Одилов. Шундоқми? Мен комсомоллар участкасига борган эдим, сизни ўша ерда кўрдим. Ени айла-

ниб, синчиклаб кўриб юрган эдингиз. Қалай, комсо-  
молнар қиласётган иш маъқул бўлдими?

Мавлон (дўнгиллаб). Ҳим... зовуруни унчалик чу-  
кур қазилмаса ҳам бўлар эди.

Одилов. Эндими? Шуни Дехқонбойга илгарироқ  
маслаҳат бериш керак эди.

Мавлон. Менинг Дехқонбойга тушиб қолган мас-  
лаҳатим йўқ. Мих «мени суғуриб ташла» деб калласи-  
ни омбурга тиқмайди.

Одилов. Мих можаросини эшилдим.

Мавлон. Мен мих!.. Арзимаган битта мих!..

Одилов. Гап арзимаган битта мих тўғрисида эмас,  
умумий қурилишимизда бригадангизнинг тутган ўрни  
тўғрисида кетган экан.

Мавлон. Занглаган мих!..

Одилов. Ҳа, шу хилда кета берсангиз занглайсиз.  
Дехқонбойнинг гапига қулоқ солиш керак эди, ўйлаш  
керак эди.

Мавлон. Мен унинг гапини тўрт пулга олмайман!..

Одилов. Ишини, ишларини-чи? Комсомоллар  
участкасини кўрдингиз-ку... Дехқонбой ҳали сизга қа-  
рашади ҳам.

Мавлон. Қуллуқ, қарашмай қўя қолсин.

Одилов (кесатиб). Касалсиз-ку, ахир... Дехқон-  
бой йифим-терим вақтида қарашиб сизга обрў олиб  
берган эди.

Мавлон (ўзича). Дехқонбой энди бу ёғимдан чў-  
қиётиби!

Одилов. Менга қаранг, Мавлон ака! Қасал бўл-  
ганингизда, чинакам касал бўлганингизда мен сизни  
ётишга, даволанишга мажбур қилган эдим... Кўзингиз-  
ни очинг, Мавлон ака!.. Атрофга қаранг, комсомоллар  
келгандан бери ҳаммаёқ ёшариб кетди.

Мавлон. Ҳамма ёшарди, фақат Мавлон қариди...  
Чеккага чиқиб қолди...

Раҳимжон, Дехқонбой, Ҳафиза, Салтанат киради.

Раҳимжон. Ёшлик хўп яхши-да, ўртоқ Одилов.  
Үт! Олов! Мактабни шундай ясатишибдики, жонинг  
роҳат қилади!.. Энди ўзимиз ясанайлик.

Одилов (имо билан Мавлонни кўрсатиб). Ясанай-  
миз.

Ҳафиза, Салтанат. Дехқонбой Мавлонга салом беришади, Мавлон  
инدامайди. Салтанат билан Ҳафиза идорага кириб кетади.

Аввал баъзи масалаларни ҳал қилиб өлайлик. Байроқ-  
ни ким қабул қилиб олади, колхоз номидан ким гапи-  
ради? (Мавлон чиқиб кетмоқчи бўлади.) Қаёққа, Мав-  
лон ака? Маслаҳат берсангиз бўлар эди.

Мавлон. Ҳм... ишим бор.

Одилов. Бориб ётасизми?

Мавлон. Складга бормоқчи эдим.

Одилов. Шундоқми?.. Хўп. Қайтишда киринг. Га-  
нимиз чала қолди.

Мавлон чиқиб кетади.

Раҳимжон (жаҳли чиқиб). Складда нима қила-  
ди? Правление мажлисида менинг гапимга кирмади-  
ларинг... Бари бир бир кун эмас, бир кун бригадирлик-  
дан олиб ташлаш керак бўлади.

Одилов. Қизишиманг, Раҳимжон ака. Мавлон ака-  
нинг шундоқ бўлишига ўзимиз ҳам сабаб.

Раҳимжон (тажсанг бўлиб). Мен нима қилиб-  
ман!.. Менинг гуноҳим нима?..

Одилов. Мавлон ака танқид қилинса ҳай-ҳайлаб  
турар эдингиз.

Раҳимжон. Мавлон ака Мирзачўлда қанчадан-қан-  
ча ер очган, колхозда энг юқори ҳосилга эришган одам.  
Қани энди, бошқалар ҳам шундай ғалабаларга эришса...

Одилов. Тўғри, Мавлон ака — голиб. Лекин ғо-  
либларни танқид қилиш керак эмас демоқчимисиз?

Раҳимжон. Мумкин, лекин...

Одилов. «Лекин» и йўқ. Голибларни танқид қи-  
лиш керак. Бунинг ишга ҳам, ғолибларнинг ўзларига  
ҳам фойдаси кўп: манманлик камроқ, камтарлик кўп-  
роқ бўлади. Биз мана шуни эсдан чиқармаслигимиз  
керак эди.

Раҳимжон. Хўп, ўтган гапга саловат. Байроқни  
ким қабул қилиб олади?

Деҳқонбой. Байроқними?

Одилов (Дехқонбойга қараб). Комсомолнинг так-  
лифини эшитайлик.

Деҳқонбой. Мен айтсан... Эҳтимол ҳайрон бў-  
ларизлар... Менинча, байроқни Мавлон ака қабул қи-  
либ олсин...

Раҳимжон. Мавлон ака? Йўқ, бу одамдан ме-  
нинг ихлосим қайтди! Қайтди ихлосим...

Одилов. Шошманг, Раҳимжон ака. Колхоз бай-  
роқни пахта учун олаётидими?

Деҳқонбой. Пахта учун.

Одилов. Энг юқори ҳосилни Мавлон аканинг бригадаси олдими?

Раҳимжон. Мен йўқ деяпманми?

Одилов. Деҳқонбойнинг фикрига қўшиламан.

Раҳимжон. Бу Мавлон акани танқид қилганингизми?

Одилов. Колхоз номидан гапиришни ҳам Мавлон акага топширайлик.

Раҳимжон (*бўғилиб*). Узларинг биласизлар... Мен ҳеч нарса демайман!.. Индамайман... Лекин индамаганим «йўқ» деганим.

Деҳқонбой. Менимча, Мавлон ака «мени тер тўкиб топган обрўйимдан маҳрум қилишмоқчи» деб ўйлаб юрибди. Вақти келганда танқид қилсан, вақти келганда, мана бунаقا, иззатини жойига қўйсан кўзи очилади.

Одилов: Хўш, Раҳимжон ака, нима дейсиз?

Раҳимжон. Мавлон ака менинг қадрдан дўстим. Айтганларинг келсин. Майли. Салтанат, Мавлон акага айт, тайёрлансин.

Салтанат. Мавлон ака — бир. (*Кетмоқчи бўлади*)

Раҳимжон. Шошма, Салтанат! Мен кийиниб келгунча сен идорада ўтира тўр. Ҳар эҳтимолга қарши... Бирон делегация келиб қолиши мумкин.

Салтанат. Ҳаммадинг кийинасизлар, мен-чи? Ҳаммаёғим бўёқ...

Раҳимжон. Ҳатто бурнингга ҳам бўёқ тегибди.

Салтанат. Вой... (*Бурнини артади!*)

Одилов. Салтанат, Мавлон ака келса айт, тура турсин.

Салтанат. Хўп, Одилов ака.

Деҳқонбой, Одилов, Раҳимжон, Ҳафиза чиқиб кетади. Оркестр гумбурлайди. Қўзиев югуриб киради.

Қўзиев. Салтанат, жоним! Битта илтимос. Делегация келганда менга қўл силкитгин. Делегацияни музыка билан қарши оламиз. Хўпми?

Салтанат. Мен қаёқдан кўраман?

Қўзиев. Нима қилсан экан. (*Шотини кўриб қолади*) Салтанат, ана шоти, томга чиқ!

Салтанат. Вой, секретарь правлениеда ўтирадида, томда нима қиласди?

Қўзиев. Том ҳам правлениенинг томи-да! Чиқ!

Салтанат шотидан томга чиқади.

Қалай, катта йўл кўринадими?

Салтанат (*шотининг учиди*). Баралла кўринади.

Қўзиев. Делегация кўриниши билан менга қўл силкитгин.

Салтанат. Хўп!

Қўзиев (*оркестрга*). Оркестр! Тайёр туринглар!.. (*Чиқади*.)

Салтанат (*ашула айтади*).

Силкинади мажнунтол,  
Шоҳларини эгиб ол,  
Шундай замон келганда,  
Сен ҳам иш кўрсатиб қол.

Мавлон киради. У ашула товуши қаёқдан келаётганини билмай аланглайди, инҳоят Салтанатни кўриб қолади.

Мавлон. Салтанат! Салтанат! Сўфи аzon айтадиган мезанани кўрганмисан?

Салтанат. Йўқ. Мавлон ака, айтган эдим-ку, умримда сўғини кўрган эмасман.

Мавлон. Мезанадан ҳам баландроқча чиқиб олибсан.

Салтанат. Делегация келганини узоқдан кўрай деб чиқдим.

Мавлон (*шумшайиб*). Делегация... Үртоқ Одилов қаёқда?

Салтанат. Ҳозир келадилар. Мажлис соат еттида бўлади. Тайёрлик кўрармишсиз, Раҳимжон акам айтдилар.

Мавлон. Айтдим-ку, касалман, мажлисга келомайман.

Салтанат. Вой, байроқни сиз қабул қилиб оласиз-ку. (*Ашула айтади*.)

Шундай замон келганда,  
Сен ҳам иш кўрсатиб қол...

Мавлон (*ашула фонида*). Байроқ? «Сиз қабул қилиб оласиз?» Салтанат нима деяпсан ўзинг?

Салтанат. Қизил байроқни колхоз номидан қабул қилиб оласиз, колхоз номидан сўзга чиқасиз! Тушундингизми? (*Ашула айтади*.)

Шундай замон келганда,  
Сен ҳам иш кўрсатиб, қол...

**Мавлон (ашула фонида).** «Колхоз номидан сўзга  
чиқасиз?» Ким айтди, раис айтдими?

**Салтанат.** Йўқ, раис қарши эди, Дехқонбой акам  
таклиф қилди. (*Таънаомуз.*) Дехқонбой акам сизга  
яхшилик қилганлари қилган, пахтанизни йигиб-териб  
бердилар — бир, правлениеда сизни ёқлаб галирди-  
лар — икки!.. Правлениеда сизни бригадирликдан бекор  
қилишмоқчи бўлганда Дехқонбой акам, биласизми, ни-  
ма дедилар? «Мен Мавлон акадан таълим олгани кел-  
ганман, Мавлон ака илғор бўлади» дедилар. Одилов  
акам Дехқонбойни ёқладилар (*ашула айтади*).

Шундай замон келганда,  
Сен ҳам иш кўрсатиб қол...

**Қўзиев (товуши).** Салтанат, қараб турибсанми?  
Хеч ким кўринмаётидими?

**Салтанат.** Йўқ, ҳали ҳеч ким кўринмаётиди.  
**Қўзиев (товуши).** Катта йўлдан кўзингни олма,  
**Салтанат (ашула айтади).**

Шундай замон келганда,  
Сен ҳам иш кўрсатиб қол...

**Мавлон (ашула фонида).** Дехқонбой таклиф қил-  
ди? (*Ўзича.*) Бу қандоқ бўлди? Тушимми, ўнгимми?..  
(*Эслаб.*) «Ҳамма иззат қиласди, қаттиқ сўз ўрни кел-  
ганда ҳам...» «Дехқонбой таклиф қилди?» (*Ҳайрон.*)  
Нима бўлаётиди, ўзи? Нега бунақа бўлаётиди? (*Кет-  
моқчи бўлади.*)

**Салтанат.** Мавлон ака, қаёққа? Одилов акам  
туратурсинлар деган эдилар.

**Мавлон.** Келаман, ҳозир келаман... «Дехқонбой  
таклиф қилди?» Келаман, Салтанаг, ҳозир келаман.  
(*Бирдан чиқиб кетади.*)

**Салтанат.** Нима бало... касалми... (*Ашула ай-  
тади.*)

Қизил гул толим-толим,  
Меҳнати ширин болим...

Узоқдан машина гудоги эштилади,

**Машина! Машина!** Ҳошим ака! Ана, бурилди!.. Делёга-  
ция келаётиди.

**Оркестр гумбурлайди.** Қаттакон тугун кўтарган Ҳамробуви,  
Холнисо, чамадон кўтарган Омон киради. Буларнинг оғиздан  
чиқкан дастлабки сўзларни музика босиб кетади.

**Ҳамробуви (сўзида давом этиб).** Сизнинг гапин-  
гизга кириб қизимни, қизгинамни Мирзачўлга юборма-  
сам шу кунлар бошимга тушмас эди. Ўғлингиз мени  
шармандаю шармисор қилди! Тағин бу муздикони ор-  
тиқча!..

**Омон.** Жон хола, қўйинг энди...

**Холнисо.** Ким кимни шарманда қилганлиги ҳали  
маълум эмас, қуда! Кўрамиз ҳали...

**Омон.** Аяжон, бир гапдан қолинг.

**Холнисо.** Менинг ўғлим ёзган хатда бундоқ ба-  
ло гаплар йўқ эди. Ҳафизанинг хатида ҳам йўқ эди-ку,  
ахир!

Салтанат кампирларга ҳайрон бўлиб қарайди.

**Ҳамробуви.** Жодугар ўғлингиз қизимнинг боши-  
ни айлантирган-да, нима ёзганини ўзи ҳам билмайди.  
Мавлоннинг, укагинамнинг хати кўзимни очди.

**Холнисо.** Яхшининг гапи мой, ёмоннинг гапи лой.

**Ҳамробуви.** И-и, қуда... йўқ, қўшни, шу гапин-  
гизга тағин ўзингиз лойдай бўлиб қолманг!..

**Омон.** Ая! Хола! Колхознинг идораси шу!

**Салтанат (томдан тушади).** Салом, меҳмонлар!  
**Холнисо.** Салом!

**Омон.**

**Ҳамробуви (Салтанатга).** Колхознинг идораси  
шу бўлса, мен нима ҳам дейман, раисни йўқлайман.  
Раиси бўлмаса сёкретари бордир.

**Салтанат.** Мен, мен секретарь. (*Ҳаммага гул-  
даста тутади.*) Сизлар ҳаммадан аввал келдиларинг.  
Марҳамат, идорага киринглар, дам олинглар. Мен ҳо-  
зир раисни айтиб келаман. Сизлар қаердан, қайси кол-  
хоздан делегат бўлиб келдиларинг?

**Холнисо.** Қанақа делегат?

**Омон.** Делегат кутаётганимидиларинг?

**Холнисо (Ҳамробувига).** Айтинг, қўшни, нима  
учун келганимизни айтинг.

**Ҳамробуви.** Нима, айтмасдан тилим қисқами?

(Салтанатга.) Қўшнимга қолса, мен гапи инобатга ўт, майдиган, тушунмаган хотинман, лекин шундоқ бўлса ҳам, айтганим яхши жодугар бор колхозга делегат келмайди. (Гулни Салтанатга қайтиб беради, Омонга телефонни кўрсатиб.) Ол, ана, чақир акангни! Чақир, жодугарни!

Омон (ранжиб). Телефон бунаقا эски гапларга юрмайди!

Салтанат ҳайрон.

Холнисо. Вой, қуда...

Ҳамробуви. Қуда деманг!..

Холнисо. Вой, қўшни, аввал қизингизни чақиртиринг, гап сўранг, ундан кейин Деҳқонбойни чақиртиринг.

Ҳамробуви. Йўқ, мен аввал ўғлингизни чақиртираман, ҳамма гапни бетига шартта-шартта айтаман, ана ундан кейин... қизимдан гап сўраб ҳам ўтирумайман, қўлидан етаклайман-у, кетавераман! (Салтанатга.) Ҳой, секретарь, станцияга телефон қил, иккита билет деб қўй!

Салтанат (анграйиб). Бу телефон билетга юрмас эди-ку.

Ҳамробуви. Нега? Колхознинг телефони бўлади-ю, билетга юрмайдими? Телефон қил, айт, иккита билет олиб қўйсин: менга, Ҳафизага!

Салтанат. Вой, Ҳафизахоннинг кими бўласиз?

Ҳамробуви (Холнисога). Эси борми ўзи бу қизнинг? (Салтанатга.) Ҳафиза менинг қизим бўлгандан кейин, мен унинг кими бўлар эдим? Онасиман-да!

Салтанат. Шундоқми? Сиз Холнисо холамдирсиз-да... Омонжон!..

Омон (хижолат бўлиб). Қечирасиз, ўзимизни танитмадик... Деҳқонбой акам яхшимилар?

Салтанат. Яхши... Қани, Ҳамробуви хола, қўйинг тугунингизни... Ҳозир айтиб келаман.

Салтанат югуриб кетади ва йўлда Қўзиевга тўқнаш келади.

Қўзиев (мехмонларга томон югуриб боради). Салом! Хуш келибсизлар. Делегацияга оташин салом!.. (Оркестрга.) Оркестр, туш!

Оркестр гумбурлайди. Салтанат ҳарчанд қилса ҳам Қўзиевнинг қулоига гап кирмайди.

Бинокорлик бригадасининг бригадири, духовой оркестрнинг дирижёри Ҳошим Қўзиев!

Салтанат. Ҳошим ака дейман!

Ҳамробуви (Ҳошимга). Қизгинамни ўғли йўлдан урмаса, мени ўзи аврамаса қариган чоғимда шу кунларга тушмас эдим. Она-бола мени шарманда қилди; укамни, Мавлонгинани ерга қаратди. Ҳафизани шарманда қилди!

Қўзиев ҳайрон

Холнисо (Ҳошимга). Ким кимни шарманда қилганилиги ҳали маълум эмас. Ўғлим ёзган хатда бундоқ бало гаплар йўқ эди. (Ҳамробувига.) Қизингиз ёзган хат ёмонмиди?

Салтанат (ҳайрон бўлиб қолган Қўзиевга). Ахир, булар делегация эмас!.. Юнинг!

Қўзиёв. А?! Шунақами?.. (Кампирларга.) Яхши эмас, ўртоқлар...

Иккови чиқиб кетади.

Ҳамробуви (шовқин солиб). Жодугар имму амал қилгандан кейин нима деб ёзар эди; яхши деб ёза-ди-да!

Холнисо. Вой, қуда... йўқ, қўшни, оғзингизга қараб гапиринг. Жодугар деб бир айтдингиз, индамадим. (Шовқин солиб.) Ким жодугар?

Омон. Ая! Хола! (Эълонни кўрсатиб.) Ахир буни нимага ёзиб қўйибди!..

Кампирлар шивирлаб даҳанаки жанг қилишади. Деҳқонбой югуриб киради.

Деҳқонбой Омон! Ука!.. Салом... (Даҳанаки жанг қилаётган кампирларни кўриб.) Буларга тағин нима бало бўлди?

Кампирлар Деҳқонбойни пайқашмайди. Деҳқонбой Холнисонинг олдига боради, Холнисо унга орқаси билан тургани учун кўрмай, уни Омон гумон қиласди.

Холнисо. Қоч, Омон! Аралашма!.. Аралашмá дейман!.. (Орқасига қараб, Деҳқонбойни кўради.) Вой, болам... (Деҳқонбойни қучоқлаб ийғлайди.)

Деҳқонбой. Онажонларим! Нечук шамол учирди?

**О мон.** Шамол эмас, самолётда учиб келдик.

**Х олнисо.** Болагинам, мен поездда келадиган эдим, холанг самолётда бораман деганларирин кейин мен ҳам самолётда кела қолдим.

**Ҳ амробуви.** Минг тушунган бўлсангиз ҳам самолётга мендан кейин чиқдингиз.

**Д еҳқонбой.** Жуда яхши вақтда келдиларинг. (*Ҳамробувининг олдига келади*.) Бугун колхозимизда тўй.

**Ҳ амробуви.** Мен тўйни поездда, қизимни жодугарниң қўлидан эсон-омон қутқариб олиб поездга чиққанимда қиласман...

**О мон** (*ҳайрон бўлиб қолган Деҳқонбойга*). Ҳамробуви хола Мавлон акадан хат олдилар.

**Д еҳқонбой.** Мавлон акадан?

**О мон.** Сизнинг тўғрингизда ёзибдилар.

**Ҳ амробуви** (*хатни бераб*). Мана, ўқинг!.. Шуми ҳали сиздан келган иш! Шу умид билан сизни куёв қиласман деганимидим!..

**Д еҳқонбой** (*хатни ўқиб бўлиб Холнисога*). Сиз ҳам шунга ишондингизми?.. Икковларинг Ҳафизани олиб кетгани келдиларингми?

**Х олнисо.** Вой, болам, наҳот шундоқ десанг... Мен ахир агитатор-ку!.. Шу қуриб кеттур хатни олганимиздан бери холангга тушунтираман: «Ҳой, ишонманг» дейман. Ерда ҳам тушунтиридим, осмонда ҳам тушунтиридим...

**О мон.** Э, булар самолётда ҳам машмаша қилиб келишиди.

Ҳафизанинг товуши: «Аяжон! Аяжон!»

**Ҳ афиза** (*югуриб киради*). Хола!.. Омонжон! Ая! Аяжон!

**Ҳ амробуви.** Ҳу турқинг курмасин!..

**Ҳ афиза** (*ҳайрон қолиб*). Нима бўлди?

**Д еҳқонбой** (*Ҳафизага хатни бераб*). Хат... ўқинг...

**Ҳ амробуви** (*тугунини кўтариб*). Юр, олдимга туш! Туш олдимга!

**О мон.** Бугун поезд йўқ, хола!

**Ҳ амробуви.** Поезд бўлмаса чўл-биёбонда ётамиз. Кечани жодугар билан ўтказгунча илон-чаёнлар билан ўтказганимиз яхши. Нима қилиб турибсан? Юр дейман!

**Д еҳқонбой.** Хола, Ҳафиза бу ерга фақат мени деб келгани йўқ, колхозга келган. Колхозда звено бошлиғи!

**О мон.** Мирзачўлда звено бошлиғи-я!

**Ҳ амробуви.** Мен колхознинг ишига аралашмайман. Мен Ҳафизага — қизимга гапираётиман. Агар Ҳафиза «йўқ» дейдиган бўлса, ана унда аралашаман: дод солиб бутун идорани, Мирзачўлни бошимга кўтараман. Қани, гапир, Ҳафиза!

**Ҳ афиза.** Мен ҳеч қаёққа кетмайман!

**Ҳ амробуви** (*шовқин солиб*). А, тоғангнинг юзига оёқ қўйдинг, энди мени ҳам писанд қилмайсанми?!. Ҳали шундоқми?.. (*Чапак ҷалиб*.) Войдод, қизимга илму амал қиласман жодугарниг дастидан дод!

**Х олнисо** (*шовқин солиб*). Ким жодугар?!

**О мон** (*эълонни кўрсатиб*). Ая! Хола!..

Кампирлар шивирлашиб даҳанаки жанг қилишади. Одилов киради.

**О дилов.** Салом, меҳмонлар! Хуш келибсизлар!. Қадамларига ҳасанот...

**О мон** (*кампирларнинг қилмишидан хижолат*). Салом... биз самолётда учиб келдик...

**О дилов.** Ким кимнинг онаси бўлади (*Ҳамробувига*). Сиз Деҳқонбойнинг қонасими?

**Ҳ амробуви** (*Холнисога ишора қилиб*). Жодугарни ана у туқсан.

**Х олнисо.** Нима-нима?!

Омон онасига секин эълонни кўрсатади. Холнисо жим қолади.

**О дилов** (*Деҳқонбойга*). Ўзи нима гап?

**Д еҳқонбой** (*хатни Одиловга беради*). Ўқиб кўринг.

Раҳимжон, Қўзиев, Салтанат киради.

**Раҳимжон.** Ҳў... келинглар, келинглар... Салом! Хуш келибсизлар!.. Мана шунаقا тўй устига тўй бўлса жонинг роҳат қиласди! (*Кампирларнинг авзойини кўриб*.) Ие!.. Нима бўлди?

**О дилов.** Мавлон aka хат ёзибди.

**Раҳимжон.** Қа-анақа хат?

**О дилов** (*ўқийди*). «Деҳқонбой ўта-кетган жодугар экан... Мени бригадирликдан бекор қилдириб ўзи бригадир бўлиш пайига тушган; ҳар қаерда менинг обрўйимни тўкиб юрибди. Мени «занглаған мих» деди,

бутун колхозни менга қарши қилиб қўйди. Ҳафиза шунинг ногорасига ўйнаб, менинг уйндан чиқиб кетди. Қизингизни бетўхтов чақиртириб олинг».

Раҳимжон. Бай-бай-бай! Ҳай аттанг! Қани, ўртоқ Одилов, сиз айтинг, шу гаплар ростми? Айтинг, Деконбой.

Ҳамробуви. Албатта рост-да! Укам ёзади-ю, ёлғон бўладими!..

Одилов. Бу хат бошдан-оёқ ёлғон, хола!

Ҳамробуви. Укам ёзганича бор экан-да. Деконбой ҳаммани, сизни ҳам унга қарши қилиб қўйибди.

Мавлон киради ва қўлидаги хатни почта қутисига ташлаётганинда кампирларни кўриб қолади.

Укам бўлади-ю, менга ёлғон гапни ёзадими? Ўз жияни тўғрисида ёлғон гапни ёзармиди...

Мавлон. Ёлғон! (Олдинга чиқади.) Ёлғон гапларни ёзган эдим!

Ҳамробуви. А?.. (Шовқин солиб.) Ҳали шундоқми?..

Омон Ҳамробувига эълонни кўрсатади. Ҳамробуви жим қолади.

Мавлон. Мен Деконбойни билмаган эканмай. Деконбой мени обрўйимдан маҳрум қилмоқчи деб ўйлабман. Ҳафиза кетса, Деконбой ҳам кетади деган хаёlda шу ишни қилган эдим. Лекин кўзим очилди. Кечалари чиқиб комсомоллар участкасини кўрдим... ўйладим... бугун яна ўйладим... Деконбой мени эмас, мен Деконбойни хафа қилган эканман. Шундан кейин опамга бошқа хат ёздим. Мана (хатни чўнтағидан олади). Яшикка ташламоқчи эдим, ҳозир ташлагани келган эдим. Ма, Деконбой, ўқи!..

Деконбой. Ишонаман, яхши хат ёзганингизга ишонаман... Қўйинг, Мавлон ака.

Ҳамробуви. Бундан чиқдики, ёлғон гапларни ёзган экансан-да? Ҳали шундоқми?.. Ҳали сени қарабтур!

Мавлон. Шошманг, опа. (Деконбойга.) Ўқимайсанми? Биламан, биламан, ўқимайсан... Ма, Ҳафиза, сен ўқи.

Ҳафиза. Қераги ўқи, ўқимайман!..

Мавлон (хўрсиниб). Сен ҳам ўқимайсанми?

Раҳимжон. Ўқиб нима қилади? Гапингизни эшишиб турибмиз-ку...

Мавлон. «Йўлни билган қоқинмайди!» дейишареди. Йўлни биламан деб ўйлаган эдим.

Одилов. Йўлни биласиз, Мавлон ака, лекин кўзга яққолроқ кўринай деб шу йўлдан четга чиқдингиз. Боши берк кўчага кириб кетаётган эдингиз.

Мавлон (паузадан кейин). Ҳақ гап. Шундоқ экан, колхоз номидан байроқни қабул қилиб олишга менинг ҳақим ўқи, ҳақим ўқи, Раҳимжон! Колхоз номидан сўзга чиқишга ҳам ҳақим ўқи, ўртоқ Одилов!

Одилов. Мана бу гапингиз тўғри! Мана бу гапингизга мен тўла қўшиламан. Менимча, бошқалар ҳам қўшилса керак. Айтишсин... Мана, Деконбой айтсин... Ҳафиза...

Ҳафиза. Тогам тўғрисида бир нима дейиш... менга жуда оғир... Яхши пахтакор, шунча ийл Мирзачўлнинг шўрини пешона терн билан юваб келган одам. Лекин ернинг шўрини ювабди-ю, дилидаги эскидан қолган шўрни юволмабди. Мен тогамни колхозчи деёлмайман... (Ўпкаси тўлиб тескари ўғирилади.)

Деконбой. Қизишманг, Ҳафизаҳон. Бир туп ғўза қийшайиб қолса-ку дарров тикка қилиб қўямиз...

Ҳамробуви. Шира тушган ғўзани юлиб ташлаш керак!

Раҳимжон. Яхши пахтакор юлиб ташламайди, кўпроқ парвариш қиласи.

Қўзиев. Тўғри, Раҳимжон ака, мих ҳам эғилса, тўғрилаб яна қоқилади!

Раҳимжон. Э-э, михинг қурсин, қўйсанг-чи!.. Эсдан чиқкан нарсани нима қиласан гапириб!..

Одилов. Эсдан чиқкан нарсани эслатиш, гапириш керак бўлган гапни гапириш зиён қилмайди. Шуни эслатмоқчиман: Мавлон ака, сиз кўпчиликдан олдинда, лекин кўпчилик билан бирга бораётганингизда ҳамманинг кўзи сизда эди. Аммо кўпчиликдан ўзингизни четга тортганингиздан кейин... мана, кўрдингизми! Ҳатойингизни тушуниб, шуни айтгани келганингиз яхши. Бу хатоларни, агар тезроқ тузатсангиз, кечиришар... лекин (хатни кўрсатиб) мана бу қилмишингизни осонликча кечиришмайди. Бу қилмишингизга ўзингиз баҳо беринг...

Мавлон. Баҳо бераман, айтаман. Колхозчиларинг умумий мажлисида айтаман... Бригадирликка муносиб одам эмасман дейман!

Одилов. Таңқиддан қўрқманг, Мавлон ака. Қасалхонада ётиб ичган дорингиздан кўра майиз ширин-

рөқ, лекин касални майиз әмас, аччиқ дори тузатади... Соат еттида тантанали мажлис бошланади, кийиниб келинг.

Мавлон (бошини қуи солиб). Мажлисга киргани юзим чидамайди.

Рахимжон. Э-э, ҳали иш кўп, Мавлон ака, ўзингиз бригадангизни ҳужумга бошлайсиз.

Мавлон. Ҳужумни ҳаммамиз бошлаймиз!.. Менинг бир мўлжалим бор: Деҳқонбой рози бўлса... комсомоллар хўп дейишса... Бу ёққа келинглар (кўрстади). Ҳуанови зовурни юқоридан олиб ўтсак яна тўрт гектар янги ер очиши мумкин бўлади. Мен буни анчадан бери ўйлаб юрган эдим.

Одилов. Муҳокама қилиб кўринглар, Деҳқонбой. Хўп, Мавлон ака шу кунгача касал бўлиб касалхонада ётган эди, бугун аччиқ доридан тўйиб ичди, бундан кейин буткул тузалиб кетади деб ишонамиз.

Қўзиев (оркестрга). Оркестр! Туш!

Оркестр гумбурлайди.

Холнисо (Мавлонга). Шу хатнинг ёлғонлигини мен бошда билган эдим. (Ҳамробувига.) Мана энди сиз ҳам билдингиз... Яна мендан кейин-да, жон қуда!..

Ҳамробуви. Майли, қуда, мендан ўтган бўлса, сиз кечиринг, сиздан ўтган бўлса, сиздан ўтгани йўқку, мен кечирай.

Рахимжон. Бугун кўп яхши кун бўлди-да: байроқ оламиз, Мавлон аканинг иситмаси тушди, холалар келишди... Олти ойдан бери лағмон еганим йўқ, энди лағмонга бир тўйиб жонимро ҳадиган бўлди.

Одилов. Лағмонни Салтанат билан Қўзиевнинг тўйида еймиз.

Рахимжон. Деҳқонбой билан Ҳафизанинг тўйида ҳам еймиз.

Ҳамробуви. Мен нима ҳам дейман? Мендан сўрасаларинг ҳам ўзларинг биласизлар, сўрамасаларинг ҳам ўзларинг биласизлар. Лекин, сўрамасаларинг ҳам, айтганим яхши; майли, мен розиман.

Ҳамробувининг тугунида соат жиринглайди.

Ҳафиза. Вой, сўфини олиб келганмидингиз? (Түгундан соатни олади).

Қўзиев. Қанақа сўфи?

Ҳафиза. Аям соатни сўфи дейдилар.

Ҳамробуви. Сўфи эсдан чиқса худо эсдан чиқади-я, болам. Сўфини бураб турмасдан бўладими!.. (Ҳафизанинг қулогига.) Қизим, тўй дейишаётубди, сўзанангни тикиб бўлганимисан?

Ҳафиза. Сўзанамними? Йўқ, ая, ҳали тикиб бўлганим йўқ. Сўзанани якка ўзим тикаётганим йўқ, ҳаммамиз тикаётибмиз, бутун колхоз тикаётибди. Қаранг, янги очилган ҳар бир қарич ер шу сўзанага солинглан бир гул. Бу жойлар яна уч-тўрт йилдан кейин қандай бўлишини кўз олдингизга келтиринг, онажон! Яна беш йилдан кейин, ўн йилдан кейин-чи?

Музика. Музика тобора авжига чиқади. Қоронғи, Саҳна астасекин ёришади.

## ЭПИЛОГ

Уфқдан чиқиб келган канал. Ёш боғларни оралатиб солинглан янги уйлар. Олдинги планда ёш боғ-хўвли. Ҳаворанг дераза ва пушти пардали уй. Гулзор. Ҳамробуви билан Холнисо супада сўзана тикиб ўтиришади.

Ҳамробуви. Қудажон, бемалол бўлса ўша ҳаворанг ипакдан бир қатим беринг.

Холнисо. Жоним билан, ўргилай, қуда... Вой, дарров бир айлантириб чиқдингизми? Қўлингиз дард кўрмасин, хўп чеварсиз-да.

Ҳамробуви. Чеварликда сизга етиб бўладими, қудажон.

## Пауза

Холнисо. Қирқ тўрт йиллик қадрдонмиз, қуда. Болаларимизни кўтаришиб катта қилдик. Мана, тўйини ҳам кўрдик... Эсингизда борми, Ҳафиза билан Деҳқонбой Мирзачўлга кўчиб кетамиз дейишганда икковимиз аввалбоши кўнмай... Хўп, гўл эканмиз-да... Мана энди миллионер колхозда... еганимиз олдимиизда, емаганимиз кетимиизда...

Ҳамробуви. Юртни обод қиласман деган киши ўзи обод бўлади.

Холнисо. Шуни айтаман-да... Мана, Ҳафизаҳон... Кимсан Ҳафизаҳон!

Ҳамробуви. Деҳқонбойни айтмайсизми!.. Мана, Омонингиз ҳам мактабни битиради. Яна ўқиёди, ўқиб кондуктор бўлади.

**Холнисо.** Кондуктор эмас, конструктор, қуда!  
**Ҳамробуви.** Майли, нима бўлса ҳам ишқилиб ўқисини!

**Холнисо.** Бу болалар мунча ҳаяллашди! Мажлис чўзилдими...

**Омон (кирди).** Мажлис тамом бўлди.

**Холнисо.** Нима гаплар бўлди, болам?

**Омон.** Деконбой акам билан келингойим ҳозир ке- либ маълумот беришади. Қисқаси шу бугун кечқурун кетадиган бўлишди!

**Ҳамробуви (чўчиб).** А? Қаёққа? Шундай Мирза- чўлни ташлаб қаёққа боришади?

**Холнисо.** Ҳўп эсарсиз-да, қудажон! (*Сўзанани кўрсатиб*). Бу совфани олиб боришмоқчи эди?

**Ҳамробуви (кўнгли жойига тушиб).** Ҳа, Москва- га!..

**Рахимжон,** Одилов, Ҳафиза, чақалоқ кўтарган Қўзиев,  
Деконбой, Салтанат, Мавлон киришади.

**Рахимжон.** Қани, совға битаёздими?

**Холнисо.** Битди ҳисоб!

**Рахимжон.** Мен Ҳафиза билан Салтанат чевар десам, сизлар булардан ҳам чевар чиқдиларинг.

**Ҳамробуви.** Сўзанани бутун колхоз тикди!

**Одилов.** Бу сўзана жонажон Москвамизга...

**Рахимжон.** Гуллаб-яшнаётган республикамиздан ҳикоя қилсин!

**Ҳафиза.** Шу сўзанадай товланаётган мамлакати- мизда чўл-биёбонлар йўқолиб...

**Қўзиев.** Унинг ўрнига шаҳарлар, қишлоқлар бун- ёдга келаётганидан ҳикоя қилсин!

**Холнисо.** Жонажон Москвамизга баҳтиёр болала- римизнинг...

**Деконбой.** Пири-бадавлат оналаримизнинг...

**Омон.** Ака-опаларимизнинг.

**Ҳамробуви.** Миннатдорлик туйғусини...

**Салтанат.** Мехр-муҳаббат туйғусини...

**Мавлон.** Чексиз садоқат туйғусини...

**Ҳамма.** Изҳор қилсин!

Парда

1950 йил

## ОФРИҚ ТИШЛАР

Тўрт пардали комедия

Эпилоги билан

## ҚАТНАШУВЧИЛАР:

Насиба — ўрта мактаб ўқувчиси.

Роҳила — унинг онаси.

Марасул Ҳузуржонов — Насибанинг эри, тиш доктори.

Фотима — унинг онаси.

Зухра — Фотиманинг синглиси. Насиба ўқийдиган мактабнинг қоровули.

Пўлатжон Домла — мактабнинг директори.

Вера } Насибанинг дугоналари.

Назира } Насибанинг дугоналари.

Аҳаджон Заргаров —райижкроком раисининг ўринбосари.

Оқила — унинг биринчи хотини.

Хуморхон — унинг иккинчи хотини.

Ризамат — Хуморхоннинг тоғаси, райижкрокомнинг хўжалик мұ- дери.

Воқеа бизнинг кунларда бўлиб ўтади,

## БИРИНЧИ ПАРДА

### БИРИНЧИ КҮРИНИШ

Марасул Ҳузуржоновнинг ўз ҳөвлисидаги кабинети. Қабинетни күчча томонидаги деразадан кўрамиз. Деразанинг икки томонида ёзувлар, «Тиш доктори. Тиш техники. Йул муюлишидан». Марасул, бекорчиликдан пашша тутиб ўтириди. Заргаров киради.

Заргаров (*соатига қараб*). Марасул, ука, Оқила келмади-ку? А, Оқиладан дарак йўқ-ку?

Марасул. Оқилахон опам... Автобус соат учда келади. Лекин, эрталабки автобусга чиқолмасам, тушгисига чиқарман деган эди.

#### Пауза

Заргаров. Ҳм... Қаттиқ хафа эмасми?

Марасул. Устига хотин оласизу, хафа бўлмайдими?

Заргаров. Йўқ, авзойидан жанжал қиласидиган эмасми демоқчиман?

Марасул. Йўқ... йиғлади!

Заргаров. Йиғлади. Хайрият! Йиғлаган бўлса жанжал қиласиди... Кимни олди, деб сўрамадими?

Марасул. Сўради. Хуморхон деган бир жувонни олдилар, дедим.

Заргаров. Тинч келиб кетади дегин? Шундоқ бўлса ҳам насиҳат қилиб, этини ўлдириб, ундан кейин мени чақиргин. Мен уйда бўламан. (*Чиқмоқчи бўлади*).

Ичкари эшикдан Фотима киради.

Фотима. Ҳой, онанг айлансин. Марасул... (*Zargarovni кўриб*.) Ассалому алайкум... Марасул, иш бузиладиганга ўхшайди-ку: ЗАГСнинг қофози бўлмаса домла-имом никоҳ ўқимас эмиш.

Заргаров. Никоҳ? Шу гапни менинг олдимда гапирмасангиз нима қилар эди!

Марасул (*қабулхона эшигига қараб-қараб онасига*). Секироқ гапирсангиз-чи! (*Zargarovga ёлвориб*.) Яна битта акалик қилинг, жон ака! Бир оғиз айтиб қўйинг!

Заргаров. Жинни бўлдингми?.. Энди домла-имомга «ниқоҳ ўқи» дейишим қолдими?!

Марасул. Йўқ, ЗАГСга айтиб қўйинг дейман! Гапга тушунмайдиган бир одам ўтирипти... ҳеч кўнмайди!

(*Трубкага*.) Йигирма бир ўн, икки... ЗАГСми? Ким? Сиз билан район ижроия комитетининг раис ўринбосари ўртоқ Заргаров гаплашмоқчилар! (*Трубкани Zargarovga беради*.) ЗАГС мудири!

Заргаров (*трубкага*). Ҳим... салом... Докторнинг ишини тўғрилаб беринглар! Марасул Ҳузуржоновнинг ишини... Қиз ёш?!

Фотима. Ёш эмас, йилма-йилига ўн саккизга кирган!

Марасул. Ёш эмас, ўн саккизда, мен биламан денг!

Заргаров. Ёш эмас, ўн саккизда, мен биламан денг... йўқ, мен ўзим биламан! А? Тўққизинчи синфда ўқиса ўқийверади-да! Мен тўртинчи синфда ўқиганимда йигирма ёшда эдим! Менга қаранг, жавобгарликдан қўрқманг. Ҳар қанча жавобгарлик бўлса бизга ортаверинг... Кўтаравериб елкаларимиз қадоқ бўлиб кетган!

Марасул (*унинг елкасини силайди*). Яшанг!

Заргаров (*трубкага*). Менга қаранг, ука! Менинг бу ишга тайин бўлганимга ҳали йил ҳам бўлгани йўқ, гапимни қайтариб, бунақа, обрўйимни тўқадиган бўлсангиз хафалашиб қоламиз! А? Қуёв билан келин менинг олдимда, ҳозир боради. Регистрация қилинг, бўлак гап йўқ! (*Трубкани зарда билан қўяди*.)

Фотима. Худоё умрингиздан барака топинг! Катта бўлиш хўп яхши-да! Қимга нима деса — нақд!

Марасул. Боринг, Насибани мактабидан айтиб келинг, иссиғида бора қолайлик!

Фотима. Ҳозир айтиб келаман!

Заргаров. Лекин мен аралашганимни ҳеч кимга оғзингиздан чиқарманг!

Фотима. Хўп бўлади. (*Чиқади*.)

Қўкрагига жуда кўп значок тақсан Ризамат киради.

Заргаров. Ҳа, Ризамат! Тиш оғриб қолдими? Бунақа арақ ичишга тиш эмас, отнинг тақаси ҳам чидамайди.

Ризамат. Арақ ичмай қўйганман, хўжайин!

Заргаров. Шунақами... (*Қўкрагини кўрсатиб*.) Ўҳӯ, тақмаганинг чойнакнинг қопқори қолипти холос-а! (*Чиқади*.)

Ризамат. Менга қара, ука, Ризқихўжа икковинг шу қилиқларингни менга қилмасаларинг нима бўлар эди?!

Марасул. Нима қилибмиз?

**Ризамат.** Бошида писанда қилмовдимми!.. Оғзинга сиққанини ол, лекин тиілла тиіш деб занглаган тақа қўйма демовдимми!

**Марасул.** Иүғе! Сизга шунақа қиласизми? Үти-ринг-чи...

**Ризамат (креслога үтиради).** Кечадан бери ўхчий берип ўлиб бўлдим-ку.

**Марасул.** Оғзингизни очинг! Уф, бай-бай, ичингизда ит ўлганми!.. (Бирдан). Э-э-э!.. Аттанг! Тиш қўйгандан кейин уч кун арақ ичмай туринг дейиш мутлақо эсимдан чиқипти-я! Қани (тишини кўриб). Ҳа, мана тамом... миокардиодистрафия!

**Ризамат (чўчиб).** А?

**Марасул.** Миокардиодистрафия!

**Ризамат.** Оббо, худо урди, энди нима қиласман! Нега айтмадинг, айтсанг тишимга сақич ёпишириб ичар эдим-ку...

**Марасул.** Мутлақо эсимдан чиқипти! Майли, зиёни йўқ, тўғрилаймиз... Сиз ҳозир Ризқиҳўжанинг олдига боринг, мен телефон қиласман, чорасини кўради. Йўлда ичиб-нетиб юрманг тағин.

**Ризамат.** Йўқ-йўқ, худо хоҳласа етиб борарман. (Чиқади.)

**Марасул (трубкага.)** Ўн бир, ўн сакқиз... Ризқи! Ризамат акага нуқул ўзидан қўйибсан-ку! Бориб-бориб ўртоқ Заргаровнинг қайнагасига шунақа қиласанми! Қўйсанг-чи, оғзи кўкариб ётибди! Энди бир-биrimизни алдашимиз қолдими! Ҳозир боради, тўғрилагин! Арақдан миокардиодистрафия бўлипти дедим, сен ҳам шунақа дегин. (Турбкани қўяди.)

Оқила киради.

Э-э, келинг, Оқилахон опа... Қайси автобусда келишингизни билмаганим учун кутиб олгани чиқолмадим. Яхши келдингизми?..

**Оқила.** Шукур... Қанилар, хотин устига хотин олган Аҳаджон бой қанилар?

**Марасул.** Ҳозир... (Турбкани олади.) Иигирма беш, ўн беш... Аҳаджон ака, келдилар... Тезроқ чиқинг! (Турбкани қўяди.) Оқилахон опа, ишнинг фойда чиқадиган томонини кўзлайверганингиз маъқул. Жанжалдан ҳеч ким барака топган эмас. Индамай қўя қолинг.

**Оқила.** Нега индамас эканман! Ўн етти йил хизматини қилиб пировардида кўрганим шу бўлдими? Менинг

юзимни қилмаса уч боласининг юзини қилса бўлмасми?.. Бундан ўн етти йил бурун битта данак эксам ҳозир соясида үтириб мевасини ер эдим. (Ииглайди.)

**Марасул.** Оқилахон опа... Фойда чиқадиган томонини кўзлайверинг.

Заргаров киради. Оқила беихтиёр ўрнидан туради.

Заргаров. Ҳа, яхшимисан... (Пауза.) Болалар яхшими?

**Оқила (кўз ёшини артиб).** Яхши... Хайрият, болалар эсингизда бор экан!

Заргаров. Аҳмоқ бўлма!.. Үти! Энди нима бўлиб шундоқ бўлганини айтиб үтиришга фурсатим йўқ — идорада одамлар мени кутиб үтирибди. Бўлар иш бўлди, бўёви синди. Ихтиёр ўзингда, агар шу гапни кўчага чиқараман десанг, майли, чиқар, лекин ўйлаб иш қил! Ўзингга қийин бўлади: учта боланг бор, қўлингда ҳуаринг йўқ... Йў-йўқ, кўчага чиқармайман, сабр қиласман десанг...

**Марасул.** Сабрнинг туби олтин!

Заргаров. Балли! От айланиб қозигини топади!

Магазиндан келаётган Хуморхон дераза олдига етганида қўлидаги ўрамни тушириб юборади.

Хуморхон. Вой! Марасул ака!.. Қарашиб юборсангиз-чи!

**Марасул (Заргаровга).** Хуморхон опам!..

Заргаров (дарров креслога үтириб). Оҳ! Воҳ! Суғур! Суғурсанг-чи!

**Марасул (омбурни чоғлаб).** Ҳозир... Ҳозир...

Хуморхон. Вой, нима қилди?

Оқила Хуморхонга тикилганича қолади.

Марасул (Хуморхонга). Дунёда тиш суфуртиришдан ёмон азоб йўқ. Сиз бораверинг, кўрмай қўя қолинг.

Хуморхон. Оғритмай олинг! (Чиқади.)

Оқила унинг кетидан қараб, аста ўрнидан туради.

Заргаров (чўнгатидан пул олиб Оқиласага беради). Ма, болаларга бирон нарса олиб бер.

Оқила. Ўзингиз қачон борасиз? Болалар дада деб жонимдан безор қилишяпти! (Ииглайди.)

**Заргаров.** Шу ҳафта ичи бораман. Болаларни ўпид қўй! Бор!

**Оқила** товуш чиқармай йиглаганича чиқиб кетади.

**Марасул.** Аҳаджон ака, жуда қалтис иш-да.. бир чувингиз чиқса борми — бу ёғингиз райком, бу ёғингиз прокурор-а!

**Заргаров.** Э, ваҳима қилаверма!

**Марасул.** Одам қариган сайн ёшини хоҳлар экан-да!. Хуморхонни олмасдан шундай ўйнашиб юраверсангиз бўлмасмиди?

**Заргаров.** Ўйнашиб юриб шунаقا бўлиб қолди-да! Бир куни «бўйимда бўлиб қолди» деб йиглаб келди. Ёлғон экан-ку, қўрққанимдан, қорни қўзимга катта қўриниби. Шу!.. «Тоғам билиб қолса мени сўяди, хотин устига бўлса ҳам ол», деб туриб олди. Тоғаси бояги Ризамат, ўшандা ҳам менда завхоз эди, ҳар куни саломга кирадиган бўлиб қолди: ҳар кирганда «сўйиб келмадимкин» деб юрагим жир этиб кетади, дегин!.. Бундан ташқари, ўйлаб қарасам, биздай одамнинг бисотида битта культурнийроқ хотин бўлса ҳам зиён қилас мас экан. Ўзинг ўйлаб кўр: хотининг бўлса-ю, орада гаплашгудай гап бўлмаса, бирон жойга олиб боролмасанг, меҳмон келганда дастурхонда ортиқча бўлиб ўтиrsa!.. Қийин-да! Бечора Оқила, ўзи жуда ҳалол, меҳнаткаш, болаларга жуда меҳрибон, қисқаси, баҳоси йўқ хотину, орқада қолиб кетди!

**Марасул.** Саводи бор шекилли?

**Заргаров.** Бор эди! Бир оз бор... жуда ёш олган эдим-да, еттинчими, саккизинчими синфда ўқир эди. Кеянн ўқиёлмади: катта даргоҳ, бола-чақа, қозон-товоқ.. Қолиб кетди!. Қўй бу гапларни! Мени яна бирон уч минг сўм қарздор қилиб тур. Хуморхонни курортга жўнатмасам бўлмайди. Оқиланинг тапти босилгунча қўздан нарироқ тургани маъқул.

**Фотима** киради.

**Фотима.** Насиба дарсда экан, айтдим, ҳозир дарс тамом бўлиши билан келади.

**Марасул.** Пулингиз борми? Аҳаджон акамга яна уч минг сўм зарур бўлиб қолибди.

**Фотима** (шошиб). Пулим йўқ.

**Марасул** (қулогига). Ундоқ деманг, беринг, керакли одам.

**Фотима.** Ҳадеб олаверадими?.. Кошки берсал.. (Ички белбогидан пул олиб тез санаб беради.) Минг! Икки минг!.. Уч минг!

Қизларнинг ашуласи, Насибанинг «Сизлар кетаверинглар, орқаларингдан этиб бораман!» дегани эшитилади. Ҳамма деразадан қарайди.

**Насиба** (киради). Салом...

**Фотима.** Айланай..

**Марасул.** Ие, кийинмасдан келибсиз-ку!

**Фотима.** Вой, гиргиттон! Қиринг! Қиринг!

**Заргаров** (*Nasibaga зеҳн солиб*). Ҳим... (*Марасулга*) Формада олиб бора кўрма, формани кўриб ЗАГС мудирининг жини қўзғамасин тарин.

**Марасул.** Йў-йўқ! Худо урдими!

**Заргаров.** Бўйи жуда паст экан-да!

**Фотима.** Туфли бор! Пошнаси бир қаричлик туфлимиз бор!

**Заргаров.** Хўп, боринглар, ҳашамини кейин қиласизлар. Хўп, мен кетдим, одамлар кутиб қолди. (*Чиқади*.)

**Фотима.** Қани, юринг, гиргиттон!

Иккови ичкарига кириб кетади. Марасул ашула айтиб асбобларини йигиштиради ва кийинади. Ичкаридан **Фотима**, бошқа қўйлак ва баланд пошна туфли кийган **Насиба** зўрга юриб чиқади.

**Марасул.** Қани, кетдик!

**Насиба** (*Fotimaga*). Тағин ЗАГСга борамизми?

**Фотима.** Бу сафар бетўхтов ЗАГС қилади, Аҳаджон акангиз буюрдилар.

**Марасул.** Энди портфелнинг кераги йўқ. (*Портфелни олиб улоқтиради*.)

**Фотима.** Боринглар! Илоҳи омин!. Тезроқ қайтинглар, ошнинг гуручини солмай тураман!

**Марасул** билан **Насиба** чиқади. Фотима креслога ўтириб юзинга фотиҳа тортади.

### ИККИНЧИ ҚУРИНИШ

Роҳилланинг кўримсизгина уйи. **Роҳила**, **Марасул**. Марасул хуноб бўлиб у ёқдан-бу ёққа бориб келмоқда.

**Марасул.** Бунаقا қайсар одам дунёга келган ўмас! «Ахир Аҳаджон акам телефон қилдилар-ку, яна

німа керак?» десам, «Худонинг ўзи телефон қиласа ҳам регистрация қилмайман» дейди-я!

Роҳила. Лоҳавла... Энди нима қиласизлар?

Марасул. Энди нима қилар эдик... қишлоққа чиқиб регистрация қилдириб келамиз-да... Аҳаджон акам хат ёзib бердилар... Мана... (Уқийди.) «Жондан азиз жиянимиз Нишонбойга етиб маълум бўлсинки, ушбуни кўрсатувчи Марасул Хузуржоновни тегишили умр йўлдоши ўртоқ Насибаҳон Асқарова билан бирликда никоҳ дафтарингиздан ўтказиб азбаройи (таъкидлаб) турмуш қилишлари учун қонуний ҳужжатларини бермоғингизни сўраб қоламан деб Заргаров».

Роҳила. Қачон борасизлар?

Марасул. Ҳозир борамиз, борди-келдиси машина-да бир ярим соатлик йўл... Насиба келмаяпти-ку?

Роҳила. Ҳайронман... Мактабимга бориб келаман деган эди.

Марасул. Хавотирман-да: битта-яримта ўртоғига айтиб қўйса...

Роҳила. Йўғ-э, айтмайди!

Марасул. Мен бориб машинани олиб келай, унгача келиб қолар. Тайёр бўлиб туринглар. (Чиқади.)

Роҳила (ўзича). Шукур, худога минг қатла шукур, қўзим очиқлигида қизгинамнинг тўйини кўрадиган бўлдим. (Гардеробни очиб Насибанинг кўйлакларини ҳавас билан кўздан кечиради.) Толейингдан ўргилай, қизим, онанг шўрлик қиз бўлиб, келин бўлиб ҳеч нарса кўрмаган эди, худойи таоло ҳаммасини сенга насиб қилган экан. (Ўзича ашула айтади.) Тўй муборак бўлсин. Тўйлар муборак бўлсин...

Ўргилай Насибаҳон, тўйлар муборак бўлсин..

Мактаб формасида Насиба маъюс киради.

Келдингми, қизим...Ҳа, нима бўлди?

Насиба (секин). Мен яшиrolмадим... Домламга айтиб қўйдим...

Роҳила (қўрқиб). А? Қайси бирига айтдинг?!

Насиба. Мактабдан чиқиб келаётсан Пўлатжон Домла эшикда турган эканлар... Ҳеч яшиrolмадим! Қабинетларига олиб кирдилар. (Бирдан.) Ая, қўйинг, шу ишни! Қўйинг, шу иш мактабни битирганимдан кейин бўлсин! Мен домламга ваъда бериб келдим. Қўйинг, ке-ракмас!

Роҳила. Ҳой, ношукур! Бахт қуши одамнинг бошига бир марта қўнади-я! Уқиш ҳамма вақт бўлаверади — магазин тўла китоб!

Пўлатжон Домла киради.

Пўлатжон Домла. Мумкинми?

Насиба (ҳайрон). Марҳамат... Келинг, Домла... Роҳила (гаранг). Келинг, директор-домласи...

Пўлатжон Домла. Салом...

Роҳила. Қани бу ёқقا... қизим, самовар қайнаб турган эди, олиб кир!

Пўлатжон Домла (ўтиради). Саломат бормисиз?..

Роҳила. Шукур...

Пўлатжон Домла. Насибани узатишга шошибисиз деб эшитдим...

Роҳила (гангиб). Йўқ... Ким айтди?.. Бекор гап! Улимдан хабарим бор, бу гапдан хабарим йўқ...

Пўлатжон Домла унинг кўзига қарайди.

И-ҳа, эсим қурсин, дурустроқ бир жой чиқкан эди, подручка қилиб юрсин деб унаштириб қўйдик, холос...

Пўлатжон Домла. Ҳим... «Дурустроқ жой?» Нимаси дуруст экан?

Роҳила. Дурустлиги шуки... ўзи доктор! Доктор бўлганда ҳам чақонгина доктор экан! Данғиллама иморату, машина-ю! Сигир, товуқ, фоз... Болагинам етим ўсганига яраша худо пешонасига бахт битган экан!

Пўлатжон Домла. Ҳимм... Ҳар бир она боласини яққолроқ кўриниб турган бахтга томон йўллашни истайди, лекин афсуски, бахт, чинакам бахт нима эканини ҳар бир она билавермайди. Азизим! Қизингизнинг бахтини бирорларнинг остонасидан қидирманг! Бахтни бирорларнинг остонасидан қидиришнинг ўзи бахтсизликнинг боши! Насиба ўз бахтини ўзи, ўз қўли билан яратади! Бахт хусусида уни янгиштирманг! Янгиштирманг қиз бечорани!

Роҳила. Вой, мен янгиштирганим йўқ! Үқиган йигит бўлгани учун қўлдан чиқмасин деб...

Пўлатжон Домла. Үқиган бўлса ҳам ўқимаган йигитга ўхшайди, йўқса Насибанинг ўқишини ора йўлда қолдириб мактабидан юлиб олмоқчи бўлмас эди.

Роҳила. Билмасам, Насибанинг ўзи танлаган... яхши кўради...

Пўлатжон Домла. Хато! Ундоқ деманг, хато гап! Мен Насиба билан гаплашиб кўрдим. Бу муҳаббат эмас, англашилмовчилик! Сиз муҳаббат хусусида ҳам уни янгиштирунган!

Роҳила. Вой, ғалати гапни гапирасиз-а, домласи, (иғламсираб) она ўз боласига ёмонликнираво кўрадими!..

Пўлатжон Домла. Тўғри, ҳеч қачонраво кўрмайди! Қадимги вақтда ёш қизларини хотин устига берган, олтмиш-етмиш яшарчолларнинг қўйнига солиб қўйган ота-оналар ҳам ўз боласига ёмонликнираво кўрган эмас, лекин дўст бўла туриб душман ишини қилганлиги ҳам ҳақиқат! Шундоқ эмасми?

Самовар кўтариб Насиба киради.

(Насибага.) Биз ўқитувчилар, тўққиз йил давомида сени кўзимизнинг нури, бағримизнинг ҳарорати билан парвариш қилдик!. (Роҳилага.) Тувакда бир туп гул ўстирган одам шу гулнинг бирон япроғига шикаст етса қанчалик ачинади! Насиба бир туп гул эмас!

Роҳила. Айтдим-ку, домласи, совчи келавермасин деб унаштириб қўйдик, холос. Тўйни келаси йил қилсак қиласмиз...

Пўлатжон Домла. Тўй деб Насибанинг ўзи айтди-ку!

Роҳила (қизига хўмрайиб). Вой, нега ундоқ дединг? Унаштириш нима эканини билмайди-да, домласи, ёш... (Ўпкалаб.) Вой, домласи, наҳотки шунга ишонган бўлсангиз! Сизни отаси ўрнида кўрсагу наҳотки сиздан бесўроқ иш тутсак... (Насибага.) Қиз нарса, ҳеч нарсадан ҳеч нарса иўқ, тўй деб юргани уялмайсанми! (Биқинини ўйиб олади.) Гапир!

Насиба. Кечирасиз, домла, мен тушунмаган эканман...

Роҳила (сохта кулиб). Буни қаранг, унаштиришни тўй деб юрса-я! Қўйинг, домласи, ҳозир унаштиришдан ҳам айнидим! Вақт-соати етганда бўлар! Вақт-соати етганда кўёвни ўзингиз топасиз! Тўйга ўзингиз бош бўласиз!

Пўлатжон Домла. Ана бу гапингизга оғарин! Оғарин! Энди мен кетай бўлмаса...

Роҳила. Бирпас ўтирсангиз бўлар эди.

Роҳила уни кузатиб чиқади. Насиба ўйланиб қолади.

Роҳила (киради). Орзу-ҳавас кўриш пешонамга битмаган бўлса нима ҳам дейман! (Иғламсираб.) Майли, онанинг кучи болага етмайдиган замон экан...

Насиба (ҳайрон). Вой нима дейпсиз ўзингиз?

Роҳила. Шу гап ўлгурни домлангга айта қолмасанг нима қиласар эди! Сизларга нондан ҳам домла азиз-да! Майли, шундай бўлса ҳам сендан розиман... (Айтib иғлайди.) Ўғил кўрмадимки, гўримга икки кетмон тупроқ ташласа... Товутим чиқсан куни арвоҳимга битта шам ёқсанг бас!

Марасул киради.

Насиба (иғлаб). Дарров шунаقا дейсиз-да!  
Марасул. Узи нима гап? А?

Роҳила. Директор-домласи келди...

Марасул. А?.. Хўш?

Роҳила. Домласига айтибди...

Марасул (Насибага). Ие, қанақасиз ўзингиз, ҳеч кимга оғзингиздан чиқарманг демовдимми? (Роҳилага.) Хўш, нима деб келибида?

Роҳила. Нима дерди!

Марасул (Насибага). Хўш, сиз нима дедингиз?

Насиба. Пўлатжон Домла мендан жуда қаттиқ коинидилар.

Марасул. Қизиқ экансиз, директор бўлгандан кеин койийди-да! Нима, чапак чалсинми бўлмаса?

Насиба. Йўқ, Домла чинакам куяётитпилар, мактабни битиролмай қолади деб ўйлаётитпилар.

Марасул. Ие, ахир айтмадингизми!.. Мен жоними, танимни, бутун умримни илм ўйлига тиккан бир дарвишман-ку, ахир! Мен нима қилсам илм учун, илм ўйлида қиламан. Куним битиб ўлсам, ўлигимни ҳам илм ўйлига бераман: майли, студентлар теримга похол тиқиб бурчакка қўйишин! Финг демай туравераман!.. Мен сизга қўл чўзганимда эррак бўлиб эмас, бир тарбиячи бўлиб қўл чўздим. Мен сизни университетда ўқитаман, аспирантурада ўқитаман! Менга жўн хотин керак эмас! Жўн хотин керак бўлса, мана, ўртоқ Заргаровдай одам синглисими бермоқчи бўлганда ола қолар эдим!

Роҳила (Насибага). Эшитаётисанми?

Марасул. Мен сизни доктор қиламан, академик қиламан!

Насиба (кулимсираб). Ростми?..

**Марасул.** Мен сизга қачон ёлғон гапирган эдим?

**Фотима** киради.

**Фотима.** Ҳой, мунча ивирсидиларинг! Машинада ўтириб кўзим пинакка кетибди. Бўла қолсаларинг-чи..

**Роҳила** (Насибага кўйлак бериб). Юр тезроқ, кийингин, қизим!

**Насиба.** Ая, ахир, Пўлатжон Домла...

**Роҳила.** Гапни кўпайтирма! (Насибани қўярда-қўймай етаклаб олиб чиқади.)

**Марасул** (Фотимага.) Тўйни тезроқ ўтказмасак мактаб ишни чатоқ қиласиданга ўхшайди.

**Фотима.** Албатта! Менинг нима деб жоним ҳалак! Качонгача ўргатаман!..

Ясанган Насиба, Роҳила киради.

**Марасул.** Қани, кетдик!

**Роҳила.** Кетдик!

**Насиба.** Ая, домламга нима дедингиз?..

**Марасул.** Юринг! Юринг! (Насибани қўлтиқлаб олиб етаклайди.)

Ҳамма чиқади.

**Парда**

## ИККИНЧИ ПАРДА

### УЧИНЧИ ҚУРИНИШ

Катта дид ва зўр ҳавас билан солинган иморат. Ёш мева дарахтлари. Майнинг ўрталари.

**Насиба,** Вера, Назира.

**Насиба.**

Кавказ подо мною. Один ввышине  
Стою над снегами у края стремнины  
Орел, с отдаленной поднявшись вершины,  
Парит неподвижно со мной наравне.

Вера. Парит эмас, парйт!

**Насиба.** ... Парйт неподвижно со мной наравне..  
Кисловодск! Қазбек! Аарат!..

**Назира.** Кисловодск қаёда-ю, Қазбек билан Аарат қаёда! Тўққизинчи синфда ўқиган одам географияни бир оз билиши керакдир?

**Вера.** Қизиши, Назира.

**Насиба** (кулади, Назирани қуноқлайди). Узингнинг ҳам ҳавасинг келаётнити, ўртоқжон!. Вой!. Уйласам юрагим ҳовлиқиб кетади!. Шуларнинг ҳаммасини ўз кўзим билан кўраман-а!

**Назира.** Үқиш-чи?! Үқишни кимнинг кўзи билан кўрасан? Имтиҳонлар-чи?

**Насиба.** Имтиҳон? Имтиҳонни кузда бераман. Марасул акам шунаقا деяптилар!

**Назира.** Ҳайронман! Мен сенга ҳайронман, Насиба! Наҳотки одам ҳеч кераги йўқ курортни деб имтиҳонни кузга кўйса!

**Вера.** Бари бир мактаб жавоб бермайди.

**Насиба.** Жавоб берган бўлса-чи?

**Вера.** Ҳеч-да.

**Насиба.** Марасул акам «Насиба ҳозир курортга бормаса бўлмайди» деб поликлиникадан справка элтиб бердилар.

**Вера.** Ҳеч касалинг йўқ-ку!

**Насиба.** Вой, касалим бор...

**Назира** (тажсане). Қаеринг қийшайибди?

**Вера.** Назира, оғир бўл!

**Насиба** (зўр ташвиш билан). Марасул акам мана бу еримга ... йўқ, мана бу еримга қулоқ солиб кўриб, (бош чайқайди) мундай-мундай қилдилар.

**Назира.** Бошини мундай-мундай қилган Марасул акангу справкани поликлиника бердими?

**Вера.** Назира, ҳовлиқмагин!

**Насиба.** Марасул акам касалимни айтгандилар-да!

**Вера.** Ҳеч қанақа касалинг йўқ! Қўй бу гапларни! Биз ёрдам берайлик, имтиҳонга тайёрлан.

**Насиба.** Вой, мунча! Имтиҳонни берсам бўлдими? Кузда бераман-да! Ҳозир қандоқ қиласидан... Поездга билет олиб қўйган бўлсак, поезд уч соатдан кейин кетса... Үнинчини кечки мактабда битираман! Битирмасдан иложим борми, янаги йилга Москвага кетадиган бўлиб турибимиз. Марасул акамни Москвага ишга чақиришяпти.

**Назира.** Мен ҳам «Москвада тиш доктори камчил эмиш» деб эшидим!

**Вера** (аччиғи келиб). Назира, қўйсанг-чи!

**Насиба.** Вой, ишонмайди-я! Хат келибди! Кетамиз!  
Марасул акам «сени Ломоносов номидаги университетта  
киргизиб қўйман», деяптилар, йигирма бешинчи этажда  
ўқийман! У киши ишлайди, мен ўқийман. Университетни  
битираман, кандидат, доктор бўламан! (*Керилиб.*) Фи-  
зиқа-математика фанлари доктори, профессор Насиба-  
хон Каримовна Асқарова! Йўқ-йўқ, Ҳузуржонова!

**Назира.** Сал тушинг!

**Насиба.** Бўлолмайманми?

**Назира.** Бўлолмайсан!

**Насиба.** Бўлолмайманми, бўлолмайманми?

**Назира.** Бўлолмайсан!

**Насиба** (*уни ийқитиб миниб олади*). Бўлолмайман-  
ми?

**Назира.** Тавба қилдим! Бўласан... бўласан...

**Кулги.** Жимлик.

**Вера** (*«Школьный вальс»ни бошлиайди*).

Давно, друзья веселые,  
Простились мы со школою...

Назира билан Насиба қўшилади.

Но каждый год мы свой приходим класс,  
В саду берёзки с клёнами,

И школьный вальс опять звучит для нас.  
Сюда мы ребятишками  
С пеналами и книжками...

Насиба сукутга кетади. Буни Вера пайқаб Назирани туртади.

**Назира** (*ўйчан*).

Давно, друзья весёлые,  
Простились мы со школою...

Вера. Ҳар қалай эрга текканинг bemavrid, bemas-  
лаҳат иш бўлди! Насиба. Мактаб билганида тўйингни  
бир йил кейинга қўйдирар эди. Яширдинг. Ҳамма сендан  
хафа!

Насиба. Уф... Муҳаббат нима эканини бошингга  
тушганда биласан!

Назира. Яна бир йил сабр қилганингда муҳабба-  
тингга куя тушармиди?

**Вера** (*Назирага*). Оғир бўлсанг-чи, ахир!

Насиба. Яна бир йил сабр қилсан бўлар эди, ле-  
кин бир томондан, аям... «Кўзим очиқлигига тўйингни  
кўрай» деб туриб олдилар, бир томонда... (*ифтихор би-  
лан*) ўртоқ Заргаров орага тушдилар. Ундан кейин Ма-  
расул акам ҳар куни мактабга кетишимда ҳам, кели-  
шимда ҳам, гул кўтариб кўчамизнинг бошида турар  
эдилар.

**Назира.** Менга қара, ҳар куни гул кўтариб турга-  
нига раҳминг келдими, ё чинакам яҳши кўрасанми?

**Насиба.** Билмасам... (*ўйчан*). Баъзан аллақандай  
бўлиб кетаман.... Кўнглим ғаш.... Тўққиз йил ўқиган  
мактабим, муштдайлигимдан бирга ўстган ўртоқларим...  
Ҳаммасига, бегонадай бўлиб қолдим! Энди кечки мак-  
табда ўқийман... Хотинлар.... Қизиқ-а, мен энди хотин!..  
Марасул акам менинг эrim! Эр! «Эrim» деган гапга  
ҳеч кўниколмаяпман! Кўнишиб кетарман-а, қизлар! Бир  
одам сенга жони жаҳонини берса-ю, сендан ҳеч нарсани  
талаб қилмаса, шу одамнинг оти эр бўлса, бунга кўни-  
масдан нимага кўниқади киши! Қаранглар, шу ҳовли-  
жой, мана шу дарахтлар, курси, сўри — ҳаммаси меникүл  
(*Бахтиёр*) Эrim менинг бугун Қисловодскка олиб кетади

Вера. Бутунлай ўзгарибсан!

**Фотима** (*төвущи*), Ҳой, Асқад, жувонмарг, қўясан-  
ми, йўқми?

**Насиба.** Қайнанам...

**Фотима** чимматсиз паранжи ёпиниб, иккита бидон кўтариб  
киради.

**Фотима.** Қелинпошша! (*Меҳмонларни кўриб*.) Ие!  
Келинглар, эсонмисиз... Омонмисиз... (*Насибага*.) Келин-  
пошша, товуқларингизга мояк қўйдингизми?

**Насиба.** Ҳа, мояк қўйғанман.

**Фотима.** Чипор товуғингизга-чи?

**Насиба.** Унга ҳам қўйдим.

**Фотима.** Қора товуғингиз ҳам қа-қалаб юриди.  
(*Товуқнинг юришини қилиб кўрсатади*.) Қа-қа-қок...  
(*Бир чеккада турган шиша билан паҳтани кўриб қола-  
ди*.) Ҳа, айтгандай (*шиша билан паҳтани олади*), сиги-  
рингизнинг қаншарига темирўтки чиқибди, намакоб сур-  
кадим, нос суркадим — бўлмади, пичоқ билан қириб, ки-  
расин суркаш керакмиш.

Назира пиқ этиб кулиб юборади. Вера уни туртади.

Қирай десам, қарилек қурсин, кўзим ўтмади. Сизнинг иўзингиз ўткирроқ... Мана, учовларинг бирпасда қила-сизлар...

Назира товуш чиқармай қотиб-қоғиб кулади. Вера уни тургади, гавдаси билан Фотиманинг назаридан тўсади.

Насиба (хижолат). Мол докторига қаратамиз, ая, доктор даво қиласди!

Фотима. Аввал бир суркаб кўринглар, бўлмаса ундан кейин дўхтирга қаратайлик. (*Шиша билан пахтани унга беради.*)

Насиба. Хўп-хўп... Утириング...

Фотима. Йў-йў-йўқ, бемалол ёзилишиб ўтириинглар! Емон кўрганим ёшларнинг суҳбатига қариларнинг суқилиши. Айниқса, қайнана...

Насиба. Унақа деманг! Утириинг!

Фотима. Ёшлигимда қайнананинг жабрини торта-торта жонимда жон қолган эмас. Мана шу Марасулни туққанимда: «Шу ўғлим катта бўлса, хотин олса келинимнинг ҳеч ишига аралашмайман», деб ният қилганман. Худо ниятимга етказди.

Фозлар товуши.

Ҳой, Асқад ўлгур! (*Кўча эшигига томон югуради.*)

Насиба ундан илгари чиқиб кетади.

Насиба (товуши). Ҳой, Асқад!

Фотима (кўчага). Қелинпошиша, ҳу, ана у эшикка кирди! Ҳа, жувонмарг!. (*Қайтади.*)

Вера (*Назираға*, «сен тек тур», деган маънода шора қилиб). Хола, Насиба ўқишини қўйиб курортга кетармиш... Чакки қилаётитти. Сиз ҳам айтинг...

Назира. Ўғлингизга айтинг, олиб кетмасинлар. Имтиҳони бор.

Фотима (бидонларини олиб). Йў-йўқ! Мен ният қилганман. Ихтиёр ўзида. Хукуматнинг даврида ҳамма бозод, озод бўлгандан кейин борса ҳам ўзи билади, бормаса ҳам ўзи билади. (*Чиқади.*)

Машина гудоги. Насиба билан Марасул қиради.

Марасул. Салом қизлар!.. Насибахон, пулингиздан бир минг беш юз сўм олиб чиқинг, мен сизга бир нарса олиб келаман.

Насиба уйга кариб кетади.

Хўш, қизлар, нима гап?

Вера. Бизни комсомол ташкилоти юборди.

Назира. Насиба имтиҳонларини бермасдан курортга кетар эмиш! Бу қанақаси?..

Вера. (*Назирағи тутишиб*). Комсомол ташкилоти бизни хабар олгани, билгани юборди.

Марасул (елкасини қисиб). Мен бу тўғрида дирекцияга справка элтиб берган эдим-ку?

Назира. Курортга ҳозир бориши зарурми?

Марасул. Зарур! Докторлар касали жуда оғир дейишиётитти. Миокардиодистрафия!

Назира. (*Верага бир қараб*). Вой, Насибани ўзингиз кўрибсиз-ку! Поликлиника сизнинг гапингизга қараб справка берибди-ку!

Марасул. Тўғри, ўзим кўрдим! Нима, мен доктор эмасманми? Жим! Насиба чиқаётитти. Мен касалини ўзига айтганим йўқ. Ҳиз билмаслиги керак!

Насиба уйдан жуда кўп пул олиб чиқади ва ўртоқларининг кўз олдида ҳузур қилиб санаб беради.

Насиба. Мана.. Бир! Икки...

Марасул. Курортга боришдан мақсад даволаниш бўлса, даволанишдан мақсад — ўқиши! Аъло ўқиши! Комсомол ташкилоти билан дирекцияга менинг номимдан айтинглар... Мен олий маълумотли одамман, докторман! Насиба кузда ҳамма фандан аълога топширмаса йўл қўймайман! Насиба мени ерга қаратмайди.

Насиба. Албатта!.. Эллик саккиз, эллик тўққиз, олтмиш!.. Дарров келасиз-а! Тағин поездга кечикмайлик!

Марасул. Мен беш минутда етиб келаман. Ўртоқларингизга яхши пластинкалардан қўйиб беринг.

Назира. Йўқ, биз ҳам кетамиз!

Марасул. Шунақами... Машинага чиқинглар бўлмаса.

Насиба (эркаланиб). Марасул ака, машинани кўчанинг бошигача ҳайдаб чиқай...

Марасул (кулиб, қизларга). Насиба машина ҳайдашни ўрганяётитти. (*Насибага.*) Хўп, лекин катта кўчага чиқмайсиз!

Насиба (севиниб.) Хўп! Кўчанинг бошигача...

Ҳамма чиқади. Мотор гуриллайди. Машина гудоги. Ғозлар товуши. Машина жүнайди. Пақыр күтәриб Фотима киради. Телефон жириңглайди.

Фотима (трубкани олиб). Ҳа! Марасул йўқ. Қимсиз? Директор? Вой, болам, қайси магазиннинг директорисиз? А? Мактаб директори? Ҳмм... Ҳа, кетишаётити. А? Ихтиёр Насибанинг ўзида. Вой, ўзингиз ўқиган одам бўла туриб озодликка тўсқинлик қиласизми?

Кўчадан ғозлар товуши эштилади.

Қўйинг, қўйинг, гапни чўзманг! Вақтим йўқ! (Трубкани қўйиб кўчага қарайди. Хуморхон киради.) Ҳой, Асқад, қўяссанми, йўқми? Бироннинг ғозини қувлайверасанми? Хуморхон. Қим, хола?

Фотима. Анави Тўлаганнинг эркатойи! Минаман деб ғозларни қувлагани қувлаган.

Хуморхон. Бизнинг телефон яна бузилиб қолди. Эр бўлмай қора ер бўлгур, шуни яхшироқ тузаттириб қўймайди! Мумкинми?..

Фотима. Бемалол... (Пақирни қўйиб, уйга киради.)

Хуморхон (трубкага). Йигирма тўрт — етмиш тўрт... Салом, Хуморхонман. Аҳаджон акам бормилар? Шунақами... Раҳмат... Кечирасиз... Йигирма — тўқсон саккиз... Ўртоқ Заргаров бормилар? Қаёққа? Раҳмат. Кечирасиз... Йигирма уч — саксон тўқиз. Ўртоқ Заргаровнинг оиласари бўламан... А? Қаёққа кетди экан? Айтмадими? Раҳмат. Кечирасиз. (Трубкани қаттиқ қўйиб ўрнидан туради.)

Насиба. (Югуриб киради). Ду-ду-дуд!.. Радиатор... Аккумулятор! Келинг, Хуморхон опа...

Фотима уйдан чиқади.

Фотима. Келинпошша! Сигириңгизни соғиб оласизми?.. (Кунга қараб.) Мен намозни ўқиб олай.

Насиба пақирни олиб ўйнаб чиқиб кетади. Телефон жириңглайди.

Қим? А? Ҳозир. (Чиқмоқчи бўлган Хуморхонга.) Манг! Эрингиз. (Жойнамозни олиб намозини бошлайди.)

Хуморхон (трубкага). Лаббай! Аҳаджон ака! Қайси гўрда юрибсиз? Телефон қилмаган жойим қолмади! Нима бўлди путёвка. (Таъби хира бўлиб.) Вой

курортга кетаётиман деб ҳаммага овоза қилиб қўйганимдан кейин йўқ дейсизми? Керакмас, путёвка топиб келмасангиз уйга киргизмайман! (Трубкани қўяди, намоз ўқиётган Фотимани четлаб ўз ҳовлисига чиқиб кетади.)

Машина гудоги. Бир қўлида ҳасса билан шляпа, бир қўлида ўрам, Марасул киради. Ў оёқ учида юриб уйга кириб кетаётганида Фотима унга кўз қири билан қарайди.

Фотима (саждага кетаётуб). Шошма!

Марасул бир тўхтаб яна йўлда давом этмоқчи бўлади.

Шошма дейман. У нима?

Марасул. Хитойи ҳалат.

Фотима. Бу ёқса бер! (Халатни очиб кўради.) Қачон ақлинг киради!

Марасул. Ҳмм...

Фотима. (Фотиҳага қўл очиб.) Нима қиласан латтани? Йўқот! Илм бошқа экану, ақл бошқа эканда!

Марасул. Келинингиз бир хурсанд бўлсин деган эдим-да!

Фотима (юзига фотиҳа тортиб). Хотиним хурсанд бўлсин десанг тилла узук олиб бер, тилла билагузук, қўш-қўш тилла соат олиб бер! Хотининг ҳам хурсанд, ўзингнинг ҳам бир кунингга ярайди. Ўзингни тиллага ур, онанг айлансан Марасул, ўзингни тиллага ур!

Марасул. Энди буни магазин қайтиб олмайди-да... (Эслаб.) Хуморхон шунақа нарсаларга ўч, ўшанга оширамиз.

Фотима. Ошир!.. Мактабдан телефон қилди. Яна ўша гап! Тезроқ жўнай қолинглар!

Марасул. Чатоқ бўлаётитпи-да. Бориб-бориб менга гап тегмаса эди дейман-да...

Фотима. Насибанинг ўзи ўқишини хоҳламаса ҳеч кимга гап тегмайди. Озодликка чиққандан кейин хоҳлана ўқийди, хоҳламаса қатиқ сотади. Олиб кетавер. Шунча ўқипти — бас, бундан ортиқ ўқиса тепангга чиқиб кетади. Ишлайсан, пул топасан — роҳатини кўр. Менинг ҳам илгариги қувватим қолган эмас. Мен ҳам дунёга умид билан келганиман, оёғимни узатиб ўтирармикинман деб ўғил ўстирганман.

Марасул. Тўғри-ю, лекин бу ёқда мактаб, бу ёқда комсомол...

**Фотима.** Борди-келдиларингга икки ой кетар экан.  
Икки ойгача эхе! Эсидан чиқади-кетади.

Фартуқ тутиб олган Насиба киради.

**Насиба.** Ая, сутни нима қилай?

**Фотима.** Үзим саранжомлайман. (Чиқади.)

**Насиба.** Нима олиб келдингиз, Марасул ака?

**Марасул** (халатни беради). Лекин ўзимга ёқмай туритди. Пастроғи экан.

**Насиба.** Қийиб кўрай-чи!

**Марасул.** Арзимайди.

**Насиба** унинг кетидан **Марасул** уйга киради.  
**Заргаров,** Хуморхон, буларнинг кетидан Ризамат ҳовлиқиб киришади ва телефон томон боришади.

**Заргаров** (Ризаматга). Боятдан бери айтмайсанми!..

**Хуморхон.** Сизнинг путёвка тополмаслигинизни қаёқдан билсин!

**Заргаров.** Нима, ким дединг?

**Ризамат.** «Инобат» артелининг раиси Раҳимов Малик.

**Заргаров** (трубкага). «Инобат» артели... А? Банд? Оббо!.. (Трубкани қўяди.) Путёвка олдим, деб ўзи айтдими?

**Ризамат.** Ўзи айтгани йўқ, мен сўрадим... Оғайним...

**Заргаров.** Олдим, дедими?

**Ризамат.** Ҳа, кеча олган экан?

**Заргаров** (трубкага). «Инобат» артели... (йўғонроқ товуш билан.) Раиси борми? Ие, салом... Заргаровман. Раҳмат... Ишлар қалай? Дуруст, дуруст...

**Хуморхон.** Гапни чўзманг!

**Заргаров.** Бизнинг бошимизга бир мушкул иш тушиб қолди-да. Умр йўлдошимиз қаттиқ бетоб...

**Хуморхон.** Бунақа гапларни сизга ким қўйипти, хотиним деяверинг!

**Заргаров.** Ҳа, хотиним... Кисловодсга бир дона путёвка олган экансиз, шуни бизга берсангиз, биз сизга янаги ойға тўғриласак, қалай бўлади? Одам юборайми? Раҳмат. (Трубкани қўяди.)

**Хуморхон.** Бўлдими?

**Заргаров.** Албатта! Одамни шошириб юборасиз-а!.. Ризамат, бор, путёвкани олиб кел! Машинада бориб кела қол.

Ризамат чиқиб кетади.

Лекин шунақа одамларга телефон қилиш яхши эмас, жоним! Бунақада обрў қоладими?

**Хуморхон.** Обрў борми сизда? Битта пултёвкани тогам аралашмагунча эплолмадингиз-ку! Обрў эмиш! Обрў десангиз хотинингизнинг тобаси завхоз бўлиб юрармиди!

**Заргаров.** Ичмаса экан, бошқа ишга қўйсам! Арақ-ка нон тўғраб ейди!

**Хуморхон.** Бўлди, бўлди, пул топинг!

**Марасул** билан Насиба уйдан чиқади.

**Насиба.** Хуморхон опа, бу ёқса келинг-а! Сизга бир нарса кўрсатаман! (Хуморхон билан уйга кириб кетади.)

**Марасул.** Келинг, Аҳаджон ака!.. Марҳамат!

**Заргаров.** Путёвка масаласи ҳал, энди билетга, йўлга бир оз пул бўлса... Яна бирон уч минг қарздор қилиб турасан, ука.

**Марасул.** Жоним билан.

Фотима паравжи ёчиниб бидон кўтариб киради ва кўча эшиги томон йўналади.

Ая, пулингиз борми?

**Фотима** (Заргаровга кўз қирини ташлаб). Йўқ эдик.

**Марасул.** Қаранг, бордир, Аҳаджон акамга уч минг зарур бўлиб қолибди.

**Фотима** (ўзича). Оббо!.. (Заргаровга) Озроқ бўмайдими? Озроқ олсангиз беришингиз осон бўлар эди (беради). Мана, санаб олинг (инқиллаб чиқиб кетади).

**Заргаров** (пулни ёнига солиб). Раҳмат! Зап онанд бор-да!.. Бир тийинини қирғич билан қириб олади, кишия! Мен бориб билет олиб келай бўлмаса...

**Марасул.** Мен машинани поликлиниканинг гаражига қўймоқчи эдим, юринг...

Иккови чиқиб кетмоқчи бўлиб турганда Насиба, халат кийган Хуморхон уйдан чиқади.

**Марасул.** Ўҳ-ўҳ-ўҳ!.. Жуда ярашипти-ку, Хуморхон!

**Насиба.** Менга ярашмаганими?

**М арасул.** Сизга ҳам ярашди-ю, жизми каттароқ!..  
**Х ум ор хон** (*Заргаровга*). Гапирсангиз-чи!

**З аргар ов.** Дуруст, дуруст.

**Х ум ор хон** (*Насибага*). Оласи ўргилсин, менга беринг, мен сизга бошқа нарса олиб бераман.

**М арасул.** Насиба сиздан битта эмас, ўнта халатни ҳам аямайди. (*Кўз қисади.*)

**Н асиба.** Майли...

**Х ум ор хон** (*Заргаровга*). Пулингиз борми?

**З аргар ов.** Бераман, бераман. (*Марасулга.*) Кейин суришамиз.

**М арасул.** Майли-майли... (*Ўзича.*) Бунга ҳам куйдик...

Ризамат киради.

**Ризамат.** Мана, путёвкани олиб келдим.

**Х ум ор хон** (*севиниб*). Вой!

**З аргар ов.** Яхши. (*Марасул билан бирга чиқиб кетади.*)

**Х ум ор хон,** Юринг, тоға!

Иккови чиқиб кетади. Насиба хомуш бўлиб ўтириб қолади. Чимматсиз паранжи ёпинган Роҳила киради. Насиба беркинади. Роҳила бир неча марта чақиргандан кейин орқасидан келиб қулоқлайди, Роҳила чўшиб кетади.

**Н асиба.** Шунақа, бирдан кетадиган бўлиб қолдик, ая!

**Роҳила.** Ой бориб, омон келинглар!

**Н асиба** (*бахтиёр*). Қавказ! Пушкин... Лермонтов... Сиз барибир тушунмайсиз!.. (*Онасини танцага олиб тушади.*)

**Роҳила.** Вой,вой!.. Қўй, бошим айланаб кетди. (*Зийнат асбобларини ҳавас билан кўздан кечириб.*) Буюрсин! Насиб қилсин!.. Янги келин бўлиб тушган кунларим даданг раҳматлик битта қалай узук олиб келганда қанча суюнибман!.. Жон қизим, дунёда давлатдан катта баҳт йўқ! Давлат бир марта келади, келганда маҳкам ушлаш керак! Эрингни иззат қил! Қайнанангни иззат қил! Эрталаб саломга чиқаётисанми?

**Н асиба.** Э!..

**Роҳила.** Ундоқ дема, қизим! Гапимга кириб кам бўлдингми? (*Ховлини кўрсатиб.*) *Мана!*

Зухра киради,

92

З у ҳ р а. Салом!

Насиба югуриб бориб уни қулоқлайди.

**Роҳила.** Вой, Зуҳрабуви! Эсонмисиз... Эсон-омон келдингизми... Қачон келдингиз?

**З у ҳ р а.** Кечада... Тўйлар қуллуқ бўлсин... Қуллуқ бўлсин, қизим.

**Н асиба.** Раҳмат.

**Роҳила.** Тўйга келмадингиз... Ўзи ҳам бирдан бўлиб кўп одам билмай қолди!. Хўп томоша қилиб келдингизми? Семирибсиз! Дом отид ёқипти...

**Н асиба** (*хурсанд*). Биз курортга кетаётимиз!

Зухра. Эшитдим...

**Роҳила.** Болагинамнинг суюнганини кўринг.

**Н асиба** (*хурсанд*). Биз курортга кетаётимиз!

**З у ҳ р а.** Пул яхши нарса, лекин босиб олган одамга яхши. Пулки кишини хазондай учирив юрдими, ундан пулдан қўрқилик!

**Н асиба.** Кимни учирипти?

**З у ҳ р а.** Мана, сени! Сени учирив курортга олиб кетаётитти.

**Роҳила.** Ёмонми?

**З у ҳ р а.** Мактабидан юлиб олиб кетаётитти-да.

**Роҳила.** Айланай, Зуҳрабуви, ҳозир ҳамма ҳам эрга теккунча ўқиди.

**З у ҳ р а.** «Ким табиб, бошидан ўтган табиб» дейишар эди, илмисизлик бошингиздан ўта туриб шу гапни гапрасиз-а?

**Н асиба** (*аччиғи келиб, онасига*). Үқийман!

**Роҳила.** Ҳа, ҳа, ўқиди.

Марасул киради.

Зухра. Мактабда ачинмаган одам йўқ.

**М арасул.** Э, келинг, хола, келинг! Үйнаб-кулиб келдингизми... Насибахон, аям қанилар?

**Н асиба.** Ҳозир келадилар.

**М арасул** (*Роҳилани кўриб*). Э-э!.. Келинг...

**Роҳила.** Яхшимисиз, болам...

**М арасул.** Насибахон, ошни тезроқ есак. Чойни шошмасдан ичиб поездга чиқсан дейман-да.

**Н асиба.** Ая, ҳаммаси тайёр, ўчоққа ўт ёқиб юборинг.

93

**Роҳила.** Хўп, кўплashiб бирпасда қиламиз. (*Чиқади.*)

**Насиба.** Мен ҳозир гуруч олиб чиқаман. (*Уйга киради.*)

**Зуҳра.** Ёш қизни олганинг бир сари, энди буни ўқишидан қўйиб курортга олиб кетаётганинг нимаси?

**Марасул (аччиғи келиб).** Шу ишга аралашмаган мактабнинг қоровули қолган эди, холос! (*Чиқмоқчи бўлади.*)

**Зуҳра (этагидан тортиб).** Шошма.

**Насиба** уйдан туруч олиб чиқиб, ошхонага ўтиб кетади.

**Марасул (кетидан).** Насибахон! (*Чиқмоқчи бўлади.*)

**Зуҳра (этагидан тортиб).** Шошма!

**Роҳила (товуши).** Зуҳрабуви!

**Зуҳра.** Лаббай! Ҳозир...

**Марасул.** Боринг! Аям йўқ эканлар, қарашинг...  
Лекин закунчилигинизни қўйинг! Ҳафа бўламан!

**Зуҳра.** Агар шуни ўқишидан қўйиб курортга олиб кетадиган бўлсанг, сендақа жияним йўқ!

**Марасул.** Хўп, хўп, боринг!

**Зуҳра** чиқади. **Насиба** киради.

**Насиба.** Марасул ака... Халатни ўзим кияман. (*Эркаланиб.*) Керакмас, қайтиб берсин!

**Марасул.** Аввал шуки, мен магазинда яхши қарамабман, кийилган экан, ундан кейин, ранги менга ёқмади. Сизга бошқасини олиб бераман... Қўлингизни беринг. (*Тилла соат кўрсатади.*)

**Насиба.** Вой! Тилла соатим бор эди-ку!

**Марасул.** Иковимиз ўтқазадиган олтин умранинг олтин минутларини ҳар қанча олтин соат санаса оз!

**Насиба.** Раҳмат!

**Марасул.** Ҳа, айтгандай, янги машинанинг ҳам йўлини қилиб қўйдим. Қайтиб келганимиздан кейин янгисини оламиз!

**Насиба (севиниб).** Вой. (*Ўзини Марасулнинг қутоғига отади.*)

**Марасул** уни ўпмоқчи бўлганда кўчада милиционер ҳуштак чала-ди. Кўча деворидан устма-уст иккита бидон ошиб тушади, сўнг.

**Фотима** кириб эшикни танбалаб олади.

**Зуҳра (киради, ҳайрон).** Нима гап?

**Марасул.** Ая, холам келдилар.

**Фотима (Зуҳрани кўради).** Ие! Қел... Эсон-омон келдингми?.. Тўйга нега келмадинг? Болам бечора сенга телеграмма юбориб беш сўм олтмиш тийин нақд пулга куйиб қолаверди.

**Қўлида** каптир. **Роҳила** киради.

**Роҳила.** Насиба, гуручинг сув кўтарармиди?

**Фотима (Роҳилани кўриб).** Вой, қудам кептилар! Вой, гиргиттон! Эсонмисиз, омонмисиз?.. Ҳой, келинпошша, қудамни нега уринтириб қўйдингиз? Қудагинамни нега уринтириб қўйдингиз?

**Насиба** онасивинг қўлидан каптирни олиб чиқиб кетади.

**Мана** бу ёққа чиқинг, қудажон! Омин!.. Милиса ўлгур ҳеч қўймайди... Сутни бозорга обориб сот дейди.

**Марасул (Зуҳрага).** Уз холам бўла туриб тўйга келмадингиз-а? Үгай бўлсангиз ҳам хафа бўлмас эдим.

**Фотима.** Үгайдан баттар бу!

**Насиба** кўклиёз, редиска олиб киради.

**Насиба.** Марасул ака, кўклиёз тўғрашга устасиз...

**Марасул.** Үткир пичоқ бўлса!

**Насиба.** (*Роҳилага редисканни берив.*) Ая, сиз редиска арчишни яхши кўрар эдингиз...

**Фотима.** Вой, менга беринг, келинпошша!

**Насиба (Зуҳранинг ёнига ўтириб).** Хола, бирам соғиндимки!..

**Марасул.** Насибахон, боринг, қозонга қараб туринг!

**Насиба** чиқади.

**Марасул (пиёз тўғракан).** Дом отдиҳга ҳар қаҷон борса бўлаверади, тўй деган нарса одамнинг умрида бир марта бўлади.

**Зуҳра.** Тўйингнинг таърифини эшилдим, шу ерда бўлсан ҳам келмас эдим. Эски тўйга боргани номус қиласман.

**Марасул.** Нимаси эски? Вино, арақ, артистлар...

**Зуҳра.** Домла-имом, никоҳ...

**Марасул.** Аяларим учун ўқитдим! Оббо!..

Зуҳра. Аяларинг никоҳга бошқоронғи бўлган эканми?

Фотима. Ҳой, имонсиз, онасини рози қилса, онасининг охиратини ўйласа ёмонми?

Зуҳра. Сен тўлка ўзингни дейсан! Бу дунё куйса куйсинки, сенинг охиратинг бўлсин! Охиратга мунчалик ҳирс қўйган экансан, боравер!

Фотима. Оғзингдан чиқиб ёқангга ёпишсин!

Хуморхон киради. Роҳила ва Зуҳра билан кўришади.

Келинг, Хуморхон.

Хуморхон (Фотимага). Хола, мен нарсаларимни сизга қўйиб кетаман-да.

Фотима. Бемалол!

Хуморхон (ташқарига). Тоға! Спальнийдаги катта сандиқни олиб чиқинг. Устидаги нарсаларни Аҳаджон акамнинг кабинетларига олиб кириб қўйинг!

Ризамат (төвуши). Ҳўп...

Фотима. Ўтиринг, Хуморхон.

Насиба офтоба билан дастшўй олиб киради ва Марасулнинг қўлига сув қўймоқчи бўлади.

Ҳай-ҳай!.. Қудамдан бошланг, келинпошша, она рози — худо рози!

Зуҳра. Мунчало!.. Ўзинг нега онамизнинг розиликлиги қарамаган эдинг, Шариф оқсоқолга берамиз деганда қари деб ўзингни ҳовузга ташлаган эдинг?

Фотима. Ёшларнинг олдида тек ўтириб!

Насиба (Зуҳрага дастшўй тутуб). Қўлингизни ювинг, хола.

Зуҳра. Оёғим бутун, ўзим бориб ювиб келаман.

Насиба (Хуморхоннинг қўлига сув қўяётуб). Розиликда ҳам розилик бор-да, ҳаммасига қараб бўлар эканми?

Хуморхон (таълимомуз). Унақа деманг, опаси ўргилсин, бир вақти келиб армон бўлади. Дунёда она дан азиз нарса борми! Мана мен, раҳматлик онамнинг розиликларига қараб отам тенги Заргаровга хотин бўлиб ўтирибман-да.

Марасул Хуморхонга ҳайрон бўлиб қарайди, Насиба чиқади.

Фотима. Баракалла, қизим!

Роҳила. Раҳмат!

Насиба ош келтириб қўяди.

Марасул. Қани, олинглар!

Хуморхон. Заргаровга тегиб нима кўрдим!..

Зуҳра (кулади). Яна нима кўрмоқчи эдингиз? Еганингиз олдингизда, емаганингиз кетингизда, бу кўрганингизга кўнглинигиз тўймаса, ҳали ёшсиз, ўқинг! Шундай замон бўлса-ю, одам ўқимаса!

Фотима. Нима ишинг бор?

Хуморхон. Илмим ўзимга етади.

Марасул. Хуморхон институтда ўқиган. Учтами, йўқ, тўртта институтда ўқиган. Яқинда доцент бўлади.

Зуҳра. Вой, илм увол эмасми, нега ишламайсиз? Ҳозирги замонда сичқон тутмайдиган мушук ҳам одамнинг кўзига хунук кўринади-я!

Фотима. Сенга нима?

Хуморхон. Серзам ярамайди.

Зуҳра. Ҳмм. Үндай бўлса нолимасангиз ҳам бўлади: Заргаров жуда сизбоп эр экан!

Хуморхон (тутобиб). Нега менбоп бўлар экан?.. Вой!

Роҳила. Олинг, Зуҳрабуви!

Зуҳра. Ҳўп, Заргаров амалдор эмас, елкасига арқон ташлаб бозорда юрган ҳаммол бўлса тегармидингиз?

Хуморхон. Вой, менга нима қипти!. Оғзим бор деб гапираверарканлизда! Қанақа бетамиз хотинсиз!

Зуҳра. Ҳафа бўлманг... «Она розилиги» деганингизга айтдим.

Марасул. Бўлди энди, хола! Сизга нима оғирлиги тушди?

Фотима. Ҳой, қўясанми, йўқми?

Хуморхон (ўрнидан туриб кетади). Менга ўргатманг! Ўргатадиган бошқа дурустроқ одам топилиб қолар!

Роҳила. Унақа деманг, қизим, ҳар қандай бўлганда ҳам сиздан катта...

Хуморхон. Катта бўлиб ким бўлиб кетипти, мактабнинг эшигига ўтирадиган бир жужур-да!

Насиба (аччиғи келиб). Хуморхон опа!

Зуҳра. Ҳа, жужурман. Эл-юртга ҳар ким қўлидан келган хизматини қиласди. Сиз жужур ҳам эмассиз-да, хоним, тўлка хотинсиз! (Паузадан кейин.) Лекин, сигир,

нинг қулоғига тушган қаңадай әрни сўриб ётиш ҳам яхши касб!..

### Пауза

**Марасул.** Холам русчани ҳам қойил қиласилар...  
(*Масхара қилиб.*) «Тўлка хотинсиз!»

**Зуҳра.** Тилим келишмайди. (*Бирдан.*) Тилим келишмаса ҳам дилим келишади. Сенинг тилинг келишса ҳам дилинг келишмайди.

**Марасул** (*газабланиб*). Нима бўлипти дилим келишмай?

**Зуҳра.** Русчани яхши гапирасану русча билган одамга ҳеч ҳам ўхшамайсан!

**Роҳила.** Ошдан олинг, Зуҳрабуви!

**Зуҳра.** Қорним тўқ, обед қилиб келган эдим.

**Фотима** (*бўғилиб*). Ҳеч бўлмаса насибангни олсанг-чи! Қандоқ чулчутсан!

**Зуҳра.** Насибахон, менга қошиқ беринг.

**Фотима.** Оббо, олифтагарчилик ўлсин!..

**Насиба** (*қошиқ беради*). Мана, хола!

**Марасул** (*кулиб*). Ота-бобонгиз қилган ишни қилаверсангиз-чи!

**Зуҳра.** Сенинг отанг тuya миниб чорбозорчилик қиласар эди, сен «Победа» миниб бошқа иш қилиб юрибсан шекилли...

**Фотима** (*тутақиб*). Қачон келсанг шамол-тўполон билан келасан-а! Дийдоринг қурсин!

**Зуҳра.** Хафа бўлма, ҳар замон келиб шамоллатиб турмасам чириб, ириб кетасан!

**Марасул** (*ўрнидан туриб кетади, оғзида ош*). Одам сафарга кетаётганда хафа қилмасангиз нима бўлар экан?!

**Фотима.** Йўқлаб келмай ўл!

**Зуҳра.** Мен сени йўқлаб келганим йўқ. (*Насибани қўрсатиб*.) Мана буни йўқлаб келдим, ҳали тузуккина қанот чиқармай учишга талпинган мана бу чумчуқболанинг ҳолидан хабар олгани келдим.

**Роҳила.** Вой, Зуҳрабуви, сизга нима бўлди, мейнинг қизим нега чумчуқбола бўлар экан...

**Марасул.** Нега чумчуқ бўлар экан?.. Кичкина бўлса чумчуқ бўлаверадими! (*Роҳиласага*.) Гапиринг!..

Зуҳра ўрнидан туради. Унга қараб бир нима демоқчи бўлади-да, айтмайди, кўча эшиги томон йўналади,

**Насиба. Хола!.. (Унинг кетидан чопади.)**

Зуҳра чиқиб кетади.

**Фотима** (*Насибага эшииттириб, Марасулга*). Ўзинг биласан, жинни-ку бу ахир, нима қилар эдинг тенг бўлиб? (*Роҳиласага*.) Шунаقا дарди бор, тутиб қолса ҳеч кимни танимайди.

Заргаров киради.

**Заргаров.** Ҳой, соат неча бўлдики, баҳузур ўтирибсизлар? (*Ошга кўзи тушиб*.) Ошми? Хуморхон, мана билет...

**Насиба.** Үтиринг, Аҳаджон ака... Мана ҳозир... (*Чиқади*.)

**Хуморхон.** Бу бешинчи купэ-ку! Буларники олтинчи купэга!

**Марасул.** Майли, майли, ўзимиз суришамиз.

**Насиба** косада ош келтириб Заргаровнинг олдига қўяди ва қўлига сув қуяди.

**Заргаров** (*Марасулга*). Энди бу ёғини сенга топширдим... (*Ошга шитаҳа билан қўл узатади*.)

Катіакон сандиқ кўтариб Ризамат киради. Марасул билан Заргаровдан бошқа ҳамма унга қарашади.

**Марасул** (*тишини ковлаб*). Сал кўтаринг, Ризамат ака!

**Заргаров** (*оғзидағи ошини зўрга ютиб*). Йўқ-йўқ, пастроқ тўшир!

**Ризамат** хотииларнинг ёрдами билан сандиқни уйга олиб киради. Телефон жиринглайди.

**Марасул** (*трубкани олиб*). Доктор Марасул Хурзуржонов! Поликлиникадан справка элтиб бердим-ку? Дирикцияга бердим. Ҳозир... (*Трубкани беркитиб, Заргаровга*.) Аҳаджон ака!..

**Заргаров.** Ким?

**Марасул.** Маориф мудири. Яна ўша гап. Жонга тегди. Икки оғиз гапириб қўйинг.

Заргаров ошни кўтариб аппарат олдига боради.

**Сиз билан ўртоқ Заргаров гаплашмоқчилар. (Трубкани беради.)**

**Заргаров (трубкага).** Салом... Докторни тинч қўясиزلарми, йўқми? А? Э, ўқитади-да, ўқитмай нима қилади, сўқимга боқадими? (Кулади.) Йўқ, мен ҳам Ҳуморхонни сўқимга боқаётганим йўқ. Ахир, биздай одамга битта личний секретаръ керакми, йўқми? Хўш? Кўй шунаقا гапларни! Менга қара, менга қара дейман!.. (Жаҳли чиқиб трубкани бир чеккага қўяди ва ошини еяверади.)

Уйдан Хуморхон билан Ризамат чиқади.

**Хуморхон.** Юринг! Тезроқ юрсангиз-чи? (Чиқиб кетади.)

Ризамат ошнинг олдидан ўтолмайди; у ёқ-бу ёққа қараб чўнтағидан чоракта арақ олади, пиёлага қўйиб ичади ва ошдан бир-икки луқ-ма олади.

**Хуморхон (тovushi.) Тоға!**

**Ризамат (оғзи тўла оши).** Ҳал.. (Ошдан яна битта олиб чиқиб кетади.)

**Заргаров (Трубкани олади.)** Бўлдингми? Менга сиёсатдан дарс бериб бўлдингми дейман? Хўп, қулоқ сол бўлмаса: сен сиёсатни китобдан ўрганган бўлсанг, мен амалий ишда ўрганганман, мени мот қилолмайсан! Гапни кўпайтирма! Ҳозир мактаб директорига телефон қилиб айт! Комсомолларига ҳам айтиб қўйисин, ҳадеб одам юбориб совет докторининг обрўйини тўқавермасин! (Трубкани қаттиқ қўяди.)

**Марасул (суюк тишлаб).** Амалдор деган мана шунаقا бўлса, ҳеч тап тортмай у ёғини-у ёққа, бу ёғини-бу ёққа қилиб ташласа!

**Заргаров.** Нимадан тап тортаман! Олса столини олади-да. Артелимга бориб яна раислигимни қилавераман. Муовинлик ўзимга ҳам ўтиришмайтипи. Раис йўлни жуда тор оладиган одам экан! (Ўз уйи томонга кетади.) Хуморхон!

Фотима уйдан чиқади.

**Фотима.** Марасул! Келинпошша! Қанисизлар, қуда...

Уйдан Роҳила билан Насиба чиқади,

**Бу ёққа келинглар!** Онанг айлансин Марасул, хотининг ёш, кимда нима кўрса ҳавас қилади. Нима дедингиз, қуда?

**Роҳила.** Умрингиздан барака топинг, хўп зийрак-сиз-да!

**Фотима.** Ўша томонларда марварид арzon эмиш, келинпошшанинг бўйини марваридга тўлдириб кел!

**Роҳила.** Қизим, ўп қайнанангни!

**Насиба сакраб** Фотимани ўпади. Заргаров, унинг кетидан иккита чамадон кўтарган Ризамат киради.

**Хуморхон.** Кетдикми... (Фотимага.) Нарсаларни сизга, сизни худога топширдим. Тоға, қани юринг!

**Насиба.** Хайрми энди...

**Фотима.** Омин!

**Роҳила (Насибага).** Қизим, онанг ўргилсин, одамлар излаб тополмаган баҳт сени қидириб юрган экан! Оқ йўл! Хат ёзинглар!

Ҳамма кузатиб чиқади. Хайрлашилган товушлар. Машина жўнайди. Фозлар гафиллайди.

Парда

## ТУРТИНЧИ ҚУРИНИШ

Ўша декорация. Орадан бир йилдан ортиқ вақт ўтган «Ичкари» акси уриб қолган, лекин бўйни ва қўлларидағи зийнат асбобларидан кўз қамашадиган Насиба боласини беланчакка солиб аллаламоқда. Марасул сувада хуррак отиб ухламоқда.

**Насиба.** Алла, алла... Алла, қўзим, алла... Жоним болам, алла...

Бола йиглайди.

**Марасул (уйғониб).** Ийғлатмасанг-чи! Қўлингга ол! (Пауза.) Битта кўк чой дамлаб кел,

**Насиба** боласини олиб чиқиб кетади. **Хуморхон** киради. Яна ухлаб қолган Марасулнинг бурнига чўп теккизига ўйғотади.

**Марасул.** Э, қўйсанг-чи!..

**Хуморхон.** Уф, бирам зерикиб кетаётибманки!.. Марасул ака, машинангизга солиб бир айлантириб келсангиз-чи!

Марасул. Аҳмоқ бўлма! Эринг билиб қолса нима дейди!

Хуморхон. Узингизга керак бўлганда, эрим эсигизга келмайди-ку! Туринг!

Марасул. Ҳозир мени қимирлатма. Самоварда ош қилган эдик, кўпроқ еб қўйибман.

Насиба чой олиб киради.

Қуй, шопириб-шопириб қуй!

Фотиманинг товуши — Келинлошша! Ҳамирингиз ошиб кетгандир!

Марасул. Товуш берсанг-чи!

Насиба. Ҳозир... (Боласини беланчакка солиб, кетмоқчи бўлади.)

Бола йиглайди.

Марасул. Болангни олиб кет!

Хуморхон. Менга бера қолинг, опаси ўргилсин!

Марасул. Қўйинг, олиб кетсин!

Насиба болани олиб чиқиб кетади.

Тоқатим борми!..

Насиба бир қўлида бола ва бир қўлида тоғора, ўтиб боради.

Хуморхон. Вой, опаси ўргилсин, ҳамир қилганмидингиз... қарашворсам бўлар экан...

Марасул. Қўяверинг!

Насиба чиқади,

Хуморхон. Битта туғди-ю, қўтири әчкидай бўлди-қолди-я!

Марасул. Туққанидан кейин кўп дард тортида!

Хуморхон. Оббо! Ҳеч ким туғмалти, ҳеч ким дард тортмалтими! Танавори шунаقا ўзи!

Марасул. Тўғри! Танавор деган мана бунақа бўлади.

Уни ўзига тортиб ўпаётганда Заргаров киради.

Заргаров. Марасул!

Марасул (*Хуморхоннинг тишини кўрган бўлиб*). Тиши деганга қараб туриш керак-да! Боринг, тандирда ўт бор, лунжингизни тутинг! Газак олиб кетипти.

Хуморхон жағини ушлаганича чиқиб кетади.

Заргаров. Нима қипти?

Марасул. Миокардиодистрафия.

Заргаров. Шунақами? (*Ўтириб*.) Чойдан қуй! Олганимда ҳам жағ тишининг мазаси йўқ эди ўзи...

Марасул (*чой узатиб*). Ҳа, Аҳаджон ака, сизнинг ҳам тишингиз оғриётитими?

Заргаров. Юрак! Юрагимни худди сичқон кемираётгандай!

Марасул. Бунинг иложи осон-ку: битта тирик мушук ютасиз-да...

Заргаров. Куласан-да! Тани бошқа дард билмас... Оқила яна айниятни!

Марасул. Хўш? Нима бўлти?

Заргаров. Ўтган куни пул юборган эдим, олмапти. «Менга садақа керак эмас, судга бериб қонуний алимент оламан» деган эмиш. Ҳайронман...

Марасул. Ундан бунақа гап чиқмас...

Заргаров. Йўқ, сен билмайсан, бурунги Оқила эмас. Ишга кирганига ҳам йил тўлаётитти, ахир!

Марасул. Айб ўзингизда! Нега ишга киргани қўйдингиз?

Заргаров (*бўғилиб*). Қизиқмисан, мендан сўраптими!. Энди, ука, сен яна бир бориб ҳовурини тушириб келасан-да!

Марасул. Узингиз борганингиз маъқул, Аҳаджон ака, хотин киши яхши гапнинг гадоси: бошини силасангиз мушукдай дарров хуррак отади.

Заргаров. Йўқ, йўқ! Менинг феълимни биласанку: жаҳлим чиқса тангадай жанжални ғалвирдай қила-ман-қўяман. Сен бора қол! Эртага эрталаб жўна!

Марасул. Хўп.

Хуморхон бошига сават қўйиб киради.

Хуморхон. Кеп қолинг, иссиқ нон бу! (*Кулги. Заргаров саватни тутади*.) Ҳа, айтгандай, кимдир телефон қилиб сизни сўраган эди.

Заргаров (*хавотир олиб*). Ким экан, сўрамадинизми?

Хуморхон. Йўқ!

Боласини кўтариб Насиба киради ва уйга томон йўналади.

Хуморхон. Насибахон, нонни қаерга қўяй?  
Насиба. Бу ёққа олиб келинг.

Иккови уйга кириб кетади.

Заргаров (*Марасулга*). Райкомдан бўлмасиён та-  
фин? Оқила бир балони бошлаган бўлса-я?

Марасул. Э-э-э... Юракдан ҳам бор экан-да!

Телефон жиринглайди. Хуморхон уйдан чиқади.

Марасул (трубкага). Ҳузуржонов... (*Ваҳима қи-  
либ.*) А?

Заргаров (чўчиб). А?

Марасул. Ие, хола, сизмисиз...

Заргаров. Холанг ўлиб холасиз қол!..

Марасул. Ҳа-ҳа, шу ердалар. Ҳўп... (*Трубкани  
Заргаровга беради.*)

Заргаров (аччиғи келиб, трубкага). Ҳали уйга  
телефон қилган ҳам сизмидингиз? Ҳўш, нима дейсиз?  
Ким? Клуб мудири? Ҳўп, беринг... (*Бошқа тонда.*) Са-  
лом!.. Раҳмат!.. Ҳа, Зухрахоним ўтган куни айтган эди-  
лар. Ҳа-ҳа-ҳа-ҳа, Зухрахоним актив бўлганларидан бери  
жонингиз кириб қолгандир? Ҳа, комсомол қизларингиз-  
дан қолишмайдилар. Ҳўп, соат олтига етиб бораман.  
(*Трубкани қўяди.*)

Марасул. Нима гап?

Заргаров. Хотин-қизлар клуби мендан «Совет ои-  
ласи» деган мавзуда бир доклад қилиб беришимни сў-  
раган эди, хўп деб, эсимдан бутқул чиқиб кетипти.

Хуморхон. Нега хўп дедингиз, секретарингиз ка-  
салхонада, докладни сизга ким ёзиб беради?

Заргаров. Ие, буниси эсга келмапти-ку... (*Эсига  
тушади, Хуморхонга*). Айтгандай, каравотнинг тагидаги  
доклад-халтани олиб чиқинг.

Хуморхон чиқади.

Марасул. Доклад-халта?

Заргаров. Бир альбом бор, секретарим қаерда  
докладбол нарса кўрса қирқиб шунга ёпишириб юради.  
Шунинг отини доклад-халта қўйганман.

Марасул. Доклад тайёр эмас, деб қўя қолсангиз  
бўлмасми?

Заргаров (секин). Хомкалла! «Совет оиласи нима  
эканини ўзинг билмайсанми, тайёргарлик кўришнинг ни-  
ма кераги бор?» деб қолса, нима деган одам бўламан?  
Бу ёқда Оқила! Нозик пайт!..

Марасул. Ҳа, бу томонига ақлим етмалти.

Хуморхон каттакон альбомни зўрга кўтариб киради.

Заргаров. Мана бунда ҳамма гап бор! Қанақа  
доклад керак бўлса, секретарим шунга қараб бирпастда  
боплар эди. Қани Марасул, қоғоз-қалам ол-чи!

Марасул (*қоғоз-қалам узатиб*). Хуморхон, сиз-  
нинг хатингиз чиройлироқ!..

Хуморхон (*ёзишга чоғланиб соатга қарайди*).  
Соат олтига етиб бораман дедингиз, олтигача ёзиб бў-  
лармиканмиз?..

Заргаров. Нега ёзиб бўлмаймиз? Докладнинг  
сиёсий қисми, рақамлар тайёр дейиш мумкин. (*Альбом-  
ни кўрсатиб*) Мана! Фактлар масаласига келгандা...  
(*Марасулга*) Сенинг оиласига келганди. Сенинг оиласига келганди.  
Шунга қараб ёзаверамиз-да!

Марасул. Тўғри!

Заргаров. Ёзинг! Сарлавҳа, сарлавҳа ёзилмайди.

Марасул (*Хуморхонга*). Тағин ёзиб юрманг...

Заргаров. Ҳўп... Сарлавҳа... «Совет оиласи!»  
Хитоб! Уч нуқта!

Хуморхон. Вой, сарлавҳада хитоб билан уч нуқта  
нима қилиб юртипти?

Заргаров. Майли, ишқилиб бир нима қўйинг,  
ўзингиз биласиз... Ҳўш, нимадан бошлаймиз?

Хуморхон. Оила масаласи бўлгандан кейин хотин-  
лардан бошлаш керак-да!

Заргаров. Тўғри! (*Альбомни варажлайди*.)

Хуморхон (*ўйлайди ва айтиб ёзади*). «Бурунги  
вақтда эрларга чўри бўлган хотинлар ҳозир эрлар би-  
лан тенг...»

Заргаров. Тўғри, лекин ўчиринг! Келиштириб  
ёзиш керак!..

Хуморхон. Бу келишмадими?

Заргаров (*альбомни тез-тез варажлайди*). Ҳозир-  
ҳозир... Ҳа, мана, мана! Ёзинг! (*Доклад тонида, баланд  
овоз билан*) «Ўртоқлар! Буюк Октябрь социалистик ре-  
волюциясидан бурун...»

**М арасул.** Аҳаджон ака, товуш ҳали керак бўлади; ҳозир бир парда настроқ олаверинг.

**З аргаров.** Тўғри! (*Бир оз настроқ, лекин доклад тонида.*) «...социалстик революциядан бурун ҳеч қандай ҳуқуққа эга бўлмаган...» Ана энди ҳалигини қўшасиз, яъни эрларга чўри бўлган меҳнаткаш хотин-қизларимиз ҳозирги даврда эрлар билан тенг ҳуқуққа эга бўлиб, ўз озодликларини тўлиқ таъминладилар! Ҳмм... Асли мана шу ердан шу ергача қирқиб ёпиштириб қўя қолсак ҳам бўлар экан. Елим борми!

**М арасул.** Насиба! Ҳой, Насиба! Аллақаерда елим бор эди, топиб келинг!

Насибанинг товуши — Ҳозир!

**З аргаров.** Ҳўш, энди нима деймиз? (*Альбомни варақлаб.*) Ие, мана бу ерда Чернишевскийнинг гапи бор экан, буни ҳам қирқиб ёпиштиринг!

**М арасул.** Ўртоқ Чернишевский ҳозир қаерда ишлайдилар?

**З аргаров** (*ўйлаб*). Тилимнинг учида турипти-я! Ҳайр, майли, кейин айтаман... Ҳўш, яна нима дейсиз?

Хуморхон кўчирмаларни қирқиб ёпиштиради. Марасул билан Заргаров иккви узоқ ўйлади. Қир юваётган Насиба елим олиб киради.

**Н асиба.** Мана... (*Боласини беланчакка ётқизиб, Марасулга.*) Рўмолчангиз тозами?

Марасул фикримни бўлма, деб ишора қиласди; кир рўмолчасини олиб Насибанинг қўлига беради; пайғонини кўрсатиб, ёғини узатади. Насиба унинг пайғонини еча бошлайди.

**Фотима** (*товуши*). Қелинпошша.

**Н асиба.** Ҳозир...

**М арасул.** Ёзинг! «Мингларча ва юз мингларча озод хотин-қизларимиз...»

Насиба кетмоқчи бўлганда бола йиғлайди.

Болангни олиб кетсанг-чи! Кўрмаётиссанми, бу ерда одамлар ишлаб ўтирипти!

Насиба болани олиб чиқиб кетади,

Яна битта қўшимча: «бахтиёр фарзандларимизнинг соғлом бўлиб ётишуви учун...»

Фотима кираётиб қоқинади ва бидонлар қўлидан тушиб кетади. Ҳамманинг кайфи учади. Фотима бидонларини олиб кўчага чиқиб кетади.

**З аргаров** (*ўзига келиб*). Ҳмм... Чорак кам бир соат вақт қолди. Секретарнинг қадрига етмай юрган эканман.

**Х уморхон.** Менга қаранг, бориб икки оғиз валақланг келинг-да, нима қиласиз буни ёзиб, ёпиштириб...

**М арасул.** Тўғри, бунақа пайтда тўртта «масалану» саккизта «яъни» бир доклад-да!

**З аргаров.** Тўғри-ку, лекин мен галирганимдан кейин «ўртоқ Заргаров ундоқ дедилар, Аҳаджон акам бундоқ дедилар» дегулил бўлиши керак-да!

**М арасул.** Демаса демас!

**З аргаров.** Ҳўп, майли. Борига барака, у ёғини оғзаки боплайман. Ҳўп, мён кетдим бўлмаса. Хуморхон, юринг, менинг костюмим билан похол шляпамни топиб беринг!

**Х уморхон.** Шунақасиз-да, бир жойга борадиган бўлсангиз тугмачангизгacha солиб қўйишим керак. Эксплататор! (*Чиқади.*)

**З аргаров** (*Марасулга кўз қисиб*). Хотин бўлганингдан кейин қиласан-да! (*Чиқади.*)

Насиба киради, бола йиғлайди.

**М арасул.** Ҳой, тинчлик борми, йўқми?

**Н асиба.** Ахир бола касал-ку.

**М арасул.** Касал бўлса йиғлатмагин, касал бўлмайди.

**Н асиба.** Қанақа одамсиз!

**М арасул.** Ие, тилингиз ҳам чиқиб қолиптими? (*Ўйга киради.*)

Фотима киради.

**Фотима.** Қелинпошша! (*Бўш бидонни олдига қўйиб.*) Менга икки бидон бермади жувон ўлгур! Сут кўп, лекин бир бидондан бераётитти. Юринг, бир бидон сиз олинг! Юринг!

**Н асиба.** Йўқ, ая, мен... бормайман!

Фотима. Кўчанинг нариги юзида-ку, чиқиб келса-  
нгиз нима қилади? Бола билан борсангиз беочирт бера-  
ди.

Насиба (қатъий). Йўқ, ая, чиқмайман!

Фотима. Ҳар куни чиқинг деяётганим йўқ-ку!

Насиба. Гапирманг, ая! Бир қилмаганим колхоз  
дўконидан сут олиб сотиш қолганимиди?

Фотима. Хўп, сиз арзандангизни қучоқлаб ўтиришинг,  
оппоқ сочим билан мен чиқай! (Иғламсира.) Пешонам  
қурсин: ўғил ўстириб нима кўрдим! (Паранжисини ёпи-  
ниб бидонни олиб, кўча эшигига томон йўналади.) Дод!  
Золим келиннинг дастидан дод! (Чиқади.)

Насиба (боласини аллалаб.)

Небо спит, звезды спят,  
Спи и ты малышка...

(Ўпкаси тўлиб.)

Небо спит, звезды спят...

(Куюниб йиглайди.)

Зуҳра киради.

Зуҳра. Насиба...

Насиба бошини кўтаради. Зуҳрани кўриб ўзини йиғидан тиймоқчи  
бўлади, лекин баттарроқ хўрлиги келиб ўзини унинг Қучогига  
отади.

Нима қилди, қизим?.. Гапир!

Насиба. Энди нима ҳам дейман.. Менда гапиргани  
тил борми?.. Бошда ўртоқларим айтишган эди. Айтган-  
да кўзимга ҳаммаси баҳил кўринган эди... Үқитувчила-  
рим ҳам айтишган эди! Тушимми, ўнгимми?.. Қанақа  
жойга тушиб қолдим, қанақа одамлар орасига кириб  
қолдим? Мактабимдан, ўртоқларимдан айрилиб топга-  
ним шу бўлдими!..

Зуҳра. Айрилганни айик ер, бўлинганни бўри ер  
деган гап бор. Эсинг кирипти — яхши!

Насиба. Шу кунимдан ўлганим яхши эмасми?

Зуҳра. Нега? Сенга нима қипти? Сен қоқиндинг  
холос, ийқилганинг йўқ — яна ўртоқларинг билан бара-  
вар қадам ташлаб кетишинг мумкин. Бу ёғи ўзингга боғ-

лиқ. Кимга гапирсанг, гапинг ўтади, қаёққа узатсанг  
қўлинг етади. Сенинг ёшингда мана бизга қийин эди! (Ўйчан.) Бизнинг фарёдимиз ҳатто ота-оналаримизнинг  
ҳам қулоғига кирмас эди. (Бирдан.) Йиғлама, йиғидан  
ҳеч ким барака топган эмас! Юр!

Насиба (ҳайрон). Қаёққа?

Зуҳра. Клубга. Совет оиласи тўғрисида Аҳаджон  
аканг, ўртоқ Заргаров доклад қиладилар. Бир эшитай-  
лик, совет оиласи тўғрисида нима дер эканлар?..

Уйдан Марасул чиқади.

Насиба. Марасул акамга айтинг бўлмаса... Сиз  
айтинг!

Марасул. Э-э-э... Келсинлар!.. Келинг, хола...  
Дунёда бормисиз?.. Ҳеч келмайсиз...

Зуҳра. Мана, келдим.

Насибанинг рўмолчаси тушиб кетади.

Марасул (рўмолчани дарров олиб беради.) Мар-  
ҳамат, хоним...

Зуҳра. Насиба мен билан клубга боради.

Марасул. Э, бормисиз, шунақа қилинг... (Насиба-  
нинг қўлидан болани олади.) Боринг, кийиниб чиқинг!

Насиба ҳайрон бўлади ва севиниб уйга кириб кетади.

Шунақа ишларга ҳеч ҳафсаласи йўқ, хола! Бир йилдан  
бери кўчага олиб чиқа олмайман-а!.. «Юр, ҳеч бўлмаса  
кино кўрайлик» десам, «Кино келиб мени кўрсинг» дейди.  
Айб ўзида-ю, яна баъзан мендан нолиб ҳам қўяди.  
Билмаган одам алланималар деб ўйлаши мумкин.

Зуҳра. Мумкин! Бой деб ўйлаши ҳам мумкин, фео-  
дал деб ўйлаши ҳам мумкин. Нима деса кам!

Марасул. Ие!..

Зуҳра. Ўзинг ҳам боргин, сенбоп гаплар бўлади!  
Марасул. Жоним билан!..

Заргаров билан Хуморхон киради.

Заргаров. Э-э, Зуҳрахоним, салом... (Столдан қо-  
ғозларини олиб портфелга солади.) Мени олиб кетгани  
келдингизми? Раҳмат, раҳмат... Қани, кетдик бўлмаса!

Зуҳра (Марасулга). Қани Насиба?

Марасул. Сизлар бораверинглар, биз кетларингдан  
етиб борамиз.

Зуҳра (Хуморхонга). Сиз-чи, сиз бормайсизми?

Хуморхон. Серцам бир тарзи бўлиб турипти.  
Зуҳра. Шунинг учун боринг дейман-да: юраги соғ одамларни кўрсангиз, кўкрагингизга шабада тегса, буткул тузалиб кетсангиз ажаб эмас.

Заргаров билан Зуҳра чиқиб кетади. Машина гудок бериб жўнайди. Насиба уйдан югуриб чиқади.

Насиба. Кетишдими?

Марасул. Ҳа.

Насиба. Юринг, Хуморхон опа, бирга борамиз.

Хуморхон. О, опаси ўргилсин, Аҳаджон акангизинг гапини уйда эшитганим ҳам етар, энди клубга бориб ҳам эшитайми?

Марасул (болани бериб). Ушланг! Сиз ҳам бормай қўя қолинг!

Насиба. Ўзингиз айтдингиз-ку!

Марасул (аччиғи келиб). Қачондан бери мен нима десам шуни қиласидиган бўлиб қолдингиз?

Насиба. Бир йилда бир марта борсам нима қипти?..

Марасул (бақириб). Бормайсан!

Насиба. Ўзингиз бир жойга олиб бормасангиз: сизни меҳмонга чақирганлар ёлғиз ўзингизни чақиради; кинотеатр деган нарсалар эсимдан ҳам чиқиб кетди... Парка олиб чиқмасангиз...

Марасул. Нима қиласан паркка олиб чиқиб! Проекторга солиб кўраманми? (Чиқади.)

Хуморхон. Эрнинг гапини иккита қилиш яхши эмас, опаси ўргилсин! Аравасига тушганингиздан кейин ашуласини ҳам айтасиз-да! Мана мен айтиб юрибман-ку, мендан ибрат олсангиз бўлмайдими! (Чиқади.)

Насиба саҳнада ёлғиз қолади; бир оз ўйлаб турганидан кейин шиддат билан кўчага чиқиб кетади.

Парда

### УЧИНЧИ ПАРДА

#### БЕШИНЧИ ҚУРИНИШ

Клуб саҳнаси. Президиумда Зуҳра, Пўлатжон Домла, Заргаров минбарда доклад қилимоқда.

Заргаров (чой ичиб, сўзида давом этади.) Шу билан бирга мингларча, юз мингларча озод хотин-қизла-

римиз бошлангич, ўрта ва олий мактабларда ўқимоқдалар...

Саҳна ёнидан чиқиб келган Ризамат чой қуйиб, камоли эҳтиром билан минбарга қўяди.

(Доклад тонини бузмай, Ризаматга.) Раҳмат!.. Ва шу билан бирга келажак авлодимизнинг ҳаёти ҳамда баҳтини таъминлаш учун кураш соҳасида ҳам ўз бурчларидан илҳомланиб, инсоният олдидаги ўз вазифаларини шараф билан бажармоқдалар.

Товуш. Ўртоқ Заргаров, қисқароқ!

Заргаров (тушунмай, доклад тонида). Бундан қаттиқроқ гапиролмайман, товушимнинг бўлгани шу, ўртоқлар! Ўртоқлар! Улуғ демократ Чернишевский бундай деб ёзади: «Табиат хотин-қизларни зўр истеъододли қилиб яратган, уларга ақл-идрок ато қилган бўлса-да, бироқ жамият бу ақл-идрокни тан олмаётир, поймол қилаётир, бўғаётир!» (Зўр таассуф билан.) Ўтмишда мана шундай эди, ўртоқлар! Шу билан сўзим тамом. (Чапак кутади.)

Пўлатжон Домла. Саволлар борми?

Зуҳра. Мумкинми, бир савол... Ҳўп, ўтмишда шундай экан... хотин-қизларнинг ақл-идрокини, талантини тан олмайдиган, оёқости қиласидиган, бўғадиган одамлар ҳозир ҳам борми?

Заргаров (доклад тонида). Йўқ, албатта! Бўлиши мумкин эмас, ўртоқлар!

Пўлатжон Домла, Бахтга қарши, ҳозир ҳам бор. Бу масалада жамоатни алдайдиган шахслар, ҳатто мансабдорлар ҳам топилади!

Заргаров. Тушунолмадим...

Зуҳра. Нимасига тушунолмадингиз?

Заргаров (доклад тонида). Ўртоқлар! Оёқости қиласидиган, бўғадиган шахслар йўқ, албатта. Биз бунга йўл қўймаймиз! Мутлақо йўл қўймаймиз!

Вера (залдан). Менимча бор! Топилади!

Заргаров (доклад тонида). Эҳтимол бордир, лекин биз қолоқ оилаларга эмас, илғор оилаларга қарашмиз керак, ўртоқлар!

Пўлатжон Домла. Яъни?

Заргаров. Яъни... (Доклад тонида.) Мен бир оила тўғрисида гапиришм мумкин! Менинг қўшним бор, доктор Ҳузуржонов. Мана бу оилани ҳақиқий оила дениш мумкин! Мана бу оила бугунги куининг юксак та-

лабларига тұлық жавоб беради десам хато қылған бўлмайман. Бу оиласиңг хусусияти шундан иборатки...

Назира (залдан). Нотўғри!

Заргаров. Ҳой, қизлар, агар гапирадиган бўлсларинг, мана бу ерга чиқиб, ҳалойиққа гапиринглар.

Назира. Гапиришимиз мумкин. Мумкинми, домла?

Пўлатжон Домла. Мумкин, бу ёққа чиқ!

Заргаров (норози). Мажлисда тартиб бўлиши керак!..

Пўлатжон Домла. Бугунги мажлиснинг тартиби шунақа!

Вера билан Назира саҳнага чиқади.

Назира. Ҳузуржонов Насибанинг ўқишини жувонмарг қилди, олий маълумот бераман деган ваъдалар билан олиб хизматкор қилиб қўйди-ку! Бунинг нимасини мақтайсиз?

Насиба (югурб саҳнага чиқади). Назира!

Заргаров (Насибага). Сиз ҳам шу ердамисиз?

Вера. Ҳузуржонов Насибани сизнинг қўлингиз билан мактабдан юлиб олди!

Насиба. Вера!

Назира. Насибанинг оёқ-қўлини боғлагани Ҳузуржоновга сиз арқон эшиб бердингиз!

Заргаров (мулоийим, лекин таҳдид билан.) Аравани қуруқ олиб қочманг, ойим қиз!.. (Бошқа бир нима демокчи бўлиб, айтольмайди.) Ярашмайди!.. Комсомол экансиз... Не-хо-ро-шо!! (Доклад тонида.) Уртоқлар, Ҳузуржоновнинг хотини университетга киргани тайёрлик кўраётитпи, и... киради ҳам!

Вера. Ёлғон!

Заргаров (жаҳли чиқиб). Ўзининг тили бор, ўзи айтсин! (Йўталиб қўяди.)

Назира. Насиба, бу ёққа чиқ! Гапир!

Заргаров яна йўталади. Насиба ерга қараганича туриб қолади.

Пўлатжон Домла. Шунақами, қизим, ростми шу гап?

Насиба. Ёлғон! Домла, кечиринг... Мен... мен... сизни алдадим, энди... юзингизга қандоқ қилиб қарайман. Қўзим очилди... (Инглаб юборади ва саҳнанинг орқасига ўтиб кетади.)

Кетидан Вера ва Назира ҳам чиқади,

Заргаров (пешона терини артиб). Демак Ҳузуржонов менга нотўғри маълумот берган экан-да!.. Кўрамиз, текширамиз... (Ёзид олади.)

Президиумга залдан хат тушади. Хатни Зуҳра олиб домлага беради.

Пўлатжон Домла. Кечирасиз, бир савол тушди, ўқишига мажбурман.

Заргаров. Тўғри, саволлар мана шунақа ёзма равишда берилиши керак.

Пўлатжон Домла (ўқийди). «Докладчи Заргаров уч бола кўрган хотини Оқила Шамсиеванинг устига Ҳуморхон Мансурхўжаева деган бир жувонни олган...»

Заргаров (шошиб). Шошманг! Туҳмат! Оқила билан ажрашиб кетганимга мана шу ҳафта роса беш йил тўлди!

Пўлатжон Домла (қоғозни кўрсатиб). Оқиладан икки яшар ўғлингиз бор экан-ку?

Заргаров (пинагини бузмай). Нима қипти, бўлиши мумкин! Мумкин! Бу бола бундан беш йил бурун бино бўлган, лекин ёпишиб қолган эди, уч йилдан кейин кўчиб, туғилди...

Зуҳра (заҳарханда қилиб). Ҳм, ёпишиб қолиш болангизга ота мероси экан-да: ўзингиз ҳам Ҳудоёрхон замонида бино бўлиб энди туғилганга ўхшайсиз!.. Домла, менга сўз беринг!

Пўлатжон Домла. Марҳамат, Зуҳрахоним.

Зуҳра. Уртоқлар! Бугунги докладдан бир пуллик баҳра олмаган бўлсан ҳам, лекин, вақтимиз бекор кетганий ўйқ: биз қирқ хотинлик бўлмаса ҳам, ҳар қалай, қўш хотинлик Ҳудоёрхонни қўзимиз билан кўрдик, билib қўйдик!

Заргаров (гаранг). Зуҳрахоним...

Зуҳра. Утиринг! Маълум бўлдики, ҳозирги Ҳудоёрхонлар шляпа ҳам кияр экан, папка кўтариб ҳам юрар экан, совет қонунларига чап бериш, жамоатни чалғитиш учун мана бунақа жойларда минбарга чиқиб, маст тудайдай, оғзидан кўпиклар ҳам сочар экан!

Заргаров (стол муштлаб). Мумкинми!.. Қоғоздай фижимлаб ташлайман!..

Зуҳра (писанд қилмай). Утиринг! Уртоқлар, бу ерда Заргаров сингари шляпалик Ҳудоёрхонлардан бири — Марасул Ҳузуржонов масаласи ҳам кўтарилди...

**Заргаров (қоғозларини йигиштириб).** Мен сиз билан тегишли жойда гаплашаман!.. (*Жўнаб қолади.*)

**Зуҳра (кетидан).** Шляпангизни олиб кетинг! Ҳой, шляпа!

Ризамат шляпани учинг қўлидан олиб Заргаровнинг кетидан чолади.

Парда

### ОЛТИНЧИ КУРИНИШ

Заргаров ҳовлисида ошхона. Хуморхон ойна олдида пардоз қилиб ўтириди. Марасул киради.

**Марасул.** Аҳаджон акам қелмадиларми?

**Хуморхон.** Йўқ. Ҳа, мунча тажангиз?

**Марасул.** Бизнинг хотин тил чиқарган десам, оёқ ҳам чиқарипти!

**Хуморхон.** Бормагин деган эдингиз-ку!

**Марасул.** Кетитпи!..

**Хуморхон.** Сиздан ҳам серпулроғини топгандирда... Бунақа вақтда эрни шер қиласидиган пул, хотинни шер қиласидиган хуштор!

**Марасул.** Алжима!

**Хуморхон (паузадан кейин).** Яна Оқиланикига борашибисизми?

**Марасул.** Ҳал Бора бериб остонасини сийқа қилиб юбордим! Эрга төқкан сену жафосини мен тортаман! Емон виждонсизлик қиласан-да! Бечора Оқилага одамнинг раҳми келади

**Хуморхон.** Оқилага-я? Оқилага раҳмингиз келадими? Насибага-чи? Насибага раҳмингиз келмайдими? Мен Насибага ҳам кундошман-ку!

**Марасул.** Ие!

**Хуморхон.** Йўқ-йўқ, кундош эмас, ярим кундош! А?.. Ярим кундошман. (*Кулади.*) Виждонсиз эмиш! Мени, мен виждонсизни Насибага ярим кундош қиласинча ўлиб бўлдингиз-ку! Кисловодска кечаси Насибани дори бериб ухлатиб қўйиб, мени санаториядан сой бўйигача қўлида кўтариб борган ким эди? Яхши кўраман деб йиғлаган, оёғимга йиқилиб ботинкамни мўйлаби билан чўткалаган ким эди?

**Марасул.** Аҳмоқ! Уз хотинини алдаган одам ўйнашига рост гапиради деб сенга ким айтган эди?

Эшик тақиллайди.

Хуморхон. Киринг! Кира қолинг!,

Оқила киради. Иккови гангид қолади.

**Марасул.** Э-э, келинг Оқилахон опа... Қедганингиз жуда яхши бўлди-да, эртага борадиган бўлиб турган эдим...

**Хуморхон.** Келинг...

Оқила. Эрингиз қани?

**Хуморхон.** Сизнинг ҳам эрингиз-ку... Мажлисада!

**Марасул.** Бирпас ўтира туринг, келиб қолар.

Оқила. Мана шу повесткани Заргаровнинг ўз қўлига топширишим керак эди... Сиз бериб қўярсиз.

**Хуморхон (повесткани олиб ўқиади).** «Учинчи участка ҳалқ суди...»

Оқила. Орани очиқ қилиб, Заргаровни сизга буткул бермоқчиман.

**Хуморхон.** Вой, нега, икковимизга ҳам бўлиб турвуди-ку...

**Марасул.** Энди хафа бўлмайсиз, опа...

Оқила. Нега хафа бўламан, мен Заргаровга ўн етти йил хотин бўлиб бешик, қозон-товоқ, киртоғорадан бошқа нарса кўрган эмасман. Мен бошқа нарсага — юртимизда ҳали ҳам инсонлик қадр-қийматини билмаган, хотин деган номга иснод келтирадиган макиёнлар борлигига хафа бўламан!

**Марасул.** Э-э!..

**Хуморхон.** Вой (*Марасулни гувоҳ қилиб*). Мана, айтсинлар... мен эрингизга ўзим тегибманми?

Оқила. Йўқ, албатта! Биламан, сизни тегишига, бодаларини чирқиратиб уни уйидан, ўн етти йиллик уйидан юлиб олишга мажбур қиласан-да! Заргаровнинг пули, мартабаси. Заргаров амалидан бекор бўлсин-чи, қайда кўрдим қора эшагим дермикансиз!

**Хуморхон.** Вой қанақа некультурний хотинсан! Секинроқ гапирсанг-чи, қишлоқи!..

Оқила. Шу қиласан-да, қилаётган ишларингиз культура-ю, сиз культурний хотин бўлдингизми?

**Хуморхон.** Вой, мунча тилинг заҳар экан! Бор-э, эринг бошингда қолсин! Ол, олиб кет! (*Деразадан ташқарига.*) Тоға!

Оқила. Мен эр талашиб келганим йўқ.

**Хуморхон.** Ушанда нега йиғлаб келган эдинг бўлmasa?!

Оқила. Бундан бир ярим йил бурун йиғлаган әдим. Унда болаларим күчада қолади деб ўйлаган эканман. Йўқ, тирик етим бўлди-ю, лекин кўчада қолмади. Бу замонда ҳеч ким кўчада қолмас экан: заводда бири онам бўлди, бири акам бўлди — йўлимни топиб олдим. Лекин сиз-чи!..

Хуморхон Марасулнинг орқасига ўтади.

Ие, хотинлардан калтак ея бериб зада бўлиб қолибсиз-ку!. Қўрқманг, мен сизни урмайман — сизга қўл тегизгани ҳазар қиласман.

Хуморхон. Сендан яхши эканманки, устингга олипти-да!

Оқила. Кўчада ётган сукни қайси ит ғажимайди! (Чиқади.)

Марасул (кетидан). Оқилахон опа, мумкинми... Бир оғиз гапим бор... (Чиқади.)

Хуморхон. Вой, яшшамай ўлгур...

Ҳаял ўтмай, Марасул рўмолчаси билан юз-кўзини арта-арта киради.

Марасул. Чакки қилдинг! Яхши гапириб ҳовридан тушириш керак эди!

Хуморхон. Осмон қўлида бўлса ташлаб юбора қолсин! Аҳаджон акамнинг битта осмонни кўтариб қолгудай обрўйи бор!

Фотима (деразадан). Қанақа эркаксан! Ёш хотинни мажлисга юбориб, қандоқ сабринг чидаб ўтирибсан! Қачонгача ўргатаман!..

Марасул. Ҳозир... (Чиқади.)

Ранг-кути ўчган Заргаров киради ва секин креслога ўтиради.

Хуморхон. Вой, нима қилди? Шляпангиз қани?

Ризамат, қўлида шляпа, мотамли юриш қилиб киради.

Заргаров (қўлидан шляпани олиб). Боринг, Марасулни айтиб келинг!

Ризамат чиқади.

Ўзимнинг ҳам кўнглимга келган эди-я? Асли бормасам бўлар экан...

Хуморхон. Вой, нима бало, Оқила бу ерга келиб қилган шаллақилигини клубга ҳам бориб қилдими?

Заргаров (чўчиб). А? Оқила келдими?

Хуморхон. Ҳа. Сизга повестка олиб келипти. Сизни менга буткул бермоқчи эмиш.

Заргаров повесткани олиб ваҳима ичидаги кўз югутиради.

Заргаров (гаранг). Ие... мен «Оқилани қўйганимга беш йил бўлган» деб... оббо... судда устимга хотин олди деса... (Бирдан.) Жоним! Пайт нозик, хотин-қизлар масаласи чирсиллаб турипти — бекорга новут бўлиб кетаман.... Менга раҳм қилинг!..

Хуморхон. Нима қилай?

Заргаров. Сиздан бир оғиз сўз!.. Бир оғиз!.. «Мен Заргаровнинг хотини эмасман, ўйнашиман» дессангиз қутулиб кетаман. Хотинлик эркак ўйнаш тутмасин деган закон йўқ! Йўқ!

Хуморхон. Ие!

Заргаров (тиз чўкиб). Жоним!..

Хуморхон. Мен бу гапни айтгани номус қиласман. Ҳўжа авлодимиз, бизнинг авлодда ўйнаш тутган хотин ўтган эмас!

Заргаров. Жоним! Имоним!

Хуморхон. Мунча!, Жонингизни оладими!..

Заргаров. Обрўйим тўкилади... Менинг обрўйим бир ўзимга эмас, сизга, ўзингизга ҳам керак-ку, ахир!

Хуморхон. Сизнинг обрўйингиз менга керак бўлиб нима қилиб берипти!.. Биттаю битта тоғам ҳалиқ ҳам завхоз!

Заргаров. Бу тўғрида гаплашган эдик-ку... Бир оз ичади!

Хуморхон. Қаттароқ иш бўлса — яқинига одам йўлолмаса ичгани ҳам билинмас эди.

Заргаров. Хўп, катта ишга жойлаб қўяман. Бўлдими?

Хуморхон (ўйлаб туриб). Тоғамга дурустроқ жойдан хотин олиб берасиз. Яхши қиз бўлсин!

Заргаров. Хўп, ўзим ҳам шуну ўйлаб юрган әдим. Ўйлаймиз, бу ҳовлини тоғангизга бериб, ўзимизга бошқа баҳавороқ жойдан участка қиласмиз!

Ризамат билан Марасул киради,

Марасул. Э-э, Аҳаджон ака, ростми? Хайрият мажлисга Оқиланинг ўзи кириб бормапти!..

**Заргаров (Ризаматга).** Сиз чой-пой ичиб оласизми?

**Хуморхон (Ризаматга).** Бу ёққа юринг...

Ризамат иккови чиқиб кетади.

**Марасул.** Нима бўлди?

**Заргаров.** Дард бўлди! Бало бўлди! Ҳамма иллат сенда! Сенда! Хотин-қизлар масаласи чирсиллаб турган бир вақтда нима қилар эдинг гапни кўпайтириб!..

**Марасул (ҳайрон).** Нима қилдим?

**Заргаров.** Ие, тагин нима қилдим дейди-я!.. Хотининг ўқийман деса битта-яримта мактабга қистириб қўймайсанми-ю, яна битта туққанидан кейин ўзи ташлаб кетмайдими?

**Марасул (қути ўчуб).** Нима бўлди?

**Заргаров.** Ҳамма гап мана шундан бошланди-да! Дугонаси чиқиб ундоқ деди, холанг чиқиб бундоқ деди: ҳаммаси қўшилишиб сени олиб менга урди, мени олиб сенга урди. Данакдай хамиртурӯшдан бир тоғора хамир қилди-қўйди.

**Марасул.** Ўзи нима деди?

**Заргаров.** Нима дерди! Тарафингни олсам мени ёлғончи қилди!

**Марасул.** Ҳали шунақами. (*Енгини шимариб чиқмоқчи бўлади.*)

**Заргаров.** Қаёққа?.. Утир! (*Унинг енгларини тушириб қўяди.*)

Насиба киради.

**Насиба.** Мени йўқладингизми?

Заргаров Марасулга «қаттиқ гапирма» деб ишора қилади.

**Марасул (қовоғини солиб).** Ҳа!.. (*Унинг олдига боради.*)

Марасул Насибани урмоқчи бўлганда Заргаров ҳай-ҳайлаб қўймайди. Шовқинни эшишиб Хуморхон югуриб киради, вазиятни кўриб ҳайрон бўлади.

**Заргаров.** Ҳм... Шунақа экан-да, Насибахон... Марасулдан хафароқ экансиз, менга айтсангиз ҳам бўлар эди-ку... Ё мендан ҳам хафамидингиз?

**Насиба.** Қоқинган одам йўлда ётган тошдан ўпка-ламайди.

**Заргаров.** Мени тош дейсизми, ғишт дейсизми, кесак дейсизми, ҳар қалай холис нијат билан ораларинга тушган эдим... И... бахтли бўлдингиз деган қаноатдаман: шундоқ уйингиз бор, жойингиз бор...

**Насиба (Хуморхонга кўз қири билан қараб).** Уйжой бахт бўлса иссиқ оғилда кавш қайтариб ётган сигирдан бахтлироқ жонивор бўлмас эди!

**Заргаров.** Уй дейишдан мақсад — оила демоқчиман!

**Хуморхон.** Опаси ўргилсин, нега унақа дейсиз, кимсан доктор Ҳузуржоновнинг хотинисиз!

**Насиба.** Фалончининг хотини бўлиш сизга бахт бўлса бордир, лекин мең бўни бахт деб билмайман, бунақа бахтдан жирканаман! Менинг ўз отим, ота-онам умид билан қўйган отим бор! Ўз отимга куйдирги чиқкан эмас!

**Марасул(дўйқ қилиб).** Шунақами?

**Насиба.** Ҳа, шунақа!

**Марасул.** Ҳа, ўша сени... (*Урмоқчи бўлади.* Заргаров орага тушади.) Жағингни эзаман!

**Насиба.** Йўқ. Марасул ака, энди мени уролмайсиз! Мен энди мунглик, муштипар хотин эмасман. (*Чиқиб кетади.*)

**Хуморхон.** Вой, Марасул ака-ей, ўлмаган жонингиз! Бу шаллақи билан қанақа умр қилиб келаётисиз?

**Заргаров.** Аҳмоқ! Аҳмоқ!! Ҳозир хотин урадиган замонми?

**Хуморхон.** Бунақа хотинни уриб ўлдирса ҳам оз! (*Чиқади.*)

Телефон жиринглайди.

**Заргаров (чўчиб).** Марасул, ол-чи! (*Ўзича.*) Э, худо!.. (*Паноҳ истаб.*) Хуморхон!

**Марасул (трубкага).** Лаббай! А? Ҳозир...

Марасул имо билан Заргаровга трубканни кўрсатади. Заргаров трубка худди чақиб оладигандай стол ёнига келади, трубканни олади.

**Заргаров (трубкага, ўзини хурсанд кўрсатишга тиришиб).** Лаббай... Раҳмат... А? Ҳўп-хўп... (*Бўшашиб ўзини креслога ташлайди, узоқ паузадан кейин.*) Марасул!..

**Марасул (зўрга).** Лаббай!..

**Заргаров.** Нима бўлаётитпи ўзи?

Марасул. Энди бу ёғи нима бўлади денг.  
Заргаров. Хуморхон! Жоним!

Парда

### ТУРТИНЧИ ПАРДА

#### ЕТТИНЧИ ҚУРИНИШ

Марасулининг ҳовлиси. Супада Назира, Вера, Насиба, Пўлатжон Домла.

Пўлатжон Домла (боланинг юзини очиб секин).  
Бай-бай!.. Мунча ҳам ширин ухлапти! Менга бер-чи,  
бала кўтариш эсимда бормикин...

Қизлар секин кулишади, Насиба болани унга беради.

Үхў!.. Полвон қиз Сўладиганга ўхшайди-ку! Баракалла.  
Хўп, қани, гапир-чи!..

Насиба. Ўша кунги мажлисдан кейин яхши бўлиб  
қолди. Мажлис куни бир авж қилди-ю, кейин ўйлаб  
кўрди шекилли, дарров тушди. Хийла тушди! Бир йилда  
бир мартаба ҳам кўчага чиқармаган одам... мана, бир  
ҳафта ичидаги марта маориф бўлимига бориб келдим.  
Ўзи мактабимизга бориб тўққизинч синфда ўқиганимга  
справка олиб келди...

Назира. Ёмон бўлиб ҳам кўрсинг-чи клуб деворий  
газетасига оёғидан осиб қўярман!

Вера. Мажлисда оғандан беш баттар қилдик-ку.

Пўлатжон Домла. Коллектив зўр куч!

Бидон кўтариб Фотима киради, меҳмонларни кўриб бидонни  
секин бир чеккага яширади ва югуриб буларнинг олдига келади.

Фотима. Вой гиргиттон!.. Келинг, домласи... Ке-  
линглар... Бу ўқиш қачон бошланади-а, домласи? Бола  
бечора ичикиб қолди-ку! Уйда ҳам ўқиётитпи, ўқимаган  
китоби қолмади, Марасул китоб ташиб еткизолмаётит-  
пи-ю, лекин мактабнинг йўриғи бошқа-да! А, келинпош-  
ша?

Насиба. Вой, ая, суюнчи! Мени ўнинчи синфга қа-  
бул қилишипти! Пўлатжон Домла буйруқ олиб келди-  
лар.

Роҳила. Умридан барака топсин, зап домланг бор-  
да!

Иккиси чиқади. Марасул киради, келиб сўрига ўзини таш-  
лайди. Фотима киради.

Фотима. Ие, келдингми... Овқатингни олиб келай-  
ми?

Марасул. Йўқ! Томоғимдан ҳеч нарса ўтмайди.  
Аҳаджон акамни ишдан олиб, партиядан ўчиришипти!

Фотима. Вой!..

Марасул. Уф!.. Бир омад кетгандан кейин шунаقا  
бўлар экан-да!

Фотима. Худо дегин!.. Ташвиш тортма, Аҳаджон  
тегирмонга тушса бутун чиқади... Мана кўрасан, онам  
айтган эди дерсан! (Секин.) Насибанинг домласи қофоз  
олиб келди!

Марасул. Қанақа қофоз?

Фотима. Үқишига кириши нақдга ўхшайди. (Ин-  
ламсираб.) Пешонам қурсин... Сени катта қилиб берга-  
ним кам экан, энди боласини ҳам катта қилиб бераман,  
шекилли.

Заргаров (ўз ҳовлиси томонидан киради, мусибат-  
ли товуш билан). Марасул, ука, мен кетдим. Энди бу-  
тун умид областдаги ёр-биродарлардан. Хайр...

Марасул. Хайр...

Фотима. Худо денг!

Заргаров (жон-дили билан). Э, худо! (Чиқади.)

Насиба киради.

Фотима. Қелинпошша, эрингизнинг овқатини бе-  
ринг. (Чиқади.)

Марасул. Қаёққа бординг?

Насиба. Ҳеч қаёққа борганим йўқ.

Марасул. Қим келди?

Насиба. Пўлатжон Домла, қизлар...

Марасул. Шунақами?

Насиба. (хурсанд.) Унинчига кираман! Пўлатжон  
Домла дирекция билан гаплашиб буйруқ олиб келипти-  
лар! Мана!

Марасул (буйруқни ўқиёди). Ҳмм..., яхши, лекин  
мен бир нарсани ўйлаб қолдим: болангни нима қиласан?

Насиба. Ҳамиша «боланг, боланг» дейсиз... (Ку-  
либ.) Нима, болани онамнинг уйидан олиб келибман-  
ми?

Марасул. Менинг онамдан умид қилма демоқчи-  
ман. Сенга мени катта қилиб бергани басдир, энди бо-  
лангни ҳам катта қилиб берсингми!

**Насиба (ҳайрон).** Майли... ясли бор...  
Марасул. Тилаб-тилаб топган болангни яслига бергани қандоқ кўнглинг бўлади?

**Насиба.** Яслига нима қипти? Менинг ўзим ҳам яслида, боғчада ўсганман.

Марасул. Сенинг онанг берса бергандир, менинг яслига берадиган болам йўқ!

**Насиба (қутти ўчиб).** Хўп, болага менинг онам қарайди... Кечқурун элтиб бераман, эрталаб олиб келаман...

Марасул. Бу бошқа гап. (*Бирдан*.) Хўп, болани онангга элтиб берар экансан, мени кимга элтиб берасан? Менга ким қарайди?

**Насиба.** Ўзим қарайман... Онам қарайди... Ўқишимнинг сизга, уй ишигага... ҳеч кимга оғирлиги тушмайди.

**Марасул (паузадан кейин).** Менга қара, ўқишдан мақсад нима ўзи, ишлашми? Нима қиласан ишлаб? Мен боқолмаяпманим?

**Насиба.** Марасул ака, нима учун мени «боқишигиз» керак? Мен мушук бўлмасам...

**Марасул (аччиғи келиб).** Биз эр-хотин гаплашаштиpmiz, орага бировнинг гапини қистирма!

**Насиба.** Нима дедим? Кимнинг гапини қистирдим?

**Марасул (масхара қилиб).** «Нима учун мени боқишигиз керак! Мен мушукми?..» Бу анави чол Пўлатжон Домланинг гапи! Бунақа фалсафалар ўшандан чиқади!

**Насиба.** Майли-да. Бирон орзуси бўлмаган, бирон нарсага интилмаган одамнинг мушукдан нима фарқи бор?

Марасул. Хўп, борди-ю, орзулари ушалди — ўқидилар, битирдилар, ишга ҳам кирдилар — ишлаб қанча ойлик оладилар?

**Насиба (унинг афтига қараб).** Қанча ойлик олсанм ўқишимга рози бўлар эдингиз?

**Марасул (нимадеийшини билолмай).** Юрагимни сиқма! (*Қоғозни йиритиб ташлайди*). Янаги йилга ўқисан!

**Насиба.** Вой! (*Қоғоз парчаларини олиб бағрига босади*.) Марасул ака, нега бунақа қиласиз? Ҳар куни икки маҳал гул кўтариб кўчамизнинг бошида турган кунларингизда нималарни ваъда қилган эдингиз?

**Марасул (бирдан тутоқиб).** Мен ишдан чарчаб келганман, дам олгани қўясамни, йўқми? (*Бақириб*, Қўясамни, йўқми!!!)

**Насиба. Бақириманг!**

Роҳила билан Фотима югуриб киради.

**Роҳила.** Ҳа, ҳа, яна нима бўлди?

**Фотима.** Ҳой, сенга нима бўлди?

**Насиба.** Кечагина нима деган эдингиз! Яна лафзингиздан қайтдингизми? Ноинсоф!

Марасул. Ҳа! Мен шунақа ноинсоф, шунақа золим эрман! (*Бир қўл ҳаракати билан бутун давлатини кўрсатиб*). Шунақа золим эр бўлса ҳамма ҳам тегар эди!

**Насиба.** Ола қолинг!

**Марасул (бақириб).** Оламан!

**Роҳила.** Ҳой куёв, яна бошидан тушдингизми? Кўчада муқовангизни кўрган киши сизни ҳеч шунақа одам деб ўйламайди-я!

**Марасул.** Кечки мактабга қўймайман! Марҳамат, университетга кирсин! Ёрдам қиласман!

**Насиба.** Бас! Қалбаки гапларингиз жонимга тегди! Кўр ҳассасини бир марта йўқотади.

**Марасул.** Жонингга теккан бўлса — катта кўча!

**Насиба.** Шунақами?.. Ая, мана, орзуларингиз ушалдими?

Насиба билан Роҳила чиқади.

**Фотима.** Ҳой, ақлингга куйдирги чиқмагур, боласи бор, ҳовлининг яримини бўлиб олади-я!

**Марасул.** Уф!. Ая, дейман, битта хотинни эплаш шунча қийин, дадам раҳматли саккизтасини қанақа эплаган эдилар?

**Фотима.** О, онанг айлансин Марасул, у замонда эркакларнинг қамчисидан қон томар эди! У вақтда пашранжи бор эди!

Бола, тутун кўтариб Роҳила киради.

Войдод!.. Мени шундоқ қудамдан айрасанми?..

**Роҳила.** Қўйинг-э, Фотимабуви, давлат деб қизими ўз қўлим билан ўтга ташлаган эканман! Одамлар айтишган эди...

**Насиба (икки бойлам китоб кўтариб киради).** Юринг, ая!

Фотима (икковининг йўлини тўсади). Войдоð..  
Мени шундай келинимдан айирасанми?..

Зуҳра киради.

Дод устига дод!

Зуҳра (ҳайрон). Нима гап?

Роҳила. Нима бўлар эди... Айтганингиз келди!

Фотима. (Зуҳра билан кўришиб.) Иккови уришиб қолди, яраштириб қўй. Арзимаган гап... (Чиқади.)

Зуҳра (кетидан). Мараэ!

Марасул (Роҳилага ўпкараб). Бизни уришиб-сўкиб яраштириб қўярсиз десам, дарров кўч кўтарибсизда!

Роҳила. Ҳа! Қўзим очиқлигида қизимнинг тўйини кўрай деб ўзимни ўйлабману, бу тўйдан кейин Насиба нима бўлишини ўйламабман. Она куни битиб дунёдан кўз юмганида боладан рози бўлиши зарур, лекин энди билсан, куни туғилиб дунёни энди кўрадиган боласини рози қилиб кетиши ундан ҳам зарурроқ экан!

Она-бола чиқмоқчи бўлади.

Зуҳра. Мана энди ўзингизга келибсиз!

Марасул (дўйқ қилиб). Хола!.. Оила масаласига аралашманг! Оила масаласи нозик масала, сиёсий масала! Совет ҳукумати оилани мустаҳкамлаш учун бутун чораларни кўраётган бир вақтда... жавобгар бўласиз!

Зуҳра. Совет ҳукумати ҳар қанақа оилани эмас, совет оиласини мустаҳкамлайди!

Марасул. Сизга ўхшаган чаласавод «активлар» қўли билан мустаҳкамлайди! (Она-боланинг олдини тўсади.)

Зуҳра. Мен чаласавод, сенинг саводинг росами? Бир кўзинг одамларнинг тишида, бир кўзинг чўнтағидаку, яна қайси кўзинг билан ўқиб савод чиқаргансан?

Марасул (Насибага). Чучварани хом санама, мендан ялчиб алмимент ололмайсан!

Насиба. Қераги йўқ!

Зуҳра. Қонун товуқдай қийқиллатиб олиб беради!

Марасул. Қонунга мувофиқ оладими? Ойлиги юз сўмлик ишга кирман!

Зуҳра. Ҳезалак!

Марасул (Насибага). Эсинг кириб қайтиб келганингда бу уйда бошқа хотин ўтирган бўлади!

Насиба (таққан зийнат асбобларини олиб Марасулнинг олдига ташлайди). Наинки қайтиб келсан! Аксинча, бу ерда ўтган бир ярим умримга умр бўйи ачинаман. Эссиэгина бир ярим умрим! Юринг, ая! (Чиқади.)

Роҳила. Эссиэ! Лекин бекор кетмади! Бу бир мактаб бўлди. Қўзимиз очилди. Бахт нима, баҳтсизлик нима — қўзимиз билан кўрдик. Мен оналарга айтаман: «Тузуккина қанот чиқармай учишга талпинган чумчук бола илоннинг оғзиға тушар экан» дейман!

Марасулдан бошқа ҳамма кўча эшиги томон йўналади.

Марасул (бақириб). Хола, муроднингга етдингми?

Зуҳра. Йўқ ҳали, жиян! Чаласига қарздорман! (Чиқади).

Парда

## ЭПИЛОГ

Заргаровнинг ҳовлисида ўша ошхона, лекин ерда ётган бир пой эски калиш, ғижимлаб ташланган бир-икки газетадан бошқа ҳеч нарса йўқ. Саквояж кўтарган Заргаров киради, киради-ю, данг қотиб қолади: кўзларини ишқаб, йириб қарайди, ниҳоят, кўраётгани ҳақиқат эканига ишонгач, бўшашиб кетади. Фам-койиш хийлагина енгиб қўйган Марасул киради.

Марасул. Салом бердик... С приездом...

Заргаров. Салом...

Марасул. Гузарда орқангиздан шунча чақирдим, эшитмадингиз.

Заргаров (уйни кўрсатиб). Нима гап?

Марасул. Ҳуморхонингиз... Кечагина кўчиб кетди. Хафа бўлманг, ҳозир ҳаммани ҳам хотини ташлаб кетаёттипи.

Заргаров. Қаёққа кўчди экан, тоғасиникигами?

Марасул. Йўқ... Эрга тегди!

Заргаров. А? (Саквояжнинг устига ўтириб қолади.)

Марасул. Тағин хотин устига текканини айтмайсизми!.. Қалай, ишлар тўғри бўлдими?

Заргаров бош чайқайди ва сугуриб ташлади деганга ишора қилади.

**Оббо!.. Суғуриб ташламанглар, тузалиб кетаман де-  
мадингизми?**

**Заргаров (хаёли бошқа ёқда).** Айтдим, айтмаган  
тапим қолмади.

**Марасул.** Үзим ҳам билган эдим: катта омбурга  
чап бериб бўлмайди. Турмуш қийин бўлиб қолди, Аҳад-  
жон ака!

**Заргаров.** Сен нима қиласан нолиб! Омбуриңг  
қўлингда, бир кавакдан ҳайдаса, бошқа кавакда тиш  
суғуриб айшингни қиласерасан! Менга қийин, менга!

**Марасул.** Жуда ҳам унчалик эмас, Аҳаджон ака!  
Омбур-помбури билан ўзимни ҳам ҳаётдан суғуриб  
ташлайдиганга ўхшаб қолди: учидан ҳовлини сотиб со-  
лиққа бердим, ишдан бўшатилдим, яна нима бўлишини  
билмайман.

**Заргаров.** Қани энди шуларнинг ҳаммаси тушим  
бўлса-ю уйғониб кетсан!.. Қадамимни билиб босар эдим.  
Шу вақтгача калла деб жун чиққан қовоқни кўтариб  
юрган эканман! Жун чиққан қовоқни!

Парда

1954 йил.

## СҮНГГИ НУСХАЛАР (ТОБУТДАН ТОВУШ)

Уч парда, етти кўринишли комедия

«Менингча, ҳозир... учта асосий душман бор:  
биринчи душман — коммунистик манманлик, ик-  
кинчи душман — саводсизлик ва учинчи душман —  
порахўрликдир».

«Мен, партияга сукилиб кириб олган ва қо-  
ғозбозлик ҳамда порахўрликка қарши кураша  
билимаслик устига яна уларга қарши курашишга  
халақт берәётган 100 мингдан то 200 мингача  
коммунистни партиялиздан ҳайдашимиизга жу-  
да ишонаман».

B. I. Ленин

## ҚАТНАШУВЧИЛАР

Сухсурев Нусраг — порахўр.  
Нетайхон — Сухсуревнинг хотини.  
Обиджон — Нетайхоннинг ўйгай укаси.  
Кори — қўшни, мачит имоми.  
Юсуф — Сухсурев бошлиқ муассаса ходими.  
Хожар — Сухсуревларнинг асрори қизи.  
Шобарот — қамалган кишининг укаси.  
Наврузов — милиция капитани.  
Чол.  
Биринчи гувоҳ.  
Иккинчи гувоҳ.  
Милиционерлар.

Воқеа бизнинг кунларда бўлиб ўтади.

Нетайхон (*эрини уйғотади*). Нусрат ака! Нусрат ака дейман, туринг!..

Сұхсұров яна ҳам қаттиқроқ хуррак тортади, ўзининг хуррагидан ўзи уйғониб кетади.

Сұхсұров, Ҳм... Шу ерда ётиб қолаверибман-да!. Нега уйғотмадинг?

Нетайхон. Сизни уйғотиб бўлса экан!, Тулинг, ҳовлимизнинг атрофида яна бирор юрипти.

Сұхсұров (*қўрқиб*). А?!

Нетайхон. Бирор юрипти. Сувратини олаётганга ўхшайди!

Сұхсұров (*ташқарига қараб*). Бу участка менинг бошимни ер экан-да!

Нетайхон. Қурортга кетишимида сизга айтмадиму, бу сафар қурорт қурорт бўлгани йўқ. Кейинги вақтларда қўчамизга бегона одам кўп кирадиган бўлиб қолди; қўшнимизнинг уйига ўт тушганда пожарний ўзи ўтга сув сепаяпти-ю, икки кўзи бизнинг участкада. Қўчамизга дўхтир кирса ҳам шу, старишчи кирса ҳам шу!. Қеросинчи ҳам карнайини бизнинг участкамизга тўғрилаб «керосин» дейди.

Сұхсұров. Бунақа қонунлар чиқар экан, шу участкани солмай турсак ҳам бўлар экан!..

Нетайхон. Менинг номимга ўтказинг қўйинг-да!

Сұхсұров. Нодон! Мен, ҳар қалай, бир юз ўн сўм ойлик оламан, сен ҳемири ҳам олмайсан-ку! «Шунча пулни қаёқдан топдинг?» деса, нима дейсан? Тухум босиб жўжа сотдим дейсанми?

Дарвоза тақиллади.

Нетайхон (*ваҳима қилиб*). Ана! Ӯша!..

Сұхсұров (*ирғиб туради, ичкарига*). Ҳожар! Ҳожар!

Ҳожар киради.

Ҳожар. Лаббай!

Сұхсұров. Қармисан! Дарвозани очсанг-чи!

Нетайхон. Қеракмас, очма!

Сұхсұров. Шошма, аввал секин қарагин, бегона одам бўлса очма!

Нетайхон. Э, худо!

Ҳожар дарвозага томон боради, иккени сабрсизлик билан кутади.

## БИРИНЧИ ПАРДА

### БИРИНЧИ КУРИНИШ

Мачитга девор қўшни Нусрат Сұхсұровнинг ҳашаматли ҳовлисида меҳмонхона. Ўнинг бир эшиги ҳовлига, иккинчиси кўча эшигига томон очилади. Бурчақда каттакон қора печка. Печка меҳмонхонадан ёқилади. Диван. Қозиқда салла билан тўн. Бу ерда туни бўйи ичкилик бўлган. Хонтахтада конъяқдан бўшаган шишалар, керагидан кўпроқ рюмка, қолган-кутган овқат. Ҳамма учуб ётибди: Нусрат Сұхсұров диванга интилгану етолмаган; Юсуф Сұхсұровнинг бир обёнини қўчоқлаганича колган; фартук тутиб олган Қори сичқон пойлаган мушукдай жағини хонтахтага қўйганича пишиллаб ётибди. Сұхсұров баланд, Юсуф ундан пастроқ хуррак тортмоқда. Хўрозд қичқиради. Ичкаридан сочларни тўзиган, елкасига наридан-бери бир нима ташлаб олган Нетайхон ич кўйлакди киради, ҳаммага, айниқса Сұхсұровга дикқат билан разм солади; ҳамма қаттиқ уйқуда эканига ишонганидан кейин келиб Қорини туртади.

Нетайхон (*қаттиқ шивирлаб*). Қора ака! Қори ака дейман!..

Қори (*уйқусираб*). Иллолло!..

Нетайхон. Тулинг.

Қори (*қўчоқламоқчи бўлади*). Худоё еткурган неъматинга шукур!..

Нетайхон. Эндими!.. Келасиз деб кечаси билан кўз юмганим йўқ! Бир ойдан бери шуми соғинганингиз!

Қори. Қазосини ўқиймиз! (*Қўчоқлайди, ичкарига тортади*.)

Аzon товуши эштилади.

Нетайхон (*тарвузи қўлтиғидан тушиб*). Вой ўл-син! (*Эриға ишора қилиб*.) Уйғониб қолади! Шарманда бўламиз! Азонда сувсаб уйғонадиган одати бор!.. Қўйвиринг!..

Қори фартуғини ечиб, у ёқ-бу ёғини тузатади, салла-тўнини кишиб, кўчага чиқиб кетади. Мачитда намоз бошланади. Нетайхон кўча эшигидан бошини чиқариб, у ёқ-бу ёқса қарайди, кимнидир кўриб, уни ваҳима билан кузатади, югуриб меҳмонхонага қайтади.

**Ҳожар (қайтиб).** Шобарот ака...

**Сұхсұров (Нетайхонга).** Бирам ваҳима қиласан-  
ки!.. (Ҳожарга.) Бор айт, иши бўлса эртага душанба  
куни идорага борсин!

**Ҳожар чиқади.**

**Нетайхон.** Узоқдан танимабман... Дийдори қур-  
син, азонда нима қилиб юрипти! Сўхтаси совуқ! (Чиқа-  
ди.)

**Сұхсұров (шишалардан ичкилик тополмагач,**  
**Юсуфни ўғотади).** Юсуф, тур!.. Вой бошим. Тур, мага-  
зинга чиқиб кел!

**Юсуф (туради).** Вой бошим.

**Сұхсұров.** Икки чаккамга иккита арава мих қо-  
қиб қўйганга ўхшайди. Вой...

**Юсуф (рюмкалардаги конъяк юқини битта рюмка-**  
**га тўплаб).** Ҳозир суғуриб ташлаймиз. Вой бошим...  
(Конъякни ичмоқчи бўлади.)

**Сұхсұров.** Шошма, менга бер! (Тортуб олади.)  
Сен магазинга чиқиб кел! (Ичмоқчи бўлади.)

**Юсуф (суқланиб).** Майли, майли... Закускаси ичи-  
да... Ичидা яримта пашша бор!

Сұхсұров жиркани рюмкани қайтиб беради. Юсуф рюмкани оли-  
боқ ичади.

**Сұхсұров.** Ие, пашшаси бўлса ўзинг нега ичдинг?

**Юсуф (рюмкани ялаб).** Мен ичмасам магазинга  
етолмайман...

**Сұхсұров.** Бор, тезроқ, бошим ёрилиб кетай деяп-  
ти.

**Юсуф.** Конъякни қаричлаб ичгандан кейин нима  
бўлар эди!

**Сұхсұров.** Қаричлаб?

**Юсуф (рюмкаларни устма-уст қўйиб қаричлаб).**  
Қори акам мана шунақадан сизга беш қарич бердилар.  
Мен уч қарич ичганимни биламан — оламдан ўтибман!

**Сұхсұров.** Ҳеч қайсингни хафа қилганим йўқми?

**Юсуф.** Сиз жуда ширин маст бўласиз, Нусрат ака.  
Сизнинг ҳушёргингиздан мастлигинги жиҳи кўра-  
ман.

**Сұхсұров (ийиб).** Бор, бор.

**Юсуф чиқади.**

**(Эшикдан) Нетайхон.**

130

**Нетайхоннинг овози. Лаббай!**

**Сұхсұров.** Қори акангни чақир!

**Нетайхоннинг овози. Хўп...** Ҳожар! Ҳожар!

**Ҳожарнинг овози. Ҳув.**

**Нетайхоннинг овози. Ўл!** Қори поччангни чақир!

Юсуф ашула айтиб, шишадан конъяк ҳўплаб киради.

**Сұхсұров.** Ие, дарров келдінгми?

**Юсуф.** Кеча биттасини олиб чиқиб итхонага боғлаб  
қўйган эдим.

**Сұхсұров.** Бу ярим-ку?

**Юсуф.** Конъякни итга ҳам ишониб бўлмас экан-а,  
ялаб қўйипти!

**Иккови ичади.**

Шобарот эшикда нима қилиб ўтирипти?

**Сұхсұров.** Ҳали ҳам ўтириптими?

**Юсуф.** Шу ўигитни жиним сўймайди. Шуни кўрсам,  
кўзимга турма кўринади. Қамалиш бизу сизнинг боши-  
мизда бор нарса-ку, шундоқ бўлса ҳам...

**Сұхсұров.** Э, нафасинг қурсин!

**Юсуф.** Йўқ, мен... менинг гапимга тушунмадингиз.  
Мен нима демоқчиман, шу Шожалилнинг иши босди-бос-  
ди бўлгунча мени чеккароқ ишга ўтказиб қўйсангиз...

**Сұхсұров.** Ҳа, қўрқиб кетдингми? Мен юрагида  
ёли бор одамлар билан ишлаб ўрганганман. Сендақа  
қўрқоқ одам менга керакмас. Ҳозирдан бошлаб сени  
ишдан бўшатдим!

**Юсуф (чўнтағидан пул чиқариб).** Ювош, ювош...  
(Елкасини силайди.) Тавба қилдим...

**Сұхсұров (пулдан кўзини олмай).** Бу нима қилга-  
нинг! (Бақириб.) Қонун чиқиб турган бир пайтда бу ни-  
ма қилганинг!. Иўқол!

**Юсуф.** Кам бўлса яна қўшиб бераман...

**Сұхсұров (бақириб).** Қачон?.. Иўқол!

**Юсуф** ҳар қадамда тўхтаб-тўхтаб кўчага чиқиб кетади. Нетай-  
хон билан Қори киради.

**Нетайхон.** Нима гап?

**Сұхсұров.** Масти-да!

**Қори.** Тасаддуқ!

**Сұхсұров.** Ўтиринг... бир маслақатлик гап бор  
эди, кеча мавриди бўлмади. Шу участкамиз тишига тегиб

131

турипти. Билған одам ундоқ дейди, билмаган одам бундоқ дейди... Янги қонун чиқиб бунақа нарсалар нозиклашиб қолди. Шожалилга ҳам кўпда ишониб бўлмайди. Шунга бир чора топсак...

Қори (дарҳол). Сотмоқ керак!

Сухсуро в. Ўхӯ, зап одамга маслаҳат солган эканманда! Қимга сотамиз? Қим олади? Оладиган серпул одамнинг сизчалик ақли бордир! (Калака қилиб.) Иллоллодан бошқасига йўқ эканлар-ку!

Узоқ пауза.

Нетайхон. Нима қилиш керак-а?  
Сухсуро в (бирдан). Топдим!

Нетайхон. Нима экан?

Сухсуро в. Сен уканг билан ярашасан!

Нетайхон. Қанақа укам? Обид биланми? Ҳу дидори қурсин! Шунча йилдан бери ярашмай энди ярашамни!

Сухсуро в. «Томоққа қилтеноқ тиқилса мушукниң тирноғи дори» деган гап бор:

Нетайхон. Нима қилмоқчисиз?

Сухсуро в. Обиджонга битта чиройли хат ёзасан, ўтган гапларга салавот, деган жойини келиштирганингдан кейин «жон бор жойда қазо бор, жигарчилик... сени кўролмай ўлсам кўзим очиқ кетади» дейсан. Обиджонинг кўнгилчан одам, чолиб келади. Маҳкам ушлаймиз. Ҳожарни ювиб-тараб қўйнига соламизу участкани иккевининг номига ўтказамиз-қўямиз. Тамом — эшик тамба!

Нетайхон (Сухсуро вга). Бу иморатни қайси пулга солгансан, деб ундан сўрамайдими?

Сухсуро в. Сўрамайди, Улуғ Ватан урушининг инвалиди! Қўлида қўлтиқтаёқ!

Қори (четга). Ҳай дариф, вақтида аскарликдан қочмаганимда ҳозир участкалик куёв бўлар эканман!

Нетайхон. Үкам бечора хотинизсиз юриб-юриб қариғизни оладими?!

Сухсуро в. Асал айнимайди, қиз қаримайди! Гап шу! Энди Ҳожарни чақир, бўйнига қўяйлик.

Қори. Ҳей дариф!..

Нетайхон. Ўзидан сўраб ўтирасизми?

Сухсуро в. Ие, ҳозирги замонда... «мени зўрлаб эрга бераетпти» деб маҳаллага чиқса, нима деган одам бўламиз! Қим кўп — муҳбир кўп... чақир!

Нетайхон эшикка борганда каттакон сўйил кўтарган Юсуф пайдо бўлади. Уни кўриб Нетайхон додлаб қочади. Ҳамма қотиб қолади. Юсуф гандираклаганича, сўйилни судраб Сухсуро вга яқинлашади.

Сухсуро в (тили сўзга келмай). Юсуфжон!..

Юсуф (кутилмаганда сўйилни Сухсуро вга берив, бошини тутади). Уринг! Уринг, Нусрат ака, шу шўрлик бошимга!

Сухсуро в (бир оз жонланаб). Юсуф!..

Юсуф (хўнграб). Урмасангиз қўймайман! Ишдан бўшатадиган бўлсангиз, менга бунақа кичкина бошнинг кераги йўқ! Бердим сизга! Икки қўллаб бердим!

Сухсуро в (кўнгли жойига тушиб). Ҳўп, шу бош меники бўлса ўзимга қўйиб бер... Икки пақиргина сув қуяй, жиндаккина алла қилгин... (Сўйилни оёғи билан Қорига томон суради.) Юр!

Иккови ҳовлига чиқади, Юсуфнинг товуққа ўхшаб қийқиллаган товуши эшитилади.

Қори (деразадан сўйилни ташлаб). Ҳм... Укангиз нобоброқми, сабаб шунча йилдан бери алоқа йўқ?

Нетайхон. Уришиб қолганмиз...

Қори. Сабаб? Нобоблигидандир-да?

Нетайхон. Ҳа...

Қори. Ундоқ бўлса бу ерга келишидан сизга азиятдан ўзга нима хушлик бор? Участкани тасарруфиға олганидан кейин мункир бўлса ҳам ажаб эмас.

Сухсуро в Ҳожарни эргаштириб киради.

Сухсуро в (Ҳожарга). Ўтири!

Нетайхон. Эрга тегасанми?.. Ҳой, калла сенга айттаётиман, жувонмарг, гапирсанг-чи!

Ҳожар. Қимга? Қим ўзи?

Нетайхон (қийқириб юборади). Вой дийдоринг курсин! (Сухсуро вга.) Қимга эмиш! Эр бўлса бўлди-да!

Сухсуро в. Оббо сен-э! Менинг қайним! Нетайхон опангга ўгай ука бўлади...

Қори (Ҳожарни секин туртиб). Чўлоқ! Бир оёғи чўлок!.. (Юриб кўрсатади.) Ие, ҳа, Қори?

Сухсуро в (кўриб қолади).

Қори (ўйинга буриб). Тўйда рақсу само қиласиз!  
Сухсуро в. Ёши тахминан ўттиз уч-ўттиз тўртда...

Тўғри келадими? Бўлди, сукут аломати ризо! Бор, хатни ёзавер!

Хожар сукут қиласди.

Нетайхон (Хожарга). Тур!

Иккови чиқади.

Кори. Бу Обиджон қандоқ одам экани ўзингизга маълумми?

Сухсуро. Мирзачўлдаги бир колхозда механик бўлиб ишлар экан.

Кори (жимлиқдан сўнг). Ҳалол-пок одаммикин?

Сухсуро. Э, Қорим, мен қаерим қишишини олдиндан билиб қашлаб қўядиган одамман!

Кори (норози). Бирон вақти келиб ранжу алам ет-курмаслигига амин бўлсангиз ихтиёргиз... Мен мачитга чиқай! (Чиқади.)

Шобарот (киради). Салом...

Сухсуро. Эртага идорага боргин, деган эдим-кул Шобарот. Жон ака, эртагача сабрим чидамади.

Сухсуро. Хўш, нима дейсан?

Шобарот. Шожалил акамга кеча овқат олиб борган эдим, акам костюмларини чиқариб, нимча сўратиптилар...

Сухсуро. Хўш?

Шобарот. «Йшим чатоқ» деганлари эмасмикан?

Сухсуро. Бўлса бордир.

Шобарот. Шунга жуда хафа бўлдим; акам-ку майли, турманинг қозонидан ризқи борича ейди, бу орада сизга гап тегиб қолмаса дейман... Ҳар нима бўлганда ҳам акам қўл остингизда ишлаган эдилар, бир охурдан ем егансизлар... (Унга ер остидан разм солади.)

Сухсуро (унинг шамасини тушуниб). Энди, ука, бир охурдан ем еган бўлсак ҳам ҳар ким ўзининг тиши билан чайнаб, ўзининг кекирдаги билан ютган! Ҳар кимнинг гўри бошқа, мункар-накири бошқа деган гап бор.

Шобарот. Шундоқ-ку, лекин иш катта кўчса гўларинг қўшилиб кетармикан дейман... Яна ўзингиз биласиз...

Сухсуро (кулиб). «Ёрдам қилсанг қилганинг, бўлмаса акам оёғингдан тортади» деганингми бу?

Шобарот. Худо сақласин! Унақа акадан кечворман!..

Сухсуро (унинг гапига қулоқ солмай). Менинг оёғимга қўли етмайди, етганда ҳам тортмайди, тортголмайди!

Шобарот. Шунни айтаман-да, оғайнисизлар...

Сухсуро (қулоқ солмай). Мен ийқилсам устига йиқиламан! Мажақлаб ташлайман! Бўни аканг яхши билади. Бундан ташқари, ҳозир иши терговдами — икки кўзи, икки қулоғи менда — мен керак! Кесилиб турмада ётганида ҳам қутулгани талпинса менинг қўлимни пайпастлайди; қамоқ муддатини битирибми, битирмасданни келганида яна мен керак — иш сўраб менинг олдимга келади! Тушундингми?

Шобарот. Албатта, шунинг учун сизга сифиниб келдим-да. Қўллайсиз, йўл кўрсатасиз, деб келдим.

Сухсуро (бирдан). Чақани каттароқ бериб адвокат сол! Йўл шу!

Шобарот. Сиз менга бозор баҳоси гапни гапиравтипсиз, Нусрат ака.

Сухсуро. Мен давлат ишидаги одамман, сенга бундан ортиқ бир нима дегани... Ҳм... Вақтим йўқ!

Шобарот. Қачон вақтингиз бўлади? Бугун ўн биринчи, нечанчи числода келай?

Сухсуро сочини силаган бўлиб, бармоқлари билан «икки ярим»га ишора қиласди. Шобарот буни фаҳмламайди.

Ун бешларда келсам бўладими?

Сухсуро (унинг бефаҳмлигидан бўғилиб). Икки ярим! Икки ярим минг!

Шобарот (бир оздан кейин тушунади. Ҳайрон). Икки ярим минг? Янги пул биланми?

Сухсуро (калақа қилиб). Эски пулинг борми?

Шобарот. Шу икки ярим минг сўмлик ишми?

Сухсуро. Шунинг учун адвокат сол, дедим-да!

Шобарот (мунғайиб). Акам билан ораларингда ушалган ноннинг ҳурмати йўқ экан-да?

Сухсуро (аччиғи келиб). Гапни кўпайтирма, менга ҳеч нарса тегмайди, тегишлиқ одам бор! Мен сенга одамгарчилик қилмоқчиман! Акангга ёмон модда қўйилган, йигирма беш йил-а!

Шобарот. Оббо худо урди!..

Сухсуро. Қонунга чап бериб, шуни беш йилга келтириб беради. Майли, беш йилга кесилсинг, у ёғига яна чап берамиз.

Шобарот (пул узатади). Раҳмат, ака, биздан қайгаса, худодан қайтсин.

**Сұхсұров (күрпанинг қатини очиб).** Құй! Мен бұни «хамир учидан патир» деб бераман. Менга, ўзимга چұталын кейин берасан, майли... Менга қара, менинг бұишга баш құштанимни бирөвға айтсанғ... Яңғы қонунни әшитдингми, пора берганга ҳам үн беш ғил!..

**Шобарот.** Биламан, биламан! (Журъат құлмаса-дан.) У киши билан неча пулға гаплашған бұламис?

**Сұхсұров (аччиғи келади).** Ақмоқ! Бунақа ишда савдолашиб бұладым!

**Шобарот.** Хұп, хұп, акамни сизға, сизни худога топширдім. (Чиқмоқчи.)

**Сұхсұров.** Менинг дастимдан дод деяверасан: құлди-құлди, Сұхсұров құлди, деб жар солавер. Аканғыннинг хотини идорага бориб үйгласин, мени қарғасын! Ана унда ишнинг замаскаси мақкам бұлади.

Шобарот құллуқ қилиб чиқиши биланоқ Сұхсұров унинг кети, даң әшикни құлфлайди.

**Сұхсұров (пұлни оташкурак билан олар әкан, үй-чан).** Ҳм, шу қонун чакки бұлды-да! Майли, шу сафар ҳам олай, ундаң кейин нағсимға қозиқ қоқиб, арралаб ташлайман. (Пұлни пеккага ташлайди, әшикни очиб құяди.)

**Нетайхон (хатни олиб киради).** Мана, ўқинг-чи.

**Сұхсұров (хатни күздан кечирауди).** Яхши! Яхши! (Конвертни ёпиширади.) Почтага ўзим ташлаб кела-ман.

**Нетайхон.** Заказной, авиазаказной қилинг!

**Сұхсұров.** Бу хат билан участканинг атрофига тиканли сим тортдик, деявер!

## ИККИНЧИ КУРИНИШ

Сұхсұровнинг қасрнамо ҳовлиси. Гуллар орасига қўйилған тахми-нан йигирма кишилик узун столни Нетайхон тузатиб чиқади. Автомобиль гудоги. Ҳожар ҳаял үтмай жуда оғир яшик құтариб киради.

**Қори (яшикни күтаришган бўлиб).** Куёвнинг юзи-да фариштаси йўқ, Ҳожархон, фариштаси йўқ!

**Иккови яшикни ошхонага томон олиб чиқади.** Яна қайтиб ки-радилар.

Қўнгилга хуш келмаган никоҳ худога хуш келмайди.. Ҳукумат даврида хотин-қизлар озод... Таадду қылсалар маҳаллага чиқ!..

**Қори чиқади.**

**Нетайхон (киради).** Ҳожархон, боринг, ясаниб чиқинг, гиргиттон!

**Ҳожар (ҳайрон).** Бошқа қўйлагим йўқ-ку...

**Нетайхон.** Нега? Қўйлагингиз кўп: перлон, ней-лон, цейлон!.. (Секин.) Менинг сариқ қўйлагимни кияқ-линг! Юринг, гиргиттон, икковимиз ясанайлик.

**Иккови уйга киради.** Қўй етаклаб Юсуф, кетидан Қори киради. Юсуфнинг кайфи тарақ.

**Қори. Марҳабо, марҳабо!.. Келсинлар!** (Қўйнинг арқонини олмоқчи бўлади.)

**Юсуф.** Қочинг, Нусрат акамниң ўз қўлига бераман, билиб қўйсин, тўқсон саккиз сўлкавойга келди!

**Қори.** Мен айтаман, Юсуфжоннинг туҳфаси дейман.

**Юсуф.** Үндоқ бўлса майли... (Қўйни ошхона томон-га олиб чиқади.)

Шобарот мотоцикл миниб киради.

**Шобарот.** Нусрат акам бормилар?

**Қори.** Борлар, лекин бугун сиз билан гаплашгани фурсатлари бўлмаса керак, Обиджон келганлар... зиё-фат...

**Нетайхон (кириб).** Келинг... Қўнглимдаги ишни құлдингиз-да! Обиджонга шунақа мотоцикл олиб қўйиш эсимга келмаган әкан, жуда яхши бўлди!

**Шобарот (нима дейшишини билмай).** Нусрат акамда ишим бор эди.

**Нетайхон.** Майли, майли, уялманг! Агар уялса-нгиз, Обиджонга ўзим тутаман.

**Сұхсұров (кириб соатига қараб).** Соат олти ярим, одамларга нима бўлди? Ҳаммаси ўлдими, қирилиб кетдими!

**Нетайхон.** Шобарот акам Обиджонга совға олиб келиптилар.

**Сұхсұров.** Раҳмат ука! Баракалла, совға деган мана бундоқ бўпти! Офарин! (Ингламсираб.) Сен менинг чин дўстим экансан! Нетайхон, сен Обиджондан хабар ол.

**Нетайхон чиқади.**

Энди, ука, мен Обиджон акангни курортга юбормоқчи-  
мән. Сен бу одамни билмайсан, тузалиб келса ҳамма-  
мизга ҳам керакли чўлоқ.. Шуни өсингдан чиқармасан  
бас!

Шобарот (энсаси қотиб). Қанча олиб келай?

Сухсиров. Ҳимматинг билади... Мен бир юз эллик  
бераман. Сен ҳам шунча беришинг...

Шобарот. Ие...

Сухсиров. Шарт эмас...

Шобарот (дўйғиллаб). Тушунолмай қолдим!..

Сухсиров. Нимасига тушунмайсан, менга ҳали  
ялатганинг ҳам йўқ-ку!

Шобарот. Ие, мотоцикл ўринга ўтмайдими?

Сухсиров. Мен сендан мотоцикл сўрадимми?  
Ўзинг совға қилиб келдинг-ку!

Мотоциклини Қорига беради. Қори уни олиб чиқиб кетади.

Шобарот. Менга қаранг, Нусрат ака, бошига иш-  
тушган одамни шилиш — ўликнинг кафанини ечиб олиш-  
дай гап эмасми?

Сухсиров. Пулни ейдиган бошқа-ю, менга нимага  
дўйқ қиласан?..

Шобарот. Мени ўша кафан ўғрисига рўпара қи-  
линг бўлмаса, ўзим гаплашай! Нега иш ҳеч силжимай-  
ди? Нима қилди ўзи?

Сухсиров. Шунинг учун адвокат сол деган эдим-  
да! Ҳали ҳам кеч эмас, сола қол! Бўлди, мен аралаш-  
майман!

Шобарот. Ие, шунча берганинга куйиб қолавера-  
манми?

Сухсиров. Мен-чи, сени деб шунаقا ишларга қўл  
урганим-чи?.. Куймаганимми?

Шобарот. Бўпти, мени деб куйганингизга қуллуқ!  
Берганим ўлигига буюрсин! (Этагини қоқиб чиқиб кета-  
ди.)

Сухсиров столни кўздан кечиради, меҳмонларнинг ўринини белги-  
лади.

Сухсиров. Ҳой, идорадан ҳеч ким келмади-ку?  
Нетайхон, яна бир телефон қиласанг-чи?

Нетайхон чиқади. Юсуф киради.

Юсуф. Қори ака, ҳалиги мен олиб келган қўй қан-  
ча гўшт қиласди чамангизда?

Қори. Узингизга қараб мўлжаллай беринг!

Сухсиров. Қўй олиб келдингми? Раҳмат! (Ин-  
гламсираб.) Асл дўстим экансан!

Нетайхон (киради). Идорада ҳеч ким йўқ!

Сухсиров. Балки ҳаммаси йўлга чиққандир...

Ҳожар уйдан ясаниб чиқади.

Сухсиров. Ўҳ-ҳў!. Чўпга лиbos деганича бор-да!

Нетайхон. Қўз тегмасин!.. (Ҳожарга.) Обиджон  
аканг чиққанда мана бундоқ қилиб «Хуш келибсиз» де-  
гин!..

Обиджон киради.

Сухсиров. Қани, ўтиринглар! Қеладиган келаве-  
ради, кутмаймиз...

Ҳамма ўтиради.

Нетайхон (Юсуфга). Юсуфжон, мотоциклни олиб  
келинг!

Юсуф чиқиб мотоциклни олиб келади.

Обиджон, арзимаса ҳам машина ўрнида кўрасан!..

Обиджон (бундай катта туҳфани кутмаган). Ие,  
Йўғе... бу қанақа бўлди... Совға деган ахир...

Нетайхон. Қўлимни қайтармагин, жон ука!.. Бит-  
та мотоцикл нима экан!..

Обиджон. Ахир битта мотоцикл фалон пул!

Сухсиров. Пул нима экан, сиз босган тўпроқни  
тиллога тортиб оламиз!

Нетайхон. Марваридга тортиб оламиз! Насиб  
қиласин!

Ҳамма ўтиради. Нетайхон Ҳожарни Обиджоннинг ёнига ўтқизади,  
ўзи унинг ёнига ўтиради.

Сухсиров. Қани, қадаҳлар тўлдирилсин!

Юсуф. Ҳозир! (Ҳамманинг рюмкасига конъяқ қуйиб  
чиқади.)

Сухсиров (ёзува тез-тез кўз ташлаб.) Қадаҳлар  
тўлами? Ўртоқлар, биз Улуг Ватан уруши натижасида

улуғ ғалабага эга бўлдик ёки эришдик. Лекин, мен шахсан, бу ғалабадан илҳомланиб... (адашади) ватанпарварлик бурчимдан илҳомланган бўлсам ҳам бу улуғ ғалабага ўз қиссамни... йўқ, ҳиссамни қўшолган эмасман! Менинг Батан уруши даврида ўқитувчиликка тиқиб қўйишиди...

Обиджон (кулиб). Тиқиб қўйишидими, ё маориф соҳасидан ковак топиб кириб кетдингизми?

Сухсуро. Тўғри, лекин ўртоқлар, шундоқ бўлса ҳам, мен улуғ баҳтга эга бўлиб турибман, қайсики (ўнкаси тўлиб) бугунги кундан менинг уйимда, арзимас да стурхонимда Улуғ Ватан урушининг улуғ қаҳрамони...

Обиджон. Сал тушинг!

Сухсуро. Хўл. (Юқоридан тушиб унга яқинроқ келади.) Урушнинг азиз қаҳрамони, азиз дўстимиз, азиз укамиз, азиз Обиджон ўтирибдилар. (Қоғозга қарамай.) Мен шу қадаҳни азиз меҳмонимиз Обиджоннинг оёғига тўкиб ичишни талаб қиласман!

Ҳамма Обиджоннинг оёғига рюмкадаги конъякдан пича-пича тўкиб, қолганини ичади. Юсуф одамларнинг кўзини шамғалат қилиб, икки рюмка отади.

Нетайхон (ташқарига). Қори ака, кабобни олиб келинг!

Қори (товуши.) Ҳозир...

Қори кабоб келтириб қўяди.

Сухсуро. Қадаҳлар тўлдирилсин! Сўз...

Юсуф. Менга!

Сухсуро. Сен шошма... (Унинг олдидағи шишага қўзи тушиб.) Дарров битта конъякнинг ярмини ичиб бўлибсан-ку?

Юсуф. Ярмини ичганим билан кайф қилганим йўқ, конъякнинг кайфи тагида бўлади! (Обиджонга.) Конъякнинг тагини ичмабсиз, оламга келмабсиз! Тагини уринг! Сўз менга!

Сухсуро. Оббо, ҳеч қўймадинг-да! Хўп, сўз идорамизнинг собиқ хизматчиси Юсуфжонга!

Юсуф. Ие!.. (Иғламсираб). Биз собиқ бўлиб қолдикми? Хўп, гапирмадик! (Рюмкасидаги конъякни битта отиб ўтиради.)

Сухсуро. Хўп, гапира қол!

Юсуф. Бизники бўлди! (Курсисини столдан четроқ-қа тортади, дам-бадам қуйиб ичаверади, охири учуб қолади.)

Сухсуро (Юсуфга эътибор қилмай). Ҳожархон, ўзинг бир нима дегин...

Ҳожар қўрқиб кетади.

Сўз ҳовлимизнинг гули, азиз фарзандимиз Ҳожархонга!

Ҳожар гаранг бўлиб қолади.

Нетайхон (Ҳожарга). Тур ўрнингдан. (Рюмкани қўлига беради.) Ушла! (Баралла.) Ҳа, Ҳожархондан ҳам эшитайлик! (Ҳожарга.) Гапир, «Хуш келибсиз» дегин!

Ҳожар (Нетайхонга). Хуш келибсиз...

Нетайхон. Менга эмас, Обиджонга!

Обиджон (Ҳожарнинг аҳволини фаҳмлаб). Раҳмат, раҳмат! (Рюмкасини ўриширади.)

Сухсуро (Нетайхонга), Идорага яна бир телефон қил! Қирилиб кетдими!..

Нетайхон чиқади,

Қани, қадаҳлар тўлдирилсин!

Нетайхон (киради). Идорада ҳеч ким йўқ!

Сухсуро. Энди келса биронтасини ҳам киргизмаймиз! (Обиджонга.) Сизни кўргани бутун идора совфа-саломи билан келаётган экан, ҳаммасини машинага босиб пахтага олиб кетишипти.

Обиджон (ҳайрон). Сизларда пахта очилдими? Бизда ҳали гуллагани ҳам йўқ!..

Сухсуро. Районимиз илғор район! (Конъяк қўймоқчи.) Рюмкангизни беринг!

Обиджон. Бас, Нусрат ака, жуда хурсанд бўлиб ўтирибман.

Сухсуро. Яна битта...

Ҳожар қулиб юборади,

Нетайхон. Ҳа?..

Сухсуро. Нима гап?

Ҳожар. Обиджон акам кўзимга иккита бўлиб кўриняптилар!..

Нетайхон. Боғчага чиқиб айланиб келишсин. Ҳожархон, гиргиттон, эккан дараҳтларингизни Обиджон акангизга кўрсатинг. Гул теринглар...

**Обиджон (Хожарга).** Боғбонман денг... Қани...

Иккови боғчага чиқиб кетади.

**Сухсиров (Нетайхонга).** Нега чиқарвординг?  
**Нетайхон (эрини нодонга чиқариб).** Бу ерда ни-  
ма қиласди? Хилватда тезроқ чўқийди.

Нетайхон билан Сухсиров эшикнинг тирқишидан уларни кузатади.  
Қори аразлаб чиқиб кетади.

**Нетайхон.** Қалай, чўқийдиган афти борми?  
**Сухсиров.** Нега чўқимайди! Кўр бўлиптими чў-  
қимай! Ўлиптими чўқимай! Қоч, сен қарама, тарбиянг  
бузилади!

Юсуф уйгонади, учта рюмкадаги қонъякни стаканга қўйиб битта  
қўтаради-да, пешанасиға қарс этиб уради.

**Юсуф.** Ҳаҳ! Ёруғ дунёда юриб-юриб этиб келган  
жойим шу бўлдими? Энди «собиқ» бўлиб қолдимми?..  
Топганим шунинг чўталидан ортмайди, ҳар баҳонани  
билан шилади, жиндаккина жонимга ўттиз икки тишени  
баравар ботиради-ю, яна «собиқ» деб ўтирипти!..

**Сухсиров.** Ҳой, аҳмоқ, эшак! Пиянисталигининг  
учун ишдан бўшатган бўлсан қайтиб оламан дедим-ку,  
тагин нима дейсан!

**Юсуф (қўрқиб).** Мен ҳам шунаقا деяпман-ку!

**Сухсиров (бармоғи билан имлайди).** Бери кел!

**Юсуф (яқин боргани қўрқади). Дўқ оҳангиди.** Мен-  
ни урманг! Қани, уриб кўринг-чи, барибир... қўлингиз  
օғрийди!

**Сухсиров.** Бери кел... (*Конъяк қўйиб чақиради.*)  
Беҳа беҳ!.. Мен Обиджон акангни курортга юбормоқчи-  
ман. Бу одамнинг саломатлиги мендан ҳам кўра сенга  
керак! Сен йўл харжи топиб келгин, қолганини ўзим бе-  
раман. Бор!

**Юсуф (калтак емаганига севиниб чиқар экан,**  
**столдаги конъяклардан иккитасини олиб чўнтағига тиқа-**  
**ди. Ўзича).** Ҳаммаси ўзимнинг пулимга келган! (*Чиқа-*  
*ди.)*

**Нетайхон (бирдан).** Қелишаётитти!

**Сухсиров иккови уйга кириб кетади, Ҳожар билан**  
**Обиджон киради.**

**Обиджон (сўзида давом этиб).** Мен Нусрат ака-  
га қариндошмисиз дебман.

**Ҳожар.** Йўқ, мени етимхонадан олишган...

**Обиджон.** Болалар уйидан денг!

**Ҳожар.** Нетайхон опам шунаقا дейдилар.

**Обиджон.** Болалигингизда олиб келишган экан-  
да?

**Ҳожар.** Йилма-йилига ўн уч йил бўлади.

**Обиджон.** Ўн уч йил? Ўн уч йилдан бери шу ер-  
дамисиз?

**Ҳожар.** Йўқ, бир марта пахтага чиққанман. (*Қўм-  
саб.*) Қизлар кўп эди... Ашула айтган эдик... Мен зовур-  
га йиқилиб тушган эдим.

**Нетайхон (деразадан, тоқати тоқ бўлиб).** Мунча  
иширсийди!..

**Сухсиров.** Уканг ношудроқ чиқди.

**Обиджон.** Маълумотингиз борми?

**Ҳожар.** Маълумотим... ўртacha! Ўртачароқ!.. Етим-  
хонада, йўқ, болалар уйида учинчи синфи битирганман.  
Ундан кейин бир марта Қори поччам ҳафтияк ўқитди-  
лар: «раббикумо туказзубон...» Боши эсимдан чиқиб  
қолди. (*Жуда жиддий.*) Шуни қирқ минг марта ўқиб  
арқонга дам солса арқон илон бўлади!

**Обиджон.** Шунақами?.. Илон ўзи кўп-ку, илон  
қиласидиган илмни нима қиласиз? Дунёда ҳар илмлар  
борки... Бошқа илмга ўқийсизми?

**Ҳожар.** Мен ўқишига ярамайман, ақлим паст.

**Обиджон.** Ақлингиз пастлигини ўзингиз биласиз-  
ми?

**Ҳожар.** Йўқ, Нетайхон опам шунаقا дейдилар.  
Нусрат акам ҳам шунаقا дейдилар.

Обиджон Ҳожарнинг қўлни ушлайди.

**Нетайхон (энтиқиб).** Ҳозир чўқийди!

**Сухсиров.** Торт!

**Обиджон.** Нетайхон опангиз ўзлари соғмилар?

**Ҳожар.** Жудаям соғ әмаслар, бошлари тез-тез оғ-  
риб туради. Қори поччам дам солсалар, дарров тузалиб  
қоладилар.

**Обиджон.** Буларнинг гапига қулоқ солманг, Ҳо-  
жархон! Сиз жуда яхши, ақлли, чиройли қизсиз! Бу  
даргоҳда димиқиб қолибсиз, холос. Мен сизни яхши  
мактабга жойлаб қўяман. Мен билан кетасизми?

**Ҳожар.** Сиз бутунлай келганингиз йўқми?

**Обиджон.** Йўқ, отпуска қилиб юрибман. Шаҳарни  
беш-олти кун томоша қилиб, қайтиб кетмоқчиман.

**Хожар** (*ерга қараб*). Менга бошқа нарса дейишган эди.

Обиджон. Биламан... Сизни менга беришмоқчи!  
Хожар Хмм...

Обиджон. Ўзингиз нима дейсиз?

**Хожар** (*ерга қараб*). Илгари йўқ демоқчи эдим...

Обиджон. Энди-чи? Энди «ҳа» дейсизми? Мен билан Мирзачўлга кетасиз-а?

**Хожар**. Йўқ! Кетмаймиз! Нетайхон опам мана шу ҳовлини сизларга хатлаб берамиз деганлар.

Обиджон. Буни менга ҳам айтишган эди... (*Иккала қўлини ушлайди*.)

Нетайхон. Вой, чўқияпти!

**Сухсиров**. Торт! Марра бизники!

### Парда

#### ИККИНЧИ ПАРДА

#### УЧИНЧИ КУРИНИШ

Сухсировнинг ҳовлисида меҳмонхона. Оқшом. **Сухсиров**, **Нетайхон**, **Хожар**.

Нетайхон. Обид ҳали ҳам Мирзачўлга олиб кетаман деяптими?

Хожар индамайди.

**Сухсиров**. Олиб кетаман деса кетаверасанми?

Хожар индамайди.

Нетайхон. Ҳой, калла!. Эр дегани хотин қайриб олиши керак! Ҳозир қайриб олмасанг, кейин ҳолингга маймунлар йиғлайди! Мана, менинг аҳволимни кўриб турибсан-ку!

**Сухсиров**. Бундан ташқари бу ерда хотин қилиб қўйворса ўз участканг, ўтираверасан; Мирзачўлга обориб қўйворса нима қиласан, чўл-биёбонда қайси тошга бошингни уриб йиғлайсан? Айт, шундай участкани ташлаб қаёқча борамиз, хотин қиласиган бўлсангиз шу ерда хотин қилинг, дегин!

**Хожар** (*хўрсиниб*). Мени эрга беринглар, дедимми?

Нетайхон. Гап қайтарма! Тилинг чиқмай ўл!

Кўчадан **Обиджон** киради,

**Сухсиров**. Ие, ие, қаёқда қолдингиз?.. Қани, бу ёққа... Ҳожархон, жон қизим, овқатингни олиб кел!

Обиджон. Йўқ, йўқ, овора бўлманг, Ҳожархон, қорним тўқ...

**Сухсиров**. Шунақами.. Иш тўғрисида гаплашдим. Эрталаб соат тўққизда борсангиз.. иш нақд!

**Обиджон** (*кулиб*). Ахир Мирзачўлда ишим яхши!

Нетайхон. Жон ука, шунақа демагин!.. Хотин бўлса, участка бўлса, иш мана, бўлаётитпи, яна нима керак?

**Сухсиров**. Бундан ташқари, қариган чоғимизда биз ҳам ёлғиз қолмайлик деймиз-да, Обиджон!. Эртага эрталаб тикка борасиз, қабулхонасида тўхтамайсиз, секретарига ҳам қарамайсиз; тўғри ўтиб, кабинетнинг эшигини ҳасса билан очасиз! Ҳассани столига суюб қўйиб...

**Обиджон** (*кулади*). Борди-ю, «Сен урушдан ҳасанни шу ниятда кўтариб келувдингми, урушга шу ниятда борганимдинг?» деб қолса нима бўлади?

Нетайхон. Унақа демайди!

**Сухсиров**. Ҳаққи йўқ! Урушга, албатта, Ватан учун, коммунизм учун боргансиз (*таъкидлаб*) бу томонини маҳкам ушлайсиз! Бу ишга ҳам Ватан деб, коммунизм деб кираётисиз!

Нетайхон. Социализм учун кирасан! Ҳаммаларинг ҳам шу-да!

**Сухсиров**. Албатта! Бўлмаса мени бунақа ишга боғлаб қўйса нўхтамни узиб қочаман! Мен сизга айтсам, ука, дунё шунақа ўзи, ҳалол одам қиттак шайтон бўлмаса кун кўролмайди...

Нетайхон. Шайтондан етти кун олдин туғилгац бўлса яна яхши!

**Обиджон** (*Хожарга*). Қинога бормаймизми?

Нетайхон. Боринглар! Боринг, гиргиттон, ясаниб чиқинг! Юринг, сочингизни ўриб қўйай.

**Обиджон**. Шошмасдан кийиниб чиқаверинг, мен билет олиб келаман.

Нетайхон билан **Хожар** чиқади.

**Сухсиров** (*Обиджонга кўз қисиб*). Дадил бўлинг! Тўшга тортаверинг!

Обиджон чиқади.

Шобарот киради.

**Шобарот.** Салом!

**Сухсуро.** Нима қилиб юрибсан?

**Шобарот.** Кечирасиз, Нусрат ака, аччиқ устида мен сизни хафа қилиб қўйдим. (*Гашқарига эшилтириб.*)  
**Обиджон** акамнинг ҳақларини олиб келдим.

**Сухсуро.** Ҳа, баракалла.

**Шобарот** (*баланд товуш билан*). Мана, юз эллик сўлковой!

**Сухсуро.** Олиб келганинг юз эллигу, мунча шовқин коласан!

**Шобарот** (*ҳамон баланд товуш билан*). Бу камлик қилса яна хизматдаман!

**Сухсуро.** Қўрпанинг қатига қўй!

**Шобарот.** Қўрпанинг қатига қўйсам қўя қолай...

**Сухсуро.** Энди бу ёғидан хотиржам бўлавер, судни тезлатсак у ёғи ҳеч гап эмас.

**Шобарот.** Куллуқ!

**Сухсуро.** Бор, боравер, чаласини кейин гаплашамиз, этим учиб турипти. (*Уни чиқариб эшикни қулфлайди, қўрпанинг қатидаги пулни оташкурак билан олади.*)

Эшик тақиллайди.

«Этим учиб турипти» дедим-ку, кетавермайсанми! (*Пулни печкага ташлайди.*)

Эшик қаттиқроқ тақиллайди.

**Жинни бўлдингми!** (*Бориб эшикни очади.*)

**Капитан, Обиджон,** гувоҳлар киришади. Шобарот осто-  
нада туради.

**Наврӯзов.** Салом!

**Сухсуро.** Салом! Хизмат?..

**Наврӯзов** (*Обиджонни кўрсатиб*). Бу киши  
ким?

**Сухсуро.** Қайним...

**Обиджон.** Қайнисиман дедим-ку!

**Наврӯзов** (*гувоҳнома кўрсатади*). Милиция капитани Наврӯзов. Булар гувоҳлар.

**Сухсуро** (*Обиджонга*). Нима гуноҳ қилдингиз?

**Обиджон** (*ҳайрон*). Билмадим...

**Наврӯзов.** Биз сизни йўқлаб келдик.

**Сухсуро.** Раҳмат...

**Наврӯзов.** Ҳозир сиз мансабингиздан фойдаланиб Шобарот Шораҳимовдан юз эллик сўм пора олдингиз.

**Обиджон** (*ҳайрон*). Пора?

**Сухсуро.** Қанақа пора?

**Обиджон.** Мен бу ердан ҳозир чиқдим-ку!

**Сухсуро** (*Шобаротга*). Ҳой, менга қара, отинг нима эди?.. Сен менга пора бергани келганмидинг? Нега бермадинг бўлмаса?

**Шобарот.** Бердим-ку!

**Обиджон.** Ажаб!..

**Сухсуро.** Ҳозир қўрқмасдан пора берган бўлсанг, илгари ҳам бериб юрган экансан-да?

**Шобарот.** Бўлмаса-чи!

**Сухсуро.** Шу лафзингдан қайтмайсанми?

**Шобарот.** Нега қайтар эканман!..

**Сухсуро** (*ҳаммага*). Эшилдиларингми? (*Шобаротга*) Шундоқ экан, илгари нега арз қилмаган эдинг?

Шобарот нима дейишини билмайди.

**Наврӯзов.** Нега жавоб бермайсанми?

**Обиджон.** Бирон англашилмовчилик бўлдимикин?

**Сухсуро.** Англашилмовчилик эмас! Бунинг тагида душман сиёсати бор; бу аblaҳ давлат ишидаги одамнинг обрўйини туширмоқчи! Ушланг!

**Наврӯзов.** Сухсурога илгари ҳам пора бергани мисиз?

**Шобарот** (*тутилиб*). Йўқ ҳисоби... Ҳозир бердим. Юз эллик сўм бердим. Бу киши «қайнимни курортга юбораман, пул бер» деган эдилар.

**Обиджон.** Мен курортга борар эмишманми?

**Наврӯзов.** Бу гапдан хабарингиз йўқми?

**Обиджон.** Ҳозир эшилтиб турибман!

**Сухсуро.** Эшилдингизми? Бу аblaҳ бир менга, давлат ишидаги одамга эмас, Улуғ Ватан уруши қаҳрамонига ҳам тұхмат қўлмоқчи! Обиджон пулга муҳтож бўлса давлат беради!

**Наврӯзов** (*қоғоз узатиб*). Тинтиш ҳақида қарор. Үқиб, қўл қўйинг!

**Сухсуро.** Марҳамат! (*Қўл қўяди*.) Давлат ишидаги одамнинг гапи бир пулу бир муттаҳамнинг гапи минг тилло бўлса — марҳамат!

Пиджагини, ботинкасини ечиб ташлайди, шимини ҳам етмоқча бўлади.

Наврӯзов (тўхтатади). Ҳожати йўқ.

Сухсуро (шимини кўтариб, чўнтагини ағдари-ди). Марҳамат!

Шобарот (кўрпанинг қатини кўрсатиб). Пул мана бу ёқда!

Сухсуро. Хўп, марҳамат! (Келиб кўрпаларни олиб Шобаротнинг устига ташлайверади). Мана! Мана!

Наврӯзов. Секироқ, секироқ! Ўзингизни урин-тирганг!..

Нетайхон, унинг кетидан ясанган Ҳожар киради.

Нетайхон. Нима гап ўзи? (Аҳволни кўриб ва-ҳимага тушади, капитанни четга суреб сандиқни қучоқ-лайди.) Войдод! Дод устига дод!

Обиджон. Шовқин солманг, сандигингиз билан ҳеч кимнинг иши йўқ!

Нетайхон (бир оз тинчид). Нима билан иши бор бўлмаса? (Яна ваҳимада.) Участка тўғрисидами? (Обиджонга шовқин солиб.) Айтмадимми, участкангни номингга ўтказиб ол, деб! Ҳу, участканг бошингдан қол-син!

Наврӯзов. Сиз ким бўласиз?

Нетайхон. Мана шу инвалиднинг опасиман! Сух-суро!..

Наврӯзов. Бу уйни ҳам бир қараб чиқишига ижозат берасиз.

Нетайхон (унинг олдини тўсиб). Нима қиласиз қараб, қайси бирини қарайсиз, бу ёқда тўққизта уй бор!

Сухсуро. Майли, бошлаб кир. Қарашсин! Армон қолмасин!

Нетайхон. Обид, бу ёққа кел! Сандиқнинг усти-га чиқ! Ўтири!

Нетайхон, Наврӯзов, гувоҳлар нариги уйга киришади.

Сухсуро (Шобаротга). Аблаҳ!

Обиджон. Шобаротингиз нима учун сизга туҳмат қилди экан?

Сухсуро. Нима учун бўлар эди, аҳмоқлиги учун! Акасининг қамалганини мендан кўради. Акасини ҳуку-

мат жинояти учун қамаганини билмайди! Гапирсам ту-шунмайди! Идорадаги ғаламисларга узун косов бўлиб юрипти.

Обиджон. Идорангизда сизни хушламайдиган одам кўпми?

Сухсуро. Давлат иши бўлгандан кейин ҳаммани бирдай рози қилиб бўлар эканми! Ўзимни хушлаган ишимни хушламайди, ишимни хушлаган ўзимни хушла-майди...

Обиджон. Қизиқ... Бермаган пулинни бердим деб ўтирас...

Сухсуро. Берган бўлса шу уйда бўлармиди ахир?

Нетайхоннинг овози. Войдод!.. Бу Ҳожархон-нинг пули! Ҳожар! Ҳожар!

Обиджон (чиқади, товуши). Опа, бақирман!

Сухсуро. Аҳмоқ, мени билмас экансан! Мен му-шукман — орқамни пайғамбар силаган — осмондан таш-лаб юборсанг ҳам оёғим билан тушаман! Айт, «хато қилдим» дегин, унда мен протоколга қўл қўймайман — омон қоласан!

Нетайхон (товуши). Бунга тегманглар! Бу Ҳожархоннинг пули! Ҳожар! Ҳожар!

Қути кўтарган Наврӯзов, унга тармашган Нетайхон, гу-воҳлар, Ҳожар чиқиб келишади,

Нетайхон. Бу Ҳожархоннинг пули! (Ҳожарга.) Пулингни олсанг-чи!

Наврӯзов. Ҳозир кўрамиз... (Қутидаги пуллар-нинг номерини ёзиғлик номерларга солиштиради.) Но-мерлари тўғри келмайди, демак, бу пул (Ҳожарга) сиз-ники!

Ҳожар ҳайрон бўлиб қутини олади, Нетайхон қутини унинг қўли-дан дарров олади ва иккови нариги уйга кириб кетади.

Сухсуро. Ҳўш, порага берилган пул топилдими?

Наврӯзов. Ҳозирча топилгани йўқ. Печканин-ичини қарамадик шекилли...

Сухсуро. Марҳамат! Томга чиқиб мўрини ҳам қараган, армон қолмасин!

Наврӯзов (печканинг ичини қарайди). Йўқ!

Сухсуро. Ҳўш, энди бу ёғи нима бўлади? Акт-пакт деган гаплар бўлар эди... Эзиладими?

**Наврӯзов.** Акт эмас, протокол ёзилади, (*Ўтириб протокол ёзади*.)

**Сухсуро.** Туҳматчи жазосини тортиши керак! Давлат ишидаги одамга туҳмат қиласиганларга ҳам қонун бор!

**Наврӯзов** (*Сухсуроға актни бериб*). Қўл қўйинг.

Сухсуро қаламни олиб Шобаротга қарайди.

**Шобарот** (*ўйлаб олгандан кейин Наврӯзовга*.) Хато қилиб қўйдим шекилли, кечирасиз...

**Наврӯзов.** Бу кишига пора берганингиз йўқми?

**Шобарот.** Йўқ ҳисоби...

**Наврӯзов** (*унга қараб қолгандан кейин*). Шуна қами... (*Обиджон билан Сухсуроға повестка ёзив беради*.) Эртага соат ўнга идорага борасиз, менга учрайсиз! (*Шобаротга*.) Қани, кетдик бўлмаса!

**Шобарот.** Ахир мен...

**Сухсуро.** Боравер, ўзим қутқазиб оламан!

**Наврӯзов.** Ташвишга қўйганимиз учун кечира-сиз!

**Сухсуро.** Бемалол, bemalol! Келиб туринг...

**Наврӯзов.** Албатта келаман!

Наврӯзов билан Шобарот, улардан кейин гувоҳлар чиқиб кетишади. Сухсуро печкани қулоқлаб қаҳ-қаҳ уради.

**Нетайхон** (*киради*). Вой бошим... кетдими?

**Сухсуро** (*томоғини кўрсатиб*). Кетди!. Ха-ха!

**Обиджон** (*ўчсан*). Ажаб!. Ажаб!..

### ТУРТИНЧИ КУРИНИШ

Сухсуронинг ҳовлиси. Сухсуро, Нетайхон, Обиджон.

**Нетайхон.** Худоё қуруқ туҳматдан сақлагин! Худоё туҳматчиларнинг жазосини бергин! Шобаротнинг бўйни узилсин!

**Сухсуро.** Айб Шобаротда эмас, бу аҳмоқ идо-радаги ғаламисларга узун косов бўлиб юрипти!

**Обиджон.** Идорангиздаги ғаламислар сиз билан нимани талашади?

**Сухсуро.** Ие, фўр экансиз-ку! Нимани талашар эди, ўрин талашади! Амал талашади!

**Обиджон.** Ҳаммаси амал талашса бир-бирининг гўштини ер эди. Амалпарамастлик амалпарамастларни бир-

лаштиромайди, аксинча... Ростини айтсам, хафа бўлмайсизми?

**Сухсуро.** Марҳамат, мен рост гапнинг гадосиман!

**Обиджон** (*кулимсираб*). Неча пул ойлик оласиз?

**Сухсуро.** Нима эди?.. Бир юзу ўн сўм....

**Обиджон** (*кулиб*). Бошқа бирор юзу ўн сўм ойлик олиб мана бунақа, камида эллик минг сўмлик иморат солса, сиз нима дер эдингиз?

**Нетайхон** (*шошиб*). Вой, заёмдан ютганимиз!

**Сухсуро.** Мен индамас эдим, қўлимдан келса битта қўйни етаклаб қуллук бўлсинга борар эдим!

**Нетайхон.** Қандоқ қиласиз, омад экан-да, омад келса ютуқ кетингдан қувлаб юаркан. «Победа»миз ҳам янги эди, яқинда лотереядан «Волга» ютиб олдик.

**Обиджон.** «Волга»ларинг ҳам борми, мен кўрмабман...

**Сухсуро.** Тутилган... эски... яхши юрмайди...

**Нетайхон.** Вой, нега унақа дейсиз... Шу гала-мисларнинг дастидан ҳовлига гараж сололмаймиз, машина нариги участкамизда туради.

**Сухсуро.** Бўлмаган гапни гапирма!.. Машина эски бўлгани учун холамнинг участкасига ташлаб қўйганимиз! (*Нетайхонни туртади*.)

**Нетайхон** (*нимадейишини билмай*). Заёмдан ютганимиз...

**Обиджон.** Ютуқ яхши нарса. Ютуққа чиқсан пул баракали бўлади, дейишиади. Тўғри бўлса керак, бирорларнинг ютуғини ортиғига сотиб оладиган одамлар бор эмиш...

**Сухсуро** (*заҳарханда қилиб*). Гапни қайириб келишингиздан «унча-мунча пора оласан» демоқчисиз шекилли...

**Нетайхон.** Вой, ўлиптими!

**Обиджон.** Ие, Нусрат ака сиз пора нима, пораҳўр (*писандада қилиб*) қандоқ маҳлуқ эканини билмайсиз-да, билганингизда бу гапни оғзингизга олмас эдингиз!

**Сухсуро.** Тўғри...

**Обиджон** (*унинг кўзига қараб*). Ҳеч бир жиноятни пораҳўрликка тенг кўриб бўлмайди. Ўғри кечаси йўлингизни тўсиб чўнтагингизга қўл солади, пулингизни олади, олади-ю, қочади-кетади. Пораҳўр куппа-кундуз куни, яна ҳукумат идорасида ўтириб чўнтагингизга қўл солади, пулингизни олади-ю қочиб кетмайди, жиноятига сизни шерик қилади.

**Сұхсуроғ (унинг қарашига тоб беролмай).** Дунёда шунақа виждонсиз одамлар ҳам бор денг...

**Обиджон.** Йўқ, дунёда виждонсиз одам йўқ!

**Сұхсуроғ.** Тўғри, бўлмаса керак!

**Обиджон.** Ҳамма гап шундаки, бирор виждонининг галига киради, бирор кирмайди; бирор виждонининг кўзини кўр, қулоғини кар қилишга муҳтоҷ бўлади. Нима дедингиз?

Телефон жиринглайди.

**Сұхсуроғ.** Ҳожар, телефонга қара!

**Ҳожар (уйдан).** Ҳа. Ҳозир!.. Нусрат ака, сизни...

**Сұхсуроғ.** Бу ёққа олиб кел! Идорадандир-да!  
Ҳеч тинчлик йўқ!

**Ҳожар** аппаратни олиб келади.

(Трубкага.) Ҳозир! Нима? Қачон? Қаердан? Йиғлама, ҳозир бораман! (Трубкани қўяди.) Юсуфнинг хотини. Юсуфи милиция олиб кетганмиш. Ҳаммомдан олиб кетганмиш...

**Нетайхон.** Ҳаммомдан? Гуноҳи шунақа зўр эканими?

**Сұхсуроғ.** Ҳайронман... Мен бориб хотинини юлатиб келай, сизлар гаплашиб ўтиринглар. (Нетайхонга.) Бунинг жуда овсар-ку! Кўпигини бос! (Чиқади.)

**Нетайхон.** Нусрат аканг шунчалик қилгандан кейин сен ҳам гапни қофияси билан гапирсанг бўлар эди.

**Обиджон.** Бирон ножӯя гап гапириб қўйдимми?

**Нетайхон.** Йўқ, ҳаммаси жўялик. Лекин қонун чиқиб турганда порадан гапириб ўтиришинг чакки!

**Обиджон (кесатиб).** Нега? Нусрат ака порахўр эмас-ку!

**Нетайхон.** Озроқ пора олса нима қипти! Художаннатини бекорга бермайди-ку!.. Пул ширин! Пул ўлгурнинг тиши бўлса ўзини еб қўяр эди!

**Обиджон.** Тўғри, тиши бўлмагани учун баъзи бирорларнинг ақлини ялаб, виждонини сўриб юриптида!

**Нетайхон (алам қилиб).** Заҳар! Ҳали ҳам заҳарлигинг қолмапти-да! Сени чаққан илон тил тортмай ўлади! (Жаҳл билан ўрнидан туради, уйига кириб кетади.)

**Ҳожар** киради.

**Ҳожар (унинг кетидан қараб).** Нима бўлди, Обиджон ака?

**Обиджон.** Боши оғрипти...

Ҳожар деворга томон йўналади.

Қаёққа?

**Ҳожар.** Бошлари оғриётган бўлса, Қори поччамни чақириб қўяй. (Девордан.) Қори почча! Ҳой, Қори почча!..

**Обиджон (кулиб).** Бу ёққа келинг, ўтиринг.

Девордан Қорининг боши кўринади.

Қори поччангиз қачондан бери шу ерда туради?

**Ҳожар.** Икки йилча бўлди.

**Обиджон.** Нусрат акангизга қариндош эмасми?

**Ҳожар.** Йўқ.

**Обиджон.** Бола-чақаси борми?

**Ҳожар.** Йўқ. Тарки дунё қилган эмишлар. Нетайхон опам шунақа дейдилар.

**Обиджон.** Ҳужраси қайси томонда?

**Ҳожар.** Мехмонхонанинг шундоққина орқасида.

**Обиджон.** Қори сизга тегишмайдими?

**Ҳожар (тушунмай).** Қанақа?

**Обиджон.** Сизга ҳеч нима дегани йўқми?

**Ҳожар.** Дедилар... Бу йигитга тегма, юзида фариштаси йўқ, дедилар.

Деворнинг бир қисми қулаб, Қори дўмбалоқ ошиб тушади.

Вой, Қори поччам йиқилиб тушдилар.

**Обиджон.** Қори ака, дейман, шунча девор ошиб ҳали ҳам машқини олмабсиз-да!

**Қори.** Колу бало...

Қори унинг ёрдами билан ўрнидан зўрга туради. Нетайхон югуриб киради.

**Нетайхон.** Вой ўлай! Нима бўлди?

**Обиджон.** Девордан йиқилиб тушдилар...

Қори оғини силайди.

**Нетайхон.** Вой, оғинигиз лат едими? Мехмонхонага кириб чўзилинг, шўрпахта босай. (Ҳожарга.) Бор, жойни қалин сол.

Ҳожар чиқади.

Юринг, ака... Аста! (Обиджонга.) Ҳассангни берсангчи!

Обиджон ҳассани Қорига олиб беради. Иккови чиқади.

Обиджон. Буларнинг иши яхши экан; Қорининг оёғи лат еса, опам шўрпахта босар экан, опамнинг боши оғриса, Қори дам соларкан...

Сухсуро (киради). Аҳмоқ! Эшшак!

Обиджон. Нима гап экан?

Сухсуро. Ҳадеб ичавергандан кейин нима бўлар эди! Ишдан бўшатганим бежиз эмас эди-да!. Нетайхон қани?

Обиджон. Меҳмонхонада Қори аканинг оёғига шўрпахта босаётити.

Сухсуро. Шунақами... Қори билан ака-сингил бўлиб қолган... Бечора опангиз дардчил — боши кўп оғрийди. Ҳар йил курортга юбораман, фойда қилмайди. Қорининг нафаси енгил, дам солди дегунча енгил тортади. (Меҳмонхонага киради.)

Обиджон (ўзича). Эр бўлмай ўл!. (Ичкарига.)  
Ҳожархон!

Ҳожарнинг овози. Лаббай!

Обиджон. Менинг ҳассамни олиб чиқинг.

Ҳожар ҳассасини олиб киради.

Обиджон. Мен меҳмонхонадан номер олдим, ўша ерда тураман.

Ҳожар. Вой, мен нима қиласман?

Обиджон. Сизни кейин олиб кетаман. Албатта олиб кетаман. (Кетади.)

Сухсуро билан Нетайхон меҳмонхонадан чиқади.

Нетайхон. Ҳа, нега қаққайиб турибсан?

Ҳожар. Обиджон акам кетиб қолдилар, меҳмонхонадан жой олиптилар.

Сухсуро. Шунақами?..

Нетайхон. Айтмадимми, қайнаб қони қўшилмайди деб. Бор, ишингни қил!

Ҳожар чиқиб кетади.

Қори меҳмонхонадан чиқади.

Сухсуро. Ёта турсангиз бўларди...

Қори. Шайх Дазориддини порсо куз ҳавосида, карахт бўлиб ётган чаённи «махлуқи худо» деб навозиши қилганларида, чаён у кишининг муборак қўлларига ниш урган экан. (Нетайхондан таъзим билан узр сўрагач.) Укангиз ўшал махлуқи худо тоифасидандир. (Сухсурога каромат мақомида.) Бу тарсобаччанинг муруватан узатган қўлингизга ниш урмоқ муддаоси бор!

Сухсуро. Яъни?

Қори. Яъни масжидга чиқиб, бир-икки мўмин олдила «Сухсуро асраб олган ожизаси билан ишратда бўлади» депти ва бу бўхтонга каминани ҳам олуда қилипти (айгламсираб): гўё фақирнинг ҳужраси сизнинг ишратхонангиз эмиш!..

Сухсуро. Оббо абллаҳ-э!..

Нетайхон (шубҳага тушиб). Тағин рост бўлмасин?

Сухсуро. Сенга нима бўлди?..

Нетайхон. Гапирманг! Мен сизни билмасам экан! Бузуқсиз! (Иғламсираб.) Менга қолганда туздан шўр, бегонага асалдан ширин бўласиз!

Сухсуро. Жоним, ўзингни уринтирма, бошинг оғрийди...

Қори. Худой таоло нури покидан яратган сиздай фариштани қўйиб фисқ-фужур йўлига юрмоқ куфрони неъмат бўлур эди.

Нетайхон. Гапирманг! Ҳужрасини берган қўшмачи! Ҳозир ажрим қиласман! (Ошхона томон югуриб чиқиб кетади.)

Сухсуро. Шундоқ деяптими-а?

Қори. Каломулло...

Ошхона томонда нимадир гурсиллайди, нимадир синади. Ҳожар, сочлари тўзиган ва кўйлаги йиртилган, қочиб кўчага чиқиб кетади.

Нетайхон ҳансираф киради.

Сухсуро. Бўлмаган нарсага нега унақа қиласан?

Нетайхон. Гапирманг! Гуноҳи бўлмаса қочармиди! (Иғлайди.) Мен аҳмоқ уй деб, рўзғор деб жоним ҳалак, бу киши меросхўр орттириш пайдал! Ҳали меросхўр орттириб ҳам қўйгандирсиз. (Бирдан.) Ҳозир участкаларни менинг номимга ўтказинг! Учовини ҳам ўтказинг!

Сухсуро. Хўп.

Нетайхон. Машиналарни ҳам менинг номимга ўтказинг! Пўлат сандиқнинг калитини беринг!

Қори. Бўхтон!

Нетайхон. Қоч, ҳужрасини берган қўшмачи!  
Сұхсуроғ. Қори аканғга ҳам ишонмайсанми?

Нетайхон. Қасам ичинг!  
Сұхсуроғ (жон-дили билан). Қаломулло урсин!  
Нетайхон (бир оз тинчид). Шундоқ бўлса ҳам  
Ҳожар йўқолсин! Ҳозир топиб келаман! (*Югуриб кўча-  
га чиқиб кетади.*)

Сұхсуроғ. Иўқолсин! Обид олиб кетаверсин!  
Қори. Хато! Ҳожарни узатмоқ тадбир эмас! Бу  
чаён қаёқда бўлмасин, сизга ниш урмоги муқаррап!  
Сұхсуроғ. Нима қилиш керак бўлмаса?  
Қори. Тадбир топиб қаматмоқ керак!  
Сұхсуроғ. Қандоқ қиласми?

Қори. Бу хусусда ҳам хизматларига камарбаста-  
ман, тасаддуқ!

### Парда

#### УЧИНЧИ ПАРДА БЕШИНЧИ ҚУРИНИШ

Сұхсуронинг ҳовлиси, Жимжит. Ичкаридан Нетайхон телефон  
аппаратини кўтариб чиқади.

Нетайхон (трубкага). Суюнчи нақд... Қани, қа-  
ни... (Севиниб.) Вой, ўргилиб кетай!. Милиция нима  
деди? Энди маҳкам бўлинг, Нусрат ака, Шобаротга  
раҳм қилманг!. Нима? Улфатлар, ошини қаҷон еймиз,  
дейишаётити? Ошни толзордаги самоварда қилиб бе-  
ра қолинг, бошим оғриб турипти. Мен энди ётиб дам  
олай. (Трубкани қўяди, дарвозани қулфлайди, девор  
олдига боради ва бедана бўлиб Қорини чақиради.) Ва-  
вақ! Ва-вақ!..

Қорининг овози. Питпилдиқ! Питпилдиқ!..  
(Девордан.) Тасаддуқ!..

Нетайхон. Нусрат акам телефон қилдилар, иш-  
лар беш! Улфатларига самоварда ош қилиб берармиш-  
лар.

Қори. Ҳай-ҳай, ундаи бўлса шодиёнасига биз ҳам  
андак ишрат қилайлик. (Девордан тушиб, уни уйга  
судрайди.)

Нетайхон. Йўқ, қўрқаман... Мен сиздан қўрқа-  
ман...

Иккови уйга киради. Бирпасдан кейин дарвоза тақиллади.

Обиджоннинг овози. Опа!

Нетайхоннинг овози. Вой ўлай, Обид-ку!

Нетайхон ҳовлига чиқади.

Вой дийдоринг қурсин! (*Деразага.*) Халатимни таш-  
ланг!.. Чиқинг!.. Қочинг!

Обиджоннинг овози. Ҳо, опа!

Қори деразадан банорас тўн ташлайди, Нетайхон тўнни елкасига  
ташлаб дарвозага томон боради. Қори Нетайхоннинг халатини ёпи-  
ниб ўзини деразадан ташлайди ва деворга томон чопади. Нетайхон  
ўзиринг халатини унинг елкасида кўриб кетидан чопади, деворга  
тармашаётган Қорининг елкасидан халатини тортиб олади. Қори  
аввал бунга тушумайди. Қейин ҳар ким ўз либосини кияди. Қори  
яна деворга тармашади, лекин дармони қуриб, тиззаси қалтирай-  
ди. Дарвоза тақиллади.

Нетайхон (кўча томонга). Ҳозир!.. (Корининг  
кетидан кўтариади.) Ё пийрим!.. Нусрат акамга минг  
марта айтдим-а!.. Шу ерга битта эшик қуриб қўйса  
нима қиласми экан! Эр бўлмай ўл!..

Қори (кавуши тушиб қолади. Товуши эшишила-  
ди). Оҳ!.. Воҳ!.. Вой бурним!..

Нетайхон бориб эшикин очади. Обиджон киради.

Обиджон. Энди турдингизми?

Нетайхон. Йўқ. Кечадан бери қулогим ғувиллаб  
хеч нарсани эшитмайман... Нонуштага келмадинг?

Обиджон. Милицияга чақиришган эди.

Нетайхон. Ҳа, айтгандай, Нусрат аканг телефон  
қилди. Шобарот шарманда-ю шармисор бўлипти-ку!  
Бунақа тұхматчиларни оттирвориши керак!

Обиджон. Бирорга ўлим тилагунча, ўзингизга  
паноҳ тиланг! Ҳожар қани?

Нетайхон (гаранг). Ҳожар... сени айтиб келгани  
кетүвиди.

Обиджон (ҳайрон). Нега, эрталаб ўзим келади-  
ган эдим-ку?

Нетайхон. Шундоқ бўлса ҳам... Баривир, нонга  
ҳам чиқар эди. Келиб қолар... (*Уйга киради.*)

**Обиджон** (нари-бери юриб, девор остида ётган бир жуфт кавушни кўриб қолади). Ҳмм...

**Нетайхон** (дастурхон кўтириб чиқади). Менинг кавушим... Ҳайитга кияман деб буюрган эдим, катта-роқ тикиб қўйилти. (*Туфлисини ечиб, кавушни кийиб олади.*)

**Обиджон.** Кавуш буюрганингизда бирорнинг оёғини оборманг-да!

**Нетайхон** (кавушни шалоплатганича стол олди-га боради). Ўтири, ионушта қылгни!

Обиджон ўтиради.

Сенинг билганинг билган... Ҳўп ўйлаб кўрдим; майли, Ҳожарга жазман бўлсанг — бўпти. Мирзачўлингга олиб кета қол. Иссик жойингни совутма.

**Обиджон** (*мийигида кулиб*). Кеча участкангизни инъом қилаётган эдингиз, бугун, кетавер, дейсиз...

**Нетайхон.** Оламан десанг, ола қол! Ҳозир десанг ҳозир номингга ўтказиб берамиш.

**Обиджон.** Таг-туги билан берасизларми? Нима қилсан қилавераманми?

**Нетайхон.** Нима қилсан эмиш... Албатта! Ихти-ёр ўзингда; бузиб ташлайсанми, ўт қўясанми...

**Обиджон.** Болалар боғчасига бераманми...

**Нетайхон.** Вой, нафасинг қурсин! Ҳеч бўлмаса, сотаман, дегин!. Оладиган одам бўлса пулини бўлиб-бўлиб берса ҳам майли эди.

**Обиджон.** Пулнинг баракасини учирив нима қиласиз, бирдан бергани яхши-да! Заёмдан беш марта ўн минг сўмдан ютуқ чиқсан одамга эллик минг сўлкавой нима деган гап.

**Нетайхон.** Бўлмаган гапни қўйсанг-чи!

**Обиджон.** Нега, сизларга чиқсан ютуқ бошқаларга чиқса бўлмаган гапми?

**Нетайхон** (*ўпкала*). Заёмдан ютганимизга ҳеч ишонмайсан-а?

**Обиджон.** Бошқаларнинг ютишига ўзингиз ишон-майсан-ку!

**Нетайхон.** Ютуқ одамнинг толеига қарайди.

**Обиджон** (*жиддий*). Шунақами?.. Ҳа, айтгандай, пул ширин деган эдингиз, пул ширин бўлса нега иш-ламайсиз? Ё ишлаб топилган пул тахирроқ бўладими?

**Нетайхон.** Нима иш қиламан?.. Ҳеч ишлаган эмасман.

**Обиджон.** Ҳм.. болалигингида ҳам арзанда эдингиз... Эрга тегиб ҳам шунча йилдан бери балиқсиз кўл, кийиксиз чўлман денг? Бола ҳам кўрмабсиз?..

**Нетайхон.** Нима қиласан болани! Ҳар бир бола хотин кишининг бетига ўнтадан ажин туширади! Жон ўзимнинг жоним! (*Бирдан.*) Нима деб жигимга тегишингни билмайсан-а? Үгай шу экан-да!..

**Обиджон.** Үгай деган сўз аллақачонлар ўлиб кетган, уруш йиллари, ундан кейин ҳам ҳеч қаерда эшигтан эмасман; бу сўз ўлганини билар эдиму қаерга кўмилганини билмас эдим. Энди билсам сизнинг кўкингизга кўмилган экан!

**Нетайхон.** Нима қипти менинг кўксимга?..

**Обиджон.** Үгай деяпсиз-ку! Ким кимга ўгайлик қиляпти? Мен қўлимга ойна олиб юзингизга тутдим, башарангизни кўринг, бурнингизни артиб олинг деяпман. Сиз-чи участка бериб, мени ириб-чириб кетган ҳаётингизга қопқоқ қилмоқчисиз-ку! Шуми ўгайлик қилмаганингиз?

**Нетайхон** (*шовқин солиб*). Менга нима қипти?! Ўзинг ириб кет! Ўзинг чириб кет!..

**Обиджон.** Мен сиздан бир нарсани сўрамоқчи эдим: отингиз Озодаҳон эди, нима бўлиб Нетайхонга айланниб қолдингиз? Бу отни сизга ким қўйди?

**Нетайхон** (*жеркиб-жеркиб*). Ҳамма қўйган! Маҳалла қўйган! Шу маҳаллага кўчиб келганимиздан бери ҳамма Нетайхон дейди.

**Обиджон.** Шунақами?

**Нетайхон.** Нетайхон деган машҳур хотин ўтган экан.

**Обиджон.** Нетайхон нимаси билан машҳур бўлган экан?

**Нетайхон** (*жаҳл билан*). Билмайман!

**Обиджон.** Ҳеч қаерда ишламай, дугоналарингиздан айрилиб толган мартабангиз шу бўлдими? Билмасангиз билиб олинг: Нетайхон бурун замонда исловотда ириб-чириб, юрга қўлланса ҳид таратган бир фоҳиша ўтган!

**Нетайхон.** Вой!.. (*Бақириб.*) Шунақа гапларни айтгани уялмайсанми!.. (*Инглайди.*)

**Обиджон.** Йиғламанг, кавуш оёғингизни сиқа-ётган бўлса ечиб қўйинг!

**Нетайхон.** Йиғнинг бўлмасин! (*Бирдан.*) Йўқол! Дийдоринг қурсин... (*Кавушни ечиб, туфлисини кийиб олади.*)

Обиджон. Хўп!.. Ҳожар келсин, кетаман.

Нетайхон. Қўчага чиқиб кут!

Обиджон. Айта қолинг, қаёққа кетди?

Нетайхон (*ғазаб билан*). Чакана қилгани кетди!

Обиджон (*ўзини аранг босиб*). Ие, ўзингиз ул-туржи қилиб, унга чаканани ўргатибсиз-да!

Нетайхон бир ўқраяди-ю, гапиргани сўз тополмай, уйга кириб кетади. Уйда нимадир тарақлайди, нимадир синади... Кўча эшигидан Қори киради. Унинг оёғига ўзига катта калиш, бурни эзилган.

Қори. Ассалому алайкум ва раҳматулло...

Обиджон (*дўйнғиллаб*). Салом...

Қори. Ҳеч ким йўқми?

Обиджон (*бир пой кавушни қўлига тутқизиб*). Кавуши бору ўзи кўринмайди!

Қори (*гўё тушиунмай*). Бачи мъяни? (*Кавушни сенкин мачит томонга улоқтиради*.)

Обиджон. Ҳамиша шикаст еб юрасиз-а, Қори ака, бурунга нима қилди?

Қори. Эшик қисиб олди, тасаддуқ...

Обиджон. Ҳар кимнинг эшигига суқаверманг-да!

Қори. Камина бир масала хусусида ҳузурингизга бормоқчи эдилар.

Обиджон. Нима масала экан?

Қори. Ўзимиз аҳбоби дин, арбоби шариат бўлсак ҳам алҳамдулилло, ҳукуматимиз хизматига камарбастамиз, тасаддуқ!

Обиджон. Хўш?

Қори. Шукурким ҳукуматимиз даврида адлу адолат барқарор бўлди. Лекин, афсус ва надоматлар бўлсинким, ришват, яъни пора отлиқ бало адолат қалъасига раҳна солмоқда. Жанобларининг адлу адолатда Ҳорун ар-Рашид әканликларига кўнглим шаҳодат бериб шу хусусда шаммаи изҳор қилмоқни ихтиёр қилдим.

Обиджон. Қироат қилмасдан гапиринг, пора, пораҳўр тўғрисида гапирмоқчимисиз?

Қори. Тасаддуқ!

Обиджон. Биронта пөраҳўрни биласизми?

Қори. Ҳай-ҳай.. Жаноблари Нусратуллонинг хешлари әканликлари фақирга маълум ва лекин бошимга ҳазрати Алининг муборат зулфиқорлари келганда ҳам ҳаққу ҳақиқатдан юз ўғирмоқ одатим йўқ.

Обиджон. Хўш-хўш?

Қори. Нусратулло фосиқ әканлиги устига порани қилдек сугуриб, иликдек ютмоғи маҳфий эмас.

Обиджон. Далилингиз борми?

Қори. Қасамдин ўзга далилим йўқ, тасаддуқ!..

Обиджон (*анчадан кейин*). Нусрат акамнинг пора олишига ишонмайман!

Қори. Ба ҳурмати каломулло!

Обиджон. Хўп, бу гапни нима учун менга айтотипсиз?

Қори. Худо кўнглимга солди.

Обиджон. Худо нима учун идорасига бориб айтишни кўнглингизга солмади?

Қори. Маҳкамага кирмоғимиз ҳукуматимизга ёхущ келади, ёхущ келмайди...

Обиджон. Сухсурор ҳаром одам әканлигини билар экансиз, нима учун ҳеч бўлмаса алоқангизни узмайсиз?

Қори. Биз каби аҳбоби диндан лозимки, мўминларни пайғамбаримизнинг шафоати ва худойи таолонинг инояти йўлига бошласак..

Обиджон (*жўрттага, қатъий*). Нусрат ака пора олмайди!

Қори. Тадбири топилса бир миқдор пора бериб кўрмоқ мумкин.

Обиджон. Нима деб пора бераман?

Қори (*эслаб*). Дарвоқе... Нусратулло, маълумингиз, Юсуфни анвои бўхтонлар билан қаматган эди. Юсуфнинг хотини фарёд чекиб келса Нусратулло ақча тамаида бўлипти; хотин юз сўм ақча берса, «кифоя эмас» деб олмалти. Муштипар йиғлаб менинг олдимга келди: «шу ақчани сиз беринг, шояд бу гўрсўхта сизнинг қўлингиздан озни кўп ўрнида кўриб олса» деди, ҳарчанд рад қылсан ҳам ақчани ташлаб кетди. Шу ишни лутфан сиз қилсангиз, аввало бир муштипарниң ҳожати чиқар эди; сониян, Нусратуллонинг хулқидан огоҳ бўлар эдингиз; боқи, бу бетавфиққа панду насиҳат мақомида бир неча сўз айтар эдингиз, чароки ҳар нечук жигартгўшангиз Нетайхоннинг жуфти ҳалоли!

Обиджон. Нусрат ака менинг қўлимдан пора олармикан?

Қори (*ёнидан пул чиқариб*). Пора берган кимсаннинг юзига қарамайди, тасаддуқ.

Обиджон (*пулни олади*). Хўп, Қори ака, бериб кўраман.

**Қори.** Сиз порахўрлик касратидан, камина зино  
касратидан оғоҳ қилсак ажаб эмаски Нусратулло ин-  
софга келса...

Зино илки кўзингни хийра айлар,  
Зино илки хирадни тийра айлар...

**Обиджон (ҳайрон).** Зино нимаси тагин?

**Қори.** Ҳожархон хусусида...

**Обиджон.** Ҳожарга нима қипти?

**Қори.** Хабарингиз йўқми? Нетайхонингиз ҳайдаб  
юборди-ку!

**Обиджон.** Нега? Нима гуноҳ қилипти?

**Қори.** Нусратулло Ҳожархон билан ишратда бў-  
либ юрган экан...

**Обиджон (ирғиб ўрнидан туради).** Ёлғон!

**Қори.** Илоҳо ёлғон бўлсин, тасаддуқ!. Лекин кеча  
Нетайхон ҳайдаб юборганлиги муҳаққақ...

**Обиджон.** Кечада? Ҳожарнинг шаҳарда ҳеч кими  
йўқ эди, қаёққа боради?

**Қори.** Қолу бало...

**Обиджон** югуриб чиқиб кетади.

**Нетайхон (деразадан).** Нима бало қилдингиз?

**Қори.** Бир миқдор лампа мойи сепдим, тасаддуқ!

**Нетайхон (пиқирлаб кулиб).** Гугуртни қачон  
чақасиз?

**Қори.** Иншоолло эртага!..

Парда

### ОЛТИНЧИ ҚУРИНИШ

Милиция бошқармасида, капитан Наврӯзовнинг кабинети. Обиджон  
ҳаяжонда, нари-бери юрмоқда. Наврӯзов киради.

**Наврӯзов.** Суюнчини чиқараверинг, Ҳожархон-  
нингиз топилди!

**Обиджон (ҳовлиқиб).** Қаерда экан? Қаерда қо-  
липти?

**Наврӯзов (соҳта жиҳодигат билан).** Ана шу ёғи  
чатоқроқ... Маҳаллада шўхроқ, бевошроқ бир йигит  
бор, шунинг уйида қолган экан...

**Обиджон (ўти ёрилиб).** Йўғе... Ҳожар унақа қиз  
эмас... ўртоқ капитан, ҳазилни қўйинг...

**Наврӯзов (кулгидан ўзини ёўрга тийиб).** Мили-  
ция ҳазилни билмайди, ўртоқ Иброҳимов!

Эшик тақиллайди.

### Киринг!

**Чол** (эшикдан бошини тиқиб). Мумкинми?..

**Наврӯзов.** Киринг! Қелинг, отахон... (*Обиджон-*  
*га.*) Уша шўхроқ, бевошроқ йигит мана шу киши!

Обиджоннинг кўнгли жойига тушиб, чол билан кўришади. Чол  
ҳайрон.

Марҳамат, отахон, ўтиринг. Ёлғиз келдингизми?

**Чол.** Ёлғиз келдим. Қампиримнинг вақти йўқ, зайнит...

**Наврӯзов.** Йўқ мен... Ҳожархонни сўраётиман.  
Айтишмадими, Ҳожархон бизга керак эди.

**Чол (пичинг билан).** А? Ҳожархон-а? Қиз шўрлик  
Сухсуроннинг эшигига хор-зор бўлиб юрганида ҳеч  
ким «ҳолинг нима» демапти...

**Наврӯзов.** Тўғри, лекин...

**Чол (унга сўз бермай).** Қиз бечора кўчада йиғлаб  
кетаётганида биронта милиция «кимсан, нега йиғлай-  
сан» деб сўрамапти...

**Наврӯзов.** Тўғри, лекин...

**Чол.** Энди мен бошини силаганимда сенга керак  
бўлиб қолипти-да!

**Наврӯзов (кулиб).** Таъналарингиз ўринли, отахон,  
лекин қиз хор-зор бўлиб юрганида биз «ҳолинг нима»  
демаган бўлсак, бир маҳаллада, ҳатто бир кўчада  
туриб, бу гапни сиз ҳам айтган эмассиз-да! Е айтган-  
мисиз?

**Чол (шовқин солиб).** Мен бу қизни Сухсуроннинг  
жияни деб ўйлардим!

**Наврӯзов.** Балки мен ҳам шунаقا деб ўйлаган-  
дирман!

**Чол.** Сен ҳам менга ўхшаб ўйладиган бўлсанг,  
хукумат нима деб елкангга погон тақиб қўйипти?

**Наврӯзов.** Сиз елкангизда погонингиз бўлмага-  
ни билан милицияга жуда ҳам бегона одам эмасдир-  
мисиз? Е бутқул бегонамисиз? Ниҳояти билагингизда қи-  
зилингиз йўқ, холос!

**Чол.** Лекин барibir Ҳожарни олиб келмайман,  
ҳар қанча гапинг бўлса менга гапиравер. Қизим икки-

та эди, учта бўлди. Иккала қизимни чиқарганиман, бунга қиличдай бир йигит топиб ичкуёв қиласман!

Обиджон. Э-э, отахон!..

Наврӯзов. Унақа деманг, ўзининг қиличдай қалиғи бор! Мана!

Чол (Наврӯзовнинг ўрнига ўтиради). Сенми қалиғи?.. Гулдай қизни бироннинг эшигида сарғайтириб қўйипти, яна йўқотиб қўйиб милицияда йиглаб ўтирипти-ю, қиличдай йигит эмиш! (Шовқин солиб.) Утмас пичоқ! Аппа! (Қатъий.) Бермайман!

Обиджон. Отахон...

Наврӯзов. Мен сизга кейин айтиб бераман.

Чол. Нимани айтасан, ҳозир ўзим кўриб турибманку! Бермайман!

Наврӯзов. Ҳожар бу кишини яхши кўради, иккени аҳд-паймон қилган.

Чол (Обиджонга ялт этиб қарайди). Шунақами? (Узоқ ўйлагандан кейин.) Отинг нима?

Обиджон. Обиджон.

Чол. Ҳм..., бошпуртинг борми?

Наврӯзов. Бор, ҳаммаси бор!

Чол. Заксдан ўтганмисан?

Обиджон. Энди ўтмоқчимиз.

Чол. Аввал заксдан ўт, ундан кейин гаплашаман.

Наврӯзов. Заксга ўзи якка борадими?

Чол (ўйлаб). Майли, мен бориб сўрайман, «яхши кўраман» деган гапни ўз оғзидан эшитсан, олиб келман, йўқ деса овора бўласан! (Чиқади.)

Наврӯзов. Хўп, энди хотиржам бўлдингизми?..

Обиджон. Раҳмат, ўртоқ капитан!

Наврӯзов. Хўп... Қоридан пулни олганингиз яхши бўпти. Қори нима деган бўлса, шуни қилиш керак. Биз ҳозирдан бошлаб Қорининг кетига одам қўямыз... Бу гапдан Сухсуронинг хабари бўлмай иложи йўқ... Қорини қачондан бери танийсиз?

Обиджон. Илгари кўрган эмасман.

Наврӯзов. Ундоқ бўлса бу каламушни биз яхшироқ билар эканмиз. Каламуш, ҳақиқий каламуш! Қирқ иккинчи йилда аскарликдан қочиб ўн йилга кесилган; қамоқ муддатини битиргандан кейин етти йил давомида кирмаган каваги қолган эмас; чайқовчилик дейсизми, табиблик дейсизми, қассоблик, қорилик... Икки йил бўлади, шу маҷитга имом бўлиб тинчиди.

Обиджон. Топган жойини қаранг-а!

Наврӯзов (ўйчан). Ҳм... Демак, булар Юсуф фагат беш кунга қамалганлигини билишмас экан-да?

Обиджон. Фақат беш кунга қамалганми?

Наврӯзов. Эртага муддати битади, қўйворишимиз керак.

Обиджон. Ие, унда ишнинг пачаваси чиқади-ку. Юсуф чиққан замони Сухсуронинг олдига боради.

Наврӯзов. Тўғри, лекин суднинг ҳукмини бузолмаймиз. Ҳозир. (Бир қарорга келиб трубканни олади.) Навбатчи!.. Капитан Наврӯзовман! Юсуф Зиёмовни юборинг! (Трубканни қўяди.) Бўшатсак ҳам Сухсуронинг олдига бормайдиган қиласми.

Обиджон. Шундоқ қилинмаса бўлмайди.

Эшикдан тортиниброқ Юсуф киради. Унинг юз-кўзи кўкарган.

Салом!

Юсуф (Обиджонни кўриб шошиб қолади). Кечирасиз, бечорачилик...

Наврӯзов. Ўтилинг. Эртага озодликка чиқади-ларми?

Юсуф. Озодликка чиқмай ўлай... Жон ака, бўлар иш бўлди, шу гап шу ерда қолсин. Ўртоқ Сухсурога ёсиб юборманг. (Обиджонга арз қилиб.) Ўзим тавбамга таяниб турибман — мана, калламда соғ жойим қолгани йўқ.

Обиджон. Нима бўлди?

Юсуф. Бўлган иш шуки, ҳаммомда адашиб қолдим.

Обиджон. Ие, ҳаммомдаям адашадими киши!

Наврӯзов. Юсуфжон пошшо одам бўлиб олганидан кейин хоҳлаган жойида адашаверади!

Юсуф. Йўқ, жом қидириб... хотинлар бўлимига кириб қолибман. (Кулади.) Ҳаммаси қип-яланғоч! (Ўпкаси тўлиб.) Лекин роса уришди, ҳаммаси жом билан урди! Кўнглим озиб қопти. Кўзимни очиб қарасам (жирканиб) мастларнинг ичидаги ётибман.

Наврӯзов. Ҳушёрхонада денг.

Юсуф. Отини унча яхши билмайман... (Наврӯзга.) Жон ака, ўртоқ Сухсурог билмай қўя қолсинлар! (Обиджонга.) Айтинг, ёзмасинлар.

Наврӯзов. Биз ҳозирча ёзмай туришимиз мумкин, лекин ўзингиз билдириб қўясиз-да: чиққан замонингиз Сухсуронинг олдига борасиз.

Юсуф. Бормайман, афти бошим тузалгунча, касалман, деб ётаман,

**Обиджон.** Сухсуревдан шунақа қўрқасизми?

**Юсуф.** Қўрқмайману... Ҳозир камхаржроқ бўлиб турибман, беадабчиллик қилганимдан кейин бир нима обормасам ишдан ҳайдайди-да!

**Обиджон** (*Наврӯзов билан кўз уришириб*). Сиз шунақа... бериб турасизми?

**Юсуф** (*Наврӯзовга кўз қирини ташлаб, ботинолмай*). Янги қонун чиқмасдан олдин берганман...

**Наврӯзов.** Сухсурев сизни қип-қизил муттаҳам, ўғри деб-ўтирипти-ю, сиз мунча аяйсиз?

**Юсуф** (*эси чиқиб кетади*). Ие!. Оғзимда чайнаётганимга ҳам чанг солади-ю, мен ўғри, мен муттаҳам бўлдимми!

**Наврӯзов.** Шунақами, жуда олғир денг!

**Юсуф.** Вой-вўй... Жонини олгани келган Азроилдан ҳам пора сўрайди! Порахўр деган найча қўйиб сўрар эди, бу муттаҳам ўттиз икки тишини баравар ботиради! (*Йигламсираб*.) Топганимни шунга тугиб қўйиб, ўзим бола-чақа билан пўстакнинг жунини ейман!

**Наврӯзов.** Аччиқ устида айтәтибсиз-да...

**Юсуф.** Ие!. Ёзиб бераман.

**Наврӯзов.** Майлингиз... Навбатчига айтинг, сизга қалам билан қофоз берсин.

**Юсуф.** Қоғозни кўпроқ берсин. Сухсуревнинг кирдикорини ёсса, беш килолик катта китоб бўлади. (*Чиқади*.)

### Паузা.

**Обиджон.** Ҳар қалай Сухсурев хийлагина гўл одам экан. Битта гўл порахўрни тутиш шунча қийинми?

**Наврӯзов.** Э, ўртоқ Иброҳимов, битта гўл порахўрни тутишдан кўра йигирмата учар ўғрини тутиш осонроқ. Ўғри урган киши «дод, ўғрини ушла!» дейди, пора берган киши «дод, порахўрни ушла!» демайди да! Мана, кўриб турибсиз, илмоқ солиб тортмасангиз айтмайди. Бундан ташқари бирор анқов — порахўрни кўриб туриб пайқамайди! Бирор порахўрни фош қилгани эринади: «Эҳе, судма-суд юраманми» дейди; бирор порахўрнинг билагидан оқсан мойни итдай ялади; бирор «порахўр ҳуркмасдан олсин, бемалол есин» деб поранинг отини «совға», «ҳадя», «тўёна», «ёрдам» қўйиб беради.

**Обиджон.** Ҳақиқатан бундай қулай шароит ҳеч бир ўғрида иўқ.

**Наврӯзов.** Поранинг яна бир ғалати хиди бор: хушомадгўй-лаганбардор деган маҳлуқ мансабдорни сигирдай ялаб, жунини тескари қилиб ташлайди! Мансабдор ҳам хуш ёқиб, бузоқдай бўйини эгиб тураверади.

Чол киради.

**Чол** (*кириб орқасига*). Кир, бўтам, киравер. Мана бу йигитни танийсанми?

**Хожар** (*йиглаб*). Обиджон ака!

**Чол.** Э, э, қизим... (*Обиджонга*) Майли, майли, йигласин...

**Наврӯзов** (*чолнинг диққатини тортиши учун*). Бардаммисиз, отахон!

**Чол.** Узларидан сўрасак?..

**Наврӯзов.** Отахон!

**Чол** (*қулоқ солмай*). Суюнганидан йиглаётитпи...

**Наврӯзов.** Отахон дейман! (*Қўлидан ушлаб четга торгади*.)

**Чол** (*ўпкасини тутолмай*). Аммо-лекин қиз бола суюнганидан йигласа ёмон ҳам чиройли йиглайди-да.

Наврӯзов унинг қулоғига бир нималар дейди.

Шунақами, майли, менинг керагим ҳам қолмади шекилли. (*Яна ёшларнинг олдига боради*.) Энди бир-биралингни ўқотманглар. Хайр...

**Обиджон.** Раҳмат, отахон.

**Наврӯзов.** Дружина эканингизни эсадан чиқармассиз-а?

**Чол** (*аввал чап, кейин ўнг қўли билан честь бериб*). Есть!

**Наврӯзов.** Яна 10—15 минут вақтингизни оламан.

Иккови чиқиб кетади.

**Обиджон.** Нима бўлди?

**Хожар.** Нетайхон опам урдилар.

**Обиджон.** Нега уради?

**Хожар.** «Бузуқсан» дедилар!

**Обиджон.** «Бузуқсан дедилар?» «Бузук бўлсам сенга ўхшамасмидим» демабсиз-да?

**Хожар** (*миннатдорлик билан*). Обиджон ака... ишонмаслигинизни билар эдим!..

Обиджон. Бутун кўрган-билганингизни капитан Наврӯзовга айтиб беринг!

Хожар (буни ақлига сифдиролмайди). Вой!..

Обиджон. Ҳа?

Хожар. «Бир кун туз ичган жойингга қирқ кун салом бергин», деган.

Обиджон. Ким айтган?

Хожар (ўйлаб). Худо!..

Обиджон. Худо сизга шунаقا депти-ю, Нусрат акангизга: «Шу қиз эсини таниганидан бери хизматингни қилади, лоақал битта кўйлак олиб бер, ҳадеб Нетайхоннинг эскисини киявермасин» демаган экан-да?

Хожар. Билмасам...

Жимлик.

Обиджон. Туз ичган жойингизга қайтиб борасизми?

Хожар (бош чайқайди). Йўқ...

Обиджон. Нима қиласиз?

Хожар. Билмайман. (Узоқ жимликдан сўнг.) Ўзингиз... «Мен билан Мирзачўлга кетгин» деган эдингиз-ку?..

Обиджон (мийигида кулиб). Нетайхон опангиз ваъда қилган участкани демасангиз ҳали ҳам гап шу!

Хожар (ерга қараб). Уйланмаган экансиз-да?..

Обиджон. Уйланган эдим... Урушда мана буна-қа бўлиб келганимдан кейин кетиб қолди. Шундан кейин бу тўғрида бирорвга оғиз очгани ботинолган эмасман. Ушанда сизга ўша гапни гапирдиму кейин пушаймон бўлдим.

Хожар (шошиб). Нега?

Обиджон чўлоқ оёгини силайди.

(Ҳассани силаб.) Бу нарса менинг хаёлимга ҳам келгани йўқ, Обиджон ака. Ростини айтсан, оёғингиз шу-нақалигини энди пайқаб турибман!

Обиджон. Раҳмат... демак, кетамиз-а?

Хожар. Кетамиз!

## ЕТТИНЧИ ҚУРИНИШ

Сухсуронинг ҳовлисидаги меҳмонхона, Сухсурор, Нетайхон, Кори,

Кори. Қайтиб келмадими, а? Астағфирулло!..  
Нетайхон. Келмади, жувон ўлгур!

Кори. Воллоҳу аълам, бирон маҳкамага арз қиласи бу. Бу замонда нима кўп, арз тинглайдиган маҳкамага кўп! Алалхусус, аёл кимса арз қиласа!..

Сухсурор. Урганинг-чи? Урди, деб арз қиласа нима бўлади?

Нетайхон. Урганим билан... кўкармайдиган жойига урганман!

Сухсурор (бирдан). Бу касофат қиз ўзини бир нима қилмадимикан?

Нетайхон. Вой, бизга нима?

Сухсурор (аҷчиғи келиб). Терговдан бошимиз чиқмайди!.. (Бирдан.) Йўқолди, деб милицияга хабар қилиш керак.

Кори (қўрсаткич бармоғини кўтариб). Сабру таҳамму! Назари кимё асаримда ўзи қайтиб келади, келмаса Обиджоннинг топади — Ҳожарнинг чиқиб кетганини эшишиб жони ҳалқумига келди!

Сухсурор. Обидга айтиб нима қиласар эдингиз?

Кори. Ёлғондан парҳез қиласман, тасаддуқ!

Жимлик.

Сухсурор. Ишимиз нима бўлди, Обид унадими?

Кори. Ақчани топширдим.

Сухсурор. Ҳозир юрагига бу гаплар сиғмас...

Кори. Бильъакс! Ақчани кўтариб милицияхонага борган бўлса ажаб эмас.

Сухсурор. Жуда соз бўлар эди.

Нетайхон. Нима балолар деяпсизлар?

Сухсурор. Укангни чақиртириб бошимизга балоқилдик, энди худо дегин, бу балони бошимиздан кўтапсин!

Нетайхон. Худо деган билан бўлармикан?

Кори. Худо «сендан ҳаракат, мендан баракат» деган, ҳаракат қилаётимиз!

Сухсурор. Обид келса ҳойнаҳой милициядан одам бошлаб келади, келиши билан ҳужрангизга чиқинг!

Кори. Бажону дил, тасаддуқ!

Хожар киради.

Кори. Ана, айтмадимми, тасаддуқ!

Сухсурор. Э-э, қизим, кел...

Нетайхон. Қайси очиқ мозорда эдинг?!

Қори. Астағфирулло денг! Эгилган бўйинни қилич кесмайди, тасаддуқ, қайтиб келгани, бўйин эггани!

Нетайхон. Гапир дейман!

Сухсуро. Қўй, тавба қипти...

Нетайхон. Ҳа, ўйнашингизга ичингиз ачийдими? (Хожарга.) Ҳу ўйнашинг билан балога гирифтор бўл! (Урмоқчи бўлади.)

Ҳожар (унинг қўлини ушлаб). Менга тегманг! Бас!..

Ҳамма ҳайрон.

Қори. Лоҳавло вало қувват...

Обиджон (кириб). Салом!

Нетайхон намойишкорона чиқиб кетади.

Сухсуро. Э-э-э, мулла Обиджон, келинг-келинг...

Қори (Сухсуроға). Қазо бўлган намозим бор эди. (Чиқади.)

Обиджон. Бирдан кетадиган бўлиб қолдик, Нусрат ака, Узримизни айтиб, хайрлашгани келдик.

Сухсуро. Шунақами? Бизни ташлаб кетасизларми? Сен ҳам кетасанми, Ҳожархон? (Қўзига ёши олиб.) Үрганишиб қолган эдик. Айниқса, Нетайхон опанг чидай олармикан...

Обиджон. Ҳа, опамга жуда қийин бўлса керак.

Сухсуро. Нетайхон опанг адаб-одоб ўргатиб баъзан қаттиқ гапирган бўлса рози бўлгин... Бахтинг очилсин. (Йиглаб юборади.) Тўйингга бизни чақирасанми?

Обиджон. Сизлар бўлмасаларинг тўй тўйдай бўладими!. (Хожарга.) Нарсаларингизни олиб чиқинг.

Ҳожар чиқади. Сухсуро ўпкасини ҳеч тутолмайди.

Нусрат ака, сиз билан Юсуф тўғрисида гаплашмоқчи эдим.

Сухсуро (талмовсираб). Қайси Юсуф?

Обиджон. Хизматчингиз... қамалиб қолган экан.

Сухсуро. Ҳа, анови пиянистами? (Қулоқ солмай.) Мен, ука, давлат ишидаги одамман...

Обиджон. Хотини йиглаб келди.

Сухсуро. Сизнинг олдингизга ҳам бордими? Бу ерга ҳам келган эди, ҳайдаб юбордим.

Обиджон. Йўли бўлса ёрдам қилсангиз!..

Сухсуро. Йўли бир менга боғлиқ эмас, тегиши одам бор...

Обиджон. Ўша тегишли одам тўғрисида гапираётубман-да!

Сухсуро. Пора нима, порахўрлик нима эканини мендан яхши биласиз-ку! Үртада туриш ҳам жиноята киради-я!

Обиджон. Биламан.

Сухсуро (ўпкалаб). Билиб туриб мени жиноятга бошлайсизми?..

Обиджон. Бир камбағалингиз...

Сухсуро (қўнгли юшиш). Юсуф, ҳақиқатан камбағал одам, бир камбағалга мурувват қиласман деган киши... (Қулиб.) Ўт ўчиргани тиниқ сув қидириб юрилмайди-ку!

Обиджон. Ҳа, ана, ривоятини ҳам топдингиз. Ўша тегишли одамга бир пиёлагина лойқа сув узатилса...

Сухсуро. Хўп! Нима ҳам дейман, жигарчилик экан, сизни деб лойқа сувга ҳам қўл ураман-да! (Йиглайди.)

Обиджон. Раҳмат... (Пулни беради.) Юсуфнинг хотини берди.

Сухсуро. Бети қурсин! Қўймадингиз-да, Кўрпанинг қатига қўяқолинг. Мен порадан ҳазар қиласман.

Обиджон (пулни кўрпанинг қатига қўяди). Ҳожар мунча ҳаяллади, чиқай-чи! (Чиқади.)

Сухсуро (унинг кетидан эшикни қулфлайди.) Галварс! Сен шохида ўйнасанг, мен баргида ўйнайман! Бошингга Шобаротнинг кунини солмасам, олиб келган милициянгга ўзингни топширвормасам мен ҳам юрган эканман! (Кўрпанинг қатидан пулни оташкурак билан олиб печкага ташлайди.)

Ҳожар (деразадан). Обиджон акам қанилар? Эшик берк...

Сухсуро. Қаттиқроқ тортмабсан-да, эшик очиқ... (Ўзича.) Қўриб қолдимикан?.. (Бориб эшикни очади.)

Наврӯзов, чол ва иккигувоҳ киради. Ҳамма иморатнинг ҳашаматига ҳайрон...

Биринчи гувоҳ. Худоёрхоннинг ўрдаси-ку!

Иккинчи гувоҳ. Амири Бухоронинг ўрдаси денг!

Наврӯзов. Салом...

Сұхсұров. Салом... Яна нима бало бўлди?

Наврӯзов. Учрашамиз деб ваъда берган эдим-ку!. Душманингиз кўп экан, сизга туҳмат қилғани-қилған!

Сұхсұров. Давлат ишида бўлганимдан кейин душман бўлади-да, синфий кураш тамом бўлган деб ўйлайсизми?

Наврӯзов. Эски ошнамиз, гувоҳнома кўрсатишманинг ҳожати йўқдир.

Сұхсұров. Ҳожати йўқ...

Наврӯзов. Булар гувоҳлар. Юсуф Зиёмов иши юзасидан қайнағангиз Обиджон Иброҳимовдан ҳозир уч юз сўм пора олдингиз. Қарор билан танишиб, қўл қўясиш. (*Беради*.)

Сұхсұров (*қарорни олади. Обиджонга*). Бу қандоқ бўлди? Гапирсангиз-чи!

Обиджон. «Лойқа сув» деб турибман-ку!

Сұхсұров. Сиз менга пора бердингизми?

Обиджон. Ҳа, мен бердим, сиз олдингиз!

Сұхсұров. Йдорадаги душманларим сизни ҳам қўлга олганини, менга қарши қайраб солганини билардим, лекин сиз бунақа пастлишка борасиз деб ўйламаган эдим. Аблаҳ!

Обиджон. Бу гап оғзингизда тура турсин, ўзингизга керак бўлади.

Наврӯзов. Қўл қўйинг.

Сұхсұров (*төвущи титраб*). Менинг толеим шу ўзи: кимга яхшилик қилсам, ёмонлик қайтади... (*Қарорга қўл қўйиб, Наврӯзовга беради*.) Марҳамат, тинтинглар! Лекин бу сафар кечирмайман! Хотиним хафа бўлса ҳам, қўйди-чиқдига борсак ҳам кечирмайман! Тезроқ тинтинглар! Протокол ёзилсин!

Наврӯзов. Пулни чўнтағига солдими?

Обиджон. Кўрпанинг қатида. (*Бориб қарайди, Пул йўқ. Ҳайрон*.)

Наврӯзов ҳам бориб қарайди.

Хожар. Обиджон ака, пеккани қаранг!

Сұхсұров. Қет, йўқол, тарбиянг бузилади.

Обиджон бориб пекканинг ичига қўл тиқади; ниманидир маҳкам ушлайди. Сұхсұров данг қотиб қолади.

Обиджон. Ўртоқ капитан, орқадан келинг! Хожархон, капитанни Қорининг ҳужрасига бошланг!

Ҳамма ҳайрон.

Гувоҳлар. Ё алҳазар!..

Наврӯзов. Қўйворманг! (*Гувоҳларга*) Қани, юринглар!

Қорининг товуши. Вой!. Вой қўлим!. Оҳ!..

Сұхсұров. Вой уйим куйди! (*Чиқади*.)

Наврӯзов, Ҳожар, чол билан гувоҳлар чиқнишади, Нетайхон киради, аҳволни кўриб ҳайрон.

Қорининг товуши. Вой қўлим!. Қўлим синади..

Нетайхон. Вой, Қори аками?. (*Обиджонга*) Нима гап?

Обиджон. Қори акангизнинг қўлига шўрпахта босадиган бўлиб турибсиз.

Ҳужра томонда ғовур,

Наврӯзовнинг овози. Ўртоқ Иброҳимов, қўйворинг!

Хожар. Обиджон ака, қўйворинг!

Обиджон Қорининг қўлини қўйиб юборади.

Нетайхон (*Обиджонга*). Вой, нима бўлаётитпи ўзи... Энди участкамизни олиб қўядими?! Обиджон ука, участкамизни оладими? Богча қиладими?

Обиджон. Болалар боғчасиз қолгани йўқ.

Нетайхон. Майли, олсин, ўзим топшираман! Лекин мендан кейин олсин. Сен яна уч-тўрт кун туриб шуни тўғрилаб кетгин. Инвалидсан, гапинг ўтади. Үлгунимча ўзим турай, жон ука!..

Обиджон. «Үлгунимча турай». Ҳозир тирикмисиз? Тирик бўлсангиз шунча йилдан бери жон асорати қўринмасмиди? Тўғри, эрингизга ўҳшаб, ҳаром еганингизда, ёлғон гапирганингизда жағингиз қимирлайди, лекин буни жон асорати деб бўлармикан? Йўқ, сиз, эрингиз билан бирга аллақачонлар ўлгансизлар, элтиб кўмиш қолган, холос! Сизнинг бу гапларингиз тобутдан чиқсан товушга ўҳшайди. Гапирманг, (*эти учуб*) одамнинг эти жимирлайди.

Керакли объектларни суратга олган Наврӯзов қўлида фотоаппарат, Қори қўлида пул билан, Ҳожар, чол, иккى гувоҳ киради. Наврӯзов Корининг қўлидаги пулларнинг номерини солиштира бошлади. Гаранг бўлиб қолган Сухсиров киради.

Чол (*Обиджонга*). Вой-вой! Бу печка тилсимот-а, тилсимот! Бу ёқдан ташланган пулни одам боласи то-полмайди.

Сухсиров (*бўғилиб, Қорига*). Нима бўлди, нега кечикдингиз?

Наврӯзов. Буни мендан сўранг! Қеча бизнинг одамлар монтёр қиёфасида келиб, Корининг чирогини ўчириб кетишган эди, ҳозир келиб ёқиб беришиди. Шундокми?

Қори (*бош чайқаб*). Э... Ҳали шундоқ денг.. Тасанно!..

Наврӯзов. Энди тасанно дедингиз-а! (*Печкани, унинг оғзини суратга олади*.)

Қори (*бирдан*). Бундан бир неча дақиқа муқаддам Сухсиров каминани чорлаб «печкага бир миқдор пул ташладим, сизга омонат» деди.

Сухсиров (*кўзлари олайиб*). Мен печкага пул ташлаганим йўқ! (*Бирдан фош қилиб*.) Үзи маҳкамай шаръиядан юлган пулларни яшириб юради.

Қори (*жон-пони чиқиб*). Бўхтон! Үзи порага олган ақчаларини печкага ташлайди.

Обиджон. Сиз олиб турасизми? Сизга қанча тегади?

Қори. Үзи закот тариқасида бир миқдорини ма-читга бериб туради. Шайтонуллаъин!

Сухсиров. Үзинг шайтон! Текинхўр!

Қори. Пораҳўр!

Обиджон. Бир-бирингдан қолишмайсан!

Чол. Ҳар қайсинг йигирматадан шайтонни яйдоқ минасан!

Наврӯзов ҳаммани протоколга қўл қўйдиради.

Мен булар нега маҳаллага қўшилмайди, нега қўни-қўшни билан кирди-чиқди қилмайди, деб ҳайрон бўлардим, энди билсам, иккови ҳам олқинди ўғирлаган ҳаккадай топганини бир марта чўқиб, ўн марта атрофга қарап экан. Шундайми, Нетайхон?

Сухсиров. Хотинимнинг отини оғзингга олма, имонсиз, хотиним сенга ҳеч ким бўлмайди!

Чол. Қечирасан, билмасдан айтиб қўйибман, ма-ҳаллада ким отини айтса оғзини чайқайди.

Наврӯзов. Қани кетдик!

Сухсиров. Руҳоний.

Қори. Үғри, пораҳўр!

Нетайхон (*йиғлаб*). Вой, энди нима қиласман?

Обиджон. Энди нима қиласар эдингиз, эргингиздан қолганини қуртдай кемириб ётасиз, бошингиз оғриса...

Ҳожар. Вой, энди бошлари оғриса турмага қатнайдиларми?!

Парда

1962 йил

## АЯЖОНЛАРИМ

Икки парда,  
олти кўринишли пьеса

### ҚАТНАШУВЧИЛАР

Каримжои — ёш врач.  
Умидада — ёш врач.  
Бўстон — Каримжоннинг онаси.  
Жамол — колхоз раиси.  
Шакар — Умиданинг онаси.  
Ашуралiev — Умиданинг отаси.  
Тўтинисо — қўшни хотан.  
Хайри — Тўтинисонинг қизи.  
Собиржон — монтёр.

### БИРИНЧИ ПАРДА

#### БИРИНЧИ КУРИНИШ

Аэропорт паркида хилват бир гўша, Пастак стол, Учта курси, Ташқарида самолётлар ҳайқирмоқда. Диктор товуши: «672—маршрут бўйича 67-рейс билан учувчи самолётга йўловчилар чиқарилмоқда. Йўловчилар, самолётга чиқишиларингизни сўраймиз!»

Умидада (бир қўлида чамадонча, бир қўлида гулдаста, Шакарни бошлиб киради). Самолёт вақтида келар экан, аяжон, мана шу ерда ўтира турайлик.

Шакар. Уф!. Насибанг Каримжоннинг насибасига қўшилган экан, мен нима дейман, бир муҳаббатинг ўн бўлсин, дейишдан бошқа сўзим йўқ!. Лекин қишлоқ қизлари шаҳарга талпинётганда сенинг қишлоққа кетишингга ҳеч чидолмайман!

Умидада. Аяжон, айтдим-ку: ҳукумат қаерга тайин қиласа ўша ерда бир-икки йил ишлаб беришимиз керак! Келганимдан бери елиб-югуриб зўрга унатдим: иккавимизни бир районга юборадиган бўлишди. Районга борсак бас, у ёғини Каримжон акам колхоз раиси билан қишидаёқ гаплашиб кетганлар... Бир-икки йил ишлаймиз, ундан кейин, бир гап бўлар... (Соатига қараб.) Ие, самолёт аллақачон қўнипти-ку! (Ташқарига қарайди.) Вой, ана Каримжон акам!

Умидада югуриб чиқади ва Каримжон билан киради,

Каримжон. Салом, аяжон...

Шакар (унинг пешанасидан ўпади). Қўша қаринглар!..

Каримжон. Дадам яхшиларми...

Шакар. Яхши. Келадиган эди, лекторларнинг семинари бор экан, кутдик-кутдик, чиқавермаганидан кейин келавердик. Семинар тамом бўлгандир, ҳозир келиб қоладилар... Каримжон, уйга кирмас экансиз-да.

Каримжон. Умидахон айтгандилар-ку: иссиғида бориб қофозларни топширайлик, ишимизга ўрнашайлик, ундан кейин келаверамиз-да!

**Шакар** (*ўлкаси тўлиб*). Биттаю битта қизим... Бутун умрим, бугунги куним, келажагим ҳаммаси шу. Мен Умидани сутим билан боқдим, меҳрим билан ўстирдим, бунга тикилган тиканга кўз қорачигимни тутдим. Гулдай қилиб ўстирдим. Мана, сизга насиб қилган экан, кўкрагингизга тақиб олдингиз. Минг марта розиман. Дадаси ҳам рози. Умидани сиз ҳам гулдай асранг, ҳеч қачон сўлмасин, ҳамиша яшнасин!. Икковларинг подручка қилиб юрсаларинг шаҳар кўчаларига қандоқ яратасизлар!..

**Каримжон.** Албатта...

**Шакар.** Умидахон қиз бўлиб қўлига битта игна олган эмас, умрида битта пиёла ювган эмас, фақат, фақатгина ўқиган! Шунинг учун сочини тараса ҳам кўли қаваради!

**Умидा.** Вой, ая, бу мени мақтаганингизми, ёмонлаганингизми? Етоқхонада пол ювар эдим, дераза ювар эдим!

**Шакар.** Биз вақтида ўқиёлмадик, шунинг учун яхши турмуш қилолмадик. Сизлар ўқидиларинг, яхши турмушни тўлиқ кўришларинг керак. Шаҳарда бўлсаларинг кир-чирингни ўзим чиннидай қилиб ювдириб, дазмоллатиб бераман!

**Каримжон.** Қўйсангиз-чи, ая! Узимидан иш ортмайди.

**Шакар.** Йў-йўқ, сиз ҳам докторсиз, бунақа ишларга сиз ҳам қўл урманг! Шунақа хотинлар ҳам бор! Эрига кир ювдиради, қошини тердиради.. Буларга қолса болани ҳам эри туғиб берса!. Даданг мунча ҳаялладилар?

**Умидा.** Ҳайронман...

**Шакар.** Даданг икковимиз тўйинг режасини чизиб қўйдик. Шаҳарда тўйлар аломат бўлаётиди.

**Каримжон.** Тўй тўғрисида изму ихтиёр сизларда...

**Шакар** (*сўмкасидан сурат олади*). Айтгандай.. қизим, қанақа сурат юбординг менга, наҳот шу Каримжон бўлса!

Умидада суратни олиб қотиб-қотиб кулади.

**Каримжон** (*суратни олиб*). Ие! ЗАГСдан ўтган кунимиз ўртоқларимизни чақирган эдик. Шундай Умидахон олган эди. Тоза боплабсиз-ку!. Уй қоронғироқ эди. Узимидан галстуғим яхши тушибди...

**Шакар.** Сиз ҳам аянгизга Умиданинг шунақа суратини юборганимисиз?

**Каримжон.** Йўқ, мен... сурат юборганим йўқ.

**Умидा.** Ая, ростини айтсан, Каримжон аяларига ҳали маълум қилмаган эканлар.

**Шакар** (*чўчиб*). Ростданми?

**Каримжон.** Рост, Маълум қилмаганимни Умидахонга ҳам яқинда айтдим.

**Шакар** (*ташвишда*). Нега маълум қилмадингиз, аянгизнинг кўзлаган қизлари борми?

**Каримжон.** Йўқ...

**Шакар.** Вой, кўзлаган қизлари бўлмаса, нега маълум қилмадингиз?

**Каримжон.** Ҳар келганимда «сенга унақа қиз олиб бераман, бунақа қиз олиб бераман» деяверар эдилар.

**Шакар.** Қанақа қиз ахир?

**Каримжон.** Ўзлари сал эскичароқ... у кишига хат қилмаганимнинг боиси шу: «олти ой олдин йифлаб ўтирасинлар», дедим.

**Шакар.** Йўқ, аянгиз қанақа қизларни ёқтирадилар?

**Каримжон.** У кишининг ёқтирганларини қўяврасиз, нуқул сочдан гапирадилар!

**Шакар** (*хотиржам бўлиб*). Бундоқ денг!. Сочдан гапирысалар, худога шукур, Умиданинг сочи етарлик! Бир кило қўйнинг жунини сеткага солиб, бошига таңғиб юрадиган қизлар ҳам бор!. Лекин аянгизга маълум қилмаганингиз чакки бўлиби! Олти ой олдин йифласалар бу чоққача тақдирга тан бериб юпаниб ўтирадилар. Энди тўсатдан рўпара бўлсаларинг... Хуш кўрсалар-ку, яхши, хуш кўрмай икковларингни олдиларига солиб қувсалар нима бўлади?

**Каримжон.** Мен йўлда шуни ўйлаб келдим. Икковимиз кириб борсак шундоқ бўлиши ҳам мумкин. Шунинг учун биз билан бирга дадам икковларинг ҳам борсаларинг! Аям бизни юз-хотир қилмасалар, икковларингни юз-хотир қиладилар...

**Умидा.** Ая, яхши бўлар эди!

**Каримжон.** Мен нима демоқчиман? Аямни шу ишга, яъни икковимизнинг турмуш қилишишимизга йифлатмасдан, додлатмасдан кўндиранг дейман.

**Шакар.** Йиғи-сиғи билан бўладиган иш иш эмас!

**Каримжон.** У киши мени туқцанлар, боққанлар, шундай оғир уруш йиллари қалдиргочдай елиб-югуриб

топганларини оғзимга солғанлар; етим қолганимни билдирмай ўқитганлар...

Шакар. Раҳмат сизга, Қаримжон!

Қаримжон. Лекин минг қисса ҳам аям юрагида эскилиқ ажриқдай томир отган хотин!

Умидада. Ўша ажриқни вақтида юлиб ташлаш керак эди!

Қаримжон (*куйиниб*). Қачон? Юлиб ташлагани қўлим тегибдими? Аввал бола эдим, аямнинг юзига эмас, қўлига қараганман; кейин ўқидим, бошимни қўтармасдан олти йил ўқидим! У вақтда осон эмас эди!

Умидада. Энди-чи, энди осонми?

Қаримжон. Ҳозир ҳам осон эмас, лекин ҳозир ёлғиз эмасман, сиз бор, мана, аям борлар!

Шакар. Ҳимм... икки бирдай олий маълумотли одамсизлар, наҳотки саводсиз бир кампирни хуш-хурсандлик билан йўлга сололмасаларинг!

Қаримжон. Аям жуда ҳам саводсиз эмаслар, хат танийдилар, уруш йиллари колхозда ишлаб медаль олганлар... Ая, биз билан бирга борасизларми?

Шакар (*ўйлаб*). Аянгизга тўртовимиз рўпара бўлишимиш тўғри келармикин?

Қаримжон. Нега тўғри келмайди?

Шакар. Нега десангиз... Тўртовимиз кириб борсагу аянгиз жаҳл устида бўлар-бўлмас гапларни саржиндай тахлаб ташласалар, бизнинг бир нима дейишимиш қийин бўлиб қолади. «Қизингни келин қилмайман», десалар биз нима деймиз, «йўқ, келин қиласиз», деймизми?

Умидада (*юраги орзиқиб*). Шунаقا дермикинлар?

Қаримжон. Жуда ҳам унақа демайдилар...

Шакар. Ким билади. Эҳтиёт шарт: аввал ўзларинг боринглар. ЗАГС қилганларингни айтмасдан туриб аста-секин гапнинг учини чиқаринглар. Аянгиз йиғлагулари келса йиғласинлар, шовқин солгилари келса шовқин солсинлар, ҳар қанча ҳунарлари бўлса кўрсатиб ҳордиқлари чиқсин. Ҳордиқ чиққанидан кейин, албатта, жаҳл устида айтган гапларига пушаймон бўладилар.

Умидада. Пушаймон бўладиган гапларни ҳам гапирамикинлар?

Қаримжон. Гапирамайдилар...

Шакар. Айтганлари, пушаймон бўлганлари яхши! Ана ундан кейин биз кириб борамизу гапни совиган жойидан бошлаймиз! Нима дедиларинг?

Қаримжон. Яхши маслаҳат!

Умидада. Хўп, аяжон, нима десангиз шу!

Шакар. Майли, сизлар такси олиб қишлоққа бораверинглар. Мен базадан китоб олмоқчиман. Биз данг икковимиз бир-икки соатда етиб борамиз! (*Ўйлаб*) Лекин, Қаримжон, тўйсиз-несиз Умиданинг кириб бориши қандоқ бўлар экан?

Умидада. Аяжон, бунаقا андишаларни қўя туринг!

Шакар. Майли! Лекин, Қаримжон, аянгиз авж қилгудай бўлсалар гапни кўпайтирган, яхши гап билан босишга ҳаракат қилинг! Қирпитиконни туртсангиз тиканини ҳурпайтириб олади-ю, кейин қўл тегизиб бўлмайди. Аянгизнинг отлари нима?

Қаримжон. Бўстонбуви! Эрматова Бўстон!

Шакар. Отлари яхши экан!

Қаримжон (*суюниб*). Мен чамадонимни олай! (Умиданинг чамадонини олиб чиқади.)

Жимлик.

Шакар. Ишни хом қилибсизлар, қизим. Қаримжон хат билан аясини эритса бўлар эди. Охири баҳайр бўлсин, онаси ёмон хотинга ўхшайди: шу замонда сочга қараб келин қиладиган одам қолдими!

Умидада. Бу гапингиз тўғри, аяжон, лекин онанинг ёмони бўладими? А, ёмони бўладими? Ёмон бўлиб ўғлини ўғри қилмабди, каллакесар қилмабди-ку! Ниҳояти, эскича экан, Қаримжонни ўзича баҳтиёр қилмоқчи!

Шакар. Мен ёмон деяётганим йўқ, эскилиқка тортиб қўлингни кўсов, сочингни супурги қилмаса деб қўрқаман! Шундай қиладиган бўлса чидолмайман! Битта пиёла ювдирса чиқариб оламан!

Умидада. Ана холос, бу ёфи қандоқ бўлди? Қайнанам «соч» десалар, сиз «пиёла» десангиз!..

Қаримжон (*киради*). Чамадонларни таксига жойладим... Дадам келмадилар-ку!

Шакар (*ташқарига қарайди*). Ху ана, бизни қидириб юрибдилар. (*Ташқарига*.) Ҳой, дадаси, биз бу ёқдамиз!

Ҳамма уни қаршилагани отланади,

Ашуралиев (*бир талай қоғоз кўтариб киради*). Салом ва табриклар! Табрик ва саломлар!

Қаримжон. Салом, дадажон!

Ашуралиев (*бир чеккада ғоз туриб ҳаяжон билан ўқийди*). Салом ва табриклар! Табрик ва салом-

лар! Олий маълумотга эга бўлиб, докторлик лавозимида фидокорона халқ хизматига шайланганларинг билан табриклайман ва ишонаманки ишлаб чиқаришда юқори кўрсаткичларга эришиб, меҳнатда ўрнак кўрсатасизлар... деб!

Каримжон. Раҳмат, дада, раҳмат!

Ашуралиев. Ва шу билан биргаликда ўз инсоний бурчларингдан илҳомланиб, оилавий мажбурият олганларинг билан ҳам табриклайман ва аминманки, оилавий бурчларингни бажаришда ўз имкониятларингни ҳисоблаб чиқиб, қатор қўшимча мажбуриятлар оласизлар ва бу мажбуриятларни ҳам шараф билан бажарасизлар деб!

Каримжон. Раҳмат!

Шакар. Бўпти, кетдик!

Каримжон (*қоғоз бериб*). Бизнинг адресимиз.

Шакар (*эрига*). Биз кейин борамиз... (*Кулиб*)

Қизим, рўмолингни елкангга ташлаб ол, сочинг кўришиб турсин!

Каримжон билан Умидга чиқади, Машина жўнайди,

Ашуралиев (*ҳайрон*). Уртоқ Ашуралиева (*бармоғи билан имлаб*), мумкинми...

Шакар. Лаббай!

Ашуралиев. Булар қаёққа кетди?

Шакар. Каримжоннинг қишлоғига. Бир-икки соатдан кейин биз ҳам борамиз. Мен сизга тушунтириб бераман...

Ашуралиев (*қоғозларни жаҳл билан қўйнига тикиб*). Мен сизга эрми ё қора ерми?

Шакар. Вой, дадаси...

Ашуралиев. Мен дадасими? Дадаси бўлсан нега мени ҳадеб четга сураверасиз?

Шакар. Нима қилдим четга суриб?

Ашуралиев. Умидга Каримжонни яхши кўрибди, майли, мен бунга бир нима демайман, ҳамманинг бошида бор нарса, лекин буни ўз вақтида менга маълум қилганингиз йўқ! Иккви ЗАГС қилибди, майли, мен бунга ҳам бир нима демайман, чунки (*файлусуфона*) муҳаббат дардининг бирдан-бир давоси ЗАГС! Энди бу нимаси: нима учун куёвим, жигарбандим, уйимга бош тиқмасдан эшигимни босиб қишлоғига ўтиб кетар экан?

Шакар. Шу дардингиз бор экан, қоғозга қараб қироат қилмасдан икки оғиз гапирсангиз бўлмасмиди!

Ашуралиев. Гапиранэр эдим! Учрашишнинг расмий қисми тамом бўлар-бўлмас жўнатиб юбордингиз ку!

Шакар. Гапираман десангиз ҳали гап кўп, жонкошки эди гапирсангиз!

Ашуралиев. Гапираман!

Шакар. Юринг бўлмаса! (*Қўлидан тортади*.)

Ашуралиев. Бўпти! (*Қоғозлари қўйнидан тушиб, сочилиб кетади. Қоғозларни термоқчи бўлади*.)

Шакар. Кераги йўқ, олманг! (*Қўлидан тортади*.)

Ашуралиев. Шошманг, ёнимда биқинимга тегиб турсин! (*Қоғозларига интилади*.)

## ИККИНЧИ ҚУРИНИШ

Кўча. Каримжоннинг эшиги. Каримжон билан Умидга кирганда Бўстон шовқин солиб Жамол отани ҳолидан суринчиқади. Каримжон билан Умидга тўхтайди. Каримжон чамадонларни ўт ичига беркитиб Умидани четга тортади.

Бўстон. Сен билган қонунни мен ҳам биламан! Ҳаққинг йўқ! Йўқ ҳаққинг!

Жамол. Ҳой, Бўстонбуви, сенга нима бўлди, мен сен билан ҳақ талашаётганим йўқ!

Бўстон. Дод-бедод! Войдод, ҳукуматга арзим бор! Ҳукуматгинага арзим бор! Сен шошмай тур, мен сен билан ижроқўмда гаплашаман! (*Югурib ҳовлига кириб кетади*.)

Умидга. Бу қанақа хотин?

Каримжон (*ҳайрон*). Аям!. Аям!..

Умидга. Нима гап ўзи?

Каримжон. Ҳозир маълум бўлади...

Бўстон (*медаль тақиб киради*). Ҳозир мен сени ижроқўмга олиб бормасам!.. (*Ташқарига*) Тўтинисо! Ҳой қуда!

Умидга. Вой, аянгиз «қуда» деяптиларми?

Каримжон. Йўғ-э! Қанақа қуда...

Бўстон. Қуда дейман!

Умидга. Вой, ана!

Каримжон. Шошмай туринг-чи!..

Бўстон. Қуда!

Тўтинисо (*ҳовлисидан чиқади*). Ҳа, ҳа! Еқасига туфлайди! Нима гап ўзи, Бўстонбуви?

Бўстон. Менинг ҳовлимга беланчак осар эмиш!..

Ховлимни ясли қилар эмиш! Хайрихон қани, мени бе-  
тұхтов ижроқұмға олиб борсин!

Тұтинисо. Хайри ишда-ку! (Чиқади.)

Умид а. Хайрихони ким?

Карим жон. Шу хотиннинг қизи... қүшни...

Умид а. Шунақами! (Бурилиб жүнаб қолади.)

Карим жон. Шошманг, гапга қулоқ солинг! (Кетидан югурлади.)

Жамол. Менга қара, ҳамма қарорлар чиққан,  
құллар қүйилгән бўлса... Нима қиласан ижроқұмни?  
(Тұтинисога қараб.) Барибир бузиладиган ҳовли, сал-  
қинга тұртта беланчак осайлік десам, кўрмайсизми,  
«ота гўри» қилиб ўтирибди! (Бўстонга.) Ишнинг дол-  
зарб вақти, колхозда ишламаганингга яраша болаларга  
қараб турсанг бўлмайдими, имонсиз!

Бўстон. Нима, колхозда ишлаганимда ёлчитган-  
мидинг? (Упкаси тўлиб.) Сен ўлгур ўшанда мен орден  
ўрнига медаль ёзмасанг, орденлик бўлар эдим!

Жамол. Ушанда аччиқ қилиб колхоздан кетиб  
қолмаганингда орден олар эдинг! Ҳозир сенга медаль  
ҳам ҳайф! Бўлди, мен сен билан гаплашмайман, ҳаде-  
май Каримжон келиб қолади! (Кетади.)

Бўстон (кетидан). Ҳовли менинг номимда-ю, Ка-  
римжонни нега ўртага соласан! (Ховлига кираади.)

Собиржон (кўчадан). Бўстонбуви Эрматова! Эрматова!

Бўстон (төвуш). Эрматова йўқ! Кўчиб кетган!  
Эрматова ўлган!

Собиржон. Ўлган? Худо раҳмат қилсин! (Фоти-  
ха ўқийди.) Сал сабр қилганларида пенсияларини олиб  
кетар эдилар! (Кираади.)

Бўстон. Сенмидинг... Вой гиргиттон!

Собиржон (қўрқиб кетади). Қўл қўйинг!

Бўстон. Жоним билан!

Собиржон. Хат ҳам бор.

Бўстон пенсияни олиб липпасига қистиради, хатни очиб ўқиыйди.  
Собиржон чиқади.

Бўстон. Вой, бугун нечанчи? Шанба — уч, як-  
шанба — тўрт, душанба... Вой, бугун олтинчи-ку! Қуда,  
ҳой қуда, Каримжон келяпти! Ҳозир келиб қолади!

Тұтинисо (киради). Вой, ростданми..

Бўстон. Шу хатни уч-тўрт кун олдинроқ юбор-  
майсанми, жон болам! Ҳозирги ўшларнинг иши ҳамиша

шунақа, учма-уч! Энди нима қиламиз? Ҳовлини йиғиши-  
тирайлик!

Иккови ҳовлига чиқади.

Умид а (ўтнинг ичидан чамадонини олиб, жўнаб  
қолади). Ҳайр! Алвидо!..

Карим жон. Шошманг!.. (Ушлайди.) Нима гап  
ўзи?

Умид а. Нима гаплигини Ҳайрихонингиздан сўранг!

Карим жон. Умидахон, сизга нима бўлди, нега  
менинг Ҳайрихоним бўлди, қўшнининг қизи-я!

Умид а. Сизларнинг қишлоқларингда қўшнини қуда  
дейишадими? (Куйиниб йиғлайди.) Аянгизга маълум  
қилмаганингизнинг важи бор экан-да! Мени бу ерга  
калака қилгани олиб келдингизми?

Карим жон. Ҳайрихон.. Йўқ, Умидахон, санамас-  
дан саккиз деманг... Ҳаёлимда йўқ гаплар! Сабр қи-  
линг! Бу гапнинг тагига етайлик, зигирдай рост жойи  
бўлса юзимга бир тарсаки урингу, кетаверинг! Жон  
Ҳайрихон.. Йў-йўқ, Умидахон!

Умид а. Ҳайрихонингиз билан қўша қаринг! (Кў-  
лидан чиқиб қочади.)

Карим жон (кетидан чопади). Умидахон! Умидахон!

Парда

Чироқ ўчиб ёнади.

Янги қурилаётган колхоз касалхонаси сиқувида сўнгги кунларини  
кечираётган ҳовли. Қўшниникига тешик қўйилиб, эски қоп тутилган,

Бўстон билан Тұтинисо ҳовли йиғиширияпти.

Бўстон. Худога минг қатла шукур, тортган азоб-  
ларим, Каримжоннинг меҳнатлари бекорга кетмади. Ма-  
на, ўғилгинам ўқишини битириб келяпти. Сизнинг ҳам  
пешанангиз ёруғ экан, қуда! Аммо-лекин бор бисотим  
кетиб, ўғлим қарздор-абгор бўлса ҳам тўйни катта қи-  
ламан! Душманим кўп!

Тұтинисо. Сизда душман нима қилади, қуда!  
Бўстон. Үндоқ деманг! Сизнинг ҳам душманингиз  
кўп! Үн бир маҳалладан одам айтаман!

Тұтинисо. Қишлоқда ўн битта маҳалла йўқ-ку,  
қуда!

Бўстон. Шунақами, қачонлар еттига эди, ҳали ҳам ўн битта бўлгани йўқми? Хўп, майли. Етти қоп гуруч дамлатаман!

Тўтиносо. Сал тушинг, қуда!

Бўстон. А? Етти қоп кўплик қиласмикин? Майли, беш қоп!

Тўтиносо. Уч қоп!

Бўстон. Майли, тўрт қоп бўла қолсин!. Бу Мукаррамахону, Ҳалимахону, Тамараҳону... ҳаммасини машинада олдирив келаман! Ҳаммасини чаккасига ўз қўлим билан пул қистираман!. (Бирдан.) Одам сифишмайди, қуда, деворни бузамиз!

Тўтиносо. Бузмасак бўлмайди, ҳозир ҳамма ҳам тўй қилганида деворини бузэтипти!

Бўстон (липпасидан пул олиб беради). Сиз гузарга чиқинг, ҳандалак, мева-чева олинг! Иўқ, гузарга ўзим чиқаман, сиз бориб Хайрихонни олиб келинг! Ишидан жавоб сўрасин!

Тўтиносо. Вой, қуда, қўя туринг, қиз нарса... ишдан келиб кўргани киради!

Бўстон. Бунақа эскича гапларни қўйинг! Ҳозирги замонда қиз билан йигит кўчаларда қўл ушлашиб юради, районга футбол кўргани боради! Ҳеч айби йўқ!

Тўтиносо. Шуни айтаман-да, қўл ушлашиб юран, лоақал хат ёзишган бўлса ҳам майли эди!

Бўстон. Ҳамма айб сизда! Менинг ўғлим-ку индамас, сиз Хайрига айтиб хат ёздирангиз бўлмасмиди!

Тўтиносо. Вой, Хайри нега хат ёзар экан, Каримжон ёзиши керак, булбулнинг ҳам эркаги сайрайди!

Бўстон. Каримжон сайрайдиган булбул эмас, шунинг учун ўзим сайраб юрибман-да! Хўп, майли, гузарга ўзим чиқа қолай. Сиз хамир қилинг, патир ёпамиз. Ун ошхонада. (Чиқади.)

Тўтиносо (ўзича). Бир ҳисобда Каримжон сайрамайдиган булбул чиққани ҳам яхши, сайрайдиган чиқиб ўша ёқлардан биронтасини етаклаб келса нима бўлар эди! (Чиқади.)

Қўча эшигига Каримжон билан Умидада пайдо бўлади.

Каримжон. Ахир қон қилдингиз-ку! Наинки мен сизни калака қилгани олиб келган бўлсан!

Умидада (бир оз тушиб). Нега бўлмаса «қуда» дейдилар?

Каримжон (толиқиб). Яна бошидан тушинг!

Умидада. Хайрихонинг қанақа қиз ўзи?

Каримжон (қатъий). Менга ҳеч ҳам тўғри келмайдиган қиз! Мен ҳам унга тўғри келмайман! Мана, кўрасиз...

Иккови ҳовлига киради,

Тўтиносо (киради). Иё-иё-иё... Каримжон, эсономон келдингизми...

Каримжон. Яхшимисиз, бардаммисиз... Хайрихон (Умидага кўз қирини ташлаб) синглим эсон-омон юрибдиларми...

Тўтиносо (бир тарзда бўлиб). Вой! Шукур... (Умидага шубҳа билан қарайди.) Келинг, яхшимисиз...

Умидада (ерга қараб). Үзларингиздан сўрасак...

Каримжон. Умидахон, сўрига чиқинг!

Умидада (секин). Ҳали эртароқ эмасмикин?

Каримжон. Мен самовар қўяй, кўмир ошхонададир.

Умидада. Менга бера қолинг!

Умидада самоварни кўтариб чиқади. Тўтиносо унинг кетидан ангарайиб қолади. Харид кўтариб Бўстон киради.

Каримжон. Ассалому алайкум, аяжон!

Бўстон (унинг бўйнига осилиб ўғлайди). Болагинам... бўйларингдан онанг ўргилсан. Үқишингни бутунлай битириб келдингми? Энди кетмайсанми?

Каримжон. Энди кетмайман, аяжон, битириб келдим! Доктор бўлиб келдим! Қишлоқдан ҳамма қасаликни ҳайдаб чиқарамиз!

Бўстон. Ҳайда, болам, битта ҳам қолмасин!. Тўтиносо, самовар қўйинг! Даствурхон ёзинг!..

Тўтиносо. Самовар қўллик бўлиб кетди. (Шумайиб даствурхон ёзади.)

Каримжон (медалга кўзи тушиб). Бизни қаршилагани медални ҳам тақиб олибсиз-ку!

Бўстон. Иўқ, Жамол ўлгур ҳовлимишни ясли қилеман деяпти, шунга жанжаллашгани ижроқумга бормоқчи эдим.

Каримжон (кулиб). Медални жанжаллашгани олган экансиз-да!. Бизнинг ҳовлини ясли қиласмишми?

Бўстон. Ҳа-да!

Каримжон. Қўймаймиз!

Бўстон. Ясли ҳам гапми, бутунлай бузаман дейдилар!

Каримжон. Бузса майли, бошқа уй берар ахир!  
Бўстон. Қераги йўқ! Бу ҳовлидан дадангнинг  
ўлиги чиққан!

Каримжон. Дадамнинг ўлиги Белоруссияда қол-  
ган эди-ку, ая!

Бўстон. Барибир! Қорахатни мана шу ерда ту-  
риб ўқиганман!

Умидада самовар кўтариб киради.

Бўстон. Ие, бу ким?

Каримжон (*шошиб*). Ҳозирча... меҳмон дейиш  
мумкин...

Тўтиносо (*Бўстонга*). Меҳмон бирорвнинг уйида  
самовар кўтариб юрадими, булбулингиз сайраганга ўх-  
шайди.

Бўстон. Худо ургани йўқдир!.. Келинг, меҳмон,  
қаёқдан келиб, қаёққа кетяпсиз?

Каримжон. Бу киши ҳам ўқишни битириб, док-  
тор бўлиб келдилар...

Бўстон. Қанақа доктор?

Умидада. Педиатор.

Бўстон. У нимаси тағин?

Умидада. Болалар доктори.

Бўстон. Ундаи бўлса аввал укаларингизни кў-  
ринг, ота-онангизнинг дуосини олинг!.. Ота-онангиз қа-  
ерда?

Умидада. Районда...

Бўстон. Районда бўлса бу ерда нима қилиб юриб-  
сиз?

Каримжон. Бу киши колхозга келганлар.

Бўстон (*шубҳаланиб*). Ота-онангиз нима иш қи-  
лишади?

Умидада. Дадам лектор, аям магазинда ишлайди-  
лар...

Бўстон (*Каримжонга кўз қирини ташлаб*). Қана-  
қа магазинда?

Умидада. Китоб магазинида...

Бўстон. Ҳимм... Тўтиносо, қуда, сиз савзи тўғранг!  
Мен қозон осай. Бечора меҳмоннинг ҳам ота-онаси ях-  
ши куёв топиб йўлига нигорон бўлиб ўтиргандир, ошни  
есину, кетсин!.. Каримжоннинг тўйига келинг, қизим.  
Тўйда хизмат қылгани сиздай бир қиз керак. Карим-  
жонга сухсурдай қиз топиб қўйганман, мана бу киши-  
нинг қизи, Хайрихон! Сочи тақимига тушади, ўзи ўқи-

ган доктордан ҳам зўр: аптекада ишлаб бир ўзи бутун  
қишлоққа дори беради!.. Қани, қуда, бўла қолинг!

Иккови чиқади,

Умидада (*йигламсираб*). Бу ҳам хаёлингизда йўқ  
гапларми?

Каримжон. Ҳозир дод дейман! Аямга бақира-  
ман!

Умидада. Қераги йўқ, аянгизнинг кўзига бешбаттар  
ёмон кўриниб қоламан...

Каримжон. Ундоқ бўлса... (*бир чора тариқасида*)  
биласизми, муздаккина сув одамнинг тафтини кўтарида,  
бир ювиниб чиқмайсизми?

Умидада (*йиглаб*). Яна нима қиласай?

Каримжон. Ростдан айттаётиман! Илтимос қи-  
ламан! Мана шундоқ киринг! Сочиқ ҳам ўша ерда!

Умидада (*хўрсаниб*). Турмушни муздаккина сувдан  
бошләтибмиз, охири баҳайр бўлсин! (*Чиқади*.)

Бўстон (*капгирда гўшт олиб киради*). Болам, ма-  
на шуни чайнаб тургин, шўрттаккина! (*Суюниб*.) Меҳ-  
мон кетдими?

Каримжон. Йўқ, ювинашти...

Бўстон. Ие, нега ювинади, фалокатини бирорвнинг  
уйига ташлаб кетадими?

Каримжон. Фалокати йўқ, шарофатли қиз!

Бўстон. Шунақами... Фалокати ҳам бошини есин,  
шарофати ҳам! Шарофатли қиз бир йигитнинг кетидан  
эрғашиб юрадими! Бундан ташқари, оладиган одамнинг  
шўри; туғмас хотин чиқади, афтидан, шундоққина кў-  
риниб турибди!

Каримжон. Аяжон, бирорвнинг боласи тўғрисида  
шунақа гапларни айтгани қандоқ тилингиз боради? Шу  
ҳам сиздай бир меҳрибон онанинг фарзанди-ку! Бирор  
менинг тўғримда шунақа гапларни айтса, сиз нима дер  
эдингиз!

Бўстон. Бунга ўзинг жавоб қиласан! Жавоб қи-  
лолмайсанми?.. Мен бир нима деяётганим йўқ, ниҳояти,  
«бирорвнинг уйида ювинашин», дедим. Шуни ҳам айт-  
ганим йўқ!.. (*Бирдан*.) Ҳой, менга қара, бу қизни мунча  
ялаб қолдинг? Ораларингда бир гап борми?

Каримжон (*ботинолмай*). Бўлса-чи?

Бўстон. Бўлса у дунё, бу дунё рози эмасман!  
(*Йиглайди*.) Мен сенга оқ сут берганман... Шунақа  
экан-да, доктор бўлгандан кейин она керак эмас, она  
розилиги бир пул экан-да!

Каримжон. Хўп, бунга рози бўлмасангиз бошқаси...

Бўстон. Менга бошқаси ҳам керак эмас! Менга Хайрихон керак!

Каримжон. Ая, бунақа гап йўқ эди-ку!

Бўстон. Нега бўлмас экан, Тўтиносо икковимиз ойма-ойига беш ойдан бери гаплашиб юрибмиз! Хайрини яқинда кўндиридик! Йиғлай бериб онасининг эси кетди! Мен ҳам йиғладим! Ит азобида кўндиридик!

Каримжон. Хайрихон менга «тегаман» дедими?

Бўстон. Қиз нарса «тегаман» дедими, «бир гап бўлар» деди. Кўнгли сенда!

Каримжон. Хўп, Хайрининг кўнглини билибсиз, менинг кўнглимни қачон биласиз?

Бўстон (дўқ қилиб). Нима, Хайрига кўнглинг йўқми? Шундоқ қизга-я? (Энтика-энтика.) Ҳусн десанг, тортиб қўйган суратдай! Соч десанг, тақимига тушади! Сочмисан соч! Пазандамисан пазанда! Меҳмон кутишда онасини йўлда қолдиради! Бутун қишлоқقا битта ўзи дори берса ҳам кеккаймайди, каттани катта, кичикни кичик ўрнида кўради! Маҳаллада тўй-маърака бўлса ҳамиша хизматда! (Йиғламисираб). Умрим меҳнатда ўтган, қариган чогимда шундай келин хизматимни қилмаса дунёга келдим нима бўлди-ю, келмадим нима бўлди...

Каримжон. Аяжон, Умидахон ҳам хизматингизни қилади-да, нега қилмас экан?

Бўстон (ваҳима ичида). А?

Каримжон. Иўқ, шунақа қизлар ҳам қайнананинг хизматини қилади, демоқчиман!

Бўстон. Бунинг доктор бўлиб, болаларнинг қорнига қулоқ соладими, менинг хизматимни қиладими!

Каримжон. Хайрихон ҳам ишлайди, ишлаб бутун қишлоқقا дёри беради деяпсиз-ку!

Бўстон. Хайрини келин қилсам, уч кунга қолмай ишидан чиқариб оламан!

Каримжон. Ишидан чиқариб оласиз, уйда ўтириб битта ўзингизга дори берадими? Шуни ўзи биладими?

Бўстон. Мен подадан олдин чанг чиқармайман!

Иккови чиқади.

Бўстон. Вой, меҳмон, уйларингда сув йўқмиди?

Умидада. Бор, аяжон, бор! (Янглишганини билиб.) Вой... Кечирасиз...

Бўстон. Ие, ҳеч нарсадан ҳеч нарса йўқ, мени «аяжон» дегани уялмайсизми? (Каримжонга.) Ая деяпти-ку!

Каримжон. Кечирим сўради-ку.

Тўтиносо (киради). Қуда, ошни суза қолинг!

Бўстон. Дарров сўзинг! Шошманг, Хайрихон келсин! Йўқ, майли, унга олиб қўямиз. Узим сузаман, Меҳмон йўлдан қолмасин. Сиз чой дамланг!

Иккови чиқади.

Каримжон. Умидахон, пақиллаб кетаман!

Умидада (раҳми келиб). Каримжон ака, сиз ҳам ювениб чиқа қолинг, сув муздак экан!

Каримжон (ўзича). Муздаккина сув ҳали кўп керак бўладиганга ўҳшайди-ку. (Чиқади.)

Бўстон ош, Тўтиносо чой кўтариб киради,

Бўстон. Қани, меҳмон, ўтира қолинг! Бизга қарамай катта-катта олинг! Тўтиносо, қуда, чой қуйиб беринг, иккита пиёлага қуийиб беринг!.. Каримжон қани?

Умидада. Ювинастыбдилар...

Бўстон. Ие, буларга нима бўлди!..

Хайри (тешикдан). Аям бормилар...

Бўстон. Ие, қўзичорим, кел, кела қол!

Хайри (киради. Умидага). Салом!

Умидада (дўйниллаб). Салом...

Бўстон. Ўтирангиз-чи, меҳмон!

Каримжон артиниб чиқади.

Хайри. Вой, Каримжон ака, салом!

Каримжон. Салом, Хайрихон! Салом, синглим!

Хайри. Үқишилар битдими? Табриклайман!

Каримжон. Раҳмат... Умидахон ҳам битирдилар, бу киши ҳам доктор...

Хайри (тушунади. Самимий). Табриклайман. (Қучоқлашиб кўришади.) Мунча яхши... Мен ҳам шуни орзу қиламан...

Бўстон. Қани, сўрига чиқа қолинглар, ош совиб қўлади. Хайри, сен қўлга сув ол! Аввал қайнанангдан бошла!

Хайри обдастани олади. Умидада билан Каримжонга кўз қисади. Икковининг ҳам чехраси очилади, бир-бирига қарайди. Бўстон сўрига чиқиб қўлни тутади.

**Жамол** (*киради*). Ассалому алайкум!

**Каримжон.** Э, Жамол ота!..

Иккови қучоқлашиб кўришади.

**Жамол** (*Умидага бошдан-оёқ разм солиб*). Келинг, қизим... Баракалла... Ҳим... дуруст, дуруст! **Каримжонни биламан**, сиз нима ҳунарли бўлиб келдингиз?

**Каримжон.** Бу киши ҳам доктор! Болалар доктори!

**Жамол** (*Каримжонга*). Ҳу, қишида айтганинг шу қизми?

**Каримжон.** Ҳа-да!.. Йўлланмани идорага элтиб берайми?

**Жамол.** Овора бўлма, ўзимга бера қол... Ӯҳ-ӯҳ-ӯҳ! Бир олманинг икки палласи экансизлар! Мана, касалхона ҳам битай деб қолди.

**Каримжон.** Шунақами!.. Қани, сўрига чиқинг...

Бўстон Хайрига имо билан «Каримжоннинг қўлига сув қўй» дейди.

**Хайри.** Каримжон ака, қўлингизни юvasизми?..

**Каримжон** (*таъкидлаб*). Майли, лекин менга қошиқ берасиз, синглим!

**Бўстон** (*таъкидлаб*). Сиз ҳам қошиқда ейсизми, қуда?

**Жамол** (*тушунмасдан*). Мунча шовқин соласан, қошиғинг камроқми?..

Ҳамма ошга майл қилади. Жимлик.

**Каримжон.** Жамол ота, бизнинг ҳовлига «беланчак осаман» дебсиз... (*Бўстон жонланади*.)

**Жамол.** Э... бу хотинлар жуда шошириб юборди! Ҳар бир толнинг тагида тўртта беланчак! Тол етишмайди! Мана шу салқинга ҳам тўрттагина беланчак осайлик десам, аянг дарров медалини пеш қилди!

**Бўстон.** Ажаб қилдим! Мана, ўзи сўраб қолди-ку!

**Умидат.** Ясли солгандаринг йўқми?

**Жамол.** Мана шу касалхона битса уч-тўртта уйни яслига бераман!

**Умидат.** Ясли касалхонада бўладими?

**Жамол.** Касалхонада бўлгани яхши, қизим, харажат камаяди: касалларга қарайдиган сестралар болаларга ҳам қараб туради.

**Умидат.** Харажатни ўйлабсизу, у ёғини ўйламабиз-да: соғ боласини касаллар орасига қўйгани қайси бир ота-она кўнади-ю, бунга қайси бир доктор рози бўлади? Бу гапни оғзингиздан чиқара кўрманг, газетада дўмбира қилишади-я! (*Кулади*.)

**Жамол** (*ўйлаб*). Тўғри, бу ёғини ўйламабман! Бир кесак билан иккита қарғани ураман дебман!

**Бўстон** (*Умидага*). Қошиқ ўлгурни қўйиб, каттакатта олсанг-чи! (*Тескари қараб*.) Қиқилламай ўл!..

Бу гапни ҳамма эшигиб қолади. Умидат ўрнидан туриб кетади.

**Хайри** (*қошиқни қўяди*, бир *Каримжонга*, бир *Умидага қарайди*). Умидахон, ўртоқларим келадиган эди... Бизникига чиқинг, яхши пластинкаларим бор! (*Бўстонга*.) Холажон, ўзингизнинг ҳам фарзандингиз бор, бирорвнинг боласига ўлим тиламанг! (*Чиқади*.)

Ўнгайсиз жимлик.

**Жамол.** Э, сен қанақа ўйин бузуқисан! (*Умидани кўрсатиб Каримжонга*.) Келинми ахир?

Каримжон бош иргитади.

Одам келинига ҳам ўлим тилайдими! (*Ақлига сифдиролмай*.) Яна доктор-а! Доктор нима эканини биласанми ўзинг? Ҳайф сенга!.. Садқай доктор кетгин!

**Бўстон.** Мен бир нима дедимми? Ниҳояти, «ката-катта олинг» дебман!

**Каримжон.** Майли, майли, аяжон, ёшларга шунақа адаб-одоб ўргатиб турганингиз яхши...

**Жамол.** Ҳўп, менга оллоҳу акбар... Районга борадиган эдим. Яна гаплашамиз. (*Умидага*.) Қани, юр, қизим, мен сени бир айлантириб келай!

**Каримжон** икковини кузатиб қайтади. Тўтинисо ошхонага томон чиқади.

Кўчада автомобиль тўхтайди.

**Каримжон.** Умидахоннинг аяси келди.

**Бўстон.** Аяси келадиганмиди?

**Каримжон.** Умидахонни олиб кетгани келадиган эди...

**Каримжон** чиқиб Шакарни бошлаб киради.

Шакар. Бўрон босилдими?  
Каримжон. Босилаётиди.  
Шакар. Хайрият!  
Каримжон. Дадам қанилар?  
Шакар. Колхознинг идорасига кирдилар, ҳозир келадилар.

Бўстон ноилож сўридан тушади.

Шакар. Ассалому алайкум! Эсонмисиз, омонмисиз, Бўстонбуви..

Бўстон. Келинг... (*Каримжонга кўз қирини ташлаб.*) Вой, менинг отимни қаёқдан биласиз?

Шакар. О, айланай, медаллик Бўстонбуви Норматовани ким билмайди!

Бўстон. Норматова эмас, Эрматова...

Шакар. Барибир, отингиз, медалингиз ҳисоб!

Бўстон (*эриб*). Сизнинг отингиз нима?

Шакар. Шакарбуви Ашуралиева! Чолимнинг фамилиясидаман!

Бўстон. Онангиз яхши от қўйган эқанлар... Қани, ошга қаранг! Биз янгитта еган эдик, ҳали унча сошимагандир.

Шакар. Ростини айтсам, қорним оч, бултурги ош бўлса ҳам ейман!

Бўстон. Очиққина хотин экансиз...

Шакар. О, медалингиздан ўргилай, Бўстонбуви, хурсандчилиқдан яхши нарса борми! Фурбатнинг юзи қурсин! Узингиз ҳам хафа бўлманг, бирорни ҳам хафа қилманг!

Бўстон. Мен ҳеч кимни хафа қилмайман, ҳамма мени хафа қиласан.

Шакар. Ундоқ эмасдир! «Латта ҳиди қелса аввал ўзингдан хабар ол», деган гап бор. Асти хафа бўлманг!.. Каримжон келиб суюниб қолгандирсиз?

Бўстон. О, суюмайманми... Сизнинг ҳам қизингиз битириб келибди, куёв-пуёв топиб қўйгандирсиз?

Шакар. О, Бўстонбуви, ўзингиз ўқиган, оқ-қорани таниган хотинсиз, китобларни кўриб турибсиз-ку: ишқ, муҳаббат!.. Ҳозирги ёшлар тенгини ўзи топгани яхши!

Бўстон. Вой, «тенгини ўзи топгани яхши», деб қизингизнинг нўхтасини устига ташлаб қўясизми?

Шакар. Нўхталайман десам, суйганига теголмай умри фурбатда ўтади-да!

Каримжон. Фурбатига сизни ҳам шерик қиласан!

Бўстон (*Каримжонга ўқрайиб*). Майли, сиз қизингизнинг нўхтасини устига ташлаган бўлсангиз ихтиёрингиз, лекин мен ўғлимнинг нўхтасини устига ташлаб қўймайман! Ота-она боласига ҳеч қачон ёмонликни раво кўрмайди!

Шакар. Тўғри, раво кўрмайди, бурун замонда ўн тўрт яшар қизини етмиш яшар чолларнинг қўйнига солиб қўйган ота-оналар ҳам ёмонликни раво кўрган эмас, лекин дўст бўлиб туриб душманнинг ишини қилган-да!

Бўстон (*тушунтириб*). Унақа ишлар бурун замонда бўлган!

Каримжон. Жуда унчалик бўлмаса ҳам ундан берироқ ишларни қилаётган ота-оналар ҳозир ҳам йўқми? Ҳозир ҳам бор! Лекин ҳозирги ёшлар унамайди: бири дангал «йўқ!» деса, бири қарияларни авайлаб, ётиги билан тушунтиришга ҳаракат қиласади!

Бўстон (*чўрт кесиб*). Менга тушунтиришнинг ҳожати йўқ, ўзим тушунганиман! Мен сени не машаққатда боққанман, ўстирганиман, энди таъбимдаги қизни олиб бермасам кўзим очиқ кетади!

Каримжон. Аяжон, хотин билан сиз умр қиласизми, мен умр қиласанми?

Бўстон. Мен олиб бераман, сен умр қиласан!

Шакар (*Каримжонга*). Үхў...

Каримжон (*тоқати тоқ бўлиб*). Аяжон, тўғри, сиз мени боққансиз, ўстиргансиз.. Мен сизни бошимга кўтараман, бор-йўғимни оёғингизга тўкаман! Икки кўзим, бутун вужудим сизники, лекин кўнглимни ўзимга қўйиб беринг! Жон аяжон!

Бўстон. Кўнглим деганларни кўриб туриман: аввалига кўнгил, юрак, «онам дерман», кейинига келиб қайнананинг боши фурбатда, ўзи хизматда!.. Кошки шугина бўлса! Йиги-сиги, мажлис, суд!.. Ўртада бола шўрлик сарсон!..

Шакар. Бўстонбуви, қишлоқда сиз биладиган шунақа оила бўлса битта бордир-да!

Бўстон. Нега битта бўлар экан, булар қўшилса иккита бўлади!

Каримжон (*ўзича*). Бирники мингга, мингники туманга!

Иифидан қовоқлари шишиб кетган Тўтинисо ошхонадан чиқиб уйига томон ўтиб боради.

Бўстон. Ҳой, Тўтинисо, шошманг, гапим бор!

Иккови чиқади.

Шакар. Вой-бўй! Мен аянгизни мунчалик деб ўй-  
ламаган эдим! (*Туради*.) Менинг юрагим торлик қила-  
ди! Дадаси гаплашсин, юраги кенг... Ҳозир келиб қола-  
ди. Айтиб келаман. (*Чиқади*.)

Каримжон (*ўзича*). Бу қандоқ бедодлик! Аям  
иззатларини билмаяптилар!

Чехраси очилган Умидга киради.

Хўш, Умидахон, колхозни кўрдингизми?..

Умидга. Кўрдим! (*Оёқ остида турган чамадонни  
олади*.)

Каримжон (*мунгайиб*). Кетасизми?

Умидга. Энди кетмайман! Аянгиз билан қўшили-  
шиб ҳайдасангиз ҳам кетмайман!

Бўстон (*киради*). Ҳой, бу қиз иззати борида кета-  
дими, йўқми?

Каримжон (*тажсанг*). Э, қаёққа кетади, ҳозир  
дадаси келади!

Бўстон. А!. Ҳали бошимга дадаси ҳам борми!  
(*Қатъий*.) Ҳўп, келсин! Қизининг бутун қилмишларини  
юзига соламан! Ҳозир келсин!

Каримжон (*юмишоқ*). Ая, мени шу одамнинг ол-  
диди ҳам хижолатга қўясизми?

Бўстон. Сен мени номусларга ўлдирсанг майли-  
ми!.. (*Бирдан*.) Шуни оласанми? Майли, ола қол, лекин  
билиб қўй: хотининг маймундай ўйнатаман! Шундоқ  
қиласанки, мана шу ҳовлида оёқ босгани жой топол-  
май қўрақадай сакраб юради!

Каримжон. Доктор келинни-я?

Бўстон. Битта рўзгорга битта доктор бас! Бол-  
танг иккита бўлса биттасининг ҳузурини қўшни кўради!

Каримжон. Жамол ота нима дедилар?

Бўстон. Жамол отангни ҳам сакратаман!

Каримжон. Бўпти, мен ҳам сакрайман! Ҳамма-  
миз қўшилишиб сакраймиз! Сиз чапак чаласиз!..

Шакар билан Ашуралиев киради.

Ашуралиев. Уртоқ Ашуралиева, мен сизга так-  
рор айтаман: муҳаббат тўғрисида биронта ҳам лекия  
ўқиган эмасман! Бунақа тезисим йўқ! Умуман оила  
масаласида гапиргин десангиз, марҳамат, бу тўғрида

саккиз соат сув ичмасдан гапиришим мумкин. (*Кўйнига  
қўл туқиб*.) Тезисим етарли!

Каримжон. Қелинг, дада! Марҳамат...

Ашуралиев (*Бўстонга*). Салом ва табриклар!

Бўстон. Ҳой, менга қаранг, қизингизни келин  
қиласан! Кўясизми, йўқми? Бировнинг ўғлига зўр-  
ликими?

Ашуралиев. Ие!.. (*Қоғозларини улоқтириб таш-  
лайди*.) Иккови ЗАГС қилиб қўйибди-ю, энди айтасиз-  
ми?

Бўстон. А!.. (*Кўнгли озиб, ҳушидан кетади*.)

Ҳамма шошиб қолади. Каримжон уни елпийди.

(*Ўзига келиб*.) Ҳали шунақами!..

Каримжон. Шунақа бўлган эди...

Бўстон. Нега менга айтмадинг?

Каримжон. Аяжон, сиз айтгани қўйсангиз  
экан!..

Ашуралиев (*қоғозларини олмоқчи бўлади-ю,  
олмайди*). Булар бир-бирини яхши кўриди, бири Фар-  
ҳод, бири Ширин, нима қиласиз орада Ёсуман бўлиб!  
Мамлакатнинг медаллик аёлларидан экансиз!..

Шакар. Хато қилдилар! Хато ҳаммадан ҳам ўта-  
ди, орденлик одамлар хато қиласи-ю!..

Бўстон. Йўқ, ЗАГС ҳисоб эмас, тўй ҳисоб!

Ашуралиев. Ҳўп деяпмиз-ку!

Бўстон. Керак эмас, олиб кетинг қизингизни!

Каримжон. Ая!!

Ашуралиев (*жон-пони чиқиб*). Ие!..

Шакар (*энтикиб*). Вой! Вой! Бу қандоқ гап! Ме-  
нинг қизим кўчада қолибдими! (*Умидага, ўпкаси тў-  
либ*.) Бундақа гапни эшитганимдан кўра ўлганим яхши  
эмасми!

Бўстон. Олиб кетинг дейман, ҳозир дод солиб  
қишлоқни бошимга йиғаман!

Шакар (*Умидага*). Сени ўстириб кўрган куним  
шу бўлдими! Юр бу ёқقا!

Умидга нима қилишини билмайди.

Ашуралиев. Юр!

Каримжон. Дада! Ая!..

Иккови Умидани диканглатиб эшикка томон олиб кетади.

Каримжон. Ая, қандоқ багртошисиз, Умидахонга қўшиб неварангизни ҳам ҳайдаяпсиз-а! Қорнида боласи бор!

Бўстон. А! Қайтар! Қайтар! Ҳов, Шакарбуви, шошилманг, қизингиз боласини туғиб кетсин!

### Парда

#### ИККИНЧИ ПАРДА

##### УЧИНЧИ КУРИНИШ

Ўша декорация, лекин уйнинг бир чеккаси бузилган. Қаердадир мотор гуриллади.

Бўстон буви ясанган, кўкрагида медаль, сўрида етти қават кўрпача устида ўтирибди: зериккан бўлса керак, ётади, туради, ёнбошлайди, яна туради; ойнага қараб лунжидаги ажинларни ёзишга уринади, сўридан тушиб, оёқ остида ётган бекорчи қозозларни олиб ташламоқчи бўлади-ю, лекин яна жойига қўяди; ёнгоқ чақиб ейди, унинг пўчоқларини жўрттага ҳар томонга ташлайди, яна сўрига чиқиб ўтиради. Ишдан чарчаб келган Каримжон киради.

Каримжон. Салом, ая! Қачон кўчамиз, бинокорларнинг оёғи остида ўралашиб қолдик-ку...

Бўстон. Мен ҳеч қаёққа кўчмайман, устимдан трактор юрғизвон! Дадангнинг ўлиги чиқсан ҳовлидан кўчиб қаёққа бораман? Қорахатни мана шу ерда туриб ўқиганман!

Каримжон. Қаерда?

Бўстон. Худди мана шу ерда! Йўқ, ана у ерда!

Каримжон (*ўша ерни белгилайди*). Хўп... Чарчамасдан ўтирибсизми?

Бўстон (*айғламсираб*). Бутун рўзгор ташвиши менинг бошимда! Ана унинг қачон ишдан келади-ю, қачон ҳовлини супуради! Хотин бор ҳовлига ўхшамайди бу қуриб кетгур! Қўни-қўшнидан номусларга ўлади киши! Ишдан бирпас эртароқ келса нима қиласи! Болалар касал бўлмай юриб-юриб шунинг доктор бўлишига қараб турган экан-да!

Каримжон. Аяжон, ўзингиз ҳам ишлаб кўргансиз-ку, ўзингиз эрта қелармидиңгиз?

Бўстон. Мен ишлаган бўлсам сени боқаман деб ишлаганман, бу кимни боқади, сени боқадими? Шунча ўқиб ўзингни ўзинг эплодмайсанми? Мени боқмай қўя кол, пенсиям етади!

Каримжон ҳовлини супурмоқчи бўлиб қўлига супурги олади,

Бўстон. Эркак бошинг билан қўлингга супурги ушлама, хосияти йўқ!

Каримжон. Э, ётоқда супурги нима экан, қозонтовоқ қилганман!

Бўстон. Ал.. Ҳозирги мактаблар хотиннинг ҳузури жони экан-да! Бу ёққа ўтир! Ойлик олдингми?

Каримжон. Олдим.

Бўстон. Бу ёққа бер! (*Кармонни олиб ёстигининг тагига қўяди*.) Ҳали келин бўлмай туриб чўнтағингга қўл солади!

Каримжон. Ая нега унақа дейсиз, келин бўлиб хизматингизни қилиб юрибди-ку. Етти қават кўрпачада ўтирибсиз... Тўғри, эрталаб саломга чиқмаяпти. Умидахон жуда эрта туради, сиз кеч турасиз, кириб салом билан уйғотай деса, истиҳола қиласи; сиз тургунча эшикнинг тагида ўтирай деса, ишга кеч қолади...

Бўстон. Энди, шунақа қилиб бўйнимга қўймоқчимисан? Саломи ҳам керак эмас, ўзи ҳам керак эмас! Тұғсина кетсин! Тұғсина кетсин!.. Менга маҳси олиб бер!

Каримжон. Маҳсингиз янги-ку, ая!

Бўстон. Маҳсим иккита бўлса нима қипти, битта бигизпошна туфлининг пулига учта маҳси беради! Тўртта туфлини қаторлаштириб қўйибди! (*Туфлиларни олиб чиқиб улоқтиради*.)

Каримжон. Умидахон ёш, бундан ташқари мана бу ясли масаласини кўтариб бутун қишлоқнинг кўз ўнгидаги бўлиб қолди, яхши туфли, яхши кийим кийса ўзингизнинг обрўйингиз!

Елкасида фотоаппарат, оғир пакет кўтариб Умидади киради.

Бўстон. Вой, нега оғир юк кўтарасиз, қанақа хотинсиз! (*Каримжонга*.) Қўлидан олсанг-чи, хўшшайиб турмай!

Каримжон туфлиларни йиғишириб олади.

Умидади. Салом, аяжон!.. Гузарда ун сотаётган экан... (*Унни қўйиб*.) Биринчи ойлигим.

Бўстон (*унни қўриб*). Тузук! Бу қилган ишингиз яхши, лекин... (*бошқа гап тополмай*) сочингизни сават қилиб юрманг, иккита қилиб ўринг!

Каримжон. Ишда халал беради-да!

Бўстон. Уйда иккита қилиб ўринг!

**Каримжон.** Хўп! Умидахон, қулоғингизда бўлсин!

**Жамол** (*ҳовлиқиб киради*). Ҳой, сен икковинг қанақа одамсан! Прорабга нима дедиларинг?

**Каримжон.** Келинг, отахон, марҳамат!

**Умидा** (*кулгисини яшириб*). Нима дебмиз?

**Жамол** (*Бўстонга арз қилиб*). Буларни уриш-талаш билан колхозда олиб қолсам, икковининг қилган ишини қара! Бу менга ёрдам берганларингми?

**Каримжон.** Бошқа ниятимиз йўқ, отахон! Прорабингиз ўзимиз қатори одамга ўхшайди... Солаётган иморатингиз касалхонага ярамайди!

**Жамол.** Нимаси ярамайди?

**Каримжон.** Аввало, касалхонанинг планини сиз чизиб берганингиз чакки, мутахассис эмассиз-ку! Сиз чойхонанинг планини чизиб беринг, отхонанинг планини чизиб беринг!..

**Жамол.** Биламан, мен мутахассис эмасман, лекин мутахассис деганинг бир миллионнинг дарагини айтдида! Янги пул билан бир миллион-а! Мен бир миллионлик касалхона соламани! Пахтанинг килосини тийинга сотаман! Пул деган жониворнинг эгизаги бўлмас экан! (*Махфий*.) Мехнат кунини семиртириш учун ўзимдан орттириб барг сотаман, район бозорида винофурушлик қиласман!

**Умидা.** Қишлоққа касалхонани район солиб бериши керак!

**Жамол.** Район? Бунақа масалада район қулоғига пахта тиқиб олган! Пахта! Пахтани биласанми?

**Каримжон.** Тўғри, лекин кўплашсак қулоғидан пахтани олиб ташлаймиз! Сизнинг фурсатингиз йўқ, бунинг кетидан мана мен югураман! Агар иш чиқаролсак касалхонани боққа қурамиз, боғдаги тепалик жуда баҳаво жой!

**Бўстон.** Каримжон тўғри айтади, касалхонани ундан ҳам нарига солиш керак!

**Жамол.** Майли, сизлар ёрдам берамиз десаларинг «қуллук» дейишдан бошқа сўзим йўқ, лекин бу ҳам битаверсин, от топилгунча эшак миниб турамиз!

**Умидा.** Йўқ, Жамол ота, биратўла от минайлик! Лекин бу ҳам битаверсин, у ёқ-бу ёғи тузатилса ясли бўлиши мумкин!

**Жамол.** «У ёқ-бу ёғи тузатилса ясли бўлиши мумкин?» Шу туришида яслига ҳам ярамайди денг!

**Каримжон.** Жамол ота, сизнинг ғайратингизга,

ҳимматингизга тан берамиз, лекин план масаласига келганд... бояги гап...

**Жамол** (*ўйлаб*). Рост айтасан!

**Умидা.** Ясли масаласи энг биринчи масала бўлиши керак. Сиз «Ҳар толнинг тагида тўртта беланчак», деганингиздан кейин колхоздаги ҳамма яслиларни кўриб чиқдим, ҳаммасининг суратини олдим. (*Суратларни бирма-бир унинг олдига ташлайди*.) Шу ҳам яслими? Шу ҳам яслими?.. Мана буни қаранг, кампир ухлаб ётиби, болалар ўрмалаб ариққа тушиб кетмасин деб белига арқон боғлаб қўйиби! Шу яслими?

**Жамол** (*ранги ўчуб*). Ие, сен нимага бунақа нарсаларнинг суратини оласан, ишпионмисан ўзинг? Сурат оладиган бўлсанг идоранинг суратини олгин, радиоузелнинг суратини олгин, ҳаммом солиб қўйибмиз... Қамчиликларимизни қидириб юриб суратини оласанми?

**Умидा.** Мен мухбир эмасман, докторман! Мухбир бўйсам радиоузел билан ҳаммомнинг суратини олиб кетаверар эдим! Колхознинг олаҳуржуни хотинларнинг ёлкасида, яна буларнинг оёғига боласини кишан қиласиз! Боласидан кўнгли тинч бўлмаган хотиннинг қўли ишга борадими!

**Бўстон.** Рост айтади!

**Жамол** (*тутақиб*). Вақтинча камчилик қайси колхода йўқ?

**Каримжон** (*кулиб*). Жамол ота, колхоз тузилганига неча йил бўлди? «Вақтинча» деган гапнинг чегичегараси борми?

**Жамол** (*мот бўлиб*). Майли, район касалхона солиб берадиган бўлса, буни яслига берамиз. Масалани правлениега қўйиш керак. Правлениега ўзингни ҷақираман. Лекин суратларни менга бер!

**Умидा.** Сизга бермайман! Правлениеда ўртага ташлайман!

**Жамол** (*тортиб олади*). Менга бер дейман, бирор кўриб қолади! Қарор чиқариб берсак бўлдими? (*Суратларни қўйнига тиқади*.) Хўп, мен кетдим! Ҳа, айтгандай, тўй қачон?

**Каримжон.** Аям биладилар...

**Жамол.** Тўйнинг бошида ўзим тураман! (*Бўстонга*) Баҳоси йўқ келин!

**Бўстон** (*Жамолга*). Шундоқ-ку, лекин менинг хизматимни қиладиганга ўхшамайди...

**Жамол.** Ие, нега сенинг хизматингни қилади, нима, сен колхозмисан! (*Чиқади*.)

Бўстон. Нима овқат қиласиз?

Умидा (ранги ўшиб). Ихтиёрингиз...

Бўстон (ўйлаб туриб, бирдан). Чўзма лағмон қилинг!

Умидा. Хўп...

Бўстон. Мен бир айланиб келай, тарс ёрилиб кетдим! (Чиқади.)

Умидा. Ҳа, Каримжон ака, мунча тажанг бўлаётисиз?

Каримжон. Умидахон, кетмайсизми?

Умидा. Менга: «Аям чаққан гугуртдан аланга олманг», деган эдингиз, ўзингиз аланга олаётисиз! Сиз аянгизнинг қилмишлари учун мендан хижолат бўлманг... Қизиқ, мен қариганимда қандай қайнана бўлар эканман?

Каримжон (ўчсан). Жаннатда бир тахт бор эмиш. Тахт яхши қайнона учун қўйилган эмиш. Тахт бўш эмиш. Агар қайнана бўлсангиз шу тахтга сиз ўтирасиз!

Умидा. Сиз қанақа қайната бўлар экансиз? Ҳойнаҳой наслингизга торсангиз керак!

### Кулги

Лағмон нима бўлди?

Каримжон. Ҳайронман... Мен кўп овқатларни биламану, лекин умримда чўзма лағмон қилган эмасман! Еганим ҳам унча эсимда йўқ. (Ўйлади.) Ҳар қалай қиймалик бўлар эди шекилли. (Бирдан.) Сиз қийма чопинг, мен хамир қиласман!

Умидा мунғаяди.

Ҳа, қийма чопишни ҳам билмайсизми?

Умидा. Ўрганаман...

Каримжон. Ҳеч кўрмаганмисиз? Аянгиз қиймани сиздан яшириқча қиласмишлар? Гўштни мана шу тахтага қўйиб пичноқ билан ураверсангиз қийма бўлади.

Каримжон тогорачага ун солиб хамир қоради, Умидা гўшт келтириб қийма қилишга киришади.

Хайри (тешикдан). Кечираслар...

Каримжон. Э-э, келинг, Хайрихон! Касал тузалигиси келса табиб ўз оёғи билан келади.

Умидा. Келинг...

Хайри. Неча кундан бери сизлар билан холи гаплашгани пайт пойлайман, ҳеч ўнг келмайди. Бўстонбу-

ви холам гузар томонга кетаётганларини кўриб, беадаблик бўлса ҳам, кира қолдим. Мен сизлардан узр сўрагани кирдим...

Каримжон. Ҳозир узрдан ҳам зарурроқ иш чиқиб турибди: чўзма лағмон қилишни биласизми?

Хайри. Биламан!

Каримжон. Билсангиз Умидахонга ўргатинг!

Хайри. Жоним билан! (Ишга киришади.) Биз Каримжон акангиз билан бир кўчада ака-сингилдай ўсганмиз. Катта бўлганимизда бу кишининг кўнглида ё менинг кўнглимда зигирдай бир гап бўлса.. (қасам мақомида) мана, орамизда хамир турибди! Шундоқ эмасми, Каримжон ака?

Каримжон. Тўппа-тўғри!

Хайри. Беш-олти ой бўлади. Бўстонбуви холам гапиравердилар, аям йиглайвердилар... безор бўлдим! Ахир бир куни шуларнинг кўнглига қараб «қўйинглар, бир гап бўлар», дедим. Шундоқ демасам бўлар экан, булар шу гапни маҳкам ушлаб олишибди. (Ерга қараб.) Менинг ҳам кўзлаганим бор, аҳд-паймон қиласманиз.. Бир йилдан ошди... Турмуш қиласак мен ҳам ўқийман...

Каримжон. Бу гапни аянгизга айтганингиз йўқими?

Хайри. Йўқ-да! Кўнгли кетиб йиқилади деб қўрқаман! Аям холамдан қолишадиган хотин эмас!.. Мана, сизлар ҳам холамни аста-секин эгаётисизлар-ку, хабарим бор. Сизлар икки киши, мен ёлғизман... (Ишлайди.)

Каримжон. Хафа бўлманг, Хайрихон, сиз ҳам ёлғиз эмассиз, мана биз бор! Сизнинг аянгизни ҳам эгишиб берамиз. Суйганингизга тегасиз, ўқийсиз! У йигит ким ўзи, нима иш қиласми?

Хайри. Каримжон!

Умидा. А?

Хайри. Йўқ, йўқ, Азимжон!

Каримжон. Ие, ўзимизнинг Азимжонми, ўқитувчи? Бу можаролардан хабари борми?

Хайри. Айтдим! Кулавериб қотиб қолдилар! Ҳордиқ куни сизларни кўргани келмоқчилар.

Каримжон. Жуда яхши!

Хайри. Ўқлоғ ошхонададир... (Чиқади.)

Умидा (кетидан Бўстонга тақлидан). Оҳ, соч!

Иккови чиқади.

Чироқ ўчиб ёнади. Кўча, Каримжонларнинг эшиги, Бўстон билан  
Тўтиносो киради.

Тўтиносо (*йиглайди*). Мени шармандаю шармисор қилдингиз! Ўғлингизга кучнингиз етмас экан, нима  
қилиб шангиллаб юрибсиз!

Бўстон. Сиз бесабр бўлманг, қуда! Ҳали ҳеч гап  
бўлгани йўқ!

Тўтиносо (*йиглайди*). Қорнида боласи бор эмиш-  
ку, бу ҳеч гап бўлмаганими? Қишлоқда қизим қандоқ  
бош кўтариб юради! Ўзим нима деган одам бўламан!

Бўстон. Йиғламанг, хосияти йўқ! Шу иш шундоқ  
бўлиб кетса қишлоқда менинг ҳам обрўйим қолмайди!  
Ҳали ҳеч гап бўлгани йўқ! Аввал боши Умиданинг  
иккиқатлигига гумоним бор. Ухлаб ётганида нафас оли-  
шига секин қулоқ солдим, йўқ, қуда, иккиқат хотиннинг  
нафас олиши бундоқ бўлмайди! Қаримжон шу гапни  
менинг дармонимни қуритиш учун айтмадимикин?

Тўтиносо (*суюниб*). Илоҳим шундоқ бўлсин!

Бўстон. Бола у ёқда турсин, мен буларнинг  
ЗАГСдан ўтганига ҳам гумонсираб қолдим. ЗАГСдан  
ўтган бунаقا бўлмайди!

Тўтиносо (*қувониб*). Бирга ётмайдими?

Бўстон. Ие, сизга нима бўлди, мен қўярмидим!  
Қаримжон пастда, Умидга айвонда, менинг ёнимда  
ётади!

Тўтиносо. Билиб ўтирибсизми...

Бўстон. Қечалари пойлаб чиқаман, иккови ҳам  
«қилт» этмайди!

Тўтиносо. Шундоқ экан, нега кетгизиб юбормай-  
сиз? Қетсин районига!

Бўстон. Э, қуда, бор ақлингиз шуми! Умидани  
районга жўнатиб Қаримжоннинг оёғига кишан солиб  
қўяманми! Ишга кирганидан кейин «колхознинг меҳ-  
монхонасида турман», деди, унамадим! Меҳмонхонада  
турса, албатта, алоҳида ҳужра олади, қечалари Қарим-  
жон ингичка бўлиб кириб борсинми! Кўз олдимда тур-  
гани яхши! Лекин ўзи ёмон бўлса ҳам номусли қиз  
екан!

Тўтиносо. Ана, ўзингизнинг ҳам кўнглингиз мо-  
йил! Билиб юрибман!

Бўстон. Ундоқ деманг, қуда! Аксинча, Қаримжон-  
нинг кўнглини кундан-кун совутаётиман! Лекин бу  
ишини аста-секин қилиш керак, қизиб турган кўнгилга  
бирдан совуқ сув сепсан чатнайди! (*Махфий*) Ҳозир

чўзма лағмон буюриб чиқдим, жўрттага буюрдим, ал-  
батта қилолмайди, қилолмай кўрсинг-чи, Қаримжоннинг  
олдида бирам ясай, шунаقا ясайки.. Сиз бирпасдан  
кейин тешикнинг олдига келиб туринг, «вой, қўлинг  
синсин!» дейишими билан тикка кириб келаверинг! Қў-  
расиз! (*Нос чекмоқчи бўлади. Нос йўқ*.) Мен гузарга  
бориб нос олиб келай. (*Чиқади*.)

Қаримжон (*киради*). Энди, хола хафа бўлмай-  
сиз, сизлар унақа деб юрган экансизлар, бу ёфи бунақа  
бўлиб қолди..

Тўтиносо (*йиглайди*). Қизим тегаман деса ола-  
диган йигит сон мингта... Ҳамма иллат аянгизда! Аян-  
гиз ҳадеб гапиравергандан кейин мен ҳам «қизим чала  
ўқиган, сизга тушса яна ўқирмикин», депман.

Қаримжон. Аям Ҳайрихонни келин қилсалар  
ўқитиш эмас, ҳозирги ишидан ҳам чиқариб олмоқчи  
эканлар-ку! Ҳайрихон уйда ўтириб аямнинг хизматлари-  
ни қиласар эмиш.

Тўтиносо (*ҳанг-манг*). А!.. Мунча яхши!.. Ме-  
нинг қизим ердан чиққан етимчами, «ишингдан чиқ»  
деса чиқиб аянгизнинг хизматини қиласди!

Қаримжон. Үзларидан дурустроқ сўранг!

Тўтиносо. Ҳамма ишлаганда менинг қизим нега  
уйда ўтирар экан! Ўзим ўқимасдан, ишламасдан нима  
бўлдим! Вақтида ишласам бирон ҳунар ортирар эдим,  
ишлаб қизгинамни дурустроқ ўқитар эдим. (*Йиглайди*.)  
Дадаси раҳматлик мени ўқитмасдан, ишлатмасдан на  
менга қилди, на боламга қилди.. Ҳозир жияк сотиб топ-  
ганим нима бўлар эди! Тўпнига жияк тўқиб сотаман!  
Бу жияк ўлгурга ҳам ҳозир ҳеч ким қарамай қўйди!..  
(*Йиглайди*.)

Қаримжон. Қизингиз ердан чиққан етимча эмас,  
холажон, ўқишига ҳаваси бўлса ўқийди!

Тўтиносо. Ҳавас ҳам гапми, ишдан келса боши-  
ни китобдан кўтармайди! Уйимизни китоб босиб кет-  
ган!

Қаримжон. Ўқийди дедим, ўқийди!. Мен сизга  
бир нарсани айтиб қўйяй: қизингизнинг суйған йигити  
бор!

Тўтиносо. Вой, менинг қизим унақа қизлардан  
эмас!

Қаримжон. Нима қипти, ҳалол-пок, ўзига муно-  
сиб йигитга кўнгил қўйған бўлса ёмонми?

Тўтиносо. Шунақа-ку, лекин... ким айтди?

Қаримжон. Ўзи айтди.

**Тўтиносо (юзини юлиб).** Вой ўлмасам!.. Вой шарманда!.. Шунаقا дедими, а?

**Каримжон.** Менга айтгани йўқ, Умидахонга айтибди.

**Тўтиносо.** Вой писмиқ-эй! Ҳали келсин, мен... йўқ, аптекага бориб адабини бераман! (*Югуриб чиқиб кетади.*)

**Каримжон.** Бу ёғига қовун туширдим-ку! (*Чиқади.*)

Чироқ ўчиб ёнади. Ҳовли.

**Бўстон (киради).** Қани, ҳой, чўзма лағмон қани?

**Каримжон (киради).** Келдингизми, аяжон?.. Лағмон тайёр! Аммо-лекин келинингзиз ҳунарини кўрсатадиган бўлди! Ҳамир овқатга дунёда хитойдан устаси йўқ. Келинингзининг бир хитой дугонаси бор эди, шундан хитойча чўзма лағмонни ўрганиб олган экан денг... Аломат!

**Бўстон (дўйқ қилиб).** Хитой қурбақа ейди дейишар эди-ку!

**Каримжон (шошиб).** Қурбақани ҳам хамирга ўраб ейди!. Лекин овқатдан олдин ювиниб чиқасизми, совуқ сув одамнинг тафтини кўтаради...

**Бўстон.** Лағмонни олиб келсин!

**Каримжон (ташқарға).** Умидахон, олиб кела қолинг, оғизлар сув очиб кетди!

**Умидा (товориши).** Ҳозир...

Бўстон ютинади. Ранги ўчган Умидা овқатни келтириб хонтахтага қўяди ва қўлга сув олади.

**Умидा.** Ая, қўлингизни ювасизми?

**Бўстон (қўлини ювар экан, овқатга шубҳаланиб қарайди).** Ҳим...

**Каримжон (татиб кўради).** Оҳ-оҳ оҳ... Қиймага нима солган эдингиз, Умидахон?

**Умидा (хитойча талаффуз билан).** Черепаха-шимпанзе...

**Бўстон.** Ҳалол нарсами?

**Каримжон.** Черепаха-шимпанзени кийикнинг шоҳидан қилади. Кийикни, ўзингиз биласиз, пәдшолар овлаган.

**Бўстон (лағмонни бармоғи билан титади).** Чўзма лағмонга қийма қилинmas эди! Емайман!

**Каримжон.** Хитойчаси қиймалик бўлади!

Оқ ҳалатда санитар югуриб киради.

**Санитар.** Қаримжон ака, Останақул оғирлашиб қолди, кислород берәтибмиз!

**Каримжон.** Ҳозир...

**Умидा.** Мен ҳам бораман... Ая, чойни дамлаб қўйганман!

Учови чиқиб кетади.

**Бўстон (ўтириб иштаҳа билан лағмон ейди).** Уҳ-уҳ-уҳ!.. Вой хитой ўлсин! Вой хитойгина ўлсин!!

**Тўтиносо (киради).** Хайри! Ҳо, Хайри!

**Бўстон.** Келинг, қуда, кела қолинг, умрингизда хитойча чўзма лағмонни емаган бўлсангиз керак!

Хайри киради.

**Тўтиносо.** Ҳой яшшамагур, бу ерда нима қилиб юрибсан! Бундан кейин бу ҳовлига оёқ босмайсан! (*Уни етаклайди.*)

**Бўстон.** Ҳой, Тўтиносо, мунча бесабр бўлмасангиз, бу сафар бўлмади, чўзма лағмонни билар экан, эртага бошқа овқат буюраман, ҳўплама, бу овқатни ўзим ҳам билмайман. Ӯшанда кўрасиз!

Парда

### ТҮРТИНЧИ ҚУРИНИШ

Ўша декорация, лекин уй бутунлай бузилган, фақат кўча девори билан эшик ва ошхонанинг бир қисмигина қолган. Бўлажак ясли биносининг олди очилган. Сўрнинг бир чеккасида Бўстон ўйга толиб ўтирибди. Узоқда радио муҳаббат тўғрисида хониш қилмоқда.

**Тўтиносо (комбинезон кийиб, пақирда оҳак кўтириб киради).** Вой, Бўстонбуви, яна бу ерда нима қилиб ўтирибсиз? Бугун қудаларингиз келадиган, маслаҳат оши бўладиган эди-ку! Яна бузасизми? Қўйинг-э, Каримжон бечоранинг юрагини қон қилдингиз! Ешларни ўз ҳолига қўясизми, йўқми?

**Бўстон.** Сиз қизингизни ўз ҳолига қўйган бўлсангиз, қўраман ҳали топган куёвингизни! Ҳалитдан сизни мардикор қилиб қўйибди-ку!..

**Тұтнисо.** Нега мардикор бұлар әканман, яслида ишлагай одам мардикор бұладими? Күндузи ишлаб кечқурун ўқиетіман. Үқіб санитарка бұламан! Яна ўқисам сестра бұлар әмишман! Умидахон айтди!

**Бұстон (менсими).** Сиз сестра бұлар әмишмисиз?

**Тұтнисо (көрілиб).** Ҳа, сестра бўлиб докторларнинг ёнида юраман! Укол қиласман! Сизга ҳам укол қиласман!

**Бұстон.** Мен сизнинг уколингизга зор бўлиб қолганим йўқ! Үғлим доктор, хоҳласам келинни ҳам доктордан қиласман!

**Тұтнисо.** Ҳа, баракалла, шунақа бўлса нима қилиб ўтирибсиз бу ерда, боринг!

Қозон-товоқ, чойнак-пиёла, тугун, сумка кўтариб Каримжон, Умидада, Хайри киради.

**Каримжон.** Сиз ҳам шу ердамисиз хола?.. Иш тамом бўлди-ку! Бориб кийиниб чиқинг! Шошманг, аввал палосни ёзиг юборинг!

Тұтнисо сўрига жой қиласди, сўнг пақир кўтариб чиқиб кетади.

**Каримжон.** Ая, аяжон, раҳмат, минг раҳмат сизга! Ақл-фаросатингизга яна бир марта тасанно! Мингминг тасанно! (Пешанасига шаппалаб.) Бу калла ҳали фўр! Қаранг, шу эсимга келмабди-я: дадам қатнашмаган маслаҳат оши маслаҳат оши бўладими? («Қорахат» ўқилган жойдаги ниҳолга дадасининг суратини осади.) Маслаҳатнинг бошида дадам туришлари керак! Раҳмат, ая!.. Умидахон, қозон осиб юборинг!

Умидада чиқади. Хайри савзи тўғрамоқчи бўлади.

**Бұстон (юмшаб).** Хайри, менга бера қол, сен ўртоғингга қараш!

**Хайри чиқади.**

Қудалар қачон келишади?

**Каримжон.** Қўшнига тайинлаб келдим, яна ўзим бораман!

**Бұстон.** Тўйнинг маслаҳати бўлса менинг оғзимга қарайсан!

**Каримжон.** Хўп бўлади, аяжон, икковимиз ҳам сизнинг оғзингизга қараймиз! Қараб келаётимиз-ку! Шу

чоққача сизнинг измингиздан ташқари бир қадам босдикми?

**Умидада** савзи олгани киради.

**Хайри (киради. Умидага кўз қисиб).** Умидахон, сиз аввал гўштни соласизми, пиёзни соласизми?

**Умидада (ёд олганини сидирға тақорлайди).** Ош қизилроқ бўлсин десангиз, аввал пиёзни солиб пича қовурасиз; йўқ-йўқ, ошдан салгина кабоб ҳиди келиб турсин десангиз аввал гўштни соласиз!

**Иккови чиқади.** Бўстон орқаларидан қараб қолади. Каримжон яшириқча қотиб-қотиб кулади. Шакар билан Ашуралiev киради. Ашуралiev Шакардан яшириқча келтирилган қофозларини секин қўйнидан олади.

**Шакар (кўриб қолади).** Яна қоғоз олиб келдингизми?

**Ашуралiev.** Йўқ, мен... уч варақ, холос! Үқимайман, биқинимга тегиб турса бас!

**Шакар.** Қизингизнинг тўйи тўғрисида айтадиган икки оғиз гапингиз йўқми? (Қоғозни тортиб олиб сумкасига тиқади.)

**Ашуралiev.** Үқимайман деяпман-ку! Мана, кўзйиганимни олинг!..

**Каримжон.** Ие, келинглар, ҳозир бораман деб турган эдим.

**Бұстон (сўридан тушади).** Келинг... келинглар...

**Ашуралiev (хаёли сумкада).** Бардаммисиз?..

**Умидада** билан **Хайри** киради. Шакар Умиданинг фартуқ тутганини кўриб эси чиқиб кетади. Булар кўришиш билан овора бўлганда Ашуралiev пайт пойлаб, сумкадан қофозларини ўғирлаб олади.

**Бұстон.** Яхши келдиларингми?..  
**Ашуралiev.** Юз процент!

**Умидада** билан **Хайри** чиқади.

**Жамол (киради).** Хода-пода синдириб юборайми! Ахир бўладиган бўпти-да!.. Шундай ҳовли туриб бу ерда нима қилиб ўтирибсизлар? (Ҳамма билан кўришади.)

**Каримжон (суратни кўрсатиб).** «Маслаҳатнинг бошида дадам турсинлар» дедик!

**Жамол (таъсирланиб).** Ҳмм... минг раҳмат сенга, ўғлим!

**Ш а к а р.** Кам бўлманг!

**К а р и м ж о н.** Бу аямдан чиққан фикр!

**Ж а м о л.** Ие, сендан ҳам шунақа нозик фикрлар чиқадими?

Бўстон тескари қарайди.

**А ш у р а л и е в (қоғозга кўз югуртириб).** Ёрқин хотира масаласи абадий сақланиши керак!

**Ж а м о л (Ашуралиевга синчиклаб қарайди).** Сиз... лектор эмасмисиз?

**А ш у р а л и е в.** Лектор Ашуралиев.

**Ж а м о л (ҳазил).** Бу ерга ҳам путёвка билан келган бўлсангиз кўл қўйиб бера қолай! (*Шакарга*) Хафа бўлмайсиз... Бир куни «райондан лектор келдиг» деб қолишиди. Ишимни ташлаб клубга югуриб кирдим, кирсам шу киши экан, қоғоздан бош кўтармай бир ўқиб кетди!.. Ёпирај, одамнинг уйқусини келтирадиган бунақа гапларни қаёқдан топасизлар? Бурунги маддоҳлар ёлғон гапни қойил қилиб одамларни йиглатар эди, булар рост гапни гапиришса одамнинг ё уйқуси келади, ё кулгуси қистайди!

**А ш у р а л и е в.** Танқидингиз тўғри, раис! Бу ишга нима бўлиб кириб қолганимни ўзим ҳам билмайман. Одам кўнглидаги ишни қилмаганидан кейин, кўнглидаги гапни гапиролмас экан. Кўнглидаги гапни гапиролмандан кейин нима қиласди, бирорнинг гапини ўқинди-да!

**Ж а м о л.** Ўқиганинг ўзингизнинг гапингиз эмасми?

**А ш у р а л и е в (қатъий).** Мутлақо!

**Ж а м о л.** Ие, сурма ичган хўроздай бўйнимни гажак қилиб оғзимни очаману, товушим чиқмайди, денг!

**А ш у р а л и е в (қатъий).** Товушим чиқмайди!

**Ж а м о л.** Сизга қийин экан! Сиздан ҳам лекция эшитадиган одамларга қийин! Бошқа иш қилинг! Бошқа иш топиб берайми?

**Ш а к а р.** Жон кошки эди!

**А ш у р а л и е в.** Масалан?

**Ж а м о л.** Масалан, сельпо каттакон китоб магазини солаётиди. Мудирлигини гаплашиб беришм мумкин.

**А ш у р а л и е в.** Кечирасиз, китоб ишига ўртоқ Ашуралиева мутахассис!

**Ж а м о л.** Шунақами... Асл касбингиз нима?

**А ш у р а л и е в.** Асли касбим раҳбарлик, кичик-кичик раҳбарлик ишларини бажарганман.

**Ж а м о л.** Хўп, раҳбарлик иши ҳам топилади. Қолхозда клуб бор, радиоузел бор, ҳаммом бор. Учовига битта раҳбар керак!

**А ш у р а л и е в.** Учта вазифа кўплик қилмасмикин?

**Ж а м о л.** Радиоузелда чаққон болалар бор, ҳаммом ўзи юриб турибди, буларга раҳбарлик қиласиз, лекин клубда битта ўзингиз ишлайсиз, раҳбарликни ҳам ўзингиз қиласиз! Ўйлаб кўринг!

Эр-хотин қизғин муҳокама қиласди.

**Т ў т и н и с о.** Яхши бўлади, ҳаммаларинг бир жойда бўласизлар!

**Б ў с т о н.** Яхши-ку, лекин узоқдаги кишинашар, яқиндаги тишлашар...

**Ж а м о л.** Ўғлинг доктор, келининг доктор, ҳали ҳам шунақа эски гапларни кўтариб юрасанми!..

У мида ош, Хайри чой кўтариб киради.

**Ш а к а р (ўзича).** Вой, шўринг қурсин, қизим!..

У мида ҳаммага қошиқ қўяди. Бўстоннинг қўлига сув қўяди. Шакар бўзарни кетади. Ҳамма ошга майл қиласди.

**Ж а м о л.** Мен шошиб турибман, энди тўйдан гаплашайлик. Битта боқиб юрган қўйим бор. Бундан ташқари йигирма кило гуруч бераман. Яна, ахир, колхозчилик... Икковинг колхозда отнинг қашқаси бўлиб қолдинг... Тўй катта бўлади! Ҳовли тўйи ҳам шунинг ичиди!

**А ш у р а л и е в.** Тезисларда тўй катта бўлмаслиги керак дейилган!

**Ж а м о л.** Тўйни сизнинг тезисингизга қараб қилмаймиз... Тўйни қаерда ўтказасизлар? Менинг гапимга кирсаларинг клубда ўтказинглар! Кўп одам клубда ўтказяпти. Яхши бўлар экан. (*Бўстонга*) Узинг кўргансан-ку!

**Б ў с т о н (йиғламсираб).** Шу ҳовлини бузмай турсанг нима қиласар эди!

**Ж а м о л.** Бузмасам, шу ҳовлига одам чақиравмидинг? Уят бўлмайдими?

**К а р и м ж о н.** Ая, клубнинг залига дадамнинг мана шу портретини катта қилдириб осиб қўямиз! Мана шундек бизга қараб турадилар!

**Ж а м о л.** Сизлар нима дейсизлар?

**А ш у р а л и е в.** Клуб яхши, минбари бор!

Жамол. Минбар бор? Тўйда ҳам лекция ўқимоқ-чимисиз? Уша куни минбарни олиб ташлаймиз! Хўп! Энди кунини белгилайлик! Каримжон икковимиз кенгашиб келаси ҳордиқ кунини мўлжалладик. Сизлар нима дейсизлар?

Ҳамма маъқуллайди.

Хўп, гап шу! Қани, омин!

Каримжон (*Бўстондан сарпо олиб қудаларга, Жамолга кийгизади*). Қутлуғ бўлсин!

Жамол. Қани, омин...

Бўston. Шошма, ҳали оминга эрта. Ҳар иш бошидан пишиқ бўлгани яхши. Умидахон яхши, ёмон демайман, лекин «дую олган кўкаради» деган гап бор, менинг хизматимни қилиб дуомни олса кам бўлмайди.

Шакар лабини буради.

Жамол (*аччиғи келади*). Менга қара, сен мунча «хизматим-хизматим» деяверасан? Умидахон нега битта сенинг хизматингни қиласр экан, унга ўтқазиб қўйганинг борми? Умидахон ҳукуматнинг мактабида, халқнинг пулуга ўқиган, халқнинг хизматини қиласида! Йў-йўқ, «келин бўлганидан кейин ишидан чиқсан, уйда ўтириб менинг хизматимни қиласин», дейдиган бўлсанг, бу масалани колхознинг умумий мажлисига қўяман! Ўзингни олиб бораман, шу гапни ўз оғзинг билан халқа айтасан!

Бўston (*бошидан рўмоли тушиб кетади*). Мен унақа деганим йўқ, демайман ҳам!

Жамол (*бўғилиб*). Сенинг қанақа хизматинг бор ўзи?.. Қаримжон, қофоз билан қалам ол, аянг айтсан, сен ҳаммасини ёзиб, мана шу медалнинг ўрнига осиб қўй! Қани! Қани, айт! Биринчи... аянг беш вақт намоз ўқиди, Умидахон таҳоратига сув бериши керак!

Бўston. Худога шукур намоз ўқимайман...

Шакар (*ғолибона*). Рост-да!.. Қизим шўрликка ҳалитдан фартуқ туттириб қўйибсиз-ку!

Жамол. Энди сиз ҳам бормидингиз! Умидахон доктор, шу билан бирга ўз уйида фартуқ тутса нима қипти? Пазандалик хотин кишининг нуқси эмас, ҳусни-ку! Ўзингиз уйда овқат қилмайсизми, консерва ейсизларми?

Ашуралiev. Э, бормисиз, раис, консерва еявериб

жонимда жон қолмади-ку! Бизнинг уйимиз уй эмас, қизил вагон, коммунизмга қизил вагонда кетаётганга ўхшаймиз!

Шакар (*эрининг биқинига туртиб*). Қанақа эрсиз, уйнинг сирини кўчага чиқарасизми!

Ашуралiev. Қайноқ сувни ҳам кўчадан олиб келамиз!.. Ёлғонми?

Жамол. Бўлдими? Омин, оллоҳу акбар! Мен кетдим! (*Чиқади*.)

Узоқ жимлик.

Бўston (*ўпкасини тутолмайди*). Пешонам шўр экан... Бу йўл ўлгур очиқ эмаски гумдон бўлиб ҳажга кетсан!

Каримжон. Йўл очиқ бўлса мени ташлаб ҳажга кетармидингиз?

Бўston. Мен сендан шаҳар сўраганим йўқ, таҳт сўраганим йўқ, ниҳояти хотининг хизматимни қилсан дебман!

Каримжон. Аяжон, нуқул «хизматимни қилсан» дейсиз, оналар аввал «болам» дегувчи эди-ку, мен қаёқда қолдим?

Шакар. Менинг қизим нега сизнинг хизматингизни қиласр экан, нима, сиз хотин пошшоми? Тавба!..

Умидада. Ая, бошидан тушманг!

Бўston. Ҳа, хотин пошшоман! Уз уйимда пошшоман!

Шакар. Бундан чиқдикки, сизнинг уйингиз ҳеч қачон Умиданинг уйи бўлмас экан-да!

Ашуралiev (*қоғозларини варақлаб*). Ҳмм... Тезисда йўқ гаплар...

Шакар. Сизга ўғлингиз азиз бўлса, менга қизим азиз, мен ҳам не машақатда қиз ўстирганман! Нима, қизим мени камроқ эмибдими!

Умидада. Жон ая, қўйинг!

Бўston. Баравар эмган бўлса ҳам эркакнинг фариштаси улуғ!

Тўтинисо. Вой, Бўstonбуви, сизнинг фариштангиз улуғ эмасми? Менинг фариштамга нима қипти? Нега хотинларни ерга урасиз!

Бўston. Сиз тек туринг, сизга гап тушиб қолгани йўқ!

Тўтинисо. Вой, нега гап тушиб қолмас экан! Менга нима қипти?

**Шакар (бирдан).** Хўп, «хизмат» дейдиган бўлсангиз иккови бир кун сизнинг хизматингизни қилсин, бир кун менинг хизматимни қилсин!

Ёшлар қотиб-қотиб кулишади.

Каримжон. Тамом, бундан ўткир гап бўлмайди, мунозарани шу ерда тўхтатамиз!

Бўстон. Вой, эркак бошинг билан нега бу кишининг хизматини қилас экансан, бунаقا экан, ўғил туғиб келин қилсинлар эди!

Ашуралiev (ўзича). Бу менга шама қилаётити!

Умид (Хайрига). Боринг, Жамол отани айтиб келинг, «иш яна бузилаётити», денг.

Хайри (чиқаётib). Холажон, сизнинг онангиз нега ўғил туғмай сизни туғдилар экан? (Чиқади.)

Бўстон (қулоқ солмайди). Нега ўғил туғмадингиз?

Каримжон. Ая!

Тўтинос. Бўстонбуви, шунаقا бети қаттиқ хотинмисиз?

Бўстон. А!.. Мен бети қаттиқ, сиз бети юмшоқ бўлиб қолдингизми? Қачондан бери? Айтинг, численинги айтинг, билиб қўяйлик!

Тўтинос. Уялинг!

Бўстон. Сиз уялинг! Мен бети қаттиқ бўлиб бозорларда жияк сотиб юрганим йўқ!

Каримжон. Ая!!

Тўтинос (бўзаруб кетади). Утиб кетган гапларни юзимга солманг, Бўстонбуви! (Ўпкаси тўлиб.) Мен ўша ишни қилган бўлсам, ўлганимнинг кунидан қилганман! Хато қилганман!

Бўстон. Хато қилган бўлсангиз ҳам ўша ишни қилгансиз!

Тўтинос. Қилганман... тонмайман... (Бирдан.) Сиз, ўзингиз ҳеч хато қилмабсизми?

Бўстон (керилиб). Мен нима хато қилибман?

Тўтинос (ўч олиб). Аввал менинг қизимни, Хайрини хизматкор қилмоқчи бўлган, энди Умидахонни хизматкор қиласман деб ўтирган нияти бузук, эски турмуш ким?

Бўстон (ўдағайлаб ўрнидан туради). Ким эски турмуш?! Ким нияти бузук! Ҳозир уйимдан чиқиб кетинг!

Каримжон. Ая дейман!..

Тўтинос (чиқаётib). Эски турмуш! Нияти бузук!

Бўстон (кетидан). Жиякфуруш!

Шакар. Ўзингизга муносиб гапни гапиринг-да, қуда, қиз фарзанд эмасми? Ўзингиз ота-онангизга фарзанд бўлганмасмисиз?

Бўстон. Мен қиз фарзанд эмас деганим йўқ, демайман ҳам, лекин қадим замондан уйни ўғил ёритган, қиз ёритган эмас!

Ашуралiev (қоғозларини қўйнига тиқиб). Сиз туғилганда уйларинг ёришмаган эканми? Бундан чиқдик, сизни туғиб онангиз хафа бўлган эканлар-да? Лекин хафа бўлганлари маълум эмас, агар хафа бўлсалар отингизни «Бўстон» эмас, «Гўристон» кўяр эдилар!

Умид. Дада!!

Шакар (Ашуралievga). Ишни расво қилдингиз-ку! Дарров узр сўранг, «хато қилдим, кечирасан», денг!

Ашуралiev (Шакарга). Хато қилдим! Кечирасан!

Бўстон (ҳансираб). Ҳали шунақами!.. Ҳали қизини келин қилмасимдан бурун булар мени гўрга тиқмоқчи!

Жамол билан Хайри киради.

Войдод! Дод устига дод!

Жамол. Тағин нима бўлди, фотиҳа қилган эдик-ку!

Бўстон. Бироннинг ўғлига зўрлик эмиш! Зўрлик замони ўтиб кетган! Войдод!..

Ашуралiev. Феодализмнинг уяси экансиз!

Шакар. Кўйсангиз-чи!

Умид. Дада!

Бўстон. Ҳа-ҳа, мен энди қариган чоғимда феодализм бўлдимми! Войдод!..

Жамол. Менга қара! Дод дейсанми, войдод дейсанми, бари бир — Каримжон Умидахонни олади, Умидахон Каримжонга тегади! Икковининг хоҳиши шу! Менинг ҳам хоҳишим шу! Колхоз, бутун қишлоқнинг ҳам хоҳиши шу! Қани, нима дейсан, қўлингдан нима келади?

Бўстон. Йўқ, йўқ! (Ашуралievни кўрсатиб.) Мен мана бу одам билан қуда бўлмайман! Кўзимга кўринмасин!

Ашуралiev сарпони Бўстонга томон улоқтиради ва Шакарни етаклаб жўнаб қолади. Каримжон уларнинг кетидан югуради, яна қайтади.

**Каримжон. Аяжон**, сиз, назаримда, ҳамма гапназни гапириб бўлдингиз, етмаганига қарз олиб ҳам гапирдингиз: энди мендан ҳам эшитинг... Ҳар иш худодан дейсиз... Билмадим, худоданми, бошқаданми, Умидахон икковимизнинг насибамиз қўшилган. Биз бунга хурсандмиз, сиз хафасиз, бизни бир-биримиздан бенасиб қўймоқчи бўласиз... Аяжон, тушунинг, бу тўғрида мен сизнинг кўнглингизга қаролмайман!

**Бўстон. Шунақами..**

**Каримжон. Шунақа...**

**Умидато (ёлвориб).** Каримжон ака, бошқа бир нима денг, аянгизни аянг!

**Бўстон.** Шунақа бўлса бўпти! (*Қарғаш мақомида*) Ҳудоё суйганинг билан қўша қаригин! Лекин қаёқдан олиб келган бўлсанг ўша ёққа олиб кет! Уйимга йўл бермайман!

**Хайри. Холажон**, нима деяпсиз!..

**Бўстон (Жамолга).** Уйимни тузаттириб бер!

**Каримжон.** Янги ҳовли сизники, ая, биз жой топиб оламиз. (*Қаршилик қилган Умидани кўча эшигига қараб судрайди*)

**Бўстон.** Кераги йўқ, бу ҳовлидан менинг ўлигим чиқмаса тиригим чиқмайди!

**Жамол.** Ҳўп, тузаттириб бераман. Бунчалигини билганимда буздирмасдим, атрофига қизил арқон тортиб музей қилиб қўяр эдим! (*Сарпони очиб, унинг бoshiga iladi va chiqib ketadi*.)

**Бўстон (бирдан).** Войдод! Ноқобил ўғилнинг дастидан дод!

**Парда**

### БЕШИНЧИ ҚУРИНИШ

Ўша ҳовли. Ойдин кечака. Узоқда сой шовуллайди. Булбул сайдайди. Ҳўрз қичқиради. Бўстон сўрида ғарифона ётиди. Девордан Каримжон қарайди ва пастда турган кимгadir бир нималар дейди. Девордан кесак кўчib тушади. Бўстон дарров бошини кўтаради. Каримжон гойиб бўлади.

**Бўстон (бошини кўтариб).** Пишт! Пишт-э!.. Йўйўқ, пиш-пиш-пиш!.. Кела қол, жонивор, ёнимга ёт, ёлғизман... Пиш-пиш... (*Бошини қўяди, яна кўтаради*.) Ма, пиш-пиш-пиш... Уф! Йигитнинг ақли икки кўзида бўлар экан-да! Туғиб, бола ўстириб, шунча йил йўлига ниғорон бўлиб... шуми! Ҳаҳ, қариб қувватдан кетадиган чоғимда ғарип бўлдимми! (*Ўпкаси тўлиб*.) Пиш-пиш-пиш...

Бошини қўяди, қўйиниб йиғлайди; секин ўрнидан туради, кўрпа сўридан сирғаниб тушади; йиғлаганича ҳовлини кезади, «қораҳат ўқилган жой» даги ниҳолни қуҷоқлаб ҳўнграйди, сўнг телба бир ҳолда кўчага чиқиб кетади.

Девордан Умидато қарайди, ерга тушиб ётган кўрпани, сўридаги бўш ўринни кўриб ҳайрон бўлади ва пастдаги кимгadir ҳовлиқиб бир нималар дейди. Ҳаял ўтмай кўча эшигига Каримжон билан Умидато пайдо бўлади.

**Каримжон (супанинг олдига келади).** Умидахон, аям йўқлар!

**Умидато (тасалли бериб).** Уйқулари қочган бўлса юргандирлар-да! (*Атрофга*.) Ая! Ая!

**Каримжон.** Э-э, сиз чақирманг! (*Атрофга*.) Ая! Ая!

**Умидато.** Менга қаранг, Қаримжон ака, Хайрихонларникида бўлмасинлар тағин?

**Каримжон.** Йўғ-э!.. Тўтиносо холамни кўз олдингизда ҳайдаб солдила-ку! Лекин бир кириб чиқмайсизми?

**Умидато. Ҳозир...** (*Чиқади*.)

**Каримжон (ўзича).** Ўҳў!.. Қишлоққа борамиз, у ёғини ундоқ, бу ёғини бундоқ қилиб ҳамма касалликни ҳайдаб чиқарамизу, ҳолва еб ётамиз деб ўйлабмиз! Қишлоқда докторга касалликдан бошқа мана бунақа ишлар бор экану!.. «Эскини эплагунча эсинг кетади», дегани шудир-да!

Умидато, уйқусираган Хайри киради.

Кечирасиз, Хайрихон...

**Хайри.** Вой ўлай... Кечқурун не маҳалгача гаплашиб ўтирган эдим. «Қишлоқдан бошимни олиб чиқиб кетаман», деган эдилар, мен юпатган эдим...

**Каримжон (зўр ташвишда).** Шунақами?.. Бемаҳалда қаёққа борадилар...

**Умидато.** Шу атрофдан кетганимиз йўқ-ку, ҳовлидан чиққан бўлсалар кўрмасмидик! Сутдай ойдин...

Учови кўча томонга кетади. Умидато билан Қаримжоннинг ая деб, Хайрихоннинг, хола деб чақирган товуши борган сайин узоқлашади. Кўча эшигига Шакар билан Ашуралiev пайдо бўлади.

**Шакар.** Умидахон! Қизим!

**Ашуралiev.** Каримжон!

Иккovi ичкарига қулоқ солади.

**Тўтиносо (тovush).** Хайрихон! Ҳо Хайрихон!  
(Киради.) Ие!.. Ассалому алайкум!.. Нима қилиб юриб-  
сизлар?

Шакар. Умидан билан Каримжон Бўстонбувидан ха-  
бар олгани келишган эди, бемаҳал бўлиб қолди, дараги  
йўқ... Ўзингиз нима қилиб юрибсиз?

**Тўтиносо.** Ўйғониб қарасам Хайрихон ўрнида  
йўқ! Ҳайронман, қаёққа кетди экан?

Ашуралиев. Каримжон билан Умидахоннинг-ку  
узри бор, ойдин кечада... сизнинг қизингиз қаёққа кетади?

Шакар. Учови Бўстонбувига тушунтираётгандир-  
да!

Учови ичкарига қулоқ солади.

**Тўтиносо.** Сиз киринг-чи!

Шакар (тинглаб оёқ учida сўрининг олдига кира-  
ди). Ҳеч ким йўқ! Бўстонбуви ҳам йўқ!

Ашуралиев. Ундоқ бўлса Бўстонбувини алдаб-  
сулдаб ҳовлига олиб кетишибди! Қани, юринг, ўртоқ  
Ашуралиева!

**Тўтиносо.** Хайрихонни айтиб юборинглар!

Ашуралиев билан Шакар чиқади. Тўтиносо узоқдан кела-  
ётган кимнидир кўриб қўрқиб кетади ва ўзини панага олади.  
Арвоҳ сингари Бўстон телба бир аҳволда тентираб киради ва  
сўрига аранг етиб бориб ўзини ташлайди. Тўтиносо беихтиёр  
унинг олдига боради.

Бўстонбуви, нима бўлди, сизга нима бўлди? Қидириб  
юришибди... Қаёқда эдингиз?

Бўстон (бошини кўтаради). Кўрқдим...

**Тўтиносо.** Нимадан қўрқдингиз? Қаёққа борган  
эдингиз?

Бўстон. Сои... бўйига борган эдим, Искандар  
ҳам сувга айтган-ку ҳасратини... Мен ҳам ҳасратимни  
айтмоқчи эдим, сув тилга кирди, (эти жунжикуб) тилга  
кириб: «Фарид экансан, бенаво экансан, кел қўйнимга»,  
деди.

**Тўтиносо.** Сиз ўзингизни ўзингиз ғарид-бенаво  
қилиб ўтирибсиз-ку, мени, қиёматлик қўшнингизни ҳай-  
даб солдингиз, қудангизни хафа қиlldингиз, ўғлингиздан,  
келинингиздан юз ўғирдингиз... Сув шунаقا деганда сиз  
нимада дедингиз?

Бўстон (Тўтиносонинг елкасига бошини қўйиб дир-  
дир титрайди). Йўқ, дедим! Йўқ, дедим!! Болам бор, дедим!

**Тўтиносо.** Ҳа, ана энди ўзингизга келдингиз!

**Радиодан (овоэ).** Диққат! Диққат! Эшитингиз!  
Колхоз радиосидан гапираётимиз! Колхозчи ўртоқ,  
қўшнингизни уйғотинг! Қўшнингизни уйғотинг!

**Бўстон (ваҳима қилиб).** Вой, яна уруғ! бошланди!

**Тўтиносо.** Нафасингизни ел олсин!

**Радио.** Микрофонимиз олдида раисимиз Жамол  
ота! Жамол ота! Эшитингиз!

**Жамолнинг товуши.** Колхозчи ўртоқлар, бе-  
маҳалда уйғотганимиз учун хафа бўлмайсизлар... Бун-  
дан тахминан икки соат бурун ҳурматли докторимиз  
Каримжоннинг аяси...

**Бўстон.** Вой!..

**Жамолнинг товуши.** Яъни ҳурматли доктори-  
миз Умидахоннинг қайноаси Бўстонбуви Эрматова йў-  
қолиб қолди.

**Бўстон.** Вой!..

**Жамолнинг товуши.** Бўстонбуви ўйқусираб  
ўрнидан туриб кетибди. Шунаقا касали бор экан, Бўс-  
тонбувани ким қаерда кўрса маҳкам ушлаб, бетўхтов  
идорага олиб келсин! Умидахон, Каримжон учовимиз  
идорада бўламиз.

**Тўтиносо.** (Бўстонни маҳкам ушлаб судрайди).  
Юринг бу ёққа!

**Бўстон.** Шошманг!

**Тўтиносо.** Юринг деяпман!

**Бўстон.** Раис колхозчиларга айтди-ку, сиз нега ме-  
ни судрайсиз, колхозчи эмассиз-ку!

**Тўтиносо.** Яслида ишлайдиган бўлганимдан кейин  
колхозчиман!

Иккови торт-торт қилиб турганда радио эълонни қайтаради, лекин  
кўча-кўйдағовур, ҳайқириқ, автомобилларнинг гудоги унинг тову-  
шини босиб кетади. Шу ноқ Ҳайри югурниб киради, онасини  
эшик слидан тополмай ичкарига қарайди ва буларни кўриб бир  
оз антрайиб қолади-ю, юргурнича кетади.

**Бўстон.** Тўтиносо деяпман, қўйворинг!

**Тўтиносо.** Ахир раисга кўриниш беринг, қишлоқ  
тинчисин!

**Бўстон.** Бормайман! Бормайман! Раисга нима  
дайман?

**Тўтиносо.** Менга нима деган бўлсангиз шуни ай-  
тасиз-да!

**Бўстон (ялиниб).** Жон Тўтиносо, шу гап орамизда  
қолсин!.. Шошманг, нафасимни ростлаб олай...

Радио. Диққат! Диққат! Колхозчи ўртоқлар, Бўстонбуви Эрматова топилди! Бўстонбуви Эрматова топилди!..

Бўстон. Ана, топилибман!

Умидা, Каримжон, Жамол, Хайри киради. Тўтиносо раисга воқеани айтиб беради.

Каримжон (*хуноб*). Ая! Аяжон! Бу нима қилганингиз!

Бўстон. Жамол айтди-ку, уйқусираганимни...

Умидा. Қаёқда эдингиз?

Бўстон. Менми?

Жамол. Ҳа, сен! Қаёқда эдинг, имонсиз!

Бўстон (*юзига қаролмай*). Уйқусираб Тўтиносоникига кирибман... Гаплашиб ўтириб қолибмиз... (*Тўтиносога*) Айтсангиз-чи!

Жамол. Шунақами... Сой бўйида нима қилиб юрган эдинг?

Бўстон. Уйқусираб...

Жамол. Хўп, Искандарнинг-ку шохи бор экан, бу ҳасратини одамларга айтольмай сувга айтган экан! Сенинг сувга айтадиган қанақа ҳасратинг бор эди? Үғлинг доктор, келининг доктор, бир-бирига хўп муносаб, бир-бирини яхши кўради — ҳасратинг шуми? Буни сувга айтиб нима қиласр эдинг? Сувдан нима садо чиқади? Киройи айтганга яраша одамларга айт! Ҳали ҳам бўлса радиони тўғрилатиб берай, қишлоқ ҳали ухлаганича йўқ, бир ҳасрат қилгин!

Бўстон. Вой!

Жамол. Юр бу ёққа! Фарибман дегин! Бенавоман дегин!! (*Бўстонни қўлидан тортади*.)

Бўстон (*қўрқиб кетади*). Вой, мен унақа деганим йўқ! Демайман ҳам.

Умидадан паноҳ тилайди. Умидা уни қулоқлайди.

Парда

### ОЛТИНЧИ ҚУРИНИШ

Яслининг очилиш маросимига ҳамма тайёргарлик кўрилган. Байроқлар, шиорлар, Ашуралiev яслининг очиқ турган эшигига қизил лента тортади. Гулзор саҳнининг ўртаси «Қорахат ўқилган жой» га ҳайкал ўрнатиб, оқ чойшаб билан ўраб қўйилган. Унинг бир томонида минбар, микрофон.

Собиржон (*микрофонга*). Бир, икки, уч, тўрт, беш... Асқарали aka!

Ашуралiev. Лаббай, Собиржон!

Собиржон. Радио митингни олиб эшиттиришга тайёр!

Ашуралiev. Баракалла! Баракалла! Сени почтадан озод қилиб бутунлай радиога олмасам бўлмайди! Раисга айтаман! Кўй ўша почтани, эшикма-эшик юрасанми... Қани, аввал эълонлардан эшиттириб кўрайличи! (*Микрофонга ўйталади*.) Биринчи: колхоз клуби олдидаги миллий музика тўғараги ташкил қилинди, хонандалар, созандалар таклиф қилинади. Йиккинчи: колхоз ҳаммоми ҳар куни эрталаб ўндан кечаси соат ўнгача муттасил юриб туради; иссиқ сувни исрор қилманглар; ҳаммом ҳамиша тоза, озода турса ўзларингга яхши!

Собиржон. Бўлдими?

Ашуралiev. Э-э, шошма, авжи қолди! (*Микрофонга*) Ҳаммомга шиша идишда қатиқ олиб кирилмасин! Эълон тамом!

Собиржон. Энди мен борай, хатлар тўхтаб қолди.

Ашуралiev. Майли, лекин менга қара, магнитофонни ола кел, митингни ёзиб оласан!

Собиржон. Хўп! (*Чиқади*.)

Ашуралiev (*ташқарига*). Тўтиносо!

Тўтиносо (*бир қуҷоқ болаларга керакли латтапутта кўтариб киради*). Ҳа!

Ашуралiev. «Ҳа» эмас, «лаббай» дейишни ўрганинг! Кеча клубда лектор нима деди? «Ҳа», «ҳе», «ҳим» деган гаплар кетмайди. Сиздан бир илтимос: шу микрофонга қараб туринг, бола-чақа тегмасин! Мен уйга бориб ясаниб келай! (*Чиқади*).

Тўтиносо яслига кириб кетади. Елкасига талабалар сумкасини осиб олган Бўстон киради ва ҳеч ким ўйқлигидан фойдаланиб ҳайкалнинг олдига келади, чойшабнинг бир чеккасини кўтариб қарамоқчи бўлади.

Тўтиносо (*эшикда пайдо бўлади*). Ҳай!.. Бу нимаси, Бўстонбуви?

Бўстон (*чўчиб нима дейшишини билмайди*). Ҳуқишдан келаётиман...

Тўтиносо. Ҳуқийдиган одам шунақа беадабчилик қиладими! Айтдим-ку: зеҳнингиз хит, ўқиганингиз билан илм юқмайди!

Бўстон (*айғламсираб*). Сизга юқсан илм нега менга юқмас экан!.. (*Бирдан*.) Сиз ҳам уйда димиқиб ётган эдингиз, ишлаб, ўқиб, кўкрагингизга шабада теккандан

кейин шунақа бўлдингиз-да! Эсингиздан чиқдими, ху...  
ху!..

**Тўтинисо (хижолат).** Тўғри-ку, лекин... устига  
чойшаб ёниб қўйгани — бирор кўрмасин дегани бўлади!

**Бўстон.** Шуни айтаман-да, «қораҳат» ўқилган жой-  
га битта-яримта ялангоч хотинни тикка қилиб қўйган  
бўлмасин тагин!

**Тўтинисо.** Билмайман, кўрганим йўқ. Кеч-  
қурун ҳам пойдевори турган эди холос, эрталаб қарасам  
усти пайдо бўлиб қолибди. Ялангоч хотин эмасdir, ўл-  
дими!..

**Бўстон.** Вой, бофнинг дарвозасини кўрмаганимисиз,  
бир томонига қасқон ушлаган, бир томонига тўп кўтар-  
ган иккита қип-ялангоч хотинни тикка қилиб қўйибди!  
(Ялинib.) Жон Тўтинисо, бир чеккасини очиб кўрай...

**Тўтинисо.** Ҳадемай митинг бўлади, ўшанда бир  
чеккасини эмас, ҳаммасини кўрасиз!.. Йўқ, Бўстонбуви,  
ақлим етмайди!

**Бўстон.** Нимага ақлингиз етмайди?

**Тўтинисо.** Шунча ишни тўғри қилган раис шунга  
қолганда хато қилмас!

**Бўстон.** Вой, Тўтинисо, нега раис дейсиз, Карим-  
жон билан Умидахонни нега айтмайсиз? Ясли тўғриси-  
да йўл кўрсатган шулар-ку!

**Тўтинисо.** Рост, шулар! Шундай бўлгандан кейин  
ўғлингиз билан келинингиз ялангоч хотинни тикка қилиб  
қўйгани унамас!..

**Бўстон.** Булар унамайди-ку, Жамол ўлгурни шуна-  
қа ишларга ўч дейишади!

**Тўтинисо.** Йўқ, Каримжон билан Умидахон қў-  
йишимайди! Шундоқ Каримжон! Шундоқ Умидахон!..  
Ўғлингиз яхши эди, келиндан ҳам хўп ёлчидингиз, Бў-  
стонбуви!

**Бўстон (баҳтиёр).** Сиз-чи, сиз ҳам куёвдан ёлчи-  
дингиз! Азимжонингиз тайёр хотинни ўқишга юбориб  
ўтирибди! (Махфий.) Бошқа йигит бўлса «ўсмангни қўй,  
сурмангни торт», деб Хайрини уйга тиқиб қўяр эди!

Иккобий кулади. Одан йигила бошлиди. Ғовур, йўтал, хотинлар-  
нинг кулагиси. Шакар билан Ашуралiev киради.

**Ашуралiev.** Шакархон, созандаларга айтинг,  
ҳоли-бақудрат машқ қилиб туришсин!

**Шакар (ташқарига).** Созандалар, машқдан бўл-  
син!

**Машқ** бошланади, Каримжон билан Умид, магнитофон  
кўтариб Собиржон киради.

**Ашуралiev.** Қаримжон! Умидахон! Бу ёққа ке-  
линглар! Қуда, сиз ҳам кела қолинг! Шакархон, сиз  
ҳам...

**Жамол (қўлида қоғоз, киради).** Қани, бошлаймиз-  
ми?

**Ашуралiev.** Собиржон, тайёрмисан?

**Собиржон.** Ҳозир... Лента чувалиб кетди.

**Ашуралiev (Жамолга. Ҳайрон).** Қоғозга қараб  
гапирасизми?

**Жамол.** Гапни бошлаб олай деяпман, бошидан ха-  
то қилиб қўймай...

**Ашуралiev.** Сиз хато қилсангиз мамлакатнинг  
бир чеккаси ўпирилиб кетадими? (Қоғозни тортиб ола-  
ди.) Ўзингиз биласиз-ку, бу касофат ҳар қанақа одамни,  
ҳатто Афандини ҳам фурбатнинг уясига айлантиради!

**Собиржон.** Ёзишга тайёрман, Асқарали ака!

**Ашуралiev (қоғозни чўнтағига тиқади).** Бара-  
калла! (Микрофонга). Радио эшитувчи ўртоқлар, ми-  
крофонимиз янги қурилган ясли биносининг саҳнида.  
Бу ерга яслининг очилиш маросимида қатнашиш учун  
азиз оналар ва бошқа аёллар йиғилишган! (Халқа.)  
Ўртоқлар, янги қурилган яслининг очилишига бағишилан-  
ган митингни очиқ деб эълон қиласман!

### Қарсаклар.

**Сўз раисимиз Жамол отага!**

**Жамол.** Ўртоқлар! Колхозимиздаги энг катта кам-  
чиликлардан бири, яслимиzinинг йўқлиги эди десам хато  
бўлмаса керак! Онанинг кўнгли болада, боланинг кўнг-  
ли далада деган гап бор, лекин бизнинг колхозимизда  
онанинг ўзи далада, ҳурматли докторимиз Умидахон  
айтмоқчи, боласидан кўнгли тинч эмас эди. Шуни на-  
зарда тутиб мана шу иморатни солдик. Энди, мен сиз-  
ларга айтсам, ҳар қанча бола бўлса ҳаммасидан она-  
нинг кўнгли тинч бўлади! Бемалол туға беринглар!

**Хотин товушни.** Жамол ота, правлениенинг ҳим-  
матига, ғайратига раҳмат!

**Жамол.** Ўртоқлар, правление албатта, бу ишга  
бошчилик қилди: лекин ҳиммат колхозчиларни, имо-  
рат колхозчиларни, пешона теридаи бино бўлди; энди  
ғайрат масаласига келсак, ҳурматли докторимиз Карим-  
жон билан ҳурматли докторимиз Умидахонга қуллуқ қи-  
лишимиз керак! Шулар жон қуидириши! Раҳмат шу-  
ларга!

### Қарсаклар.

Шу билан бирга шундай, халқ учун қайишадиган ёшлиарни тарбиялаган ота-оналарга: Шакархон Ашуралиевага, Асқарали Ашуралиевага...

Бўстон ваҳима ичиди кутади.

Қолаверса, Бўстонбуви Эрматовага ҳам чин кўнгилдан раҳматлар айтамиз!

Бўстон (лабини буриб, ўзича). «Қолаверса»!..

Ашуралiev. Сўз Умидахонга!

Умид а. Мен ҳамма гапимни бино қурилгунча гапириб бўлганман. Жуда кўп гапиришга тўғри келди...

Жамол. Тўғри, бўйнимга оламан, айниқса сени кўп жавратдим!

Умид а. Энди жавратмайсизми?

Жамол (қатъий). Йўқ!

Умид а. Иморат учун қуллуқ, лекин битта иморатнинг ўзи, ҳатто янги яхши иморат ҳам ясли бўлавермайди. Ясли болаларнинг иккинчи онаси бўлиши лозим.. Бунинг учун нималар керак эканини биласизми?

Жамол. Сенинг билганинг — менинг билганим, тила тилагингни, ортиғи билан бажараман!

Қарсаклар.

Ашуралiev. Шакархон, гапирасизми? Қитобхон оналар номидан...

Бўстон. Ҳой, менга қаранг, қуда, ҳадеб ўзларинг гапиравесизларми?

Ашуралiev. Э-э!.. Гапирасизми? Марҳамат! (Собиржонга.) Шошма, ёзмай тур!

Бўстон. Ясли тўғри, хатоси йўқ! Каримжон билан Умидахон келиб қишлоққа файз кирди. (Жамолга.) Бутўғрида, қуллуқ, мени «қолаверса»га қўшдинг! Лекин Каримжоннинг дадасини лоақал «қолаверса»га ҳам қўшмадинг! Шундоқ бўлишини билар эдим! (Ҳайкални кўрсатиб.) Мана, кўриб турибман, шунинг ўрнига ёстиқдаккина мармартош қўйсак... чолгинам арзимасми? Бу-ку шунаقا, сенга нима бўлди, Каримжон!..

Музика. Жамол қизил лентани кесади. Чапак. Оқ чодир тушиб, унинг остидан күёшга толлинаётган гўдакнинг ҳайкали чиқади.

Бўстон (энтиқиб). Вой, ўргилиб кетай гиргиттон!.. Умидахон, кўраётисизми? (Хаёлида неварасини ардоқлаиди.) Онасининг боласи, қантак ўрик донаси!.. (Умидани қучоқлаб ўпади.)

Парла

1957 йил

## ФАНИШЕР

### Сўз Фанишерга

— Тилимни қичитма, жўжахўрöz! Айтмадимми, кузда қийқиллаб столнинг тагига кириб кетасан, деб... Эҳ-э, сенинг хўрöz бўлишингга ҳали ўн тўрт процент бор. Ҳавони қара, шов этиб ёғса нима қиласан, ўн тўрт процент пахтангни лунжингга шўр пахта қилиб боғлайсанми?. Келаси йиъ менинг бригадамга ўта қол. Биронта эски кетмонга даста қилиб қўяман!..

Баҳорда кариллаб ҳеч кимга сўз бермаган эдинг, мана энди колхозни орқага тортиб ўтирибсан. Одамим кам эмиш! Э-э, одаминг кам бўлса, нега қимирлаган жонни битта қўймай ишга солмайсан? Участкангда пахтага чиқмайдиган отинчалар озми: бироннинг хотини чиқмайди. Бироннинг қизи чиқмайди... Бўйи ғўза билан тенг болалар 40—50 кило қўсак терсин, бизга қарашгани шундан-шунга Тошкентдан одам келсину, биз кап-катта бўлиб, шу ерда туриб пахтага чиқмайлик... Үҳ-ӯ, буларни оналари қизил гулнинг тагига туққанми?! Шунаقا оталару шунаقا эрларни мажлисга солиб роса туймайсанми? Қудогидан кўтариб ҳалойикка қўрсатмайсанми? Кимдан, нимадан тап тортасан?

Одам кам дейсан, мана мену сенга қарашгани Тошкентдан ҳам одам келди. Не-не йигитлар, не-не қизлар... Лекин ёрдамидан тўлиқ фойдаландингми?— Йўқ, ошнам, йўқ! Батъзи бригадаларимизнинг билиб олгани — табель, табельни кўради-ю, «ёрдамчининг маъзаси йўқ, кам теради, булардан ёруғлик чиқмайди...» деб идорага югуради. Идора нима қилиб беради. Пилигини кўтариб қўярмиди?

Нариги бригадага ҳам ёрдамчи келди. Бригада биринчи куни қараса, ёрдамчилар ўрта ҳисоб билан 1 28 килодан қўсак теришган эмиш. Булардан биттаси 9 кило терибди. Бригадир шу одамнинг шундан-шунга 9 кило тергани келганига сира-сира ишонмабди, бир гап бор, дебди. Мана бу бригадирга қойилман! Эрта, сига ўша участкага бориб, ўша одамни топибди. Нозик-

кина бир жувон экан. Бригадир қўсак терган киши бўлиб, унинг ишига разм солибди. Қараса, аввали шуки, қўсакка худди тилла қўнғиз ушлаётгандай қўл узатар эмиш, ундан кейин, битта қўсакни икки-уч марта тортар эмиш, қўсак бир қанча чўп билан чиқар экан-да, кейин, чўпни синдириб ташлармиш, бундан ташқари, ерга қараб турган қўсакларни кўрмай қолдириб кетаётгани эмиш. Бригадир секин унинг олдига бориб: «Синглим, бунақада уриниб қоласиз,— дебди,— қўсакни тўғри тортманг, ёнбошлиб силтанг. Шундай қилсангиз ҳам бўғинидан дарров узилади, ҳам ғўза силкиниб, ерга қараб турган қўсаклар кўринади». Шу гапни айтибди кетаверибди. Шу хотин, хоҳ ишону хоҳ ишонма, уч кундан кейин 78 кило терди, ўз қўзим билан кўрдим. Йиши мана бундоқ бўбди! Ёрдамидан тўлиқ фойдаланиш деб мана буни айтади. Билмаганга ўргат, бўшашганини ғайратга сол, уйқун-қирогини уялтири, кечқурунлари ётоғига бориб «ҳорманглар» деб қўй, меҳрибон ҳангамалаш... Колхозчилар ниҳоятда миннатдор эканликларини, жуда катта иш қилаётгандиларини сезиб туришсин...

Менга, кеккайма, дегандай шама қилдинг-а! Мен битта бригадамнинг плани тўлганига кеккайдиган йигитмасман! План тўлдиришни энди кўраётганим йўқ, ошнам. Икки медаль, бир «Хурмат белгиси», бир «Қизил байроқ», бир Ленин ордени олган йигитман. Мен Андижоннинг Бўтақорасидан Мирзачўлга кеккайгани келганим йўқ. Мирзачўлни Мирзагулбон қилгани келган йигитларданман. Марҳум оқсоқолимиз Йўлдош Охунбобоевга шундоқ ваъда берганман. Ушанда у киши мажлис қилдилар, Мирзачўл бурун қандоқ бўлганлиги, у ерда ҳозир нима ишлар қилинаётганилиги, бундан кейин қандоқ бўлиши кераклиги тўғрисида гапирдилар. «Дарактларга қўмилсин, ўтлоқларида қўй-қўзи маърасин, ариқларида шилдираб сувлар оқсин, боғ-бўстонларида булбуллар сайрасин. Одамлар яйрасин, юртимизнинг бойлигига бойлик қўшсин»,— дедилар. Бизнинг муродимиз мана шу. Бригадамнинг планини тўлдирсам ана шу тупроққа битта данак тикдим деб суюнман. Суюниш — кеккайиш эмас, ошнам!

Партиямиз бўлади деган иш бўлмай қолган эмас, ҳукуматимиз қиласиз деган иш қилинмай қолгани йўқ, олимларимиз ўсимликни раъйимизга солиб беради. Машиналаримиз битта бармоғимизни филга тенг қилиб қўйди. Мен келганда мана шу ерларнинг ҳар гек-

тари ниҳояти 8 центнердан пахта берар эди. Бу йил 36 гектар ернинг ҳар гектаридан 35 центнердан ҳосил оламан!

Биз жуда катта ишлар қилаётимиз, ошнам, бахшиларнинг достонига, қўшиқларига тушадиган ишлар қиляпмиз. Фўрадан баҳор ҳиди келгандай колхозимизда бўлаётган ҳар ишдан ўша Мирзагулбоғнинг ҳиди 'келиб туради. Менинг бригадамдаги Тўтихонни билсан-а? Ўн олти яшар қиз, звено бошлиги. Муштдай боши билан 9,5 гектар ернинг ҳар гектаридан ҳозирнинг ўзидаёқ 32 центнердан ҳосил олди. Звеносида бирорта эркак йўқ. Терим вақтида Тўтихоннинг ўзи ҳар куни 100—150 килодан пахта терди. Мана шундан ҳам ўша Мирзагулбоғ ҳиди келмайдими? Бу қизда бунчалик файрат қаёқдан пайдо бўлди? Биз бу ерда жуда катта иш қилаётганимизни катта-кичик, эркак-аёл ҳамма билади. Ҳамма кўриб туради. Тўтихон ҳам, унинг звеносидаги хотин-қизлар ҳам билишади. Бизларга филнинг кучини, чумолининг файратини берган нарса мана шу.

Ҳа, ошнам, буқчайиб қолдинг, жўжахўroz деганимга хафа бўлдингми? Хафа бўлма. Жўжахўroz бўлсанг ҳам хўroz бўлиб туғилгансан, хўroz бўлиб кетасан. Кўтар қоматингни. Лекин, ошнам, маҳкам бўл, пахтанг сушилкага тушгудек бўлмасин.

Ана, кўрдингми, булат юиртилди, эртага ҳаво яхши бўлади...

3/XII—48 йил

## ДЎРМОН ЛОЧИНИ

Тошкентга келиб Янги Дўрмон — «Қизил Ўзбекистон» колхозини кўролмай қайтган киши армонда кетади. Ҳеч бўлмаса нарироққа бориб Оржоникидзе район марказининг чиқаверишидаги тепаликда ёки колхоз раислари тайёрлайдиган мактабнинг катта йўл бўйидаги шийпонидан Дўрмонга бир қаралса, кўнгилдаги ҳар қандай губор бир зумда тарқайди кетади!

Этагини кўз илғамайдиган ранг-баранг, ийрик-ийрик ер карталари; боғлар, чорбоглардаги, хиёбон, кўча ва йўллардаги садарайхондай қулф уриб, намозшомгулдай тарвақайлаб, гулихайридек бўйга зеб бериб ўсган дараҳтлар; булат устидан бўй чўзиб турган мирзатераклар; дараҳтлар остидан, орасидан мўралаб турган оқ, пушти, сарғиш, кўкимтири деворлар, қизил ва яшил томлар... Шундай манзарани расмда кўрган киши «расом жуда ошириб юборди» дейди.

Дўрмонни боғ десангиз минг-минг тонна пахтаси бор, пилласи бор; оқ олтинга кон десангиз, ширин-шакар меваси бор, қўю қўзи, сигир-бузоқ, парранда-ю, йилқиси бор.

Олачипор Қурама ва Чимён тоғлари, оч ўсмаранг пасти баланд адирлари, қирлари Дўрмоннинг тенги йўқ ҳуснига хусн қўшгани, уни ясатгани, безатгани атайин яратилгандай туюлади.

Қуналай кўзга тортилган сурма киприкларда оқиш кўриниб қадри кетгандай, Дўрмонда кечалари ойдину, ойнинг қадри қолган эмас: кўча ва ҳовлилардаги ёруғ электр чироғларидан кўз қамашади. Деразаларда ранг-баранг шуъла ёнади: буларнинг аксидан ариқларда сув эмас, ўйноқи нур оқади. Кундузи кекса, не-не замонларни, маконларни кўрган қуёш, дўрмонни кеча кўриб тўймагандай яна кўргани шошилиб мўлжалдан эртароқ чиққандай, унинг устида кўпроқ тўхтаб, шодликдан чақнаб, ота ғамхўрлиги, она меҳри ва ошиқ муҳаббати ҳароратидан шундай қишлоқлар яратган рес-

публикага, унинг азим пойтахтига нурдан табрик ва саломлар юбораётгандай туюлади.

Республикамизнинг бўй гўзал парчаси юртимизга меҳмон бўлиб келган румин деҳқонларининг ҳавасини, ҳинд санъатчиларининг шавқ-завқини, Бразилия, Аргентина, Венгрия, Миср шоирлари, адилларининг илҳомини келтирди; Хитой олимлари, демократик Германия, Япония, Норвегия хўжалик ва маданият ходимлари ва Англия, Йндонезия, Эрон, Афғон, Бирма давлат араббларининг таҳсинига сазовор бўлди; бошқа кўп мамлакатлардан келган кишиларнинг ҳам ҳавасини, баъзан ҳасад туйғусини қўзғатди.

Кишлоқларимизни мана шу хилда обод, деҳқонларимизни йўқчилик ғам-ғуссасидан ҳалос қилган колхоз тузуми, шу билан бирга, колхоз ишлаб чиқариши командирлари — фаросатли, дидли, ғайратли, ишнинг кўзини биладиган, эл-юрт деганда ўт кешишга, сув кечишга тайёр бўлган раҳбар кадрлар ҳам етиштириди.

Мана шу кадрлардан бири «Қизил Узбекистон» колхозига қарийб йигирма йилдан бери раҳбарлик қилиб келаётган донгдор раис Абдужамил Матқобиловдир.

Ёши анчага бориб қолган бўлса ҳам, йигитлик тахи бузилмаган, шопдай мўйлови баланд қадига хўп ярашган бу одам кўпроқ боғда, этаги кўринмайдиган ток хиёбонининг кираверишидаги каттакон сада остига қўйилган сўрида темир панжара — дарвозадан катта кўчага қараб ўтиради. Ҳамиша очиқ ҳавода юрганлигидан қип-қизил ва ажинга сўз бермаган юзидан табассум аримаган бу одамни дабдурустдан кўрган киши унинг бошида бир минг бир юз хўжаликдан иборат, беш ярим минг жон кўз тиккан катта рўзгорнинг ташвиши бор деб ўйламаслиги ҳам мумкин. Шовқин йўқ, югуриш йўқ, ҳовлиқиши йўқ. Аксинча, бу саданинг тагида ҳовлиққаннинг ҳоври босилади. Бу ерда гўё бутун колхоз, унинг ҳар бир бригадаси-ю, звеноси, ҳар бир колхозчи-ю, унинг уйичи баралла кўриниб, ҳар бир товуш аниқ эшитилиб туради. Шунинг учун одамлар, «раисда лочиннинг кўзи-ю, кийикнинг қулоги бор» дейишади.

Унинг пахтачилик, пиллачилик, чорвачиликдаги тажрибаси, боғдорчиллик, сабзвотчиликдаги ҳунари устига хўжаликни олиб боришдаги маҳорати колхозчиларнинг завқини келтиради:

— Раисимиз ҳисобини топса, сигирнинг маърашидан ҳам фойдаланади!

— Даромадни теша билан чопиб олсан, раисимиз қирғич билан қириб сарф қиласди!

Бу аломат ташкилотчининг саргузашти билан ҳозирги Дўрмон тарихи орасида, нечукдир, бир муносабат бор.

Эски Дўрмон қалдирғочнинг уясига ўхшаган кесак деворлар, пачақ, қийшиқ уйлар, тўнтариб қўйилган лайлак уяга ўхшаган томлар, булар орасида қабристондаги даҳма сингари қаққайиб турган қизил тунука томли икки иморат—икки бойнинг ҳовлиси, бир мачит ва суви қуртлаб, қон тусига кирган бир ҳовуздан иборат бўлган вақтларда Матқобилов бойларнинг эшигига қарол, дурадгорга шогирд бўлиб юрган эди. Қизил тунука томли икки бинонинг бири мактаб, бири «Қизил қўшчи»га идора бўлгандан кейин эса Матқобилов ўз ерини экиб, нимжон бўлса ҳам, ўз хўжалигига эга бўлди; савод чиқарди, сельсовет атрофидаги активлардан бири бўлиб қолди. Икки юз йигирма хўжалик бирлашиб колхоз бўлганда Матқобилов аввал кетмончи, колхоз бир оз мустаҳкамлангандан кейин эса пахтачилик бригадасининг бошлиги бўлди. Колхоз катта-катта қадамлар ташлаб олға босган сайин Матқобилов кўзга яқолроқ кўрина борди: ғайратли, омилкор бригада сифатида обрўси ошиди, сельсовет очган курсда ўқиб, билимини ошириди; гап билди, сўз билди, мажлисларда гапирадиган, унча-мунча одамга сўз бермайдиган бўлди; ниҳоят, колхозга раис қилиб сайданди. Саккиз йилда саккизта раис кўрган колхозда Матқобилов раис бўлиб қарор топди.

Матқобилов раислигига колхоз ташкилий-хўжалик томондан мустаҳкамлана борди: колхозчилар ниҳоятда аҳил бўлди, колхозга муҳаббати ва меҳнатга рагбати ошиди. Кечагина ўз ери, ўз уловидан кўзини ололмаган, ўзидан бошқани ўйламайдиган кишилар энди колхоз тўғрисидагина эмас, ҳатто республика тўғрисида ўйлайдиган бўлиб қолиши; Шимолий Тошкент, Мирзачўлдаги Киров номли каналларда, Оҳангарон темир йўли, Фарҳод гидростанцияси қурилишларида жон куйдириб ишлаб, «Қизил Узбекистон» колхози номига шон-шараф келтириди.

Уруш бошланган вақтда колхоз ўзини батамом тутиб олган, мамлакатимиздаги мингларча колхозлар

қатори қўшинларимизнинг мустаҳкам орқа таянчига айланган эди. Бу вақтда пахта ҳосили ҳар гектар ердан ўн икки ўрнига йигирма уч центнерга кўтарилиган эди, уруш даврида асосий куч бўлиб қолган аёллар, қарияларнинг ҳиммати, ғайрати ва ташабbusи соясида колхоз шу ҳосилни қўлдан бермади, бунинг устига, хўжалик тармоқларини кўпайтирди, кенгайтирди.

Урушда майин халқимишнинг моддий эҳтиёжини саноатимишнинг хом ашёга бўлган талабини тўлароқ қондириш учун қишлоқ хўжалигини яна ҳам ривожлантириш мақсадида Партия ва Ҳукуматимиз жорий қилган талай тадбирлар колхоз хўжалигини ҳар томонлама ва тез суръат билан тараққий қилдиришга катта йўл очиб берди.

«Қизил Ўзбекистон»да меҳнатнинг оғирини, ишнинг кўпини машина, қилади. Колхозларни йириклиштириш, янги суғориш системасига ўтиш, пахтани янги, прогрессив методлар билан экиш ва бошқалар техниканинг бутун имкониятидан фойдаланишга, унинг бутун кучини сиқиб олишга катта имконият яратиб берди. Бунинг натижасида колхоз 1956 йилда 1250 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 42 центнер ҳосил олди, бир гектар пахтани беш-олти меҳнат кунинга тушириди.

— Хўжаликни комплекс равишда ривожлантирмасдан туриб колхозчиларнинг даромадини йилдан-йилга ошириш қийин,— дейди Матқобилов.

Колхозчиларнинг даромади йилдан-йилга ошиб бораётган «Қизил Ўзбекистон» колхози, ҳақиқатан, кўп тармоқли хўжаликдир. Колхозда олтига чорвачилик фермаси бўлиб, буларда 900 бош қорамол (300 таси сигир), 4000 бош қўй, 300 бош йилқи, 250 бош чўчқа (25 таси она чўчқа), 150 яшик асалари, бир неча минг бош парранда бор. Бутун куч пахта ва пилладан юқори ҳосил олишга қаратилиши билан бирга чорвачилик маҳсулдорлигини оширишга ҳам катта диққаг ва эътибор қилинади. 300 сигирга янги типда солинган қишлоқ ва ёзлик, механизациялашган «шоҳона» оғил, икки миллион сўмдан ортиқ пул сарф қилиб қурилган икки минг тоннаялик силос чуқури ва башняси, тахминан икки миллион сўмга тушадиган паррандачилик комбинати қуриш мўлжалланганлиги ва бошқа кўп ишлар бунинг далилидир.

Колхоз, хўжалик ютуқлари билан Бутуниттифоқ Қишлоқ хўжалиги виставкасининг ҳам зийнати бўлди.

«Қизил Ўзбекистон» 1953 йилдан бери Виставка қатнашчиси бўлиб, иккита биринчи даражали, тўртта иккинчи даражали диплом, бешта енгил ва юк машинаси билан мукофотланди. Матқобиловнинг ўзи икки олтин медаль, учта кумуш медаль ва битта «Победа» машинаси мукофот олди.

Колхоз боғдорчилик ва сабзавотчиликдан ҳам тўрт миллион сўмга яқин даромад олади. «Қизил Ўзбекистон»нинг чойнакдай-чойнакдай анори, карсиллайдиган олмалари, ҳар боши бир патнис келадиган шириншарбат узумлари, пичоқ тегмасдан тарсиллаб кетадиган қовун-тарвузлари, қишида ҳам барра бодринги, помидори, кашничу кўк пиёзи Тошкент ва Чирчиқ бозорларининг кўркидир.

Ҳамма тармоқлардан чиқадиган маҳсулотни Матқобилов қўл ҳам тегизмай, чумчуқа ҳам егизмай колхоз ва колхозчilar бойлигига жамлайди. Томатома кўл бўлур деганлар. Тармоқлардан томадиган томчилар, ҳақиқатан колхозчиларнинг даромадини йилдан-йилга ошириди, колхозни бақувват, ҳар ишга қодир қилди.

«Қизил Ўзбекистон»нинг қудратини қурилиш иши, бунинг миқёси ва суръатидан қиёс қилса бўлади.

Янги суғориш системасига ўтиладиган вақтда анчагина ерни қуроқ-лаҳтак қилиб турган беш юз хонадённи бетўхтов, пландаги муддатдан бурунроқ кўчириш зарур бўлиб қолди. Беш юз хонадон — бутун бир бошли қишлоқ деган сўз! Шундай бўлишига қарамай, колхоз кучига ишониб, пасқамликларнинг қатига, эгри-буғри кўчаларнинг қаърига тиқиб қўйилган бурунги Дўрмондан сўнгги нишона бўлиб қолган пачоқ, қоронғи кулбаларга бульдозер солиб юборди. Салвақт ўтмай бу хонадонлар катта йўл бўйига солинган баланд, «уй мана бунақа бўлади» деб ҳавога, қуёшга кўкрак кериб турган боғчилик, кўп хоналик янги уйларга кириб олишди.

Колхоз кейинги беш-олти йил ичida бир талай уйжойдан ташқари, йигирма етти хоналик идора биноси, ўттиз етти хоналик дам олиш уйи, суткасига беш юз-киши чўмиладиган ҳаммом, ўн олти ўринлик меҳмонхона, уч юз болага бешта боғча биноси, бутун ёхолини ва хўжалик обьектларини сув билан таъминлайдиган ўн етти километрлик водопровод, пахта тозалайдиган завод, суткасига ўн минг дона пишиқ фишт чиқарадиган фишт заводи ва бошқа нареалар қурди;

саккиз километрлик йўл колхозга мол тушириш ва колхоздан маҳсулот чиқаришни осонлаштирадиган бир юзу йигирма метрлик темир йўл шохобчаси солиб олди. Ҳозир яна бирмунча уй-жой, тўрт юз болага мўлжалланган интернат биноси, қирқ номерли телефон станцияси солинаётиди.

Одамларнинг меҳнат ва муҳаббатидан яшнаган колхоз, ўз навбатида, колхозчининг оғирини енгил, қийин ишини осон, турмушини фаровон ва чиройли қиласиган жуда кўп илм ва техника мўъжизаларини қишлоққа олиб келди, қишлоқда саводсиз одамни сифдирмайдиган, ёшу қари ҳамма илм-маърифатга, техникага, инсон ақли яратган ҳамма моддий ва маънавий чеъматларидан фойдаланишга ҳаракат қиласиган шароит вужудга келтирди. Бунинг натижасида колхоз интеллигенцияси пайдо бўлди, булар: врач ва ўқитувчилар, ветеринар ва агрономлар, тракторчи ва химизаторлар, шофер ва механиклар, идора хизматчилари ва савдо ходимлари... «Қизил Ўзбекистон» тупроғида ҳозир йигирма ўринлик касалхона, ўн иккни ўринли тургуҳона, аптека, лаборатория, кинотеатр, радиоузел, уч магазин, битта ўн йиллик ва бешта етти йиллик ҳамда битта бошланғич мактаб бор. Бу мактаблардаги ўқитувчиларнинг етмиш проценти дўрмонлик бўлиб, Тошкент, Самарқанд, Фарғонада таҳсил кўрган кишилар. Қишлоқдан ҳозиргacha 14 врач, 15 инженер, 14 агроном, 3 артист, 2 шоир чиқсан. Байрам кунлари галстукни қисиб боғлаган, шимининг қирраси билан қовун сўйса бўладиган йигитларни, пошнаси ингичка туфлиларда дикиллаб, ҳарир этакларини учириб юрган қизларни кўрсангиз... ким билади, буларнинг қайси бири ўқитувчи-ю, қайси бири хизматчи-ю, қайси бири оддий колхозчи!

Колхозга Матқобиловнинг жуда кўп меҳнати синган, бунинг учун бутун колхоз ва ҳар бир колхозчи ундан миннатдор; лекин шу билан бирга, Матқобилов бутун ҳаётини хаёлидан кечирап экан, бутун колхоз ва ҳар бир колхозчи олдида қўл қовуштириб, улар билан бирликда жонажон Партиямизга, Ҳукуматимизга миннатдорлик туйғусини, меҳру муҳаббат ва чексиз садоқат туйғусини изҳор қиласди.

1957 йил

## ЮРИНГ, ОШНА, ЧУЛ ҚУВЛАЙМИЗ!

Ассалому алайкум, жондан азиз, шакардан лазиз Москвам!

Мана, биз ҳам келдик. Қилган меҳнатимизни тақдирлаб берган мукофотингни олиб қуллуқ қилгани қардош-қариндош паҳтакорлар, ғаллакорлар, чорвардорларнинг ютуғини олқишлиб чапак чалгани, яхши ишларидан ибрат олгани келдик...

Езинг, яхши қиз, каттароқ дафтaringизга ёза қолинг, кўпчиликмиз, кичигига сифмаймиз! Бирламчи: Анжаннинг Бўтақорасида туғилган, бир кам қирқинчи йилда Мирзачўлга кўчиб келган ва бугунги кунда Гулистон районидаги колхозда яшаб-яшнаб турувчи Юнусов Фанишер! Бригадир! Эллик бир яшар...

Қани, юринг, ошна, пича вақт бор экан. Кремльни бирпас айланайлик... Республикамиз паҳта планини бажаролмаган йиллари ерга қарай бериб димиқсан, заҳлаб, занглаб кетган кўкракларга шабада тегсин! Кремль шабадаси тегсин!

Биз ўша йиллари ҳам бажарган эдик, лекин бари бир, ерга қараганмиз, ошна! Биз бажарган билан республика бажармаса... битта мих билан иморат солиб бўлмайди деган гап ҳам гап! Бурун бригадамизни битта мих деган одамлардан хафа бўлиб чакка қилган эканмиз. Ҳом сут эмган одам боласи, баъзан дўланани кўриб тоғни эсидан чиқариб қўядиган маврилар ҳам бўлар экан-да!

Оламда битта ўзини, жуда нари боргандা, болачақасинигина ўйлайдиган, халқни кўргани, юрга қарағани бўйи етмайдиган одамлар бор! Биз, колхоз ионимизни бутун қилди, бизга ёруғ уй, қўлимизга китоб берди деймизу, лекин булардан ҳам каттароқ, булардан ҳам чиройлироқ бир нарсани кўпинча пайқамаймиз: колхоз бўйимизга бўй қўшиб, халқни кўрадиган, юрга қарайдиган қилди. Мен сизга айтсан, ошнам, халқни кўргани, юрга қарагани бўйи етмайдиган

одамчанинг офтобшувоқда қорини иялаб, орқа оёғи билан бўйини қашлаб ётган мушук боладан фарқи йўқ!

Бурунги замоннинг йўриғи бошқа эди. У замонда меҳнат оғир юк, бу юк меҳнаткаш одамни ерга қўшишириб юборган, меҳнаткаш одам қўшнисини кўргани, атрофга қарагани бошини кўтаролмас эди. Мана, менинг ўзимдан қиёс: колхоз бўлмасдан бурун, Тўйчи эшоннинг эшигига қарол бўлиб юрган йилларим, ўзимдан бошқани ўйлагани, қишлоққа кўз ташлагани фурсатим бўлиптими? У вақтларда тунларим бирпас ором олгани, кунларим бир бурда нон топгани аранг етар эди. У вақтларда меҳнаткаш одам, агар куни ортгудай бўлса, ўзини ўлимга заготовка қиласр эди — намоз ўқир эди.

Биз киндик қонимиз тўкилган қишлоқларни, кўз очиб кўрган колхозларимизни ташлаб Мирзачўлга ўйл олганимизда бу гаплар тилимизга чиқмаган бўлса ҳам дилимизда қўр олиб ётар эди. Мана менинг ўзимни олинг. «Файрат» колхозида ярим газли кетмонни зўфатасигача ботириб уриб юрганимда, Карл Марксномидаги колхозда бригадирликни дўндириб, Анжан областининг манман деган йигитлари билан беллашиб, ҳеч кимга сўз бермай, кариллаб юрган кунларимда кимдан кам эдиму, нимам кам эди! Ўшанда Мирзачўл дейишганда яхши турмушим ҳам, бригадамнинг ютуқлари ҳам кўзимга кўрингани йўқ, ошна, ўша вақтларда комсомоллар айтмоқчи, «унумли Мирзачўл ерларини босиб ётган қамиш-қиёқ, шўр» кўринган эди.

Бир менми? Биз саксон уч хўжалик эдик. Партия ва Ҳукуматимиз Мирзачўлнинг пешанасига битган шўрни ювиб ташлаш керак деганда, саксон уч хўжалик баравар кўрпамизни кўтарганимиз!

Биз келганда Мирзачўлни кўрган ҳар қандай одамнинг ҳам юраги орқасига тортиб кетар эди. Ўшанда мен чўчиганим йўқ десам, бутунлай ёлғон гапирган бўламан, ошнам! Кўрпамни қўйиб атрофга шундай қарасам...вой-вуй, Мирзачўл шунақами ҳали, деб юборибман! Аллақандай бесўнақай шўр гиёҳлар, полукли қамиш, қиёқ, ердан қайнаб чиққан, очилган оҳакдай оппоқ шўр... Онда-сонда кўриниб одамнинг кўнглиға пича ёруғлик солиб турган экин-текинни кўрсангиз... Фўзанинг бўйи бир қарич, ҳаммаёқ қашқа, ола — бамисоли куя еган пўстак дейсиз. Қамиш капа, қамиш бостирма, қамишга лой чаплаб тикланган уйлар...

Ўшанда колхознинг тўрт хонали идораси ҳам қамишга лой чаплаб солинган «иморат» эди.

Ўша куни кечқурун идоранинг рўпарасидаги янги қазилган зовур бўйида мажлис бўлди. Шу мажлисда рајком секретари айтган гап ҳеч қулоғимдан кетмайди:

— Чўчиманглар, азаматлар,— деди у киши.— Бутун республиканинг кўзи бизда!

Ўша пайт дилимизга қувват бўлган бу гап нечоғлик ҳақиқат эканини мана, ўн етти-ўн саккиз йилдан бери ҳар куни, ҳар соат ўз кўзимиз билан кўриб келаётмиз.

Мирзачўл Узбекистоннинг бино қўйган фарзандларидан бири бўлиб қолди. Республика катта ниятлар, зўр-зўр орзу-ҳаваслар кўриш умидида ўстираётган бу фарзандига нон еганда юмшогини, ош еганда илигини бериб келаёттипи. Мана шу ғамхўрлик орқасида ғайратли, лабзи ҳалол йигитларимиз, қизларимиз, ёшқари ҳамма ватанпарвар азаматлар Искандар замонасидан бери одамлар уриниб уdda қилолмаган ишларни бажаришга, ҳалқнинг хаёлида ҳам рўёбга чиқмаган орзусини ушатишга эришаётиди; чўлни ҳайдаб, қувлаб бораётиди. Ҳозир Мирзачўлнинг Узбекистонга қарашли қисмидаги олтига район, ўн иккита МТС, етмиш иккита колхоз, бир қанча пахтачилик ва бошқа хил совхозлар бор. Ўтган йил «Дружба», Фарҳод номли иккита совхоз, бир қанча колхоз ташкил қилинди.

Бизнинг Гулистон районида чўлдан нишона ҳам қолган эмас. Менинг бригадам ўтган йил қирқ гектар ернинг ҳар гектаридан қирқ олти центнердан пахта олди. Бунаقا юқори ҳосилни фақат ўтган йил олганимиз йўқ да. Мана бу орденларни кўрсангизми, ярмини тақиб келганман, ҳаммаси битта костюмга сифмайди!

Бунаقا юқори ҳосилни фақат бизнинг бригада етиштиргани йўқ. Исмоилов, Анорқулов, Мамараҳимов, Қодиров, Муҳитдинов, Йўлдошевларнинг бригадалари етиштирган ҳосилни ҳам республикада кўп бригадалар орзу қилса керак.

Бизнинг Мирзачўл фақат пахта, ғалла, пилла кони, чорва, парранда маконигина эмас, ошна! Боғларимизда етишган хилма-хил узумлар тилни ёради, анжирларимиз иситма чиқариб юборади; полизларимизда битган асалпалак қовунларимизнинг биттаси саккиз кишидан ортиб қолади...

Утгак йил Партия ва Ҳукуматимиз Мирзачўл тўғрисида жуда катта қарор чиқарди. Биладиган одамларнинг айтишига қараганда, шу қарор бўйича бешетти йил ичида қилинадиган иш 1917 йилдан бери қирқ йил мобайнида қилинган ишлардан икки бара-вар кўп, иш суръати ўттиз баравар ортиқ эмиш. Партия ва Ҳукуматимизнинг бу қарори, шу қарор юзасидан бошланиб кетган ишлар, кўрилаётган тадбирлар бизга қанот берди. Биз чўлни юриб-югуриб эмас, эндиликда учиб қувлаймиз. Чўл ўринини пахтазорларга, боғларга, боғ-қишлоқлар, боғ-шаҳарларга бўшатиб қочаётиди, орқасига қарамай қочаётиди!

Юринг, ошина, юринг биз томонларга, чўл қувлаймиз!

1957 йил

## ГУЛИСТОНДА БИР БУСТОН

Қирқ биринчи йилнинг январи. Кечки пайт. Лайлакқор ташлаб турибди. Ҳеч кутилмаган бир вақтда Тепақўргон қишлоқ Советидаги колхоз идорасига Узбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Йўлдош ота Охунбобоев келди ва тўғри бориб раис билан сўрашди-ю, бўш курсилардан бирига ўтириди. Колхоз раиси Соҳибжон Назаров Йўлдош ота билан гаплашмаган бўлса ҳам, лекин у кишини жуда кўп кўрган эди, бироқ бу ҳол шунчалик кутилмаган эдикি, қаршисида ўтирган киши президент эканини анчадан кейин билди ва сапчиб туриб қайтадан сўрашди. Йўлдош ота ҳол-аҳвол сўрашганидан кейин дабдурустдан:

— Сизни яхши ташкилотчи деб эшийтдим. Деҳқонбой Нурматов ҳам шунаقا деяпти, ростми?— деди.

Соҳибжон Назаров хижолат бўлиб, нима дейишини билмай қолди.

— Ишлаб турибмиз... билмадим...

— Қанақа ташкилотчи эканингизни билмайсизми? Мен ҳам билмайман,— деди Йўлдош ота кулиб.— Нима қиласмиш, бир синааб кўрамизми? Бир синааб кўрайлик, қанақа ташкилотчи эканингиз ўзингизга ҳам аён бўлади, бизга ҳам... Хўпми?

Йўлдош ота ундан жавоб кутмай Мирзачўлдан сўз очди ва бу биёбонни ўзлаштириш тарихини, революциядан бурунги уринишлар, ҳозирги дамгача қилинган ишлар тўғрисида гапириб берди; кейин, Биринчи Жаҳон уруши, чет эл интервенцияси ва гражданлар уруши туғдирган жуда катта қийинчиликларга қарамай, Владимир Ильич Ленин 1918 йилда Туркистондаги сугориш ишларига 50 миллион сўм ажратиш ва шу ишларни ташкил этиш тўғрисидаги декретга қўл қўй-

ганини, бу декрет Мирзачўлни суғориш ва ўзлаштиришда янги давр очганлигини айтди.

— Агар хўп десангиз,— деди Йўлдош ота хиёл жилмайиб,— қанақа ташкилотчи эканингизни Мирзачўлда синаб кўрайлик. Нима дедингиз?

Бир томондан чўл, янги колхоз, синашта бўлмаган одамлар, деган андиша Назаровни чўчитса, иккинчи томондан, оқсоқолнинг атайлаб келгани, унинг кулимсираб: «Синаб кўрайлик» деган сўзи замирида ётган ишонч, ҳамда Тошбулоқ қишлоқ Советидаги «Деҳқонобод» колхозида раис бўлиб орттирган тажрибаси унга далда берар эди.

Соҳибжон Назаров Мирзачўлга кўчиб кетишга роzi бўлди, орадан кўп ўтмай Йўлдош отадан шундай мазмунда қоғоз олди:

«Мирзачўл район ижроия қўмитасининг раисига.

Мирзачўл районидаги колхозларни мустаҳкамлаш ва Мирзачўл ерларини ўзлаштириш вазифаларининг бажарилишини тезлатиш мақсадида Наманган обlastiga командировкага келган вақтимда Ер ишлари Халқ Комиссарлигининг орденли тажрибакор устаси Деҳқонбой Нурматов билан бирликда партия аъзоси Соҳибжон Назаровни Мирзачўл районига ишга юборишини маъқул кўрдик. Ўртоқ Назаровни ихтиёргизга юбориб, уни районингиздаги бирон колхозга ишга юборишингизни ва ишлаш учун шароит туғдирб беришингизни сўрайман.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг раиси Охунбобоев».

Мирзачўл район ижроия қўмитаси Соҳибжон Назаровни Октябрь қишлоқ Советига юборди. Назаров бу ерда аввал собиқ «Учинчи беш йиллик» колхозида, бир йилдан кейин у ердаги йирик колхозда раис бўлиб ишлай бошлади.

Мирзачўлдан сўз очилганда Назаров бошда чўл, янги колхоз, синашта бўлмаган одамлар—буларнинг ҳар бири ишда бир қийинчилик туғдирди деган андишага борган бўлса, уч-тўрт ой ишлагандан кейин, бу андишаси ўринсиз бўлиб чиқди: Мирзачўлнинг ўзлаштирилган обод жойларини кўргани ва бу жойларни обод қилган, қилаётган кишилардан ёр-жўралар орттирганидан кейин «чўл» деган сўз унинг учун эски маъносини йўқотди, ҳар чоқ ва ҳар ишда район, область, республиканинг мададкор қўли сезилиб тургандан кейин колхознинг янгилиги ҳам ортиқча ваҳи-

мага туширадиган бир нарса бўлмай қолди: синашта бўлмаган одамлар эса ўзи сингари обод жойларини ташлаб чўлни обод қилгани келган ва шундан шавқ-завқ оладиган ташабускорлар бўлиб чиқди.

Ҳақиқий қийинчиликни уруш туғдирди. Уруш Мирзачўлга завқ-шавқ билан келган, билагидан куч томчилаш, файратидан олов ёниб турган навқирон йигитларни, биёбонга ҳужум қилишда ва биёбондан юлиб олинган ерларни кўпроқ ҳосил беришга мажбур қилишда одамнинг узун қўли бўлган техникани дамига тортди. Бундан ташқари колхоз ва колхозчи топга битта ионини армия билан бўлиб ейиши керак бўлиб қолди.

Ташкилотчилик қобилиятини Мирзачўлда синаб кўргани келган Назаров бу синовдан уруш туғдирган оғир шароитда ўтиши керак эди. Қолхозда асосий куч— хотин-халаж, қариялар, болалар. Машҳур бригадир, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Фанишер Юнусов: «Менинг бригадамда одам кам демайман, майда-чўйда болалар билан ҳам ишлай бераман— менга товуши чиқиб турса бас», деб ўшанда айтган эди. Урушга кетган йигитларнинг кетмонини қўлидан олган, оғир қийинчилик шароитида матонат, меҳнатда ўрнак кўрсатган, қалбининг қуввати билан аёлларга мадад бериб, болаларнинг бошини силаб ишга солган Эргаш ака, Ҳамро бобо, Ҳусайн ота, Саидаҳмад бобо сингари қарияларнинг номи ҳеч қачон ўчмайди. Ўша йиллари мактабидан қайтиб, далада, дала шийпонида катталарага қарашган, ғўза ичиди боши аранг кўриниб пахта терган, партуқ орқалаган, юмалаб-юмалаб қоп судраган, уйида онасига қарашиб унинг бағрини тўлдирган Халилшер, Оминахон, Турсуной, Халимача сингари ўнлаб болалар, қизларнинг номи ҳам одамларнинг кўкрагида меҳр қўзғатади.

Мана шу оғир кунларда Соҳибжон Назаров кичикка бош, каттага йўлдош бўлиб ўзининг зўр ташкилотчилик қобилиятини, темир иродасини, эл-юргта бўлган муҳаббатини кўрсатди.

Назаров ўша кунларни эслайди:

— Бир тонна буғдой бўлса ишни яшнатиб юборар эдик, деган пайтларимиз кўп бўлган. Уруш давридаги қийинчиликларни енгишда белимизга қувват бўлган нарса, урушда енгиб чиқишимизга жуда қаттиқ ишонганингимиз бўлди. Йигит-қизларнинг, қарияларнинг дилида душманга бунчалик газаб, ғалабага шун-

чалик ишонч бўлган. Ватан деганда кўнрагида шунча меҳр-муҳаббат, ғайрат, билагида шунчалик куч пайдо бўладиган халқ қўллаган аскар ҳеч қаочон, ҳеч қаерда енгилмайди.

Республиканинг ишчи кучи, бойлиги, техникиси урушга сафарбар бўлган, Сталинград фронтида немис-фашист босқинчиларига қарши ҳаёт-мамот жанглари бораётган кунларда халқ Фарҳоддек улкан қурилишни бошлаб, Сирдарёни ўз иродасига бўйсундирган ва урушдан кейин мамлакатга нур, Мирзачўлга сув беришини кўзлаган экан, ўша шароитда колхоз, колхозчилар урушдан кейинги равнақ учун замин тайёрлаган, урушдан кейинги икки-уч йил ичидан, дарҳақиқат, барқ уриб ўсган бўлса не ажаб?

— Қийинчилик ақлнинг ҷархи-ю, ғайратнинг қайроғи бўлар экан,— дейди Назаров,— ўша йиллари хумонсиз ғишт пишириш йўлини топган эдик. Ғиштсиз, гувалаксиз иморат солиш йўлини кўзлаган эдик... Шундоқ қилган эдик ҳам...

Колхоз урушдан кейинги икки-уч йил ичидан пахта ҳосилини қирқинчи йилдагига қараганда қарийб икки баравар оширди. Ҳар гектар ердан етмиш-саксон центнер пахта ҳосили оладиган бригадалар пайдо бўлди. Ҳўжалик тармоқлари орта бошлади. 187 от, 193 қорамол, 3220 қўй, парранда, сабзавот...

Ҳозир уруш йиллари тортилган қийинчиликлар бир тушдай бўлиб қолди, лекин тўкилган тер баракали самарасини бераётиди. Уша йиллари тикилган данакдан бино бўлган 25 гектар боғда республиканинг қайси райони қандай мева билан ном чиқарган бўлса, ўша меванинг бир неча хилини кўриш мумкин. Республикада мавжуд бўлган олтита мевачилик иммий муассасаларининг тажрибалари, кўчватзорлари, дидлик, ҳафсалалик боғбонларнинг назаридан четда қолган эмас. Колхоз шу боғдан 1954 йилда 210 минг сўм даромад қилган бўлса, ўтган йил 720 минг сўмга етди.

Колхоз ҳўжалигининг бошқа тармоқлари ҳам мана шундай тез ва яхши тараққий қилаётиди. Чунончи ҷорва 1954 йилда 480 минг сўм даромад берган бўлса, ўтган йил 1 миллион 600 минг сўм даромад берди. 464 гектарга экилган дон, 300 гектар беда, сабзавот ҳам кам даромад бермайди. Бироқ колхознинг асосий даромадини, албатта, пахта беради. Колхоз ўтган йил

1300 гектарга экилган пахтадан 34 центнердан ҳосил бўлиб, 14 миллион сўм даромад қилди.

Колхознинг умумий даромади сўнгги уч йил ичидан тўрт миллион сўм ошди.

Катта даромад колхоз ҳўжалигини яна кенгайтириш, мустаҳкамлаш учун кўп ишлар қилишга ва шу билан бирга колхозчиларнинг моддий ва маънавий эҳтиёжларини кўпроқ қондиришга имконият берди.

Колхоз урушдан кейин 12 хоналик идора, 40 ўринли меҳмонхона, 8 ўринлик туғруқхона, 15 ўринлик қасалхона, 13 хоналик ясли, юз болага боғча, аптека, амбулатория, беш юз кишилик клуб, суткасига 500 киши чўмиладиган ҳаммом, юз точкалик коммутатор, минг точкалик радиоузел, тўртта янги типдаги молхона, юз отга отхона, йигирма машинага гараж солиб, буларга ўттиз беш миллион сўмдан ортиқча пул сарф қилди. Бундан ташқари, 350 хонадон катта ўйларга солинган икки-уч хоналик баҳаво, ёруғ уйларга кўчиб кирди. Дидли, завқли кишилар одамнинг суқи кирадиган чиройли ҳовлилар қилиб олишган: гулзор, ток, ёш қора толлар соя солиб турган сўри, ҳовуз... Токнинг нариги томони боғча: резавор, анор, анжир, гилос...

Бу йил колхоз уйларида, кўчаларида боғ ва чорбоғларида Фарҳодгэс шуъла сочади.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг 1956 йил августида «Пахта етиштиришини кўпайтириш учун Ўзбекистон ССР ва Қозоғистон ССРдаги Мирзачўлнинг қўриқ ерларини сугориш ва ўзлаштириш тўғрисида» деб чиқарган тарихий қарори Мирзачўлни ўзлаштириш тарихида янги давр очди.

Қўриқ ерлар бағрида яшириниб ётган туман бойликни юзага чиқариш учун чўлга ёппасига ҳужум бошланди.

Партия ва Ҳукуматимизнинг ҷақириғига лаббай деб бош кўтарган, мана шу ҳужумда қатнашишни истаган азаматлар ҳозир, Мирзачўлга биринчи бўлиб Келган кишилардек зовур қазимайди. Мирзачўлда шу йирик колхоз сингари обод, бардам колхозлар, совхозлар бор. Мирзачўлда техника бор, илм бор; Соҳибжон Назаров сингари чўл ғолиблари, буларнинг қаноти остида етишган ва етишаётган Фанишер Юнусов, Қурбонали Исмоилов, Сақлаболди Норқулов, Мамараҳи-

## ФЕЛЬЕТОНЛАР

мов, Қодиров, Муҳиддинов, Йўлдошев сингари юқора ҳосил усталари бор, буларнинг чўлни ўзлаштиришда, юқори ҳосилни етиштиришда орттирган тажрибаси бор.

Партия ва Ҳукуматимиз чақириғи билан бошланган бу ҳужум натижасида Мирзачўл пахта, пилла, дон, анвойи хил мевалар кони бўлган кичик Узбекистонга, гулистон республикамизда бир бўстонга айланди.

1957 йил

## САМАРҚАНДДА МАКТАБГА ҚУМАК ҲАФТАСИ

(Бир иона берувчи тилидан)

Мактаба қўмак дебон чиқди товуш вағир-вүғур,  
Тегди қулоғима, ёмон қочдим ўзим тасур-тусур.  
Борибон ўз дўконима ўлтуриб эрдим бир замон,  
Келди етиб комиссия иона деб ғадир-будир.  
Ултурғон эрди бир неча ошноларим қақиллашиб,  
Ахир, улар зўрлаб мени бер дедилар қақур-қуқур.  
Ионани бериб дедим: оғайнилар, хуш келдингиз!  
Кетларидан ичим ёниб бўлди тишим газир-гузур.  
Чунки саховату карам учраса эрди гар менга,  
Ит каби муштлашиб уни тишлар эдим ғажир-ғужур.  
Қорин эзур мени пирим, йўли эзур мени йўлим,  
Чорлосо эрди ёниға, сўзлашайин чағир-чуғур.  
Яъни саховату карам қўймади менга юргали,  
Ер тагига ниҳон бўлиб эл кўзидин апур-шупур.

Ниш

«Мұштум», 1923 йил, декабрь, 19-сон

## ОИ ҚУЙГАНДА

Етти кетмон эгри бўлиб,  
Ўнта қозон синди во ёв!

Чиқди шаҳардан бала-бом,  
Турли-туман нағоралар;  
Уч минг кетмон эгри бўлиб,  
Мингта қозон синди во ёв!

Ҳар кўчада доду фифон,  
Томга чиқиб айтиб аzon,  
Товуқларга келди қирон,  
Тамошолар бўлди во ёв!

Қишинаганлар байталу той,  
Дуо ўқир Абдуллабой,  
Ой ҳам куйиб бўлди тамом,  
Қоронгулар бўлди во ёв!

Шунда эшоним дедилар:  
Тавба қилсун муслималар,  
Дунё тамом! Нишона шул,  
Охир замон бўлди во ёв!

Ҳар томонда «ҳу-ҳуву... ҳақ»,  
Хожи ойим синдириб тавоқ,  
Маҳаллалар тарақа-туроқ,  
Маҳшар каби бўлди во ёв!

Тарақлатишининг зарбидан,  
Азон айтишнинг кўпидан,  
Охир қора куюнди ой,  
Уз аслига қайди во ёв!

Эртасига Шервон хола  
Олти қозон қилиб бўтқа,

Қиёматдан қолғонига  
Худойилар қилди во ёв!

Абдуқодир аъламимиз  
Деди: «Замон охир ўлур,  
Бўлмаса юртга мингбоши  
Хотин-қиздан бўлмас», во ёв!

Қозон-товоқ тўнтарилиб,  
Лабга учук чиқди во ёв!

Қиёматингни ваҳмидан  
Така-такалар бўлди во ёв!  
Ў...во...ёв! Во ёв! Дод во ёв!..

*Норин Шилпик*

*«Муштум», 1924 йил, август, 8-сон*

## ЭШОНИМНИНГ БОШЛАРИДАН ҮТГАНЛАРИ

(Эшон поччамнинг альбомларидан)

### Бу ҳам бир достон

Отом эрди бир аҳли илм эшонлардан,  
Безор бўлди калта чопон нодонлардан.  
Бинобарин, ўғлим подон бўлмасун деб,  
Ўқутдилар Ҳафтиягу Куръонлардан.

Бир қанча вақт ўқиб бўлдим муллобачча,  
Турпоқ ялаб мадрасада ётдим анча.  
Узоқ фурсат таҳсил кўриб, ундан сўнгра  
Эшонча деб ном қўйдилар ўзларича.

Отам подшо, мен вазирдек эдим эшон,  
Муридлар ҳам иккимиздан шоду хандон.  
Узоқ фурсат яхши сурдик давру даврон,  
Биз сургандек салтанатни сурмас хоқон.

Давлат тоги раҳна бўлиб ўлди отам,  
Мен ятимга қараб қолди мушфиқ онам.  
Ўй ичида ўн еттита хотин қолди,  
Отомдан сўнг бўлди турли-турли ҳангом.

Ўн олтиси эди менга ўгай оно,  
Мендан бошқа йўқдир эди уйда боло.  
Урди-сурди жанжал билан ер бўлдилар,  
Тўқсон таноб ерни олдим қанчо доло.

Бундан кейин ҳамма мурид менга қолди,  
Бутун давлат менга қараб сувдек оқди.  
Оз фурсатда эл ичида донгли бўлиб,  
Вужудимни каромат деб эл ишанди.

Мен шу кунлар эшон ўғли — эшон бўлдим,  
Назр бўлғон қоши қоро бир қиз олдим.  
Кун кечирдим, ғам тотмадим, сафо сурдим,  
Хоним билан айшу ишрат суриб қолдим.

Кун-тун ўтди, рўза ойи келиб етди.  
Муридларим, давлатларим чекдан ошди.  
Рўза куни хоқонимнинг ҳужрасида  
Падаримнинг арвоҳига сұхбат бўлди.

Рамазоннинг ўн бешида ифторга деб  
Хотин-қизлар чақирилди мажлис қилиб.  
Отам-бобом арвоҳига дуо ўқиб,  
Жаҳру суҳбат қилдук тинмай ёшлар тўкиб.

Даричадан қарасамки, бир нозанин,  
Қора қоши, қора қўзи мисли лочин.  
Кўнглум қўшин панжасига тез тушурди,  
Омон қолмас эди жоним, бу эрди чин!

Эй воҳ, фалак, мен ўлмадим ёшлигимда,  
Ҳурлар билан ўйнамадим кавсарингда.  
Ҳеч гуноҳсиз ёшлигимда ўлсам эди,  
Бунга ошиқ бўлсам эдим бу мажлиса.

Тонг ёришди, хотин-қизлар қўзгалдилар,  
Үйларига қайтмоқ учун чоғландилар.  
Қизнинг ишқи мени чинлаб тутқан эди,  
Хотин-қизлар бир-бир босиб тебрандилар.

Паривашлар кетди, кулбам ўзи қолди,  
Маъшуқамнинг оёғини изи қолди.  
Бир неча кун ҳушсиз бўлиб, ўзни билмай,  
Ишқим ошди, кўнглим тошди, ёнмоқ қолди.

Падар марҳум: ҳолаларни чақиртирдим,  
Кўнглимдаги армонимни унга айтдим.  
Завчиликка бела боғлади, ҳолам борди,  
Қизнинг менга назрлигин кейин билдим.

Оз фурсатда никоҳимга олдим уни,  
Ўн бир ёшар бир қизчадир, шаҳло кўзи.  
Никоҳ кеча йиғлошидан қўл урмадим.  
Қиз йиғлади, оҳ-воҳ билан шу тун ўтди.

Эртаси кеч қизга дедим: нозик гулим,  
Хумор кўзли, хуш қоматли, писта лабим.  
Йиғламоннинг фойдаси йўқ, ғам тортмағил,  
Иктиёри менда бўлгой бор-йўқлиғинг!

Зарда билан сапчиб турди пари пайкар,  
Хой дегүнча кўкрагига урди ханжар.  
Ҳушим кетди, эсим оғиб қотиб қолдим,  
Ҳушим тўплаб қизга боқсан жонсиз ётур.

Бу воқиа элу ҳалққа машҳур бўлди,  
Элликбоши воқиани келиб кўрди.  
Бу тўғрида мени айбдор қилмақчиди,  
Домла-имом пул қистириб қутултириди.

Имом-домла ёлғонларни ёмлаштириди,  
Жасадини қабристонға элтиб қўйди.  
Қиз отаси воқиадан огоҳ эди,  
Чурқ этмади, на чорадир, бели синди.

Шунинг билан бу воқиа битиб кетди,  
Нозаниним шафқат қилмай ташлаб кетди.  
Зарари йўқ, ўн тўрт ёшлиқ бир қиз олдим,  
Эсизларким, унинг ўрнин босолмади.

Кўп ўтмади, билиб қолди большевойлар,  
Юзсизликка, текширмакка бошладилар.  
Бориб бердим большевойға қўрқмай сўроғ,  
Хайрон қолиб атрофимни ўрадилар.

Эсизгина, текширганда сир очилди,  
Бир ярим йил турмасига қамаб қўйди.  
Қамоқда ҳам беш вақтимни тарқ этмадим,  
Вақти етди, турмасидан озод қилди.

Ўз уйимга киборона келдим босиб,  
Йўл-йўлакай тасбеҳимни айлантириб.  
Келсам, ўйда на онам бор, на хотин бор:  
Онам ўлган, хотин кетган эрга тегиб.

Муридларнинг ихлосларий мэндан қайтған,  
Уялмайин Мустафодан динин сотғон.  
На эшон ман, на бошқо ман, ақлим шошди,  
Муридларим ёмонларғо бўлди қалқон.

Бир бурда нон тополмайин эшонлиқдан,  
Муридларим юз ўғурди нодонлиқдан.  
Иш бўлмаса қандой қиласай, бўлдим маддоҳ,  
Нима қиласай, кутмагандა урса арвоҳ.

Ўз-ўзимга дедим: «Шайтон сўзи билан  
Олмағонда ўша қизни сабр билан,  
Нари бўлмас эди давлат ҳамда мурид,  
Давру даврон сурар эдим ишрат билан».

### Муштум оғо!

Мен юқоридаги ёлғон ҳақиқатларни ўз пийримнинг хотира дафтарларидан ўғурлаб ёздим. Лекин, тақсиримнинг шайтон сўзи билан қилдим деб ҳасрат қилишларига тушунмай қолдим, чунки яқинда ўртоғим шайтон билан сўзлашиб турганимда, «Нега эшонимизни йўлдан уриб расво қилдинг?» деб койий бошлиганимда, шайтоннинг кўзи қийнидан чиқиб кетди, дедики: «Эшон шундақ жиноятни қилиб турган чоғда қаттиқ уйқуда эдим, нима учун яна айбни устимга оғдарадир? Одамларнинг юзсизлигидан жуда безор бўлдим, эшоннинг расволиги бошидан бери қелмасин!»

Муштум почча, мен жуда ҳайратда қолдим, шайтоннинг даъвоси тўғрими ё эшонимизнинг ҳасрати тўғрими? Қани, сиз нима дейсиз?

Норин Шилпиқ

### Муштум:

Эшоннинг ҳасратига қараганда, шайтоннинг даъвоси тўғрироқдир, чунки шайтон эшонлардан кўра ростгўйроқдир.

«Муштум», 1924 йил, 7 ноябрь, 14-сон

### УЧРАШГАНДА

Кичик фельетон<sup>1</sup>

- Ассалому алайкум!
- Ваалайкум ассалом... Эй, қалайсиз?
- Мен сизни қаерда ҳам кўргандек бўламен, аммо эслаб ололмадим-да...
- Қўқонда кўргансиз-да, илгари икковимиз жуда яқин эдик-ку...
- Эй... ха, ҳа, дарвоқе, эсимга тушди. Қани, қайтадан бир кўришиб олайлук. (Кўришурлар.) Қўқон қалай, урди-сурдилар йўқ бўлиб кетгандир-а?
- Аллақачонлар тинди.
- Албатта шундай бўлиши керак эди. Хўш, мактабларнинг ҳолидан келинг, қалай?
- Албатта, Қўқонда юз-икки юз мактаб бор эдики, ундан хабар ололмасмудук...
- Ҳали мактаблар жуда озми, қанча бор?
- Атиги икки интернат (*оч болалар интернати*). Яна битта ўша ўзингиз билган сийقا тангадек дорулмуаллимин (яқинда у ер-бу ердан йўниб олиб техникумга айлантирилган). Ундан бошқа майда-чўйда мактаблар бор, уларнинг ҳолидан сўзлаб ўлтиришдан кўра дардига даво тилаганимиз ортиқдир.
- Үқишилар қалай ёки ҳаммасининг ҳам биқининг от тепганми?
- Бу томонини сўрамангиз, анув икки интернат, ча-канга-чукана мактабларни қўя туруб, кўзимизнинг қорачигидек муҳим бўлғон дорулмуаллимидан бир шингил сўзлаб ўтайнин.
- Қани, хўш?
- Мен яқиндаги Андижонга саёҳатимда вагон ичидага бир билим юрти ўқувчиси билан тасодиф келдим. У бола билан бир оз сўзлашгалим натижасида худди офтобда қаттиқ ичган қариндош чиқиб қолдук. Албатта, ма-

<sup>1</sup> Асар «Муштум»нинг 1924 йил 5-сонида босилган.

сала тўғридан-тўғри билим юрти устига бурилди. Унинг айтишига кўра, билим юртида бериладиган риёзиёт дарси жиққа арабча бўлур экан, агарда бирорта даққи хира хандонлардан кириб қолса, билим юртидан билим олиш ўрнига миясини ачиган қатиқдек суюлтириб чиқади. Ҳалиги ўқувчидан «Сиз қандай, тушунасиз?» дегаида, «Эй... ҳадеб пайдан қолмасангиз, тушунасиз-да», деди.

Қоторимиз Асака станциясида тўхтади, бола тушиб кетди, эсизларки, мен нима учун арабча дарс берилиши сабабини сўролмай қолдим.

— Сабабини мендан эшитинг, афанди. Қўқондийларни билувчи камина-да, унинг сабаби мана бундай:

Араблар илгари маданият, шони-шавкатларини йўқотиб сирри валқо йироқ бўлғонларидан кейин, араб зиёлилари ўзлари ўрталарида бирлик ясаб, Фарғона зиёлиларидан имдод сўрағонлар, Фарғона ёшлиари ҳам у аризага «Қабул» деб қарор қўйиб, Қўқон билим юртидан кишилар тайёрлаб юборамиз, деб жавоб қайтарғонлар. Мана, билим ютидаги арабча дарснинг ҳақиқати шундайдир. Ўтган қишида ҳам билим юрти программасига арабча дарс киритмоқчи бўлиб бир қўзғолиш ясағон эдилар, билмадим, давом этдими, этмадими?

— Ҳа, ҳа. Ўзбек миллати ҳам бошқаларга раҳбарлик қилмоқчи денг?

— Бўлмаса-чи.

Яланг оёқ

## БИЛДИРИШ

(Фельстон)

Бутун Фарғона мўмин ва мусулмон оға-иниларга маълум ва равшан бўлсинким: Қўқон шаҳрида ўзининг дуохон ва табиблиги билан маъруф ва машҳур бўлиб кўп беморларни осонгина тинчтиб қўядиган «Чўлоқ домла» бир оз фурсат ишни йиғиштириб мусулмонларни ҳасратга қўйган эди. Илтимос устига илтимос ёғилавергандан кейин яна ўз ишларини бошлаб юбордилар.

Ишлари: иссиқ-совуқчилик, қайтарма, жинтумор, балотумор, касал ўқиш, жинни тузатиш ва ҳоказо.

Шифо истаб келувчилар қуйидаги шартларга риоя қилсалар, ҳар икки томонга фойдалидир:

1. Эрлар—9 ёшдан 19 ёшгача.
2. Хотин-қизлар —9 ёшдан 90 ёшгача.

Бу ёшдан юқорилари ёки қуйидагиларга дуонинг таъсири бўлмаслиги бир қанча тажрибадан кейин исбот қилинди.

### Қабул қилинадиган касаллар:

Қиндингига бод тўхтаган, кўкраги шишган, туғмайдиган хотинлар, ишқ дардига мубтало бўлган лайлилар, мажнунлар, парилар, юқ ташлаган келинлар. Айниқса, хазонрезги, тошқизиги вақтида қайталанадиган жинни ҳамда арвоҳ урганлар ва бошқалар...

### Дорилардан намуналар:

1. Қўзиқориннинг барги, ҳавонинг ёғи, сўнгра мўрининг қуруми, чилимнинг суви, араванинг ғиж-ғижи ва бундан бўлак турли-туман атторнинг қутисида йўқ дори-дармонлар.

Жинниларни тузатиш борасидаги икки сўнгти тажрибамиз Қўқоннинг Миртоҳир маҳалласидаги донгли бир жинни устида бўлади. Ташреҳ учун саккиста белкурак, еттита кетмон буюрилди. Дори учун энг муносиб Ҳамроқулов қорининг ашула айтганда чиқарган тери лозим кўрилади.

Адрес: Қўқон, маҳалласи ҳаммага маълум.  
Домланинг илтимослари билан: Норин Шилтиқ.

## АФАНДИНИНГ ИҚРОРИ, ҮЗИДАН ҚЕЙИН...

Бу кунги газетанинг икки бетли бўлиб чиққанидан қувонган Маъруф афанди, баъзи журналларнинг ўз вақтидан кечикиб чиқнишидан шундай хаёлга келди:

Қоғоз кифоя қилмайди, матбуот кадрлари йўқ, ҳозирги чиқиб турган газеталардан бир нечаси бекилишга маҳкум. Буларни давом эттириш большевикларнинг қўлидан келмайди.

Мундай хаёллар уни шундай қувончли ишончларга олиб бордики, почтанинг «бу кун газеталар келмай қолди» деган жумласидан ҳам ўзича турли маънолар чиқараидиган бўлди.

Бироқ, унинг хаёли — хаёлича давом этди, ҳақиқат ўз йўли билан бора берди.

Маъруф афанди бир кун районда алоҳида район газеталари чиқарилиши ҳақида хабар эшилди, у:

— Ана холос, бизнинг бутун Туркистон учун чиқарган «Садои Туркистон» газетамиз ва «Ислоҳ» журнализмининг тиражи мингга етмаган эди-ю, ҳали шунча жумҳурият газета ва журналлари туриб, район газеталарини ўқийдиган одам қайда?

Большевиклар қўлларидан келмайтурган ишга нега уринадилар? Ахир, Ўзбекистонда бизга ўхшаган саводлиларни лотинча деган янги алифбе чиқариб саводсиз қилиб қўйдилар. Энди 82 районда 82 газета чиқса, уни ким ўқийди?

Аввали шуким, қоғоз йўқ, босмахона йўқ, ҳарф тेरувчи йўқ, машина йўқ, газетада ишлайдиган матбуот кадрлари йўқ. Ҳаммаси топилганда ҳам — чиқадиган газеталарни ўқувчи йўқ...

Шу хилда хаёллар Маъруф афандининг дилига таскин берса ҳам, район газеталарининг бирин-кетин чиқиб туришлари уни асабий хасталикдан руҳий касалликка олиб борди.

Биринчи босилишда 500 нусха чиқсан район газетаси ҳозир 4—5 минг нусха чиқди. Демак, Маъруф афанди ўйлаганча «йўқ»лар ҳаммаси бор, йўқлари борлиққа чиқарилган.

Маъруф афанди бунга ишонмади. Мумкин эмас!— деди. Лекин қайдандир унинг қўлига газета-журналларнинг номлари ёзилган бир китобча тушди. Газета-журналларнинг рўйхатларини кўриб аччири чиқди.

— Бир-иккита каттароқ районда чиқиши мумкин. бироқ, 70га яқин районда маҳсус газеталарнинг чиқиши нотўғри. Большеевиклар ёлғон ёзидилар. Биз бутун Туркистон учун чиқарган 2—3 газета-журналга ўзимиздан бошқа ўқувчи топа олмаганимиз ҳолда, биргина Ўзбекистонда шунча газета-журнал? Бу ёлғон!!!— деб қичқирди.

Маъруф афанди ўйлади:

— Балки тўғридир, бундан катта ишларни қилаётган большевиклар буни ҳам эплай олгандирлар. Лекин ўз кўзим билан кўраман-да, сўнгра ишонаман...

У илгари қироатхонага кириб, келатурган газета-журналларни кўздан кечирмоқчи, агарда бирортаси кам бўлса, қироатхона мудири билан кўйлакдан ёқа қолгунча олишиб, большевикларни сўқиб олиш, мудири шарманда қилиш фикри билан қироатхонага юрди.

Маъруф афанди қироатхонага кирганда, мудир янги келган газета-журналларни стуллар устига ёйиб турган эди. «Қани, териб бўлсин, сўнгра сўзлашаман», деб кутиб турди.

Катта столнинг икки томони газеталарга тўлиб, жой ҳам етишмай қолди. «Сариосиё ҳақиқати», «Пахтачи», «Қурилиш», «Зарбдор», «Марғilon ҳақиқати», «Социализм байроби», «Ленин йўлидан», «Коммуна», «Кохозчилар товуши»... ва ҳоказолар Маъруф афандининг қўлидаги рўйхатидан ҳам ортиқ.

Маъруф афанди, мудир билан ёқа йиртиш ўрнига, «оҳ» деб йиқилди. Юзига сув сепдилар—кўзини очди.

Маъруф афанди ҳозир илгари онгли афанди эмас, тош қизиги, хазонрезги ва чиллада авж олиб, ўз ёқасини ўзи йиртатурган девона. У—ўз-ўзидан алланарсаларни жавраб юради:

— ...Мумкин эмас... миллат... дин... йўқ... бўлса... мен... ватан... қарши эмас... кетди... қарши эмасман... лекин кетди...

Маъруф афанди том маъноси билан жинни ҳолга

келди. Дўхтилар уни руҳий касаллар хастанонасига юбордилар. Унда ҳам:

...Ҳақиқат... Қурилиш... Ленин байроби... Колхозчи...  
Зарбдор... Пахта... Социализм... Коммуна...— каби сўзларни тақорролаб юрганишини сўзлайдиilar.

Фақат бу сўзларни соғлиқда икбор қилишга афандилик вижданни йўл бермади.

A. K.

«Муштум», 1933 йил, 8-сон

## ИИГЛАТГАН КУЛГИ

Мажлиснинг бошланишига ҳали роса икки соат бўлса ҳам залда одам кўп, гап-сўз, кулги, ғовур...

Эшикдан кирган ўрта бўйли, қорин қўйган, йўғон, хушмўйлов йигит илижайганича девор остидан юриб бориб, партком масъул котибининг ёнига ўтири ва қўлидаги китобларини олдинги курсига қўйиб, масъул котибга папирос тутди.

— Кечаги чиқишингизда жуда бопладингиз-да, Қўчкор ака, жуда яхши гапирасиз-да. Бошқалар гапиргандан одам... зерикеб қолади, сиз ўн соат гапирсангиз ҳам одам яна эшитсан, дейди.

Масъул котиб унинг сўзига эътибор қилмасдан ёнидаги одам билан сўзлашишда давом этди. У одам туриб кетгандан сўнг бу йигит унинг пинжига кириб яна давом этди:

— Жуда озибсиз-да, Қўчкор ака, бир ўзингизни боқсангиз бўларди. Гўшт бўлса, қимиз бўлса.. Ишлардан бўшанг, ўзим боқقا олиб чиқиб кетаман. Қимиз сероб, гўшт ҳам.. Чиқасиз-а? Қачон чиқасиз?

Масъул котиб худди эшитмагандек, орқасига қараб кимнидир қидирди, сўнгра ўрнидан туриб кетди. Йигит атрофга қаради ва китобларини олиб ўрнидан турдида, ҳали у тўпга, ҳали бу тўпга бориб ўтириб, папирисини тугатади.

Агар бу одам қимизу гўшт тўғрисида гапирмаса ва ҳар кимнинг олдида насияга улгуржи мол сўраган дўкондордай эшилавермаса, мен уни мутлақо танимас эканман. Бундан уч йил илгари у, қора, қотма, кўримсиз бир йигит бўлиб, бизнинг мактабдаги ёпиқ дўконда нон сотадиган эди. Бир куни студентлар ғалва кўтаришиди: «Бу одам бизнинг ҳақимизга хиёнат қилади—кесиб олган нон билан тарози палласига шундай урадики, бир парча нон беш қадоқлик тошни ҳам босиб кетади», дейишади. Шундан кейин профкомда буни ишдан бўшатиш тўғрисида гап бўлди. Эртасига у синфбошининг уйнга бир чёртварт қимиз ва беш қадоқ гўшт кўтариб келиб, профкомда миллатчилик борлиги, совет даврида шундай миллатчилик бўлганига чидай олмаслигини арз қилди ва бутун синфдаги студентлардан

«Шу одам яхши» деб иттифоқнома ёздириб беришини илтимос қилди. Биз иттифоқнома ёздик. Бироқ, у айтганинг тескариси бўлди. Ҳаммамиз бир оғиздан шу одамнинг тездан бўшатилишини талаб қилдик.

Мен уни танидим. У ҳам мени таниди ва мен сўрашгани ўрнимдан турмасдан бурун югуриб келиб таъзим билан қўл узатди.

— Саломат бормисиз?.. Одам соғиниб қолар экан... икки-уч марта бордим. Борда узумлар хазон бўллаёзди. Қимизлар жуда тобида. Бир чиқмасангиз сира бўлмайди. Бу ерда ўртоқларингиз бордир. Мәсалан, Қўчқоров акамни биласиз? Қачон чиқасизлар? Мен сизни қаерда кўраман? Қўчқоров акам билан ҳозир гапиришиб қўйинг...

— Шу ерда ишлайсизми?

— Ҳа, ҳар хил масъул ишларда юриб, командировкадан зерикдим. Менга шу дўкон иши яхши. Ҳозир ёпиқ дўконда мудирман. Бир марта Московга командировкага бориб, бир ҳафтада қайтадиган одам бир ярим ой қолиб кетибман. Москов жуда обод шаҳар экан. ГУМ деган магазинини айтинг. Катталар ҳам шу магазиндан мол олишар экан. Оғзимни очиб айланиб юриб билмасдан ўзимни ўртоқ Будённийга уриб олибман. Бир хижолат бўлдим. Кейин танишиб қолдик. Уйига таклиф қилди. Ваъда бериб, бормадим, чунки у вақтда ҳали партияга номзод эдим, холос.

Мен камгап. Шундай одам сергап одам билан дуч келса, бир ҳафталик гапини бирпасда тўқади. Бир соатнинг ичида нималар демади. Унинг боғига ҳамма комиссарлар бориб туради. Унга ҳамма комиссарлар ҳар нарса ваъда қиласверади, ваъдасига вафо ҳам қиласди. У Комиссарлар советига пропускасиз киради. Дунёда ундан яхши, ундан обрўли киши йўқ, аммо уни бу идорада ҳеч ким билмайди. Атайлаб ўзини паст олиб юради.

Зал одамга тўлди. Тозалаш комиссияси ўнашиб, раис мажлисни очиқ деб эълон қилганда йигит менинг тиззамга туртиб:

— Шу одам менга қарши, бунинг акасини мен газетада урдирганинан,— деди.

Ўзи қалтирас, филт-филт этиб тупугини ютар эди.

— Сизга қачон навбат келади?

— Бизга бари бир... бир-икки кишидан кейин навбат келади.

Шундай бўлди, навбат келди. Йигит минбарга чиқиб, белгиланган ярим соатда таржимаи ҳолини, «қаҳ-

рамонона» курашлардан иборат бўлган саргузаштини айтиб берди. Сўнгра саволларга кўчилди.

— Сиз партияга қайси ячейкадан ўтгансиз?— деди залдан бир киши.

— Ячейкадан эмас, қишлоқда, ўртоқ... Шоабдуфаттоҳхўжаев ўтказиб, кейин ячейкага борганинан. Партия билетини йўқотганим учун...

Раис бутун гавдаси билан унга ўгирилди ва юзига узоқ тикилиб турди-да, кулди. Сўнгра деди:

— Хўп майли, XVII партия қурултойида ўртоқ Сталин нима тўғрида гапириди?

— Ҳамма тўғрида гапириди. Ҳаммага маълум нон савдосига жавоб берилсин, деди. Аъзолик ҳақини камайтирилсин, деди. Меҳнаткашлар ҳукуматига фойда бўлсин деб ноннинг нархини қиммат қилинсин, деди.

Залда кўтарилиган кулги раиснинг савол бериши билан босилди:

— Яна нима деди?

— Яна... ҳар нарса деди. Нима дегани маълум.

— Сизга ҳам маълумdir, ахир?

— Албатта. Ўртоқ Сталин ўзининг тарихий докладида сиёсий боронинг раҳбарлиги остида... ҳаммага маълум... Ўртоқ Икромовга пахтани оз берәтирсизлар, деди...

Раис яна ўзининг саволи билан залда кўтарилиган кулгини босди:

— Сиёсий бюрода кимлар бор?

— Ҳамма бор... ҳаммага маълум, ўртоқ Сталин ҳам бор. Кейин ўртоқ Будённий, сўнгра ўртоқ Калинин, ўртоқ Ворошилов, ўртоқ Челюскин.

Кўтарилиган қаттиқ кулги узоқ давом этди. Шу топдаги ҳар бир секунд йигитга бир аср туюлиб, тоқатсизланди. Кейин бўғилди ва томогининг томирларини чиқариб қичқирди:

— Мен ўз ячейкамда ўтсам бўлар эди. Фирқа ячекасининг масъул котиби менга душман бўлгани учун мени зўрлаб шу ерда ўтишга мажбур қилди.

Залда яна кулги.

— Нимага куласизлар, бефирқалар чиқиб кетсин... Ҳар кимнинг ҳам бошига тушадиган иш бу!..— деди йигит бўғилиб. Яна кулги кўтарилиганидан кейин йифлаб юборди-да, минбарни ташлаб чиқиб кетди.

«Ҳикоялар» китобидан, ЎзССР  
Давлат нашириёти, 1935 йил

## ҚАНОТСИЗ ЧИТТАК

### I

Кимга «Читтак» деб лақаб қўйса бўлади ва у нима учун эрталаб наҳорда бир пиёла совуқ сув ичади?

Цеҳ комсомоллари чиқарадиган деворий газетада «Викторина» ўйини бор, ундаги саволлар кўпроқ техникикани ўрганиш, сиёсий саводни оширишга хизмат қиласа-да, баъзан цехдаги камчиликларни йўқотишга ҳам қаратилар эди.

«Читтак» ким ва у нима учун эрталаб наҳорда бир пиёла совуқ сув ичади?

Бу савол кун бўйи кулгига сабаб бўлди. Ҳатто ўша сув ичадиган одам—ингичка, новча йигитнинг ўзи ҳам сариқ, эгри тишлигини кўрсатиб илжайди ва ёнидаги шеригининг:

— Үлгундай безбет экансан-да, Набигул!— деб берган дашибонига одатдагича масхарабозлик билан жавоб берди.

— Қандай қиласай, ўртоқжон, ўзимга қолса шундоқ бўлсин дебманми.

Унинг асл исми — Наби. Ўзининг ашуласи, чолғу ва қизиқилиги билан суҳбатларни гуллатгани учун маҳалладаги улфатлари уни «гул»—«Набигул» деб атаганлар.

Лекин завода уни Набигул эмас, «прогул» дейишиди. Аммо бунга ўзи ранжимайди, чунки бу лақаб ўз зарарига қўзғалган жиддий гапни баъзан кулгига, ҳазилга айлантириш омили бўлади. Агар ишбоши унинг ишга нега кеч келгани, ё бўлмаса бирон ишни нобоп қилгани тўғрисида жиддий сўрар экан, шу жиддиятни юмшатиш учун ўзига «прогул» лақабини тақиши эмас, бузоқ бўлиб маърашга ҳам тайёр.

«Читтак»—Набигул эканини овқат вақтида ҳамма билди, аммо унинг нима учун наҳорда сув ичишини ҳеч ким айттолмади.

Бу заводда, ҳамма заводлардаги сингари, ошхонада ударниклар столи алоҳида. Набигул овқатини еб,

шу столлар ёнидан ўтиб кетаётганида бир кекса ишчи унинг билагидан ушлаб, ёнига ўтқизди. Бу ерда деворий газетанинг муҳаррири ҳам бор эди.

Кекса ишчи сўнгги гўшт парчасини оғзига солдида, қўлининг орқаси билан мўйловини артиб, Набигулга юзланди.

— Читтак сенми?

Ҳамма кулиб юборди. Кекса ишчи газетанинг муҳарририга қараб.

— Нега бунга «Читтак» деб лақаб қўйдиларинг?— деди.

Нариг столда ўтирган кимдир оғзига солган овқатини ютаётib, палағда товуш билан жавоб берди:

— Нимагаки, шоҳдан-шоҳга сакраб юради.

Газета муҳаррири ва бу ерда ўтирган бошқалар ҳам шу гапни маъқуллашди. Кекса ишчи бармоғи билан мўйловини силаб кулади.

— Болалар, читтак нима учун шоҳдан-шоҳга сакршини биласизларми?

Бирор «овқат қидиради» деди, бирор «унинг табиати шундай» деди, аммо ҳеч ким қушларнинг ичидаги энг қўнимисизи, беқарори читтакнинг бу қилифи тўғрисида аниқ бир нарса дейлмади. Кекса ишчи қўлини кўтариб, ғовурни босди:

— Буни мен ҳам билмайман, аммо болалигимда бир афсона эшигтан эдим: Сураймон пайғамбар ҳамма жониворларнинг тилига тушунадиган, ҳамма жониворларнинг подшоҳи бўлган эмиш. Читтак унга «кавушинг эгри» деган эканми, уни ғазаб қилган эмиш: менга бир ҳасса толиб кел, ҳасса тўғри ҳам бўлмасин, эгри ҳам бўлмасин деган эмиш. Шундан бери читтак шундақа ҳасса излаб, шоҳдан-шоҳга сакрар эмиш. Унинг бир шоҳга қўниб «чиқ» деб бошқасига сакраши «мен излаган новда бу эмас» дегани эмиш. Агар «читтак» деб лақаб қўйган киши мана шу афсонани билса, Набигулга жуда мувофиқ лақаб қўйинти.

— Читтак шоҳдан-шоҳга сакраб тўғри ҳам эмас, эгри ҳам эмас калтак изласа, Набигул заводдан-заводга сакраб нима излайди, дейсиз-да?— деди газета муҳаррири.

— Ҳа, баракалла!—деди кекса ишчи ва Набигулга қаради.—Хўш, сен нима излайсан?

Набигул нима дейишини билмай, у ёқ-бу ёққа қарди, сўнгра икки қўлини икки сонига тап-тап урди-да, баланд, ингичка товуш билан хўрозд бўлиб қичқирди.

Фовур босилди. Бир лаҳза жимликдан сўнг қулиг кўтарилиди. Набигул юрганича ошхонадан чиқиб кетди. Моторлар гулдураб, фидирик пидириб, цехда яна иш бошланди. Ҳали «безбет» деб дашном берган йигит— Қодир Набигулга «ҳолинггавой» дегандай қилиб қарди. Буни Набигул фаҳмлаб, ўзини оқлашга шошилди:

— Буларнинг ҳаммаси хусуматдан, ўртоқжон. Қайси куни эшикнинг олдида арқон тушиб ётган экан, технорук «олиб қўй, оёқ остида ётмасин», деди. Мен олиб қўймадим, «менинг ишим эмас», дедим. Шунга технорукнинг ҳам, ишбошининг ҳам, ана у газетчининг ҳам фаши келди... Айтишиб қолдик.

— Ҳа, олиб қўйсанг нима қиласди?— деди Қодир ҳўмрайиб.

— Ўзинг ўила, ўртоқжон, бу, заводнинг арқони кўп бўлса, гайкаси кўп бўлса, асбоби кўп бўлса... Ҳаммасини олиб қўя берсам, ахир, нима бу... Ойликни оширисин, майли олиб қўяман...

Бу гапга Қодирнинг фаши келди шекилли, кечгача қовоғини очиб қарамади, гап сўраса дўнфиллаб жавоб берди, ҳатто бир-икки жеркиб ташлади.

Цех комсомоллари ҳордиқ куни икки соатлик шанбалик ўтказмоқчи эди. Шанбаликка қанча одам келишини олдиндан билиш топширилган киши цехда рўйхат қилиб юрганда Набигул ташқарига чиқиб турди, гудок бўлиб, ҳамма овқатга чиқиб кетаётганда Қодирнинг олдига келиб йифламсиради:

— Танқид қилинган одамнинг меҳнати ҳаром эканда...

— Нима қилди? Нега меҳнатинг ҳаром бўлади?

— Шанбаликка ҳаммани ёзди, мени ёзмади...

Қодир таажжубланди.

У ошхонада, овқат маҳалида шанбаликка рўйхат қилган кишидан нима учун Набигулни ёзмаганлигини сўраган эди, у киши Набигулни кўрмаганлигини айтди. Набигул эса столга муштлаб ўрнидан турди ва бор товуши билан бақиди:

— Ёлғон гапирма!. Зааркунанда экансан ўзинг, Шанбаликка кўп киши келишига қаршисан. Икки-уч мартаба айтдим, орқангдан эргашиб юрдим. Жўрттага ўзингни анқовликка солдинг.

Набигулнинг ҳозирги ҳолатини кўрганда ҳар кимнинг ҳам раҳми келар эди. Рўйхатга ёзмаган одам «ростдан ҳам шундай қилганга ўхшайман» деб ўйлади шекилли, паст тушди.

Эртаси иккинчи сменадан қайтишда Набигул Қодир билан бирга кетди. Қодир анча юмшарган эди. Набигул ярамас хулқлари бор эканини бўйнига олиш билан Қодирни яна ҳам юмшатди.

— Қани, ростини айт-чи, нега қўнимсизсан?— деди Қодир кулиб.

Набигул унинг бундай савол беришини кутган бўлса ҳам, «худди шуни сўрашингга маҳтал эдим, яхши сўрадинг» демоқчи бўлгандай жавоб беришга шошилди. — Ўртоқжон, мен сенинг раҳбарлигингда одам бўлмани, деб этагингни маҳкам ушлаганман. Сендан ҳеч сиримни яшимайман. Дастрлаб кирган заводимдан ўз ихтиёrim билан кетганим йўқ. У ерда битта-иккита ёмон одамлар бор эди: ўзинг биласан, дунёда фаламис одам кўп. Бири «бунинг отаси ундай, бундай» деб берди. Бошим кал бўлса ҳам кўнглим нозик— ортиқча гапни кўтара олмайман. Кета қолай дедим. Албатта, мен буни яхши демайман. Отам базос бўлгани билан, мен ҳар кимларнинг эшигига юрганман. Фарғонада бир бойга хизматкор бўлганман. Борсам справка топа оламан, аммо бормайман, ўртоқжон. Шунаقا ишларга тобим йўқ.

— Прогул қилиб бўшаган экансан-ку!

— Йўқ, кейинги заводдан... шундай бўлди. Прогул қилган эдим, аммо бир кун ҳам беваж прогул қилганим йўқ. Аммо справка олиб бўлмайдиган важ. Сендан ақли расо, тушунадиган одам бўлса заводдан кетмас эдим. Бир куни акам ўғлини кестирди. Қандоқ қиласи, умрда бир бўладиган тўйни ташлаб кетиб бўладими? Бир қултум-ярим қултум ичиш тўйнинг зеб-зийнати. Ичгандан кейин ланж бўласан-да, қандоқ қиласан. Эртасига ҳам ишга бормадим. Албатта мен буни яхши демайман. Бир куни мусаллас суздим; сузмасам бўлмас эди, чунки амаким хумини қистади. Бир айтганида бўшатиб бермасам, янаги сафар бермайди. Мусаллас сузгандан кейин, қандоқ қилиб сабринг чидайди, тотиб ҳам кўрасан-да. Албатта мен буни яхши демайман. Эртасига кечроқ бўлса ҳам ишга бордим. Аммо картошка ковлатганимда бир-икки кун боролмадим. Мана шу жуда ёмон бўлди—бошқа прогулларни ҳам кўзга кўрсатиб юборди...

— Озми-кўпми боғчачилик иши бўлган бошқа одамларни ҳам биламан, боғчачилик уларнинг ишларига хаал бермайди-ку.

— Қандоқ қиласи, ўртоқжон, бошқа ишларни йигиши-

тирай десам ойлик етмайди. Пул керак. Узим очиқ қўл йигитман. Бир оғайним уйга бореа юз сўм сарф қўлмай жўнатмайман!

Хотининг ҳам ишласин!

Хотин ишласа-ку, «сатта» иликка палов қиласар эдикку-я, лекин хотинимни асти ишлатгим йўқ. Ўзине инсоф қил, хотининг уйда ўсма қўйиб, сурма тортиб йўлингга нигона бўлиб ўтиреа, келиб чўзилганингда бир сидра уқалаб ташласа қандоғу, ўзинг билан бара вар ишдан келиб оғиз очгани қўймаша қандоқ? Албатта мени буни яхши демайман.

Набигул икки гапнинг бирида «албатта мен буни яхши демайман» дейишидан Қодир «шуларнинг ёмон эканлигини энди билган бўлса, демак қилмишига пушаймон, бундан кейин ўзини тиядиганга ўхшайди», деб ўлади. Хусусан, у яхши бир ўртоқнинг ёрдамига, раҳнамолигига муҳтож эканини билдириб, «энди сенинг этагингдан маҳкам тутдим, қайси йўлга бошлисанг ўзинг биласан» деганидан кейин Қодир жуда ийиб кетди. Шунинг учун унинг «ҳордиқ оқшоми бизниги борайлик, менга оқ йўл деб фотиҳа бер» деган таклифини қайтармади.

## II

Қодир эртаси ҳордиқ оқшоми, ваъда қилган вақтида бориб, Набигулни маҳалла қизил чойхонаси олдида учратди. У, дафтар кўтарган бир киши, афтидан, маҳалла комиссиясининг раиси билан уришар, новча, буқчайғанроқ бир йигит ўртага тушиб уни орқага тортар эди, Набигул Қодирни кўриб газабидан тушди, унинг олдига келаётib дафтар кўтарган кишига бақирди:

— Рабоччикман,— деди кўкрагига муштлаб,—савдор эмасман! Қоровулга бергани туғиб қўйган пулим йўқ...

Новча йигит Набигулни жаҳл билан силтади ва итариб юборди, сўнгра Қодирга қараб илжайди-да, қўлини кўкрагига қўйиб:

— Бу лаънатини олиб кетинг,— деди ва келиб сўрашди.

Набигул Қодирни қўлтиқлаб тор кўчага бошлади. У новча йигит ҳам булар кетидан юрди.

— Болладимми?— деди Набигул кетига қараб,—йилига олти сўм эмиш, олти тийин бермасман...

Бу қандай можаро эканини Қодир дастурхон устидагалиги йигит—Набигулнинг акасидан эшилди. Наби-

гулга маҳалладав олти сўм қоровул пули чиқсан экан. Набигул қаёқадир кетиб, Қодир унинг акаси билан ёлғиз қолди. Бу одам Қодирнинг келганига кўп хурсандлик билдириб ўзини унга жуда яқин тутда. Қодирнинг иши, турмуши тўғрисида сўраб, яъши томонларига хурсандлик изҳор қилди, ёмон томонларига эса афсусланиб, агар шуни бир ҳафта, ҳатто бир кун илгарироқ билганида ёрдам қилиш қўлидан келганини билдириб. Қодир ўз уйини кўкимтири бўёқ билан трафарет қилдириб, шунга мос келадиган абажурга ишқанини ва кўп машаққатлар билан арамг топганини айтгандай таажжубланди:

— Ие, ахир Набигулга бир оғиз айтмайдиларми!

— Айтиб эдим, шекилли.

Бу одам шунча дарғазаб бўлдики, Набигул шу ерда бўлса бир-икки тарсаки урадигандай эди.

— Бизнинг Набигул одам эмас ўзи! Ёшда, ҳали ошна-оғайнигарчиликни билмайди. Минг мартаба айтаман: ҳой, ука, ошна-оғайниларинг бир нарсага зориқ-қанда ҳожатини чиқариш қўлингдан келмаса менга айт, агар етти аждарҳо бараварига оғзини очиб «топиб берма, ютаман» деганида ҳам писанд эмас—топиб бераман! Оғаничи, ҳой, бу дунёда оғани бўлиш кепрак.

Қодирнинг келганига яна хурсандчилик билдириди, яна Набигулдан койинди, шундай қадрли меҳмон келишини олдинроқ билмагани сабабли тайёрлик кўролмаганидан нақадар хижолатда эканини айтиб битиролмас эди.

Қирқ ёшлардаги бир киши кирди. Набигулнинг акаси бу одамни ҳурмати билан қаршилаб, Қодирга «амакимиз» деб таништириди. Қодир бу одамнинг афтидан касб-корини белгилай олмади. У бир тўғрида ўпкалаб, район советининг раисига «бўлди энди, оғайним эмассан, мен билан гаплашма» деган эмиш, аллақандай бир терговчини чақиртириб (чақириб ҳам эмас) хўп сўккан эмиш. Қодир унинг қаерда ва қандай хизматда эканини сўрагани тортинди.

— Мен бу кишининг дидларига қойил бўлдим, амаки,— деди Набигулнинг акаси,— уйларини кўкимтири бўёқ билан трафарет қилдирган эканлар, ҳафсала қилиб, чироқларига шу рангдаги абажур ҳам қўйиптилар. Менинг ҳам дидим чакки эмас деб юрардим, аммо бу кишининг олдиларида тўқим табиат эканиман деб қўй-

дим. Диидни қаранг-а, трафаретнинг рангига мос аба-  
жур!

Унинг амакиси Қодирнинг кийим кийишига ҳайрон  
қолди: Қодирнинг кўйлаги оқ, галстуғи кўк экан, шун-  
дан ҳам бир гўзаллик топди. Шундай қилиб, Қодир  
барча гўзал нарсалар ва ҳусннинг «заршуноси» бўлди.

Набигулнинг акаси Қодирга попоп машина билан  
гул солинган қора баҳмал бир рўйжа кўрсатди.

— Шоабдуфаттоҳхўжаев икки юз бераман, тез мен-  
га бер, дёб ёпиши,— деди аввал амакисига, сўнгра  
Қодирга қараб,— у, тўқим табиат бир одам... минг тил-  
ла берганда ҳам нега берай!

У Қодирдай гўзаллик заршуносининг бир оғиз сўзи-  
ни эштиш учун тўқим табиат кишиларнинг минг тил-  
ласидан воз кечишга тайёр эканини ва агар бир юз  
йигрма сўм пулга ҳаддан ташқари зориқмаганида бу  
рўйжани Қодирга сотишдан кўра текинга беришини аф-  
зал кўрганини билдири.

— Мана шу четидан тангадай жойини сичқон ема-  
гандা беш юз сўмлик мато экан,— деди амакиси аввал  
Қодирга, сўнгра жиянига қараб,— бу кишига бераман  
дайсану мени уялтирасан-да. Райсоветнинг раисига вав-  
да қилган эдим.

Қодир «ҳа, ўша одам ола қолсин» дея олмади. На-  
бигул келди. Унинг кетидан бири най, бири танбур, би-  
ри дутор кўтарган уч йигит кирди. Набигулнинг айти-  
шича, булар маҳалладаги ҳаваскор созандалар эди.  
Машқ вақтида Қодир буларда ҳеч қандай завқ кўрмади.  
Ҳаммасининг ҳам қўли асбобда, диққати бўлак ёқ-  
да, кўзи жавдирайди, ниманидир кутади, нимадандир  
умидвор.

— Бу нима дeng, амаки,— деди Набигул точкадаги  
бир чирпит мусалласни кўрсатиб.

— Ақлнинг қайроғи!

— Йўқ, амаки, бу—қасам. Мен бугун қасам ичаман.  
Қодиржон акам цех бошлиғи бўлган кундан бошлаб  
ударник бўлишига қасам ичаман!

Қодир ўнғайсизланди.

— Қўйсанг-чи, ҳали маълум эмас...

— Нега маълум бўлмас экан,— деди Набигул пиё-  
лаларга мусаллас қуяётib,— цех бошлиғи бўлишингиз-  
га ичганимиздан кейин албатта бўласиз! Қани...

Қодирнинг цех бошлиғи бўлишига, ундан кейин са-  
ломатлигига, яна алланималарга устма-уст бир неча  
марта қадаҳ кўтарилди. Қодирнинг боши қизиб қолди.

Набигулнинг акаси бир навбатини Қодирга «сўна» қил-  
ди. Қодир кўнмади. Набигулнинг амакиси илтимос қил-  
ди. Қодир узр айтди. Томоғи тақиллаб ўтирган дутор-  
чи «кўтармасалар ичмасинлар» деса ҳам Набигул  
унамади. Қадаҳ тўхтаб қолди. Дуторчи дуторнинг қуло-  
ғини жаҳл билан қаттиқ бураб, торини узиб юборди.  
Суҳбатдан нечукдир файз кетди. Қодир бошқа ичмас-  
лик шарти билан иккинчи пиёланинг ярмини ичишга  
рози бўлди. Набигул Қодирнинг қўлини қўйиб юбормай  
Ҳаммасини ичишга мажбур қилди.

### III

Қодир уйғонди, у ҳаддан ташқари чанқаган эди,  
чойнакда қолган совуқ чойни шимириб, атрофига қа-  
ради. Набигулдан бошқа ҳеч ким қолмабди. Қодир На-  
бигул мажбур қилгандан кейин яна ичдими, йўқми—  
билмасди.

У ўрнидан турмоқчи бўлган эди, боши айланиб йи-  
қилди, судралиб обрезнинг олдига борди; у ерда юма-  
лаб ётган шишани кўриб кўнгли озди. Ҳушёрликда «шер  
билин олишсам енгаман» деган Қодир ҳозир биқинига  
ботиб турган қумғонни нари суришга мадори етмас эди.  
Не машақатлар билан ўрнидан туриб соатига қара-  
ди. Соат тўрт. Юраги жигиллаб кетди. Бир жойга бориб  
сира бундай кеч қолган эмас эди. Хотини кўчаларда  
юрганмикан! Дарров қайтиш нияти бўлганидан, Наби-  
гулниги келаётганини хотинига айтмаган эди. Бу ҳам  
майли, лекин шу аҳволда борса хотини нима дейди?  
Хотини уни ҳеч қачон бу аҳволда кўрган эмас.

Набигулни уйғотган эди, турмади. Кийинди. Наби-  
гулнинг акаси, ана у мисли топилмайдиган рўйжани  
ўраб, ихчам қилиб боғлаб, пальтосининг чўнтағига со-  
либ қўйған эди. Қодир, рўйжа эсида йўқ, нима экан деб  
олиб қарамоқчи бўлди, аммо чўнтағидан суфура олма-  
ди, кейин эсига тушди.

Кетди. Йўл-йўлакай инқиллаб борар эди.

Боргандга хотини мааст эканини билмаса, кеч қолга-  
ни учун бир-икки дўнғиллаб қўя қолса қандай яхши  
бўлар эди!

Үйига етди. Эшиги олдида кимдир қоп-қора ҳайкал-  
дай бўлиб турар эди. Қодир ҳали бу ким бўлиши мум-  
кин эканини ўйлаб етмаган эдики, у киши, кўрди ше-  
килли: «Э, ана келдилар, Қодир ака!» деб чақирди.

Бу—маҳалланинг қоровули эди. Қодир товуш берган эди, қоровул: «Бемаҳалда ҳаммани югуртириб қаёқда қолдингиз», деб қойиди ва ҳуштагини чалиб, узоқлашиди. Эшикни очган хотини эканини Қодир билди.

Қодир эшикдан кирар экан, киргандан кейин нима дейинини билмас, нима деса ҳам хотини бақириб берадигандай туюлар эди.

Уйга кирди. Хотини боласини аллалаб ётқизмоқда эди. Қодир ечинди. Хотини Қодирга бир қаради-да, масти эканини билди, аммо ўзини билмаганга содиб:

— Чой ичасизми?— деди.

Қодир «энди бу мени чой ичириб қўйиб жонимни олади-ку» деб ўйлади-да, ерга қараб:

— Йўқ, ҷарчадим, ётаман,— деди.

У ҳозир хотинининг қаёққа бординг, нега бунча кечикдинг, деган сўроғини кутар ва шу сўроқни берса, гап эшитиб бўлса ҳам шу ташвишдан қутулишни хоҳларди.

Хотини индамади. Қодир «энди ётгандан кейин бошлиди шекилли-да», деб ўйлади. Хотини эшикни занжирлади, чироқни ўчирди ва кундагидай ёта берди. «Бу эрталаб ишни катта қилмоқчи шекилли», деб Қодирни вахима босди.

Хотини эрталаб ҳам индамади. Овқатгача, овқатдан кейин ҳам чурқ этмади. У индамаган сайин Қодир азобланар эди. У рўйжа олиб келганини унугтан экан, эснага тушди; уни чўнтағидан олиб, хотинининг олдига қўйди, илжайди; шу баҳона билан ўзи гап очиб, узрини айтмоқчи бўлди.

— Нима бу?— деди хотини рўйжани ёзиб.

— Қаравотнинг тепасига осгани шунақа бир нарса қидириб юрган эдинг шекилли. Жуда ажойиб нарса.

Хотини рўйжанинг у ёқ-бу ёғини кўрди.

— Неча пулга олдингиз?

— Қани мўлжалингни айт-чи.

Хотин рўйжанинг сичқон еган жойига бармоғини тикиб:

— Саксон сўм,— деди.

— Яъни саккиз юз демоқчимисан?

— Ун мартаба камайтириб айтадиган бўлсан, саккиз сўм дер эдим.

Қодир рўйжани ёзиб, синчиклаб қаради; кўзига оддий бозорий рўйжалардан кўринса ҳам, бунчалик мақ-

товини эшиштгани учун сира оддий рўйжалар каторида кўргиси келмас эди.

— Мен, сен билмаймиз-ку бунақа нарсаци. Буни танидиганлар билади. Агар шу жойини сичқон емаганда беш юз сўм мато экан.

Хотини лабини бурди.

— Сиз неча пулга олдингиз?

— Бир юз йигирма сўм.

— Пулини ҳам бердингизми?

— Олгандан кейин беради-да, киши!

— Кимдан олдингиз?

— Бозордан эмас, пулга зориқиб ноилож сотган бир одамдан... Бунинг хуштори жуда кўп экан, ўзи айтди.

Хотин бошини чайқади ва зорланиб деди:

— Ахир мен буни тўқсон сўмга олмаган эдим-ку!

— Қаерда, қаҷон, бошқадир..

— Бозорда, йўғ-э, кўчада. Ҳеч бошқа эмас, шунинг ўзгинаси. Мана сичқон еган жойи. Эгаси юз сўм сўради. Мен етмиш сўм дедим. Агар сичқон еган ери бўлмаса саксон сўмга олар эдим, дедим. Саксон сўмга берар эди.

— Йўғ-э, бошқадир. Туппа-тузук обрули бир одам райсоветнинг раисига вაъда қилган экан. Менинг юзимдан ўтолмай ноилож берди-ю!..

Хотин индамади, рўйжани тахлаб, столнинг четига суруб қўйди.

Қодир рўйжа хотинига жуда ёқар, бу яхши иши ўёмон қалмишини ювиб кетмаса ҳам, ҳар ҳолда хотинни бир оз юмшатар деган умидда эди. Бу яхши иши ҳам ўёмон бўлиб чиққандан сўнг қунишиди.

Қодир бўлган воқеани бошдан-оёқ сўзлаб берди.

— Мен қанотсиз читтакнинг уйига борган эдим, маълум бўлишича, у ерда қанотсиз қузғунлар ҳам бор экан, деди.

1935 йил

## ДҮСТИМНИНГ ОДАТИ

Дўстимнинг бир одати бор: ҳар нарсани ҳар нарса-  
га ёпиштира беради. Шунинг учун унга бир нарса ай-  
тишга ҳам сўнгги вақтларда юрагим безиллаб қолди.

— Фалончи ҳали ҳам тузук-қуруқ саводини чиқар-  
мабди. Ўз онасининг тилини билмайди,— десам,

— Қатта-кичик театрларимизнинг бир қанча актё-  
ларига нисбатан бор экан-да!— дейди.

— Ўзашр корректорлари ажойиб одамлар. Ёзувчи  
«ғазаб» деб ёэса, «азоб» деб тузатади, таржимон «дил»  
деб ёэса, «тил» деб тузатади. Шоир «уян» (камчилик)  
сўзини ишлатса, «уят» деб ўнглаб қўяди ва ҳоказо, де-  
сам.

— Бу бир касал,— дейди дўстим,— унинг номини  
«ўзимгина биламан» деб атайдилар. Соғлиқни сақлаш  
Х. К. га билдириш керакки, янги (эпидемия) касаллик-  
нинг олдини олмасин!

— Ўзим бир яхши саводлик, ҳатто ёзувчи бўла ту-  
риб умримда бир йўл таржима қилган эмасман, а!—  
десам.

— Бўлмаса, ёзувчилар союзининг жумҳурияти қў-  
митаси сени Масковга—умумий иттифоқ таржимонлар  
қурултойига вакил қилиб юборади. Кутуб тур!— дейди.

Чидай олмадим.

— Драматург бўлсан ҳам, а!— дедим.

— Ҳеч бокиси йўқ,— дейди.—Ишқилиб таржимага  
қўл урмасанг бўлди!..

— «Ботган кемадаги хазина» деган кинофильмга  
«Қизил Ўзбекистон» эълон бўлими «Ҳалок (!) кеманинг  
бўйиклари» деб, чала туғилган боланинг номини бе-  
ради-я?—десам.

— Эълон бўлими шунаقا ўзи: баъзи-базида ўз  
саводсизлигини ҳам эълон қилиб туради. Хафа бўлма,  
шундай эълонларни ўқиб кўлиб турсанг, трамвай кутиб  
тажангланган асабларинг жойига тушади,— дейди.

— Яқинда марҳум бўлган «Театр» газетасининг яр-  
мидан кўп материали таржима дейдилар. Шунга ишон-  
гим келмайди. Нима дейсан,—десам,

— Ажаб одам экансан. Ўзбекча саводи йўқ киши-  
ларнинг русча саводи ҳам йўқ, деб қайси маҳмадана  
айтди сенга?— дейди.— Ўлганларни фақат хайр билан  
ёд қиласидилар. «Ярмидан кўпи таржима бўлса ҳам яхши  
газет эди, раҳматли!» десанг-чи!

A. K.

«Муштум» журнали, 1936 йил, 4-сон

## ҮЗИНГ ШИФО БЕР

- Уҳ... оҳ...вой, вой, вой-е, вой-дод... олло... олло... ўламан. Ҳой, Мавлонқул, кел, оғзимга сув томиз... Вой, одам бўлишими гумон, уҳ...
- Кўйинг, ота, шунақа деманг.
- Иўқ, сен билмайсан, ишим қийин, ўламан, Мавлон. Бор, бор, ғунажинингга қара, туғиб қўйди... Ҳой Хайрулло, оқпадар, қулоғингга пахта тиқдингми?
- Лаббай, отажон?
- Кўрпачанинг тагидаги пулдан 5 тийин олиб чиқиб пол очтириб кел. Вой, оҳ, ху-уудо...
- Ота, полчиға нима дейман?
- Вой, бу оқпадар мени жудаям кўйдириб куқун қилди-да, нима дер эдинг: отам касаллар, бир пол қаранг, дейсан, вой-е, вой; вой-ээ, шуни ҳам билмайсан. Марг сендеқ тарбиясиз туғилғонинffa, вой... а, уҳ, вой... худо. Суйган бандангга дард берасан, суюклиқ бандангдан дардни олсанг, нима бўлар экан, вой, вой...
- Ота полчи пол кўриб туриб айтдики, Кўҳинқорининг тескари пири тегибdir. Бир қора қўй сўйиб, худо йўлида хомталаш қилса, кўрмагандек бўлиб кетадир, деди.
- А, нима дединг, бир қўй худойи? Хайрулло, 5 тийиннинг ҳаммасини тутқаздингми?
- Ҳ-ҳаммасини.
- Вой ер ютсин, икки дунёда ҳам одам бўлмайсан. Вой, вой, худо, ўзинг шифо бер. Бор, Мавлонни чақир. Уҳ. Қўй сўяр эмишман. Бели оғримаганнинг нон ейишига қара, вой, қўй, вой-ээ, қўй, қўй.
- Ҳа, ота, нима ишингиз бор?
- Вой, вой... Үғлим Мавлон, бор, домла поччангни чақириб кел, вой, уҳ... Олло. Менга дам солиб қўйсинлар. Вой, жоним.
- Ассалому алайкум. Аҳмаджон, баҳай...
- Уҳ... Бир оз тобим қочди, тақсир.

— Худо сақласин. Майли, зарари йўқ, худо суйган қулига дард берадир. Қани келинг, бир дам солиб қўяй. Тангри хоҳласа кўрмагандек бўлиб кетасиз. Қал Ражабникида худойи бор экан, мени кутиб турибдирлар. Тезроқ бормасам бўлмайдир.

— Ҳўп, тақсир, уҳ...

— Фе гўспандоллокун ва ала хала жойин. Муродатун дангалун, куф... Оғдарма қилиб гунг солуисуф... Қалай, Аҳмадали, тузук бўлий дедингизми?

— Ҳа... та... қ... сир.

— Болам Мавлон, дўхтур-пўхтурга кўрсатмадингизми?

— Иўқ.

— Яхши, ақллик иш қилибсиз. Дўхтур ҳаром ўлдуриб қўяр эди. Мен дам солиб қўйдим, худо хоҳласа эрта-ицдин юриб кетадир. Хайр.

— Шошманг, тақсир, мана, назрни олинг.

— Қойиб нима қиласр эдинг, ўғлим.

— Хайр.

— Хайр, тақсир, яна эртага бир дам солиб кетасиз-да.

— Ота, отажоним...

— Вой, дунёдан ўтдилар, меҳрибоним отам, ғамгузорим отам...

Иннолиллиоҳи ваниноиллоҳи ражинун.

## ИШКАЛ

Шимолий Францияда қўймичидан найза еб, бурон-ғи бўлиб келган собиқ ефрейтор Гоппи Бейер Эльвира номли жуда кетвортган бир қизга хуштор бўлиб қолган эди. Эльвира унга сира-сира илтифот қилган эмас, кўрганида юзини тескари ўгириб, «афting қурсин, қирқ-оёқ!» дер эди. Софорий жинсидан бўлиб, ўзига бино қўйган кишини ҳашаротга ўхшатиш яхши эмас, албатта. Гоппи ўч олиш қасдида ундан ҳам танноз бир қизга уйланди, лекин бу билан ҳам алами чиқмай, ҳақоратни кўнглига туғиб қўйган эди.

Кунларнинг бирида у, аҳолини болалатиш давлат маҳкамасининг Брауншвейг музофот шуъбасидан қўйидаги баённомани олди:

«Муҳтарам Гоппи Бейер!

Уруш бўлганлиги важҳидан эркак немисларнинг аксарияти фронтда, бинобарин, ердаги эркакларниң яна бир вазифалари шудирки, болалаш ишининг ривожига кўшиш қилиб, бу ерда қолган эркак ва аёлларга ғамхўрлик қилсалар.

Бизлар сизни серҳосил эркак деган қаноатдамиз ва шу сабабли Германия учун муҳим ҳамда мўътабар вазифанинг ижросига киришмоғингизни илтимос қилиб, сизга мурожаат қилдик.

Ва яна маълум қиласмилини, зимманинг юкланган бу вазифа ожизангизга сиздан талоқ бўлиш ҳуқуқини ато қилмайдир. Урушнинг оқибати бўлган бу анчайин дилсиёҳликка ҳар бир ожиза камоли иштиёқ билан бўйин эгмоғи матлуб.

Сизга 9 жувон ва 17 бокира мавжуд бўлган даҳанинг тайин қилдик, бунинг тафсилотини бафуржга баён қилурмиз.

Агарда зимманинг юкланган мазкур вазифанинг ижросига ожизлик қилсангиз, бу ҳақда доктордан шаҳодатнома олиб, ўрнингизни боса оладиган ўзга бирон эркакни кўрсатиб, юқорида зикр қилинган адресга маълум қилғайсиз.

Агарда сиз тайин этилган даҳадан бошқа яна бирон даҳани ҳам уdda қиладиган бўлсангиз, у вақтда васий-офицерлик мартбасига эришурсиз ва серҳосил эркак бўлганингиз учун бериладиган сийловдан ташқари, наслни муҳофаза қилганингиз бадалига қизил лентага қадалган биринчи даражали нишонга эга бўлурсиз.

Шундай бўлган тақдирда алоқа қилишингиз лозим бўлган аёлларнинг рўйхати тез кунда юборилади.

Мазкур рўйхатни олганингиздан кейин хайрли ишни бетўхтов бошлаб, фаолиятингизнинг оқибати хусусида 9 ойдан кейин, маҳсус дастурга мувофиқ, бизга ахборот берурсиз.

Брауншвейгдаги аҳолини болалатиш давлат маҳкамаси (Отта Хенне Вег...)

Бир неча кундан кейин Гоппи «алоқа қилиши лозим бўлган аёлларнинг рўйхатини» олди ва бунда ўша қайсар қиз Эльвиранинг номини кўриб, қичқириб юборди.

— Эльза,— деди хотинига,— мен ҳозир Германия учун муҳим ва мўътабар вазифанинг ижросига киришмоқ учун кетаётирман. Маълум қиласманки, зиммамга юкланган бу вазифа сенга мендан талоқ бўлиш ҳуқуқини бермайди.

Гоппи кетди, бориб, ўзига маълум бўлган қора эшикдаги қўнғироқ тугмасини босди. Эшикнинг пардаси кўтарилиб, Эльвиранинг боши кўринди ва дарҳол эшик очилди:

— Хайл Гитлер,— деди Гоппи.

— Хайл Гитлер,— деди Эльвира ва четланиб Гоппига йўл берди.— Хизмат?

— Мен Германия учун муҳим ва мўътабар вазифанинг ижросига киришмоқ учун келдим. Маълум қиласманки... Урушнинг оқибати бўлган бу анчайин дилсиёҳликка сиз камоли иштиёқ билан бўйин эгмоғингиз матлуб... Нега ҳайрон бўласиз? Мана рўйхат.

Эльвира рўйхатни кўздан кечириб, елкасини қисди.

— Ишқал бўлгандир,— деди,— Германия учун муҳим ва мўътабар вазифани ҳозиргина Ганс жаноблари ижро қилиб кетдилар. У кишининг қўлида ҳам рўйхат бор эди. Мана, эсларидан чиқиб қолибди.

Гоппи рўйхатни кўздан кечириб, ўт бўлиб кетди ва Эльвирага индамай, «Аҳолини болалатиш маҳкамасига жўнади.

Эҳе, бу маҳкамага яқинлашиб бўладими! Бунақа чатоқликларни билгани келган одам сон минг! Бирор

га юборилган рўйхатга ўзининг синглиси кириб қолабди.

Гоппи бутун бу иннинг тўғри бўлишидан умид узиб уйига қайтиб керди.

Иўланда бигта қўлнигаёт турар эди. Гоппи ким келган экан, деб эмилини очиб қараган эди, каравотда кўрпанинг остидан чиқиб турган каттакон сержун Сир оёқда кўзга тушди. Гемин ҳали жунини ўнглаб олмаган эдик, ширманинг орқасидан хотинининг товуши эши билди.

— Гоппи, сенми?

— Мен, у ким?

Хотини ҳали жавоб бермаган эди, каравотда ётган килини бошини кўрпадан чиқариб:

— Хайл Гитлер! — деди.

— Хайл Гитлер! — деди Гоппи.—Хўш?

— Германия учун мұхим ва мўътабар вазифани.. Эльза ширманинг орқасидан туриб, у кишининг сўзини бўлди:

— ...Икросига кирвашмоқ учун келган эканлар. Урупнинг оқибати бўлган...

У киши холинининг сўзини кесди:

— ...Бу анчайин дилсиёхликка Эльза жоним намоли шитиёқ билан бўйин эгдилар.

Гоппи бўшашиб, ўзини диванга ташлади.

Матъум бўлдики, «Аҳолини болалатини давлат маҳкамаси» чатоқ қилибди. Гоппи у киши билан бирга бу ишканни тўғрилагани кетди.

«Кизил Ўзбекистон», 1941, 12 октябрь

## ДУНЕ ҚАЧОН ЭРКИН НАФАС ОЛАДИ

Ултан йил баҳорда немис қарбий кинокроникаларидан бирини кўрдик. Буида Франция шахарларидан бири қандоқ олингандиги кўрсалади.

«Ҳарбий обьект» бўлган бутун бошлиқ бир маҳалла да пачакина бир имерат фомбардиндан «омон» қолибди. Бу манзаранинг маъноси маълум: оператор ўз хўжайини Гитлерниг қурол кучини кўрсагмоқчи бўлди. Кўн!

Ула начакина иморатнинг ғимит зипаси устида кичкинагина бир оёқча ётибди... чиқарида, емирилган рўзтор ажжомлари, лягта-путталар орасида учта ўлик. Булардан бирининг одам эканлигини бир елжаси ва опиоқ оскорлидангина билниб бўллади. Иккичиси 7-8 ёнилардаги қиз. Улниг қаннари билан чаپ қулоғининг орасини икмадир ўтириб кеттиги. Учинчиси қалиги ғимит зина устида ётган оёқчанинг згаси — икки ёки иккни ярим яшар бола...

Ёвромада зўр ёнғилларнинг қизғини шульасида ўтириб, емирилган бинодарнинг каробалари остидан сизиб чиқкан юнни, одамнинг бош суюгидан қилинган косаларда ичиб кўймаган дев бизнинг юртимиэга қадам бостанида нималар қилиди?

«Биз, бир гуруҳ разведкачилар, Студенное қишлоғига яқин келганимизда доду фарёд овозини эшитдик. Фашистлар бир қизил аскарнинг уйига ўт қўйиб, унинг хотини, болаларини ўтга ташламоқда эканлар...»

Батальон комиссари Бойлинсон.

«Бронислава қишлоғида немислар болаларни оналарининг кўз олдидаги тириклий ерга кўмиб, сўнгра оналарини отиб ташлашди».

Фронт сиёсий бошқармасининг маълумоти.

«Узоқ разведкага бориб, Пропойск шаҳрига яқин бир қишлоқда немислар подвалдан бир чол, бир қиз

бала ва яна бир ўғил болани олиб чиққанларини кўрдим. Булардан ниманидир сўрашди, уришди; чолни отиб ташлашди, чинқириб йиглаган қизни наизага илиб, улоқтириб ташлашди; болани шунга қараб туришга мажбур қилишди, сўнгра отиб ташлашди».

### Взвод командирининг ёрдамчиси Пляшечний.

Аҳолиси йигирма мингдан ошмайдиган Феодосия шаҳрида гитлерчилар бир сафар 917 ва янаги сафар 230 кишини отдилар; бу ҳам камлик қилиб, хони Грузинов—ноинсоф сайдега хизмат қилишдан завқ оловчи кўпакнинг ёрдами билан одам овлашда давом этдилар.

Немис оператори эҳтимол бу манзараларни ҳам қозонилган «ғалабалар» тарзида тарих жиноятлар дафтарига камоли иштиёқ билан қайд қилгандир!

Бу ҳақдаги ҳужжатларни ўз кўзинг билан кўрмасанг, жонли гувоҳларнинг ҳикояларини ўз қулоғинро билан эшитмасант, шунча жиноятлар одам қўли билан қилинаётганлигини, одам одамга шунчалик душман бўлиши мумкин эканини тасаввур қила олмайсан киши. Бутун дунё ўт ичиди. Ер юзидаги энг кичик қабилалардан тортиб, неча юз миллионни ташкил этган халқларгача бу ёнгиннинг жафосини тортмоқда. Хўш, бу манзараларнинг маъноси нима?

Қадимги бир афсона эсга тушади:

Ғалча деган бир тоғнинг камарида бир дев турар экан. У ҳар куни саҳарда камардан чиқиб, то еттига одамнинг бошини ражиб ташламагунча кириб кетмас экан. Кунлардан бир кун дев шу қилигини қилиб турганида бир соҳибқирон пайдо бўлиб, унинг қўлидан маҳкам ушлапти ва: «Эй малъун, бу нима қилганинг?» депти. Дев соҳибқироннинг довюраклигидан ҳам кўра берган саволига ҳайрон қолипти ва «Бўлмаса нима қилай?» деб соҳибқиронга ҳам оғиз солибди. Соҳибқирон унинг жафини айириб ташлабди.

Мана шунинг сингари Гитлерга ҳам «Бу манзарнинг маъноси нима?», «Бу нима қилганинг?» деб савол беришнинг маъноси йўқ. Бошқа нима қилсин? Заҳарга тўлиб кўкарган саратон чаёни юрагингда ётган чақалоқни чақиб чириллатса, қутурган ит хандон-хушон ўйнаб юрган болани пайсалаб ташласа, не ажаб! Бошқа нима қилсин?

Гитлер бошқа нима қилсин?

Бу соҳибқирон унинг жафини тишләми керак. Бу соҳибқирон — шонли Қизил Армия. Қизил Армия ўз тупроғимизда бутун инсониятнинг тақдирини ҳал қилаётиди. Москва, Тула бўсағаларида, Ростов, Қерч, Феодосия, Калуга, Қалинин ва бошқа кўп шаҳарларда, Волхов бўйларида, минглаб қишлоқларда Гитлернинг жағи буюк соҳибқироннинг қўлига кирди.

Кичик жиноятчилар ҳоли танг бўлган вақтда қишлоқдан-қишлоққа, шаҳардан-шаҳарга қочиб жон сақлайдилар. Ундан каттароқлари мамлакатдан-мамлакатга қочадилар. Энг эўр жиноятчи Гитлер ҳоли танг бўлганда қаерда жон сақлайди? Ер юзининг қайси қитъасига қочади? Бирон эски қабрдан бўлак жой унга бошпана бўла олмайди. Лекин, унинг кетидан қувган Қизил Армия аскари ўша қабрдан ҳам уни судраб чиқаради; тўкилган қон, кўз ёшлиарини, вайрон бўлган шаҳар-қишлоқларни кўз олдига келтириб туриб, афтига бир туфлайдиу сўнгра отиб ташлайди. Унинг зардоб сингари қони тўкилгач, дунё эркин нафас олади. Албатта шундоқ бўлади!

28. I. 42 йил

Абдулла Қаҳҳор

## БАРОН ФОН РИНГ

Бирорки тама риштас қилгуси,  
Аминг бирла ўзи осилгуси.

Навоий

Бир атторнинг эшаги шундай ўйлаб қараса, дунёда туришнинг ҳеъ ҳам қизиги қолмабди: аттор ҳар куни азонда оғир юк ортади, ўзи ҳам минади, «хи, исқоти!» деб икки биқинига тепади. Қимлоқ кўчалари... «Қизчаларга ўсма келди!.. келинларга сурма келди...» Кечқурун қайтилади. Аттор ина «хи, исқоти!» деб оғилга қамайди-қўяди.

Эшак ўзини ўлдирадиган бўлди. Шу ниятда дарё бўйига кетаётса, йўлда иккита одам урушаётиди:

— Хонумонимни барбод қилиб бўлса ҳам оламан!  
— Бермайман! Сенга бергунча ана у эшакка бераман!

Эшак тўхтайди, қайрилиб орқасига қарайди ва қулоқларини тикка қилиб ўйланниб қолади: «Хўш, нима экан у? Уч-тўрт кун сабр қилай-чи...»

Бу жанжал эшакнинг жонига ора киради. Эшак қайтиб кетади.

Барон Фон Ринг, албатта, эшак эмас, балки орий жинсидан бўлган бир зот. Барон тўғрисида гапирмоқчи бўлиб гапни эшакдан бошлаганимизнинг важи бор. Бунга сабаб, унинг эшакка ўхшашлиги эмас. Наинки барон эшакка ўхшаса! Эшак деганинг қулоги узун бўлади: бароннинг қулоги мутлақо йўқ: Сан-Маринода бўлган бир карта ўйинида бор-йўгини бой бергандан кейин, чўталчининг таклифи билан минг тилло бараварига қулогини тиккан эди, бир инсон бойвачаси ютиб шартта кесиб ташлаган; ер юзидағи ҳамма эшаклар йиғилиб, минг йил уринганда ҳам битта китобни ўқиёлмайди, барон ўзи якка етти йил мобайнинда «Юз эллик фокус» ҳамда «Ужда атрофида турган француз офицернинг кундалик дафтари» деган икки китобни ўқиб ташлаган.

Барон тўғрисида гапирмоқчи бўлиб, гапни эшакдан бошлашимизга сабаб ана шу китобларнинг иккинчиси бўлди.

Барон Фон Ринг бир куни шундай ўйлаб қараса, дунёда туришнинг ҳеъ ҳам қизиги қолмабди: йигирма ёшдан бу ёғида кўрганлари ва кўраётганлари йигирма ёшгача кўрганларининг такрорланишидан иборат! Такрорнинг жаззаси «ва ҳоказо» деб қўя қолиш. Барон ўз ҳаёти тўғрисида «ва ҳоказо» деб, ўзини ўлдирадиган бўлди: Мол-мулки, бойликлари ҳақида васиятинома ёэди, ўзини осгани арқон қидириб юрганида қўлига ҳалиги китоб—«Ужда атрофида турган француз офицернинг кундалик дафтари» тушиб қолди. Барон китобни шундай очиб қараса, эҳе... Офицер бундоқ деб ёзибди:

«...Агар шу давлатим билан Европада турсам уч кунда ўзимни осиб қўяр эдим, чунки бор давлатим ҳар куни янги бир қаср бино қилгани имкон бермайди. Бу ерда, бу ваҳший араблар орасида ҳозирги қасрим ҳар куни менинг учун янги қаср... Еввойи араб қизларининг ўрнини ҳар йили Калифорнияга боришини одат қилган Париж таниозлари боса олмайдими, дерсиз? Йўқ, боса олмайди! Париж таниозларидан бир кунда ўнтасини олиб келсанам, қасримга ўн хил ўзгариш кирмайди, чунки ҳаммасига бир хилда, Европа киборлари расмича муомала қилишга мажбурман; араб қизларидан биттасини олдириб келсанам-чи, қасримга ўн хил ўзгариш киради, чунки унга муомала қилиш расмларини ўзим, истаганимча ўйлаб чиқараман...»

Фон Ринг ўйланиб қолди.

Бу китоб унинг жонига ора кирди.

Шарқий фронт.

Барон Фон Ринг Украина қишлоқларидан бирида «ибрат» йўли билан фашистча «тартиб» ўрнатди; эри партизан гумон қилиниб осилган ёшина бир жувон типирчилаётган вақтида оёғига уч яrim яшар қиз-часини осидирди; бу манзарани кўриб «ибрат» олсин учун қишлоқнинг ўш-қари, эркак-аёл бутун аҳолисини ҳайдатиб келди.

Мана энди «С» шаҳарчасида ҳам шундай «тартиб» ўрнатгани кетаётиди. У, автомобилда хаёл сурив бормоқда: «Уруш ҳадемай тугайди. «Ойдин Водий» Урта Осиёнинг қаерида? Бу водийнинг ҳокимлигини Фюрердан сўрайман. Мармардан қаср солдираман. Урта Осиёда неча хил миллат бор? Ҳар ҳолда тентак француз офицерига қарагандада менинг ишим йирик бўлади...»

Даҳшатли бир портлаш.

Нима бўлди?

Нима бўлганини барон Фон Ринг икки соатдан кеин ҳушига келиб, ўзини бир ертўлада кўрганида билди. Нима биландир машғул бўлган лейтенат бароннинг ҳушига келганини кўриб:

— Хуш келибсиз! — деди.

Барон ўрнидан турәтиб, хушомад тарзида не маҳқатлар билан илжайди—устки лабини кўтариб, бурнини жийирди. Ўлган отнинг кўзига ўхшаган хира кўзларидан «Мени ҳўқиз ўрнида қўшга қўшсанг қўш, лекин ўлдирма» деган маъно англашилар эди.

Қирқ минутдан кейин асири штабга элтиш тўғрисида буйруқ бўлди. Икки қизил аскар ҳарчанд қиласди, барон ертўладан чиқмайди—олиб чиқиб отади, деб кўрқади. Ҳозир «Фюрер»нинг ўзи келиб «мен сени Оидин Водий»га ҳоким қилдим, ўзбек, қирғиз, тоҷик, қозоқ, туркман қизлари сени мармар қасрда кутиб ўтиришибди» деса ҳам чиқмайдиган кўринар эди. Қизил аскарлар унинг қулоқлари йўқ эканини пайқашмаган экан, кўриб қолиб кулишиди. Бу кулги уни ўлим ваҳмасидан бир оз халос қилди. Барон ким гапирса оғзига қараб, ким бундайроқ ҳаракат қилса, қуёндай ҳуркиб ертўладан чиқди; шофернинг ёрдами билан автомобилга чиқар экан, шундай ўйлаб қараса... ўйлашнинг ҳеч ҳам қизиги қолмабди...

1942 йил

## БОС ТЕПКИНИ

Ўғри мушук бир парча гўшқолиниб қўйилган қовоққа бошини зўр билан тиқаётганида нимани ўйлади? Гўштдан бўлак нарсани ўйламайди, албатта. Бошини қовоқдан тортиб ололмай ўзини у девордан бу деворга уриб юрганида-чи? Тузоққа тушганини дарров фаҳмлайди, чунки унда мушуклик фурури йўқ, ўзига бино қўйган махлуқ эмас.

Фашист, мағрут Хорст Шустер милтиқ кўтариб бизнинг тупроққа қадам қўйганида нимани ўйлади экан?

Хорст Шустер ўн ёшгача мактабда шундай тарбия олган:

«Уруш жуда қизиқ нарса бўлади. Катта бўлганингда бир ўзинг юзта душманни ўлдирасан, Фюрер сени ва урушни яхши кўради, сенга ўқ тегмайди. Сен ертўлада баҳузур ўтирасан. Ертўлада яхши жой: овқат ейсан, хурсандчилик қиласан...»

Хорст Шустер ўн саккиз ёшгача «гитлерчи ёшлар» ташкилотида бундай тарбияланган:

«Янги немис халқи қулларга эга бўлади. «Қул» деган сўзга нисбий маъно берма, унга рамз деб қарама. Биз янги шаклдаги ҳақиқий қулликни вужудга келтирмиз. Сенинг пичофинг узун ва ўткир...»

Хорст Шустер мана бунақа ашулаларни айтган:

«Бутун дунё харобазорга айланса, айланана берсин!  
Биз олга бораверамиз,  
Чунки бугун Германияга ҳоким бўлсак,  
Эртага жаҳонга ҳоким бўламиз...»

Хорст Шустер ўн саккиз ёшида солдат бўлди. Унинг қўлига «дастуриламал» беришди:

«Буюк армиянинг солдати! Қўйидагиларга амал қилсанг, сенга ўқ тегмайди, енгилмайсан. Агар шу дастуриламалнинг бирон моддасига амал қилмасанг ҳам ҳалок бўласан:

1. Эртаю кеч, кечалари билан фюрерни ёд эт. Бош-  
ка ҳеч нарсани ўйлама, чунки фюрер сенинг учун ўй-  
лайди. Сен вазифангни бажаравер, қўрқма... Сенга ҳеч  
қандай шикаст етмайди. Сенинг танингга ўқ ҳам бот-  
майди, найза ҳам...

2. Бошингга мушкул тушса фюрерни ёд эт, мушку-  
линг осон бўлади. Душман ҳужум қилса фюрерни ёд  
этиб, дадил ҳаракат қил—душманни қириб ташлайсан.  
Раҳм-шафқат деган нарсани кўнглингдан буткул чиқа-  
риб ташла, бунинг урушда кераги йўқ. Ким рўпара кел-  
са, ҷолми, кампирми, қиз болами, ўғил болами—ўлди-  
равер. Шундай қилсанг, ўзингни ҳалокатдан қутқарган,  
онланг бахтини таъмин этган ва дунёда ном қолдирган  
бўласан.

3. Дунёда бизга бас келадиган ҳеч қандай куч йўқ.  
Биз бутуни дунёни тиз чўқтирамиз. Сенга қаршилик кўр-  
сатадиган жон эгаларининг ҳеч бирини тирик қўйма ва  
ҳаминча фюрерни ёд эт, енгасан...»

Унинг отаси 1903 йилда, пахта сотиб олиш имконият-  
ларини билиш учун Бишоф фермасининг агенти сифа-  
тида Туркистонга келган ва бирмунча вақт турган эди,  
ўсли фронтга жўнаётганида «Бухорога борсанг, сувидан  
ичма — ришта касали бор» деб меҳрибончилик қилган.

Шундай бўлгандан кейин, милтиқ кўтариб бизнинг  
тупроққа қадам қўйган Хорст Шустер нимани ўйлайди?  
Улдириш, талашдан бўлак нарсани ўйламайди, ал-  
батта. Оддий бир қизил аскар рўпарасидан чиқиб, «кў-  
тар қўлингни, хумпар!» деса-чи? Асири тушганлигини  
дарров фаҳмлармикин?— Иўқ! «Битта ўзи юзта душ-  
манни ўлдирадиган», фюрерни ёд этса «мушкули осон  
бўладиган» мағрур Хорст—«Дунёнинг ҳокими» буни  
англайларни деб билади, ёки (жон ширин) — ик-  
ки қўлинни қизил аскар истагандан ҳам баландроқ кў-  
таради.

— Саккиз яшар қиз бола сенга нима туноҳ қилган  
эдики, отиб ташладинг?

Хорст бунақа саволга тушунмайди.

— Саккиз яшар қиз болани отиб ташладингми?

Бунга тушунади.

— Ҳа, отиб ташладим,— деб жавоб беради Хорст.

— Нима учун?

Немис тушунолмайди.

— Уканг борми?

— Бор!

— Ўша укангни мен отиб ташласам нима дер эдинг?

Хорст ҳайрон: бу қанақа савол?

Унда одам туйғусини қўзғатадиган, ўзининг ҳам қа-  
чондир одам бўлғанлигини эслатадиган гаплар фашист-  
нинг инсонга, инсониятга душман фикр-хаёллар билан  
тўлган калласига кирмайди. Кирмайди, мих қилиб  
қоқсангиз ҳам кирмайди! Бу каллага фақат бир нар-  
сагина киради: 25 грамм қўрошин!

— Э, улуғ совет ватанинг соҳибқорони, бос тепки-  
ни!

1942 йил

## «ҲИ-ҲИ...»

Бу одам ишга ҳар куни бир-икки минут илгари келади, ишдан бир-икки минут кеч чиқади; профсоюз аъзолиги ҳақини ойма-ой тўлаб туради; мажлис бўлса олдинги қаторда ўтиради ва албатта сўзга чиқиб, бирон кишининг фикрига қўшилади. У ҳеч қачон «пахта плани», «ҳукумат топширифи» демайди, «пахтамизнинг плани», «ҳукуматимизнинг топширифи» деб гапиради; ўзининг айтишига кўра, аллақайси йили, аллаким тўғрисида «тегишли жойга» маълумот берган, натижада ўша одам жосус бўлиб чиқсан. Қачон, ким тўғрисида маълумот берганлигига қизиқсангиз, бир кўзини қисиб, лунжини қимирлатади: давлат сири...

Уруш бошланган кунлари. Мана шу одам танаффус чоғида ўз столида чой ичиб ўтирас эди, девор тагида курсида ўтирган хотин эмизиб ҳам йиғидан тўхтата-олмаган боласини бағрига босиб:

— Жон ака, кўраётисиз-ку... Нима қилади энди, қўл қўйиб бера қолсангиз...— деди.

Бу одам шошмасдан тухумни арчида, ҳафсала билан туз сепиб оғзига солди, узоқ чайнади, товуқдай бўйини чўзиб ютди-да, кетидан чой ҳўплар экан, имо билан девордаги соатни кўрсатди, яъни танаффус ҳали тамом бўлгани йўқ демоқчи бўлди.

Хотин йиғлагудай бўлиб ташқарига чиқди, яна кирди, яна чиқди... Қани энди, бу «товушинг ўчгур» бола юпанса! Қани энди, бу зормонда 7—8 минут ўта қолса!

Оқибат, соатнинг стрелкалари бир-бирига мингашди. Бу одам узун кекирди (ош бўлсин мирзо йигитга), оғзини қоғоз билан артди, соатга яна бир қараб столнинг тортмасини очди; қандайдир бир қоғозни олиб қўл қўйди ва хотинга узатар экан, илжайиб:

— Ҳи-ҳи...— деди.

— Нима ҳи-ҳи! Бунинг маъноси нима?

Танаффус менинг қонуний ҳақим шундан тўла фойдаландим демоқчими?— Йўқ. Одамни маҳтал қилиб

қўйиш менинг ҳам қўлимдан келади демоқчими?— Ҳеч. Гап бунда: у хотин уйига борганидан кейин, йиғлай-йиғлай ҳолдан тойган боласига ичи ачиб, эҳтимол, «уйинг куйгур» эмас, «уйинг куйгурлар»дер. «Ҳи-ҳи» менинг юзимга туфур, туфугинг менинг бошимдан ошиб ҳукумат столига тушсин демоқчи.

Радио қўшинларимиз Киевни ташлаб чиққани ҳақида хабар берди. Бу одам, ҳаммадан олдинда, ҳовучини қулоғига қўйиб тингламоқда эди, бирдан баланд овоз билан:

— Оббо! Ҳи-ҳи...— деди.

Шу куни катта холасининг қутиласини титиб, Паст-қўриқдаги шоликорлик ерининг васиқасини топиб қўйди.

Хабар:

— Москва хавф остида.

— Оббо! Ҳи-ҳи... ҳи-ҳи...!

Шу куни эртадан-кечгача излаб собиқ «Фантазия» номерининг васиқасини тополмади. Майли, «Фантазия»ни раҳматлик отаси Альфреддан нақд пулга сотиб олганини биладиган одамлар бор.

Мана шу кунларда «ҳи-ҳи» Қизил Армияга, Совет ҳалқига бўхтондан иборат мишишларни тарқатиб юрди; фронтга кетган йигитларнинг дўстлари, қавм-қариндошлари кўнглига ғулгула солишга уринди. Бу мишишларни унга ҳаммавақт «аллаким» айтган бўлади. Ким айтганлигини «сира эслай олмайди», эсарлигидан хафа бўлиб калласига муштлайди, яна писанд қиласи:

— Мен, албатта, ишонмадим. Рост бўлган тақдирда ҳам... Ҳи-ҳи... бу гап орамизда қолсин...

Ҳамма шундақа дейди.

Бирон ҳодиса ё бирон нарса тўғрисида ўз фикрини айтиши лозим келиб қолса, ҳазил билан чинни қўшиб гапиради. Қаршисидаги одам ўзини кўнглидагидай тутса «ҳи-ҳи» дейди унинг авзойи бошқача бўлса, «қизиқчиликка» ўтади. «Қизиқчилик»ни ўринлатиш учун бузоқ бўлиб маърашдан, ит бўлиб ҳуришдан ҳам қайтмайди.

Немис Москванинг пўлат қўрғонига пешонасини уриб, ағдарилиб тушди. «Ҳи-ҳи», яна радио карнайи остида ҳовучини қулоғига қўйиб тинглайди.

— Қўшинларимиз қарши ҳужумга ўтдилар.

— Ўҳҳ... Яшасин!

«Ҳи-ҳи» ўзининг эҳтиёткорлигидан хурсанд «бунди» хайрият ҳам «Фантазия» тўғрисида биладиган одамлар билан гаплашмагани—ҳали эрта экан.

— Москва области немислардан тозаланди.

— Ухъ... Яшасин!

«Ҳи-ҳи» шу куни шоликорликнинг васиқасини қайтиб катта холасининг қутисига солиб қўйди.

У ҳозирги кунларда хомуш. Қизил Армиянинг олға босган ҳар бир қадами бўғэнига тушаётгандай, ўтирган ерида мушукнинг хириллашидан пастроқ бир өвозди чиқариб ўтиради.

— Хўш, тақсир, нега хомушси?

— Э, азиз дўстим, сал қийналиброқ қолдим.

Билмаган одам уни тирикчилик важидан «қийналиброқ» қолган гумон қиласди. У ҳануз кавакда жон сақлаб келмоқда. Бефаросат, лақма одамни кўрса кавакдан секин чиқади, «аллакимдан эшитган янгиликларни» айтади, яна кириб кетади.

Бироқ қачонгача?

Халқ уни гирибонидан ушлаб қонун қўлига топширажак.

1942 йил

## ИККИННИГ БИРИ

Фашист қизил аскарга тўсатдан рўпара келиб қолса, ёзи қўрқанидан мумкин қадар қаттиқроқ ҳуркиб бирорни қўрқитмоқчи бўлган лайчадай пўписа қиласди— «Рус, таслим бўл!» дейди, ё ўзи таслим бўлади. Ўзи таслим бўлса шафқат кўради, чунки Қизил Армиянинг мақсади қон тўкиш бўлса, Сталинград ёнида қуршовда қолиб кетган немисларга «қаршилик кўрсатишдан тўхтаган барча офицер ва солдатларнинг ҳаётини, бехатар яшашини таъминлаймиз» демас эди.

Фашист «рус, таслим бўл!» деса ё қаншаридан ўқеб ер тишилайди, ё эвини қилолса, оч битдай абжирлик билан рўпара келган тешикка ўзини уради. Ер тишиласа, уни отган қизил аскар аждаҳо Гитлернинг тишиларидан бирини қоқиб ташлаган, қон тўкишнинг олдини олган ва шу билан эл-юртининг фармонини, инсоният олдидаги муқаддас бурчини бажарган бўлади.

Фашист рўпара келган тешикка ўзини уриб жон сақласа, унинг матбуоти ё «русларнинг шафқатсизликлари» ҳақида фарёд кўтаради, ё сўюғи ўйнаб кетган «немис руҳи»ни тиклаш учун «Қизил Армия ўн олти яшар болалардан иборат бўлиб қолди» деб бақиради. «Русларнинг шафқатсизлиги» ҳақида ҳалитдан обидийда қилиш чакки: Қизил Армия унинг ўзи кўтариб келган қилич билан бошини узмоқда, ўзи олиб келган кишан билан бошига уриб сулайтироқда, ўзи чанг солган ерини тишилатмоқда, қисқаси, 1941 йил 22 июнда эккан экинининг дастлабки маҳсулотидан баҳраманд қилмоқда, холос. Ҳали совет халқи азиз фарзандларининг хунини ундан талаб қиласди; бурнини ерга ишқаб, вайрон бўлган шаҳарларини, куйиб кул бўлган қишлоқларини тиклаб беришга мажбур қиласди!

Фашист матбуоти ва радиоси «Қизил Армия ўн олти яшар болалардан иборат бўлиб қолди» деб бақирганда «руҳи кўтарилиган» ғоғил немис солдати бутун Фронт бўйлаб рўй берәётган аҳволни пайқар экан ё

ҳайрон бўлади, ё ҳайрон бўлишга ҳам фаҳми етмай қолади. Ҳайрон бўлса ҳайрон бўлгудай, чунки ўша «ўн олти яшар» болалар бутун фронт бўйлаб ҳужум қилмоқда, ўзига бино қўйган немис, румин, венгер генералларини тиз чўктироқда. Немис солдатининг ҳайрон бўлишга фаҳми етмаса ё генералининг изоҳини кутади, ё бошқа бирон кишининг, Гитлердан изоҳ кутиши чакки, сабабки, у ўтган йил кузда нутқ сўзлаб, «Сталинграднинг ишғол қилиниши ғоят катта муваффақият бўлажак ва агар биз бирон жойни ишғол қиласр эканмиз, у ердан бизни силжита олмайдилар», деган эди. Қизил Армия унинг энг камида 330 минг кишидан иборат сараланган групласини худди ўзи айтгандай ҳеч қаерга силжитмади, ҳаммасини асир олди.

Немис солдатига изоҳ берадиган бошқа «фюрер» топилса, ё ўзи ёлғон гапиради, ё Гитлер рўпара бўлиб айттолмаган ёлғонлардан изоҳ тўқиб, немис солдатининг кўзини боғлайди, унга осонлик билан қўлга киритиладиган ғалабалар ваъда қиласди. Немис солдати шу ёлғонларга яна алданса, унинг кўзини очадиган, ҳеч қачон эсдан чиқмайдиган изоҳни Қизил Армиянинг ўзи беради.

Бу изоҳдан немиснинг кўзи ё очилади, ё очилмайди. Кўзи очилса қудратли Қизил Армия қаршисида тиз чўқади, очилмаса абадий очилмайди—ер остида чириб кетади, ириб кетади.

1943 йил

## МАКТУБ

Махфий

Совет ёзувчилари союзига арзи ихлосдан сўнг маълум бўлсинким, камина мулло Қутбиддин Махдум Сирожиддин муфти ўғлидурман.

Қиблагоҳимиз каминанинг таҳсил кўриб мўминларни худоничг инояти йўлига бошлигувчи аҳбоби дин ва арбоби шариат бўлмоғимга кўшиш ва ҳаракат қилур эрдилар, аз жумла, етти ёшимда Саид Муродхон эшоннинг муборак тупукларидан ялатиб, мактабдор мулло Шаҳобиддин ҳазратга эт ва сўнгокимни топширдилар. Фақир муддат саккиз йил риёзат чекиб ўн беш ёшимда Қаломи Шарифни хатм қилдим ва яна махфий қолмасинким, бир жумъя намозида имоматга ўтдим. Шундоқ зеҳн ва салоҳият соҳиби улғойгандага қандоқ рутбаларга лойиқ бўлмоғи ўзларига аён бўлса керак.

Афсус ва надоматлар бўлсинким, ҳозир бир қанча жоҳил тамагирлар чиқиб, бири эшонлик ва бири имомлик ва бири қорилик ва бири сўфилик даъвосини бирла илм ва фазилат аҳлларига азият еткурмакдалар, чунончи, маҳаллада бирор қазо қиласа бу кимсалар қузғун каби ўлик талашиб факирни жаноза ва қабристонга ўйлатмайдурлар.

Эшонлик даъвоси бирла юрган Нурмуҳаммад эшон бир ароқ дўконида қоровул бўлиб бир кун ишлайди ва икки кун ишдан фориғ; қоровул бўлган кечалари ароқ талаб маст-аластларнинг ҳожатини чиқариш баҳонаси бирла фирибгарлик қилур: молга икки баробар нарҳ қўйгани етмай, ароққа сув ва конъякка фамил чой қўшиб сотадур. Бул диёнатсиз ишдан фориғ кунларининг бирида чайқовчилик бирла машғул ва яна бирида эшонлик жомасини кийиб мурид овлайдур. Қоровулликда Нурмат Холматов ва чайқовчиликда Нурмат Жириқ ва эшонликда Нурмуҳаммад Форсо номлик бу маҳлуқнинг топ-

гани ҳаром, егани макруҳ ва ўзи мушрикдур, воллоҳу аълам биссавоб.

Мана шул кимса ўзи янглиғ мушрик Каримжон сўфи ва Иноят қорининг муованатида каминани имомликдан четга суреб, ўрнимга мулло Дониёрни ўтказурди. Мулло Дониёр мулломан деб чикон-чикон қилса ҳам аслида оми, ўзи банди ва хуфия сувратда наша сотадур.

Каримжон сўфи ҳам ҳаромдан парҳез қилмайдир, ош тамаида ёнига тўртта сабзи солиб ҳар кимларнинг эшигини қоқиб юрадур. Иноят қори кантарбоз ва катта хотини товуқ ўғриси. Бу жоҳил ва тамагир шахслар ҳукуматимизга ҳусн таважжуҳ кўзи бирла боқмайдурлар.

Хулосай калом, маҳалла ва масжидларимиз яхши таҳсил кўрган ва мўминларни пайғамбаримизнинг шафоа и ва ҳудои таолонинг инояти йўлига бошлагувчи ва ҳамда бир кўзини масжид меҳробига ва бир кўзини ҳукумат даргоҳига тиккан кишилар бирла ороста бўлса, мўминларнинг бу дунё ва охириати обод бўлур эди. Шу важҳдин илтимосимиз будурки, мазкур одамларни газаб давотига ботириб, мазкур одамларни газетада шарманда-ю шармисор қиласалар.

Фақир жами ёзғувчиларимизнинг осор ва ашъоридин баҳраманд бўлиб, ҳар дастурхон устида дуойи жонларини қитурман. Бу мутолеалар хосиятидин ўзимда ҳам андек табыи назм пайдо бўлиб бир қанча байт-ғазаллар ёздим, чунончи, ҳукуматимиз тарбиясида бўлган интернат талабаларининг азиз бөшларига соя солиб турган бир туб янғоқ дараҳтидан таъсир олиб айтибдурман:

Ажаб бир дараҳтеки номидир янғоқ  
Саяси салқину, меваси юмалоқ...

Мазкур байт-ғазаллардин етти донасини союз даргоҳиға йўлладим, азбарон ҳатосини ислоҳ қилиниб «Замоний» таҳаллуси бирлан махфий сувратда чопга берилмоғи учун. Дигар илтимосим шулдурки, каминани бир юз саксон кишилик ёзғувчилар союзи аъзолигига муносабиқ кўриб, бир микдор маош тайин қилинса, фақир ўдебе ва шуаронинг қўлларига сув қуйиб, умримни союз хизматида ўткарур эдим.

Фақирдин ёшу қари ва эркак-аёл барча ёзғучиларга дуо ва салом ва яна маълум бўлгайки, камина яхшилик гарданида қиёмат қарзи бўлиб қоладиган одамлар тоифасидан эрмасман.

Бақия. Мулло Дониёрнинг бошпурти йўқ.  
Фақирулҳақир мулло Қутбиддин Маҳдум

Сирожиддин муфти ўғли.

Моҳи рамазон, чоршанбаи муродбахи

## ПОРА

Эртак

Бир порахўр амалдор амалидан тушиб ғалати дардга йўлиқди. Унинг томоғи кундан-кун торайиб бораверди. Қирқ тош теварак-атрофда уни кўриб дори бермаган доктор қолмади—ичи алтекага айланиб кетди; уни боқмаган табиб ҳам қолмади—яントоқнинг гулидан тортиб калтакесакнинг думигача қуритиб каппа отди; ўқимаган дуохон, ром очмаган фолбин қолмади—кичик ҳамён бўшаб, катта ҳамёнга қўйл кетди. Бўлмади, дард борган сари кучайиб, томоғидан ҳатто сув ҳам ўтмай, оғзига пахта билан томизилган сув бурнидан келадиган бўлиб қолди.

Кун ўтди, ҳафта ўтди, ниҳоят, амалдор шифтга қараб ётганича бир-икки ияк қоқди-ю жон берди. Берди! Порани пул, мақтов, зиёфат, хушомад, мебель, ов милтифи, кийик, зотли ит, ёғоч, бўёқ, тилло соат, этик ва бошқа минг бир шаклда олиб, олавериб бериш деган сўзни эсидан чиқариб юборган амалдор, худди берганига ҳайрон бўлгандай, оғзини, кўзларини катта очганича қолди. Унинг ҳайратдан очиқ қолган оғиз ва кўзларини ювғуви таҳтада юмди.

Тахта, кафан, тобут, гўр... Мурда лаҳадга қўйилиб, гўрга тупроқ тортилаётган вақтда, таомилга кўра кимдир халойиққа юзланиб:

— Ҳо яхшилар, марҳум қандоқ одам эди?— деди.

Ҳеч кимдан садо чиқмади. Шунда марҳумдан кўп азият чеккан бир киши:

— Порахўр эди!— деб юборди.

Шу чоғ қабрга тортилаётган тупроқ бирдан тўзиб кўкка кўтарилиди-ю, унинг остидан бояги мурда кафанини судраб, оғзини, кўзларини катта очиб чиқиб келди. Ҳамма тумтарақай бўлди. Бояги «порахўр» деган киши қочолмай туриб қолди. Мурда тўғри ўшанинг олдига келиб:

— Нима? Пора? Қани пора?— деди.

У киши шошиб у ёқ-бу ёққа қаради; қараса беш-олти одим нарида бир кирпи ётибди, югуриб бориб кирпини олди-ю:

— Мана пора!— деб икки қўллаб мурдага тутди.

Мурда кирпини шошиб олди, қалтирган қўллари билан оғзига элтиб, кўпдан бери пора ўтмай битиб кетган томоғини очиш, қаттароқ очиш учун кирпини тескари ютди.

Фалончига пора деб берсанг тирик кирпини тескари ютади, деган гап мана шундан қолган.

## КУЗАЧА

Ваҳобжон Тўрақулов янги ишга тайинланиб, янги уй ҳам олди. У, кўч-кўрон ортилган машинани жўнатди-ю, «яна нима қолди экан» деб ҳовлига кирди. Тандирнинг олдида ташландиқ нарсалар орасида икки кўзача ағанаб ётар эди. Бу кўзачалар ўз замонасида кулоллик санъатининг дурустгина асари ҳисобланган бўлса ҳам, ҳозир назардан қолган, бунинг устига, эскириб, сири тўрлаган, шунинг учун Тўрақуловнинг хотини янги уйга муносиб кўрмай ташлаб кетган эди. Тўрақулов алланечук мунғайиб ётган кўзачаларга раҳми келгандай бўлди-ю, иккаласини икки қўлтиғига қисиб жўнади.

Тўрақулов гузардаги чойхона олдидан ўтиб кетаёт-ганида икки киши иргиб сўридан тушди, қўл қовуштириб йўлини тўёди, қўлидан кўзачаларни биттадан олиб, ўзини иззат-икром билан «бир пиёла чойга» таклиф қилди. Тўрақулов буларни идорада бир-икки кўрган, лекин икковининг ҳам фамилияси Назаров эканини бири семиз ва бири ориқ бўлса ҳам хулқ, феъл-атвор ёғидан худди бир қолипдан чиққандай бўлгани учун идорадагилар буларни Кўшназаровлар деб аташини билмас эди.

Семиз Назаров Тўрақуловга назокат билан бир пиёла чой узатиб, кўзачанинг қорнига шаппалади.

— Асл мол! Дидингизга қойилман!.. Бунақа молни танийдиган, қадрига етадиган одам ҳозирги замонда мингтадан битта!

— Юз мингтадан битта!— деди ориқ Назаров.

Семиз Назаров лунжини шишириб кўзачанинг ичига пуллади, бўйнига икки бармоқлаб чертди.

— Хунармандлар ҳам ўлмасин!

Ориқ Назаров кўзачанинг ичини ҳидлаб, қорнини юзига суркаб кўрди.

— Хунармандни ҳунарманд қилган ҳунар эмас, Ваҳобжон акамлардай дидли, заршунос одамлар! Шу кўзача биронта тўқим табиат одамнинг қўлига тушсин-чи!..

Кўшназаровлар «Ваҳобжон акам»нинг нозик диди,

тенги йўқ заршунослиги ҳақидаги бирин қўйиб, бирин ганиравергандан кейин Тўрақулов ҳижолатт бўлди-ю, «шу чоққача пайқамаган эканмизми» деб мўзачага нўз қири билан разм солди. Иўн, ўша эски мўзачаси! Янги бўлганда ҳам, ҳозир бирор пулга олмайди! Тўрақулов Кўшназаровларнинг дид ва заршунослиги ҳақидаги мақтевларида ўзини мудофаа қилиди:

— Жуда ҳам уччалик эмас шекилини Қорнидаги суратни кўринглар, қўяс дессанг чўчага ўхшайди, чўтқа дессанг иутасла ўхшайди.

Бу гап Кўшназаровлар не машаққат билан сўзлаётган торни узгандай бўлди. Семиз Назаров бир палла искака ўхшаган қорнини сийлишиб кулемди.

— Тўғри! Бу, албатта рассомнинг камчилиги, лекин, рассомнинг камчилиги кўзачага ҳусн бўлиб тушган! Узига ярапиди! Дунёда шундай камчиликлар ҳам бўлади...

Ориқ Назаров суратга ҳурккан товуқдай бир назар ташлатанидан кейин бўйинни ичига тортиб, иянгини бир томонга чиқариб, кучсанган бир товуғ билан Тўрақуловнинг нозик дид ва баланд табиатини унинг ўзидан мудофаа қилиди:

— Менимча ҳам бу, ҳар қалай, камчилик эмас, балики кўзачанинг ютуғи: суратнинг нотайнин бўлиши кишини ўйлашга, ҳар хил тахминлар қилишга, ақл ишлатишга мажбур қиласи.

Семиз Назаров Тўрақуловнинг елкасига қўлини ташлади:

— Ваҳобжон акам бизни синаётибдилар. Яхши раҳбар шунақа бўлади: қўл остидаги одамларни ҳар томондан титкилаб кўради!

Шундан кейин Тўрақулов ўйлаб қолди: «Булар кўзачани баҳона қилиб менга катта-катта суюклар ташлаётиди-ку! Идора бошлиги тупурса тупугини ерга туширмайдиган одамларга ўхшайди...»

Ориқ Назаров кўзачани уч бармоқ билан кўтариб, бир нарса демоқчи бўлган эди, Тўрақулов сўз қотди:

— Дуруст, дуруст, сизларнинг ҳам дидларинг жойида экан. Идорангда шундай дидли одамлар бўлса, юкинг ерда қолмайди... Шу кўзачаларни янгилигидага талай пулга олган эдик...

Семиз Назаров шошиб сўз қистирди:

— Дутор, вино, мана бунақа нарсаларнинг эскиси яхши бўлади!

— Балли, отангизга раҳмат! — деди Тўрақулов.— Шуларни бизга пуллаб берсаларинг жуда хурсанд бўлар эдик. Камхаржроқмиз...

Қўшназаровлар ҳанг-манг бўлиб қолишиди ва иккови баравар:

— Қанчага? — деб сўради.

— Сизлар турганда мен баҳо қўйсам қандоқ бўлади? Янгилигидан ҳар бирини беш юз сўмдан олган эдик, йигирма йил бўлди... Ҳар йили йигирма беш сўмдан эскирганда ҳам таннархи билан минг сўмдан бўлармикин.. Ошиғи сизларники!

Тўрақулов шундай деди-ю, кўзачаларни икковининг қўлига биттадан тутқазиб, турди-кетди. Қўшназаровлар унинг кетидан қараб қолишаверди.

Тўрақулов кўздан ғойиб бўлгандан кейин, ориқ Назаров ҳушига келиб семиз Назаровга еб қўйгудай бўлиб қаради ва кўзачани унга томон юмалатди.

— Ол, сотиб бер!

Семиз Назаров иккала кўзачани унинг олдига сурди.

— Мақтовини сен келтирдинг, сен сотиб бер!

Жанжал чиқди.

Қўшназаровлар кўзача билан бир-бирининг калласига туширди, иккови ҳам ҳушдан кетиб йиқилди.

## ХИҚИЧОҚ

Учинчи сигнал бўлиб, чироқ ўчадиган пайтда залга ҳиқичноқ тутган бир маст кириб келди. У, бўш жой излаб, шомда қолган товуқдай бўйини чўзиб, у ёқ-бу ёқ-қа қаради, афтидан, ҳеч нарсани кўрмас эди. Контролёр унинг қўлидан билетини олиб кўрди-ю, бўш жойга йўллади. Маст дам-бадам ҳиқиллаб, қатор орасидан одамларга кетини ишқаб ўтиб борар экан, оёғи чалмасиб бир хотиннинг тиззасига ўтириб қолди; хотиннинг дашноми қулоғига кирмай, шошмасдан ўрнидан турди, ниҳоят, бўш жойга ўтириб яна бир марта «ҳиқ» деди.

Чироқ ўчди. Парда очилди. Саҳнанинг ўртасида ғоз турган артист кўзига иккита кўринди шекилли, маст бир кўзини ҳовучи билан беркитиб қаради; артист ашула айтәтибди, деб ўйлади шекилли, тиззасига уриб:

— Дўст! — деди.

Унинг ёнида ўтирган кимдир туртди:

— Жим!..

Маст унга юзланди.

— Мен сизга дўст деялганим йўқ, ошна! Сиз нима қилибсизки... ҳиқ... дўст дейишлик керак!.. «Фифонким гардиши даврон»ни биласизми? Ҳиқ... билмайсиз!..

— Саҳнага қаранг, пулингиз куяди!

— Менинг пулим куядиган пуллардан эмас... Лекин, қарасам қарайвераман, хоҳласам бир кўзим билан... ҳиқ... қарайман, хоҳласам иккала кўзим билан қарайман! Ўзимнинг кўзим, ўзимнинг билетим, ўзимнинг... ҳиқ... пулим!

Маст ёнидан папирос олди, энгашиб гугурт чаққан эди. Атрофда босинқи ғовур кўтарилди. Ўтиб бораётган контролёр мастга томон энгашиб, қаттиқ шивирлади:

— Чекманг, штраф қиласман!

— Ие, опажон, билет олганимизда штрафи... ҳиқ... ичидаган эди-ку! Кеч... кечириласиз, мен бу ерни кино дебман... Штраф эмиш, мен нима гуноҳ қилибман? Күчингиз фақат бизга етар экан-да! Буларга нега инда-

майсиз ё булар пора беришганми? Биз ҳам нақд пулга... ҳиқ... билет олганимиз! Мен бирорни сўймасам, бирорни урмасам... Бирорни урсам, эҳтимол, майда безориликка... ҳиқ... киарар эди. Мени ҳозир ҳеч ким ҳеч нарса қилолмайди! Қўлингиздан келса, биласизми... ҳиқ... ҳиқичофимни тўхтатиб беринг!

Мастни ҳеч тийиб бўлмас эди. Унга на ёнидаги одамларнинг ёлвориши кор қиласи ҳади, на контролёрнинг пўписаси. Контролёр пўписа қилган сайин маст авж қила бошлади, афтидан, шовқин соладиганга ўхшаб қолди. Шунда мастнинг орқасида ўтирган бир йигит контролёрта «Сиз кетаверинг, ўзимиз әплаймиз» деган мъянода ишора қилди-ю, әнгашиб, мастнинг қулоғига шивирлади:

— Яшант! Хотинингиз ҳам кайфи ошса, ҳиқичноқ тутиб, худди ўзинтиздай жуда ширин бўлар экан!

Маст ирғиб ўрнидан турди.

— Қаерда кўрдингиз?

— Эшикнинг тагида ҳиқиллаб ўтирибди...

— Хотиним ичмас эди-ку! Қачон кўрдингиз?— деди маст ва йигитдан жавоб қутмай, жавраганича жўнаб қолди.— Ҳозир чиқиб саксон саккиз талоқ қўяман! Менга ичадиган хотин керакмас! Йирадиган бўлса ичадиган эрга... Йўқ, ичмайдиган эрга тегсин!

— Чакки бунақа дедингиз,— деди йигитнинг ёнида ўтирган бир хотин,— ҳозир қайтиб келиб ёқсангиздан ушласа, нима жавоб берасиз?

Йигит бепарво жавоб берди:

— Ҳали-бери келмайди: уйита боради, хотинини чироққа солиб кўради, оғзини исказиди, қасам ичириб, сўроқ қиласи... Үнгача спектакль тамом бўлади.

Босинқи кулги кўтарилди.

## ОҒАЙНИЛАР

Оркестр гумбурлайди. Официантларниң қўлини қўлига тегмайди. Бурчакдаги столда иккى оғайнин пиво шишлари орасига кўмилиб ўтирибди. Бирин стаканларга пивони шопириб қўйди, шишани тақ этиб қўйди-да, атрофига «қойил қилдимми» дегандай назар ташлаб, сўзида давом этди:

— Бу дунёда одам боласига ҳеч нарса керак эмас! Пул ҳам, мол ҳам... Ҳаммаси топилади, қачонки яхши оғайнинг, қиёматлик оғайниларинг бўлса! Хотин, бола-чақа ҳам топилади; Тўлтаган оғайнин! Барои топилади... Қани, ичайлик, исиб қолмасин!. Соколингни артиб ол, азиз дўстим!

Тўлтаган энгашиб дастурхоннинг бир четига соколини артиди, дон тиқилган товуқдай бўйини чўзиб кекирди, сирка ичгандай афтини буриштириб:

— Жуда тўлдим; Абдуманноф,— деди,— қимирласам тўкиламан... Пивоси қурғур жуда-жуда серсув нарса бўлади-да, сувини сиқиб ташлаб ўзини ичсанги тусув...

— Ҳозир, қиёматлик оғайним; ҳозир,— деди Абдуманноф ва официанткага ишора қилган эди, ароқ кельтириб берди.— Шунақа, ўртоқ! Лекин оғайнинда ҳам оғайнин бор! Батъин оғайнин бўлади, унақа, батъин отайни бўлади, жонингга жонини мих қилиб юқиб ташлайди.

— Унақа оғайнин мингтадан битта!

— Да, баракалла! Раҳмат дўстим!.. Үзинг билансинку, мен йигирма еттаничи, йигирма саккизинчи, то йигирма тўқизинчи йилгача қанақа эдим? Эски шахарда каттакон ошхона, Шиёнбозорда бинойи дўкон... Савдо гурриллаган... Ҳар куни улфатчилик, базм... Ҳозир ўша улфатлар, ўша оғайнилар кўчада кўрса теснари қараб ўлади. Шуми оғайнигарчилик! Бу ҳам майли-я, ўтган йиди ҳайит: ҳафтаси галати иш бўлди: ўша оғайнилардан биттаси районга бориб мени чақибди—«ҳозир борса!» принт уйидан камида иккى юз метр бажмал топасизлар» дебди. Уч кун ҳайит ҳаром бўлиб ўтса бўладиши?

Тўлаган ҳам кўп оғайниларидан куйган, кўпларидан аламзада экан, сўкина-сўкина гапириб берди; айниён бир оғайнисини кўп сўқди. У, олтмиш метр баҳмал ва ўн уч яrim кило чойни пуллашда ўртада туриб, Тўлаганинни беш юз йигирма саккиз сўмга туширган экан. Бу Абдуманнофнинг эсига туфли воқеасини туширди. Унинг ҳам бир оғайниси йигирма жуфт шериклик туфлини «қўлга тушди» деб еб кетган экан. Тўлаганинг эсига алиф, вентилятор, Абдуманнофнинг эсига мурч, цемент можаролари тушди ва ҳоказо. Шундай хулоса қилиб қарашса, оламда икковидан бўлак ҳалол одам қолмабди.

— Кел, бир ўпай! — деди Абдуманноф. — Оҳ.. Азиз оғайним!. Лекин, дўстим, одам танийдиган бўлиб қолдим. Сен азалдан одам танийсан. Кўнглингга бир нарса келмасину, оғайнинг Шоабдуфаттоҳ Хўжаев ўғил бола йигит! Биламан-да, гаплашмаган бўлсан ҳам, қадам олишидан биламан. Пошшо йигит!

— Хизрни йўқласанг бўлмасми, — деди Тўлаган кулиб. — Уни қара, ҳув...

Абдуманноф иргиб ўрнидан турди. Шоабдуфаттоҳ Хўжаев уч оғайниси билан залнинг ўртасида тураг, бўш стол излаб бўлса керак, у ёқ-бу ёққа кўз ташлар эди.

— Тўлаган, азиз дўстим! — деди Абдуманноф «пошшо йигит»дан кўзини олмай. — Чақир! Бориб олиб кел!

— Қўй, нима қиласан...

— Қиёматлик оғайним бўлсанг, сўзимни ўлдирмайсан! Тур!..

Шоабдуфаттоҳ Хўжаев оғайниларидан бирини қаёқ-қадир юборди, қолган иккитаси билан келиб ўтириди. Маълум бўлишича, булар бу ерга ўтиргани эмас, бир одамини қидириб киришган экан. Абдуманноф улфатларининг, айниқса Тўлаганинг раъйига қарамай ишни катта қилиб юборди.

Шоабдуфаттоҳ Хўжаев хомуш эди, Абдуманнофнинг кутганига қарши, бошқалар чулдираш даражасига етганда ҳам ўзига келмади. Абдуманноф охири Тўлаганиндан бунинг сабабини секин сўради. Тўлаган нотайироқ жавоб берди. Орадан икки соатча ўтганидан кейин қаёққадир кетган киши қайтиб келди ва кимнингдир уйидаганидан хабар берди. Шоабдуфаттоҳ Хўжаев иргиб ўрнидан турди. Оғайнилар ҳам туришди.

— Энди, ўртоқ Шоабдуфаттоҳ Хўжаев, — деди Абдуманноф қўл қовуштириб. — Бу ўтириш ҳисоб эмас. Ишларинг қистов экан, мени уялтириб қўйдиларинг. Бизнинг ҳовлилар ҳам жуда баҳаво жой...

— Ҳали кўп кўришамиз, — деди Шоабдуфаттоҳ Хўжаев. — Хайр... Кетдик.

Абдуманноф уларни эшиккача кузатиб келди.

— Пошшо йигит! — деди ўрнига ўтириб, — лекин таъби хирароқ кўринадими?

— Ҳа, бечоранинг бошига мушкул тушиб туриди. Иши прокурорда.

— Қанақа иши!

— Магазини текширилганда чатоқ чиқибди... Чатоқ чиқмасдан бўладими?

— Директорликдан бекор бўлгани йўқми?

— Бекор бўлганига бир ой бўлди-ку. Билмасмидинг? Қамаладиганга ўхшаб туриди.

Абдуманноф иштаҳа билан чайнаб турган гўштини туфлаб ташлади. Жимлик чўкди. Официант счет келтирди.

— Боя нега айтмадинг? — деди Абдуманноф счетни қўлига олиб, — ҳм, икки юз ўттиз бир сўм етмиш тийин!

— Ўзинг биласан дебман-да.

— Шундай деган бўлсанг, қани, пулдан чиқар! Бир юз ўн беш сўм саксон тийин берсанг бўлади. Ҳисоблик дўст айрилмас.

— Нега? Мен ўзимнинг ҳисобимни ўзим қилиб ўтирибман: йигирма олти сўм қирқ тийин бераман. Ma!..

— Ҷўз, ҷўз! Бу ер ҳазилнинг жойи эмас.

— Ҳазили нимаси! Одамгарчилигинг бўлса, шу йигирма олти сўмни ҳам олмас эдинг, мени ўзинг олиб келгансан. Энди Шоабдуфаттоҳ Хўжаевнинг сарфини ҳам кўтарайми! Ўзинг чақирдинг, ўзинг буюрдинг... Тўлайвер, ахир бир куни тағин директор бўлиб қолар...

Орада бир-икки оғиз гап ўтди. Бунинг натижаси шу бўлдики, Тўлаганинг қаншарига мушт тушди, стол ағанаб кетди.. Орага тушган официант лунжини ушлаб орқага чекинди. Оркестр тўхтади. То икковини оташкуракка қистириб чиқариб ташлагунча орада ўтган гаплардан жанжалнинг сабаби маълум бўлиб қолди. Чаласини лунжи шишиб кетган официант айтиб берди. Буни эшишиб баъзилар қотиб-қотиб кулар, баъзилар бўғилар эди.

Зал тинчиди. Оркестр давом этди. Кўчага чиқиб, мажарони охиригача кўриб келган жиккаккина бир чол шошиб-пишиб овқат еркан, ўзича жаварар эди:

— Магазин директорининг оғзини мойлашга ҳаракат

қилганига ҳеч ҳайрон қолмайман. Йўқ! Қана сигирнинг қулоғига тушади, туёғига эмас. Шунча одам орасида ҳар қайсиси ўзидан хавотир қилмай, бир-бирининг сирини очиб ташлаётиди—мана бунга ҳайрон қолса бўлади! Наҳот чайқовчи ўзини шунча эркин сезса! Шунча қутурса! Қутурмай ҳам нима қилсин, чайқовчиликда айланганларнинг устидан судлар шу қадар юмшоқ ҳукм чиқараардик, билмайсан киши: жазо бердими, насиҳат қилди? Жамият учун зарари нақд, ҳатто вақт-соати келганда ҳавфли бўлган бу текинтомоқлар билан кескироқ курашгани нима халал беради? Нима халал беради?!

## ОҚ АРОҚНИНГ ҚОРА ИШИ

Ҳавонинг қовоғи солиқ. Битта-иккита ёмғир томчи-лаб турибди.

Кимсан Қорабоев қўғирчоқдеккина қизчаси Лолани етаклаб, хотини билан ажрашгани судга кетаётиди. Унинг соchlари тўзиган, ранги не ахволда, кийим-бошиғижим, шимининг почалари лой...

Лола дадасининг қаёққа кетаётганидан бехабар, лекин шундай яхши дада ҳар куни қаёққадир бир ёмон жойга бориб, ароқ ичиб, ёмон дада бўлиб келишини билар эди, шунинг учун хавотирда: ўша ёмон жойга ҳар куни ўзи якка борар эди-ку, бугун нега мени олиб кетаётиди экан?..

Лола дадасидан кўзини олмай, туртиниб-суриниб, оёқ остидаги кўлмак сувларни сачратиб, қалдирғочдай тинмай чуғурлаб борар эди. Қим билади, гоҳ ранжиган, гоҳ ёлворган, гоҳ йиғламсираган товуш билан жавраётган бу гўдак нималар деяётиди!..

Кимсан муюлишда гастрономга бурилди, магазинга кириб Лоланинг қўлини қўйиб юборди-ю, ранг-баранг шишалар териб қўйилган томонга борди. Лола магазиннинг ўртасида туриб қолди; қўзлари жавдираб, дадасига бир шиша ароқ узатгая «ёмон бир опа»га, харидорларга қаради. Лекин уни ҳеч ким пайқамади.

Магазиндан чиқилгандан кейин Лола гапирмай қўйди. Энди унинг хаёли бошқа нарса билан банд эди: дадаси шимининг чўнтағида дўппайиб турган ароқни қаҷон ва қаерда ичади-ю, яна «ёмон дада» бўлиб нималар қиласди...

Суд залида эр-хотин Кимсан билан Инобатхоннинг яқин қариндошлари, баъзи бир таниш-билишлар. Инобатхон аслида яхши, лекин ичкилик тириклай тобутга тиққан эрига чиндан ҳам аза тутгандай бошдан-оёқ қора кийган; қовоқлари шишинқираган, киприкларида ёш заралари йилтирайди, ҳўнграб юбормаслик учун рўмол-насини лабига қаттиқ босиб бир чеккада ўтирибди.

Лола онасини кўриш билан югуриб бориб унинг бўйнига осилди, яна қалдирғочдай чуғурлаб, бирпастда олам-жаҳон гап гапириб ташлади...

Суд мажлиси очилди. Савол-жавоб бошланди.

Ун бир йиллик оила, Кимсан илгарилар «хонаси» келганда ичар эди, кейинчалик битта-иккита улфат орттириб «хонаси»ни ўзи келтирадиган бўлди. Тўрт йилдирки «хонаси» ҳар куни келади, тўрт йилдирки оиласда ҳаловат йўқ: харҳаша, шовқин, кўз ёши... Кимсанни баъзан ечинтириб бўлади, баъзан бўлмайди. Бутун уйдан, кийимлардан, кўрпа-ёстиқдан, ҳатто Лоланинг бошидан ҳам ароқ ҳиди келади!

Кимсан стаканинг қўлига олганида нима учун ичтанини билмайди, бирор гапирса малол келади, «доно одамларнинг насиҳатидан чиқиб қолибман» деб жеркиб ташлайди.

Ароқ унинг териси билан эти орасига жойлашиб олган, шунинг учун севгили хотинидан кўра ароқка кўпроқ ишонади.

Кўпинча ароқ унинг қулоғига шивирлади:

— Биласанми, хотининг сенга куймайди, рўзгордан уриб пул ортираётиди. Кўрмайсанми, топганинг зўрга учма-уч келади...

Жанжал...

Инобат жонидан безор бўлиб, қаттиқ гапирса ароқ яна Кимсаннинг қулоғига шивирлади:

— Хотининг ҳалол эмас, ширин сўзини бошқаларга тўкиб, сенга нуқул тахирини қолдиради...

Шовқин-сурон...

Инобатхон ширин сўз бўлса, яна балога қолади:

— Хотининг ҳозир ўйнашининг қучоғидан чиқиб келди, сенга доғулилик қилаётиди! Шунча зийраклигинг билан наҳот шуни пайқамасанг!

Инобатхон гоҳ зор-зор йиғлаб, гоҳ ёлвориб, гоҳ қаттиқ гапириб уни ичкиликтан тиймоқчи бўлган вақтларида ароқ Кимсанни қутуртиради:

— Хотининг сени қайириб олмоқчи, бир марта гапига кирсанг елканга миниб олади. Бир стакан ичадиган бўлсанг хотинингни додлатиб туриб икки стакан, уч стакан ич!

Тўрт йилдан бери аҳвол шу. Фақат шугина эмас-да, хотин мастанинг қусиғи артилган латтадай қўланса шу одам билан бир кўрпада ётиб келаётиди!

Инобатхон тўрт йил давомида йиғлаган, жанжалашган, бунақа оиласидан турмушдан воз кечмоқчи

эканини айтган вақтларда ҳам ароқ Кимсанга «парвоқилма, ҳеч қаёққа кетмайди» деб тасалли берди; бундан икки ой бурун Инобатхон уйдан узил-кесил чиқиб кетаётганида ҳам «хотиржам бўл, барibir қайтиб келади» деди. Лекин, шундоқ бўлса ҳам, Кимсан кўнглига ғулғула тушиб, ҳар эҳтимолга қарши Лолани зўрлик билан олиб қолди. Бироқ ҳозир Инобатхон судьяларга қараб, қавм-қариндошлар олдида шунча гапни айтганидан кейин Кимсаннинг кўзи ярақ этиб очилди-ю, ичкилик ҳароратидан кечаси билан қаттиқ уриб ҳориган юраги алланечук бўлиб кетди, совуқ тер босди. Унинг аҳволини кўриб кимдир бир стакан совуқ сув келтириб берди. Лола бўлаётган гапларни яхши тушунмаса ҳам, ароқ туфайли ёмон бир иш рўй берганини сезиб бир чеккада мунғайиб ўтиради, дадасининг титраётган қўлидаги стаканга кўзи тушар экан, жон-жаҳди билан қичқириб унга томон отилди:

— Дадажон, ичманг! Ичманг!..

Стакан Кимсаннинг қўлидан тушиб чил-чил бўлди, Орқада ўтирган бир чол Лолани ўзига тортиб бағрига босди. Залда бир ғовур кўтарилди-ю, оғир жимлик чўқди, у ёқ-бу ёқдан пиқ-пиқ йиги товуши эшитилди...

Суд ҳукмга кирди. Ҳукм икки соатдан кейин эълон қилинди. Лола онага ҳукм қилинди. Инобатхон Лолани етаклади. Лола ҳайрон, гоҳ дадасига қарайди, гоҳ онасига...

Кимсан нима бўлганига тушунолмай гаранг бир аҳволда эшикка томон йўналди. Қим билади, шимининг чўнтағида сонига ботиб турган бир шиша ароқни эшикдан чиқиши биланоқ ичадими ё ерга кўтариб урадими! Агар ерга урса бунинг товушини Инобатхон эшитиб эҳтимол қайрилиб қараса, эҳтимол қайтса... Ахир, Инобат хурсанд бўлиб эмас, йиғлаб кетаётиди-ку!..

## БИЗНИНГ МУЛОҲАЗАЛАРИМИЗ

(Баъзи тақризларга назира)

Матбуот саҳифаларида маълумки, ҳозирги вақтда шаҳар ва қишлоқларимизда турли бинолар ва турар жойлар кўплаб қурилмоқдалар. Модомики, шундоқ экан, халқимизнинг стол, стул, буфет, шкаф, каравот, маданий қозиқ ва бошқа шунинг сингари молларга талаби кундан-кун ортмоғи ва харидорларимиз у ёки бу магазинда узун-қисқа очередлар ташкил қилмоғи айрим ҳолларда (*курсив бизники!*) мумкин дейилса хато бўлмаса керак деб ўйлаймиз. Бундай ҳолларда харидорларнинг қимматли вақтларини тежаш юзасидан уларни рўйхатга олиш практикаси, яъни очередини ёзма шаклда олиб бориш кўпдан бери синалган методлардан бири бўлиб келмоқда.

Биз 87-магазинда тузилган йигирма икки кишилик бир рўйхат тўғрисида ўз мулоҳазаларимизни баён қилмоқчимиз<sup>1</sup>.

Аввало шуни айтиш керакки, рўйхат кўп қиррали (қоғоз саккиз бувланган!) ва ранг-баранг хусусиятга эгадир: унда олти фамилия қора, бир фамилия қизил, бир фамилия кўк, қолган фамилиялар яшил ва бинафша сиёҳ билан ёзилгандир. Шунинг ўзи авторнинг катта ижодий имкониятга эга эканлигини кўрсатади. Ўқувчини зериктирмасликка қаратилган бу услубга шундай баҳо бериш тўғри деган фикрга қўшилиш мумкин деб ўйлаймиз.

Рўйхатнинг ижобий хусусиятларидан яна бири, унда магазин мудири ўртоқ Норматовнинг (*курсив бизники!*) фамилияларига ҳамоҳанг бўлган Нурматов, Пирматов, Қулматов сингари фамилияларга кенг ўрин

<sup>1</sup> «Мебель олиш учун очередда турган гражданлар рўйхати», бир саҳифа, яхши чойқоғозга ёзилган.

берилганлигидир. Ўртоқ Норматовнинг фамилияларига айниқса Єрматов фамилияси алоҳида ҳамоҳанг бўлиб жаранглайди.

Рўйхатнинг автори ҳамма фамилияларни тўғри ёзишга уринган, хато қилмасликка ҳаракат қилган дейиш мумкин. Бу тўғрида тажрибали сотувчилардан Мустақимов, Зулфиқоров, Намозов ўртоқларнинг фикрига тўла қўшилиш керак.

Лекин, шундай бўлса ҳам, рўйхат айрим камчиликлардан холи эмас<sup>1</sup>.

Аввало рўйхатга тартиб рақами қўйилган эмас. Бу ҳол авторнинг ўз ишига масъулиятсиз қараганидан, рақамнинг ҳалқ хўжалигига қанчалик катта аҳамиятга эга эканини тушуниб етмаганидан далолат беради. Буни бошқача изоҳлаш мумкин эмас!

Ундан кейин автор бир қатор фамилияларни бузиб кўрсатган, масалан: Шодиев дейилади, ҳолбуки Шотиев бўлиши керак! Жуда кўп фамилияларда «ъ» тушиб қолган.

Рўйхатда давр тўғрисида нотўғри тасаввур туғдирадиган қатор арабча, форсча фамилияларга кўплаб ўрин берилган. Шарофиддинов, Сирожиддинов, Қамолиддинов ва ҳоказо.

Яна шуни алоҳида қайд қилиб ўтиш керакки, автор салбий фамилияларга ўрин берган: Хонкелдиев, Сўфихонов, Султонпошшоева, Поншоҳўжаев. Бунинг устига Болтаев, Яхшиева, Ширинжонов сингари ижобий фамилияларга рўйхатдан оз ўрин берилган ва деярли ҳаммаси хира ёзилган.

Давримиз учун типик бўлмаган Шобаратов, Шомансуров сингари фамилияларга рўйхатдан ўрин берилмаса ҳам бўлар эди.

Рўйхатда такрор ҳам учрайди, масалан: О. Жўраев, И. Жўраев, У. Жўраев деб ёзилади, ҳолбуки ихчамлаштириб О. И. У. Жўраев деб ёзилса, рўйхатнинг қиммати яна ҳам ортар эди.

Рўйхатнинг жиддий камчиликлари ҳақида гапирав эканмиз, авторнинг меҳнатга нотўғри муносабатини алоҳида қайд қилмасдан ўтолмаймиз! Масалан, рўйхатда Ҳузуржонов дейилган, унинг Ҳузуржонов бўлиши учун фидокорона меҳнат қилганлиги рўйхатнинг қаерида акс эттирилган?

<sup>1</sup> Авторнинг кандидатлик диссертациясидаги «Камчиликлар, жиддий хатолар» бобига қаралсан, саҳифа 2967.

**Бу саволга рўйхатдан жавоб топиш қийин!**

Рўйхатдаги мана шу камчиликлар тузатилса, бу нарса ҳозирги очередчилигимизда ижобий роль ўйнаши, харидорларимиз орасида тарбиявий иш олиб бориша алоҳида аҳамиятга эга бўлиши мумкин бўлса керак деб ўйлаймиз.

Магазин мудири ўртоқ Норматовнинг бу ташаббусини табриклиш керак бўлади (*курсив бизники!*).

## НУТҚ

«Кенг эшигувчилар оммасига мўлжалланган» нотиқлардан бири ишдан қайтиб келганида хотини бўйнига осилиб, кўзига ёш олди.

— Сиз мени яхши кўрмайсиз... Турмушимиздан хурсанд эмассиз... Шу соатгача, шу минутгача кутдим, бир оғиз айтмадингизки, бир ёстиққа бош қўйганимизга бир йил бўлди...

Нотиқ ҳақиқатан буни унуган эди, лекин гап топди:

— Ие,— деди,— ҳали тўйимизга бир йил бўлдими! Бир йил? Шундай роҳат турмушимиздан, шундай шинрин умримиздан дарров бир йил кетдими! Оҳ, дод дейман...

Хотин илжайиб, турли ноз-неъмат, гуллар билан безатилган столни кўрсатди. Эр-хотин ўтириши. Хотин рюмкаларга вино қўйиб:

— Қани,— деди,— бир нима демайсизми?

— Бир нима деяйми?

— Вой, ҳали индамасдан ичмоқчимисиз?

Нотиқ рюмкани олиб ўрнидан турди. Қошлари чимирилди, ранги бир оз ўзгарди, аввал рюмкага, кеин уйининг бурчагига қараб сўз бошлади:

— Ўртоқ рафиқам! Ижозат берасиз, хушчақчақ ҳаётимизни шараф билан давом эттириб, оиласиб бурчимизни намунали бажарип келаётганимизга бир йил тўлган кунда сизни бевосита табрик қилишга!

Хотин бу муқаддимани ҳазил гумон қилганлиги учун қийқириб чапак чалди. Нотиқ яна ҳам жиддийроқ қиёфада давом этди:

— Бундан 365 кун муқаддам сиз билан биз ўз ҳаётимизда қатъий бурилиш ясад, зўр синовлар шаронтига бевосита қадам қўйдик. Илгариги вақтда фақат эркак, эндиликда эса ҳам эркак, ҳам хотин бошчилик қиласидиган оила масаласи ўзингизга маълум бўлганлиги учун бунга кенг равишда тўхтаб ўтиришни лозим кўрмайман.

Нотиқ оила түғрисида ўз фикрини баён қилганидан сўнг «Хотин ва социализм» деган китобнинг бир еридан уч, яна бир еридан икки, яна бир еридан ярим саҳифа ўқиб берди. Хотин бу орада икки марта оғзи-ни очмасдан эснади, қўлидаги рюмкани столга қўйди. Нотиқ давом этди:

— Сиз билан биз бир йиллик оилавий фаолиятимиз натижасида қандай ютуқларга эришдик? Аввало шуни таъкидлаб ўтиш керакки, биз у ёки бу масалада юз берадиган принципиал келишмовчиликларни четдан куч жалб қиласдан ўз кучимиз билан, ўзаро кенг муҳокама қилиш йўли билан бевосита бартараф қила-диган бўлиб қолдик. Иккинчидан, ўртоқ рафиқам, оиласизни ташкилий хўжалик жиҳатидан мисли кўрилмаган даражада мустаҳкамладик. Мен бу бобда фактларга мурожаат қилиб ўтирамайман, чунки орденли онангиз ўзларининг ҳар бир тарихий келишларида бу нарсани айрим равишда қайд қилдилар.

Нотиқ сув бўлмаганлиги учун винодан бир ҳўплаб давом этди:

— Хўш, бу ютуқларимиз камчиликларимизни қоплаб, бизни хотиржамликка солиши мумкинми? Агар биз камчиликларимиздан бевосита кўз юмиб, яшасинчлик кайфиятларига берилиб кетадиган бўлсак, хато қилган бўламиз. Бизда камчиликлар борми? Бор, оз эмас! Масалан, июль ойининг биринчи ярмида озиқовқат маҳсулотларини сақлашда йўл қўйган жиҳдий нуқсонларимизни олайлик. Бу масалага иккимизнинг ҳам жинояткорона совуқ қаравшимиз орқасида қатор чиришлар, бузилишлар, кўкаришлар юз бердими? Факт! Буни нима билан оқлаш мумкин? Ҳеч нарса билан!

Нотиқ қизишиб кетди.

— Иккинчи масала, яъни ички имкониятлардан фойдаланиш масаласини олайлик. Ўзингизга маълум, бизда юқори сифатли мис чойнак бор. Шу чойнакнинг қопқоги бугунги кунда йўқ. Бу ҳақда биз бир-бirimiziga сигнал бердикми? Йўқ! Агар биз ўзибўларчиликка узил-кесил барҳам бериб қопқоқ масаласини кун тартибига кўндаланг қўйсак, агар биз шу чойнакни ўз вақтида тегишли қопқоқ билан бевосита таъмин қилсак, самоваримиз сафдан чиқсан кунларда ҳал қилувчи роль ўйнار эди. Афсуски, биз бу масалага муросасозлик кўзи билан қарадик. Бугунги кунда чойнагимиз қопқоққа эга эмас, мутлақо эга эмас.

Хотин секин уҳ тортди. Нотиқ буни пайқаб «тўсатдан қаттиқроқ танқид қилдим, шекилли» деган андишага бориб, сўзини ўйқотиб қўйди, шунинг учун сўзининг охирини юмшатишга тиришиди:

— Лекин бу камчиликларга қарамай, турмушимизни аъло даражада олиб бораётганлигимизга ҳеч қандай шак-шубҳа бўлиши мумкин эмас деб ҳисоблаш мумкин. Шу билан қисқача сўзимни тамом қилиб, оиласизни бундан кейин ҳам шарафлар билан қопланажагига тўла ишонч билдиришга ижозат беринг! Бу рюмкани мана шунинг учун кўтаришдан бурун ўз муҳаббатимни яна бир марта амалий суратда изҳор қилгани рухсат беришингизни талаб қиласман.

Хотин унинг ҳаракатидан «ўпич бер» деган маъненинни англацида.

— Ўпичми? Ҳеч бўлмаса шуни тўғри айта қолсангиз нима бўлар экан!— деди.

— Қандай,— деди нотиқ ҳайрон бўлиб,— битта ўпични деб нутқимни бузайми?

Нотиқ ўтиреди. У ўтирганида яна аслига қайтди. Хотин унинг ҳар бир сўзидан завқланар, кулар эди.

## «КИМЁГАР»

Хоразмнинг қишлоқларидан бирида ўхшатиб тиқилган ҳасипдек таранг, жувозкундадек ёғдан ялтираган гимнастёрка-ю, галифе шими қоматига ёпишган, қоринчаси ўзига кўп ярашган бир йигит бор.

Шу тахлитдаги йигит бир ўша ердами, бошқа ҳар қаердан ҳам топилади, дерсиз? Тўғри, шу тахлитдаги йигит топилар, лекин шу хилдаги одам топилмайди, гаров бойлашаман, топилмайди! Унинг ўзи бир нусха!

Унинг касб-кори, фазилатлари нимадан иборат дерсиз?

Унинг қандоқ фазилатлари борлигини «Н» колхознинг раҳбарларидан сўраш керак, биз буни билмаймиз. Биз фақат шуни биламиш: унинг кори—омборчиллик, касби—«кимёгарлик»дир.

Колхозда омборчиллик нима эканлигини ўзингиз биласиз: омборчи улгуржи олади, чакана беради.

Кимёгарлик нима эканлигини ҳам биласиз: кимёгар ғиштни, гувалакни қип-қизил олтинга айлантиради.

Омборчи сифатида Ёвқоч Оллоберганов ҳам, бошқа омборчилардай, улгуржи олади, чакана беради: кимёгар сифатида у ҳам, бошқа кимёгарлардай, олтин ясади. Бироқ олтинни у, бошқа кимёгарлар сингари ғиштдан, тошдан, гувалакдан эмас, инсонлик иззати нафсидан, инсонлик шаъни ва инсонлик ҳамиятидан ясади. Уни нодир нусха қилган ҳам мана шундай кимёгарлигиидир.

Олтмишдан ошган чол ҳалол меҳнати эвазига тегадиган донни олиш учун омборга келди. Оллоберганов ўзига хос чаққонлик билан донни дарров тортиб беради. Софдил чол, омборчи ҳозир тарозидан уриб уч килограмм кам берганлигини хаёлига ҳам келтирмай, донни кўтариб кетаверади.

Кимёгар виждонини уч килограмм донга айлантириди.

Оллоберганов омборни қулфлаётганда бир йигит ўзига тегишили совунни сўраб келади.

Оллоберганов пўнгиллади:

— Нима бу, колхознинг омбори баққолнинг дўконими, вақтида келинг-да!— дейди ва унинг афтига ҳам қарамай кетаверади.

Муюлишда унга банка кўтарган бир хотин киши учрайди.

— Вой, ука, мен ёғ олгани келаётган эдим-ку, жон ука...

Оллоберганов, қовоғини солганича, индамай орқасига қайтади, омборни очади, хотиннинг қўлидан банкани жеркиб олади ва ёғ тортиб беради. Хотин, омборчи ҳозир тарозидан уриб, камида уч юз грамм кам берганлигини билса ҳам, индамайди, «гўрга, бу билан чап чиқишиб бўладими» дейди, лекин ичиде унинг башарасига минг марта туфлайди. Буни Оллобергановнинг ўзи ҳам билади. Нима қипти, ичиде туфласа туфлар, тупук оғиздан чиқмаса бўлди-да! Башарти, чиққанда, пешанасига тегиб кўзига оқиб тушганда ҳам Гоголь айтмоқчи, «чўнтағида рўмолчаси бўлмаса экан», рўмолчаси бўлганидан кейин олади-ю, артади-қўяди-да!

Кимёгар инсонлик қадр-қимматини камида уч юз грамм ёғга айлантиради.

Бирор ўзига тегишили чойни сўраб келади. Оллоберганов шошиб қоғоздан карнай ясади, шошиб тарозига тош қўяди, шошиб тортади...шошганидан «янглишиб» тошни 150 грамм кам қўяди. Бу «янглишиш»дан шубҳага тушган колхозчи иккинчи сафар тўғри тортилган чойни салмоқлаб кўради, шубҳа билан қайтиб кетади; йўлда чойни тортиб кўради-ю, қайтиб боради.

— Биродар, бу чой 50 грамм кам-ку.

Оллоберганов, бу одамга чой бергани гўё эсида йўқдай, унинг сўзига «тушунмайди», сўнгра «тушунади-ю» чойни шошиб тарозига қўяди, шошиб олади, шошиб унинг қўлига беради.

— Билмайман, билмайман, миямни ачитман! Мен молни кўз олдингизда тортганман. Қамини қаерга қўйган бўлсангиз, ўша ердан бориб олинг.

Жабрдийда, жабр кўргани устига яна муттаҳам қилинганига чидолмай, икки оғиз нордон гап айтади. Оллоберганов ўзини эшитмаганга солади, омборда елиб-югуриб юради.

«Кимёгар» инсонлик ҳамиятини, инсонлик иззати нафсини 50 грамм чойга айлантиради, ҳоказо ва ҳоказо.

Қалай, бошқа ҳеч қаерда шундай одамни кўрганмисиз, ҳеч қачон шундай «кимёгар» ўтганини эшиганимисиз?

Шундай қилиб, унинг шу хилдаги «кимёгарлиги» битта-иккита колхозчига очиқ маълум бўлиб қолди. Буларнинг шу ҳақдаги шикоятлари бошқаларнинг ҳам диққатини дарров жалб қила қолди. Дарҳақиқат, Оллоберганов шундай «кимёгар» бўлмаса районда энг бадавлат колхозчининг ҳам ҳаваси келадиган ўй-жой, рўзгор, елини ерга тегиб турган сигирлар, қўйруғи қу-чоқка сифмайдиган қўйлар қаёқдан бўлади?

Бурчак-бурчакда шивир-шивир гап бошланади: «ўғри», «ҳақимизни ейди»...

Бу гап ҳисбот мажлисида очиқ, баланд овоз билан айтилади:

— Омборчимиз Ёвқоч Оллоберганов ҳалол одам эмас, кўпчиликнинг ҳақини ейди, ўрнига бошқа ҳалол одам қўйилсин,— дейилади.

Ҳеч ким ҳайрон бўлмайди, ҳамма бу ҳақли талабнинг қондирилишини кутади. Жимлик чўкади. Оллоберганов райондан келган вакил—ўзининг меҳмони ўроқ Ж.га ер остидан қарайди. Ўртоқ Ж. виқор билан ўринидан туради, қоқ миясини<sup>1</sup> кафти билан ишқаб гап бошлайди:

— Ўртоқлар! Оллоберганов ҳалол одам эмас деган гап тўғри, очиғини айтганда, Оллоберганов — ўғри! Лекин қандоқ ўғри, вот масала—оч ўғрими, тўқ ўғрими? Мен бутун масъулиятни бўйнимга олиб айтаманки, тўқ ўғри, тўйган ўғри! Мен буни исбот қилишим мумкин... Шунинг учун тўқ ўғрини бекор қилиб ўрнига оч ўғрини қўйишлик кони зарап...

Гап унинг бу «назария»сида эмас. Бу назарияни узи директор бўлган пахта заводида ҳам татбиқ қиласдими, йўқми, буниси билан ҳам ишимиз йўқ. Гап шундаки, Оллоберганов ҳеч бўлмаса кўнгил учун ҳам ўзини оқлашга уринмайди. Уриниб ҳам нима қиласди, ўғри деса дер, бу гапни прокурор айтмаса бўлди-да!

Шундай қилиб, «кимёгар»имиз ўзининг бутун инсонлик хислатларини колхоз омборининг калитига айлантиради.

Калит унинг қўлида қолади.

1948 йил

<sup>1</sup> Ўрт. Жуманиёзовнинг мияси бор эди.

## ТЕШИК ДАСТУРХОН

Намангандаги ўз ишини яхши кўрадиган, ўз хурсандлигини халқнингро ҳадатидан топадиган кишилар қўлида бир боғ бино бўлипти, шоирлар буни ҳар қанча муболага билан мақташса ҳам ҳақиқатдан ошиrolмайди. Уйчининг хушқомат ва хушманзара дараҳатлари-ю, Унҳаёт боғларининг кўзни қамаштирадиган ранг-баранг гуллари; Пашшоотанинг ҳавоси-ю, Заркентнинг шабадаси; Нанайнинг манзараси-ю, Намангандаги ўзига хос латофати...

Кун ботган сайн кишининг кўз олдида очила борадиган намозшомгуллар атрофига одамлар тўплangan. Булар кўк ғунча бирдан ёрилишини, сариқ чизиклар аста-секин кенгайиб, ҳаш-паш дегунча каҳрабо гул япроқ ёзишини томоша қиласдилар.

Ёнбош хиёбонлардан бирининг охиридаги хилват бир скамейкада фира-шира қоронғиликда худди каттакон сувқовоққа ўхшаб кўринган иккита фигура турипти. Булар бири малла, бири йўл-йўл сариқ дастурхон ёлинган икки аёл. Иккови кўз ўнгидан қўйилган тангадай тешикдан қараб намозшомгулнинг очилишини томоша қиласди.

Гулгагина эмас, ёруғ дунёга ҳам дастурхоннинг тешигидан қараб бугунги ҳаётнинг нашъу намосидан тўлиқ баҳра ололмайдиган бу хилдаги аёллар Намангандаги ўзида ҳам, унинг районларида ҳам кўп учрайди.

Баъзи районларда айрим масъул ходимлар тешик дастурхонни паранжига қараганда олға босилган бир қадам деб ҳисоблашади. Бу, албатта, бехуда гап, ўринсиз, асоссиз тасалли, чунки гап аёл бошига нима ёпиниб юришида эмас, нима учун ёпиниб юрганигига.

Кўп районларда айрим раҳбар ходимлар районда паранжи буткул йўқолиб кетганлигини катта мамнуният билан қайд қилишади. Тўғри, биз Поп, Чуст, Тўракўргон, Уйчи, Чорток, Янгиқўргон ва бошқа район-

ларда биронта ҳам паранжили хотинни кўрмадик. Бироқ бу районларда паранжидан ном-нишон қолмаганинги аёл ва эркаклар орасида муттасил олиб борилган тарбиявий иш натижаси эмас, кўпроқ маъмуриятчилик ёки маъмуриятчиликдан кўп фарқ қилмайдиган тадбирлар натижасидир. Паранжи ўрнига тешик дастурхон расм бўлганлиги шуни кўрсатади.

Фактлар шуни кўрсатадики, маҳаллий ташкилотлар хотин-қизлар масаласи билан жуда оз шуғулланади, шуғулланган тақдирда ҳам юзаки, бъязан расмиятчилик кўзи билан қараб иш тутади.

Яқинда Чорток райоnidа актив хотин-қизларнинг кенгаши бўлиб ўтди. Бу кенгашнинг қандоқ уютирилганлиги ва қандай ўтказилганлигини аёллар масаласига формал муносабатнинг намунаси дейиш мумкин.

Бир соату эллик минут чўзилган докладнинг ярмидан кўпи ҳаммага маълум бўлган ҳақиқатларни қайд қилишдан, қолган қисми эса аллақачонлар бўлиб ўтган ва район ташкилотлари томонидан тегишли чоралар кўрилган, район учун асосий бўлмаган фактларни санаб ўтишдан иборат бўлди. Кенгаш мутлақо тайёргарликсиз чақирилганлиги устига на докладчи, на ундан кейин катта нутқ сўзлаган райком ходими, на район комсомол комитетининг секретари — ҳеч ким кенгашнинг аҳамияти, моҳияти, унинг олдида турган вазифалар тўғрисида кенгаш қатнашчиларини жунбишга келтирадиган, йўналтирадиган, уларга илҳом ва шижоат бағишладиган тайинли бир гап гапирганий ўқ. Натижада озиб-ёзib бир чақирилган кенгаш руҳсиз, туссиз, мазмунсиз, район хотин-қизлари ҳаётида из қолдирмасдан ўтди. Музокарада жуда кам аёл қатнашиди, қатнашганлар ҳам «қўйма гаплар» доирасидан четга чиқмади. Ҳатто колхозда бригадирликни муваффақият билан олиб бораётган илғор аёл Анорхон ҳам қанча ерга пахта экканлиги, бу йил қанча ҳосил олишини айтиб минбардан тушди-кетди.

Наҳот кенгаш шунинг учун чақирилган бўлса!

Холбуки, агар бу кенгаш пишиқ тайёргарлик билан чақирилганда, доклад ва масъул ходимларнинг нутқлари қалбларга йўл топганда, ишдаги иллатлар ва бу иллатларнинг сабабларини очиб ташланганда, танқид ва ўз-ўзини танқид учун кенг йўл очиб берилганда кенгаш жуда қизғин, мазмунли ўтар ва район хотин-қизлари ҳаётида катта воқеа бўлиб, бунинг овози ҳар

бир ҳенадонга ҳатто тамбалаб қўйилган эшиклардан ҳам кириб, кўниши орқасида мудроқ босган идрокларни ҳам уйғотар эди.

Бундай кенгашда қатнашувчиларнинг гапирадиган гапи, район партия ва комсомол ташкилотларига, совет органларига қиласиган таънаси, ўзининг талаблари, таклифлари, шикоятлари йўқ эмишми? Бор, жуда кўп эди.

Мана шуларнинг устига кенгашда совет демократияси қўпол равиша бузилди: президиум составига кишидан қочадиган бир аёл суқиб киргизилди ва бу аёл то «тегишли чоралар» кўрилгунча залга орқасини ўгириб ўтириди. Кенгашга раҳбарлик қиласиган ўртоқлардан бирининг фикрича, бу «тадбир» ўша аёлни астасекин очиқликка олиб чиқар эмиш!

Хотин-қизлар масаласига шу хилдаги муносабат Уйчи районида бўлиб ўтган актив аёллар кенгашида ҳам қўринди. Дуруст, бу ерда кенгаш Чортокдаги кенгашга қараганда хийла жонли, хийлагина мазмунли ўтди. Бироқ кенгашда йиғилган 320 аёлнинг кўпчилиги тешик дастурхон ёпинадиган аёллар эди. Булар клуб майдонига кириш олдидан тешик дастурхонларини қўлтиққа уриб, унинг ўрнига чорак метрли оқ тўр, яъни янгича чиммат ёпиниб олишди. Клуб майдони, мажлис зали Қутайба замонидаги араб аскарларининг қароргоҳига ўхшаб кетди. Агар шу аёлларнинг ҳаммаси эмас, ўндан бири кўчада паранжили қўринса бу ҳол район ташкилотларини жуда катта ташвишга солган бўлар эди, бироқ кенгашда мажлис залида шунча аёлнинг янгича чиммат билан ўтириши бирорни ташвишга солганлиги маълум бўлмади.

Наҳотки тешик дастурхон паранжига қараганда гўё олға босилган бир қадам ҳисоблангандек, янгича чиммат паранжига қараганда олға босилган икки қадам ҳисобланса! Наҳот қичитқон какрага қараганда ширироқ бўлса!

Деярли ҳамма ерда: «Биз хотин-қизларни тарбиялаш билан тўла шуғулланётганимиз йўқ, хотин-қизлар орасида оммавий-тарбиявий ишларимиз бўш», деган гапларни эшитиш мумкин ва кўп масъул ходимлар тешик дастурхоннинг бунчалик кенг тарқалганлигига бирдан-бир сабаб қилиб шуни кўрсатишади. Йўқ, бунинг сабаби фақат шу эмас. Тешик дастурхон ёпинадиган аёлларнинг жуда-жуда кўпчилиги хотинини саводсиз тутган Чуст район газетасининг собиқ редакторидан онглироқ, хотинини ота-онасига чўри

қилиб қўйган учқўрғонлик тарих фани ўқитувчisi С.-дан тарбиялироқдир. Булар орасида районда шунча врач туриб, яхши туғруқхона бўла туриб, хотинини доя қўлида ҳалок қилган уйчилик йигит У. сингари етти қайнаб нам ўтмаган жоҳил кишилар йўқ!

Тешик дастурхон, турли-туман чимматларнинг бунчалик тарқалганилигига сабаб—хотин-қизлар орасида оммавий-тарбиявий ишларнинг бўшлигими ёки эрлар, эркаклар орасида бу иш буткул ўз ҳолига ташлаб қўйилганлигими?

Чорток район «Коммунизм йўли» колхозининг Давлатали ака бошлиқ бригадасидаги хотин-қизлар орасида ҳатто табелчидан, бригадирдан, раисдан қочадиган аёллар бор. Бир шу бригада, бир шу колхозда, ёлиз Чортокда эмас, бошқа район ва бошқа колхозларда ҳам кишидан қочадиган аёлларнинг жуда кўпчилиги фақат ўз сельсовети, фақат ўз колхозининг кишиларидангина қочади. Булар, агар «ўз эркаклари» бўлмаса ва келиб қолиши эҳтимол тутилмаса, «бегона» эркаклардан қочишмайди, қочишмайдигина эмас, жуда очишиб-ёзилиб суҳбат қилишиди. Бунга сабаб эрлар, эркаклар орасида диний таассуб кучли эканлиги, қолаверса, баъзи бир онабезорилар ўз оналари, хотинлари, опа-сингиллари ҳам колхозда ишлаётганлигини унтиб, аёлларга ола қарашлари ва ўнг келганда уларга ҳўқиз тили билан муҳаббат изҳор қилишларидир.

Аёлларга ола қарайдиган ва шу билан омма орасида олиб бориладиган тарбиявий ишларга катта зарба берадиган шахсларга нисбатан кескин чоралар кўрилмайди.

Мана шуларнинг ҳаммаси ҳалқ орасида илмий-оқартув, сиёсий-тарбиявий ишлар ниҳоятда заиф ва баъзи жойларда эътибордан буткул четда қолганлигини кўрсатади.

Юқорида номи айтилган районларда хотин-қизларга бой ва феодалларча муносабат деган гапга кўпинча жуда тор маъно берилади: ҳаром пул қутуртирган бирон муттаҳамнинг хотин устига хотин олиши «феодализмга киради», лекин, масалан, Уйчи районида бу йил ўрта мактабни биронта ҳам қиз битирмаганлигининг сабаби — гўё феодал муносабатга кирмайди; қизларнинг ўқишига монелик қилиш феодал муносабатга киради, лекин ўқиган, яхши маълумотли аёллардан тўғри фойдаланмаслик, уларнинг ўқишига ёрдам бермай,

ишдан олиб ташлаш учун бирон хато қилишини кутиб туриш — гўё феодал муносабатга кирмайди; бир эр хотинига зулмини ошириш, уни ўзига керосин сепиб ўт қўйишига мажбур қилса — бу феодал муносабатга киради, лекин бригададинг соя-салқин дала шийпонида эркаклар дам олганда шулар қатори меҳнат қиладиган аёллар томнинг орқасида ёки бирон пастқамликда овқатланишга, дам олишга мажбур бўлса — бу гўё феодал муносабатга кирмайди!

Бундай маломатли ҳолларни ҳар қадамда учратиш мумкин.

Ўз мушоҳадаларимиз, областда хотин-қизлар ишига қизиққан кўп ўртоқларнинг текшириш натижалари шуни кўрсатадики, Наманган обlastida хотин-қизлар масаласи бонг уриш зарур бўлган бир аҳволда.

1953 йил

## ҚУЮШҚОН

Антон Павлович Чехов ҳикояларидан бирида бирор «Мен ўлимдан қўрқмайман, ўлсам қабрим устида фалончи нутқ сўзлайди деб қўрқаман» дейди:

Дунёда қалб ҳарорати билан жон киргизилмаган нутқ—ўлик нутқдан совуқроқ нарса бормикин!

Тирик яъни юракдан чиққан жўшқин нутқ ўликини тирилтиурса, ўлик яъни юракдан чиқмаган совуқ нутқ, дарҳақиқат, ўликка ҳам озор етказади.

Кундалик ҳаётимизда шунаقا ўлик нутқларни оз шитамиزم!

Одамларки бор, ҳалол меҳнат билан ўзини кўрсатгани эринади-ю, оламда борлигини маълум қилиб туриш учун кўпроқ гапиришга ҳаракат қиласи; мажлис-пажлисда сўз тегиб қолса, фойдали бирон фикр айтиши учун эмас, гапириш, фақат гапириш учун гапиради. Жамиятда ўзи кўринмай фақат товуши чиқадиган бу хилдаги одамлар, текин қулоқ топилса, битта эски тўппи тўғрисида саккиз соат сув ичмасдан гапиради. Одамлар эснайди, мудрайди, мажлис раисига хўмрайиб қарайди...

Бу—ўлик нутқнинг бир хили.

Ўлик нутқнинг бошқа хили ҳам бор.

Район марказидан колхозга лектор келди. Ҳар нарсанинг ҳам сал нарироқдан, айниқса, юқорироқдан келгани яхшироқ кўринади эмасми, колхоз клуғига одам сифишимай кетди.

Клуб мудири бугунги лекциянинг темасини, лекторнинг номини жуда керилиб, писандада қилиб эълон қилди.

Урта ёшлардаги бир киши минбарга чиқди, белига қистириб қўйган қизил муқовалик қалин дафтарини олиб минбарга қўяр экан, ёдакисига, яъни дафтарини ҳали очмасдан туриб, «Ўртоқлар!» деди. Дафтарнинг варақлари жузидан чиқиб кетган, йиртилиб тушган, бошқа бирон жойда лекция ўқилганда

чалкашган бўлса керак, лектор лекциянинг бош-кетини тополмай хийла овора бўлди; бу орада ёдакисига яна икки марта «Ўртоқлар!» деб олди. Ниҳоят лекциянинг боши топилди. Лектор йўқолиб овора қилган варақни зарда билан қоғозлар устига қўйди, хатга қараб жаҳл билан яна бир марта «Ўртоқлар» деди-ю, лекцияни бошлаб юборди. Лекция дин ва турмуш деган темада бўлиб, сўз ибтидоий одам нима учун табиатдан ташқари бир куч бор деган хаёлга борганилиги, жин ва алвости, арвоҳ ва чилтан ҳақидағи тасаввурнинг пайдо бўлиши, жамиятда юз берган ўзгаришлар диний қаидага қандоқ таъсир қилиши, ва бошқалар ҳақида борар эди.

Лектор айтган, яъни ўқиб берган гапларнинг ҳаммаси рост, бу гапларнинг ҳаммаси залда ўтирган кишиларнинг кўпчилиги учун, эҳтимол, янги гаплар бўлса. Лекин бу рост ва янги гапларга ҳеч ким қизиқмаётганилиги шундоққина кўриниб туар эди: биринчи қаторда ўтирган бир аёл оғзини катта очиб эснаб юборганини ўзи ҳам билмай қолди; клуб мудири унга зимдан танбек қилди-ю, ҳаял ўтмай ўзи ҳам, лекин оғзини очмасдан эснади. Лектор галстугининг тугунини тез-тез ушлаб қўйишга ўрганиб қолган экан, орқада ўтирган бир қиз шу ҳақда бир нима деб дугонасини кулдириди, бу гап қулоқма-кулоқ кетди. Клуб мудири зални икки марта тартибга чақирди... Орқа қаторларда одам сийраклашиб қолди.

Ҳаммаси рост ва бу ердаги кўп одамлар учун янги гаплардан иборат бўлган лекция эшигувчиларнинг диққатини тортмаётганига сабаб унинг ўқилиш, яна бир қиёмда ўқилишигини эмас. Маълум даражада бунинг ўзи бошқа бир сабабнинг натижасидир.

Гап шундаки, ҳозирги вақтда, тилемизнинг бойлигини, унинг қочириқларини ўрганишга эринган, сўз санъатига ҳунар деб эмас, касб деб қарайдиган, бисотидаги бир ҳовуч сўзни йиллар давомида айлантириб кун кўриб юрган бир туркум қалам аҳлининг «фаолияти», чала мулла бা�ъзи олимларнинг «илмий хуласа»лари натижасида ажиб бир тил буњёдга келган. Бу тилда ҳеч ким гапирмайди, зотан, гапириш мумкин ҳам эмас, фақат ёзигб ўқиб бериш мумкин. Бу тилда ёзилган нарсани бир қиёмда ўқимасдан ҳам илож йўқ. Бу тилнинг ҳеч қаерга ёзилмаган, лекин амалда жорий бўлган темир қонунiga кўра

«яхши овқат едим!» деб ёзиб бўлмайди, албатта, «сифатли овқатландим» деб ёзиш шарт! «Папирос чекадиган киши гугуртини олиб юриши керак» деб ёзиш тўғри эмас. «Папирос чекиши одатига эга бўлган киши ўзини тегишли гугурт билан таъминлаб юриши керак» деб ёзилса тўғри бўлади. Бу тилда латифа айтиб бўлмайди, ёзиб бўлмайди! Бу тилда ҳазилга, мақолга, маталга, ажойиб ҳалқ ибораларига ўрин йўқ. Бу тил ҳар қанақа жонли фикрга кафанди кийгизади, ҳар қанақа ўйноқи мазмунни таҳтага тортади, ҳар қанақа лекторни ғурбатнинг уясига, ҳар қанақа аудиторияни ўлик чиққан ҳовлига айлантиради!

Лекция тамом бўлди. Халойиқ, оғир бир юқдан қутулгандай, енгил нафас олиб тарқалди.

Орадан бирмунча вақт ўтгандан кейин мен шу лекторни бошқа бир колхознинг катта йўл бўйидаги чойхонасида кўрдим. У бирор билан шахмат ўйнар ва айни вақтда йигирмага яқин одамни оғзига ҳаратиб кулдириб ўтирас эди. Клубда бу қадар совуқ, қуруқ кўринган бу одам шундай хушчақчақ, шундай дилкаш, шундай гапга уста эканки, асти қўйинг! Мен ўнг келиши биланоқ ўша кунги лекциядан гап очдим ва бу ҳақда кўнглимда борини айтдим. Лектор менинг гапимга аввал ҳайрон бўлди, кейин чуқур хўрсиниб:

— Қандоқ қиласай, лекция ўқиганда қуюшқондан ташқари чиқиб бўлмайди, шуни талаб қилишади...— деди.

— Ким талаб қиласади?

Лектор бу саволга жавоб беролмади, бир нима деб мингиллади. Маълум бўлишича, бир талай журналистлар, редакторлар, нотиқлар, лекторлар, агитаторлар сингари бу одам ҳам мазкур тилни расмий, қаердадир тасдиқланган тил деб билар, бу тилда сўзланадиган ўлик нутқу жон киргизгани қилинадиган ҳар бир ҳаракатни «қуюшқондан ташқари чиқиши» деб ҳисоблар экан.

Лекторни, агитаторни ғурбатнинг уясига, нутқи оғир юкка айлантирадиган бу «қуюшқон»ни қанча тезроқ улоқтириб ташласак, шунча яхшироқ!

1956 йил

## САРХОНА

(Кашанданинг хотира дафтаридан)

Туғруқхонадан келганига тўққиз кун бўлган ёш она жигарбандини бағрига босиб, тор бўлса ҳам дунёдай кенг кўринган иссиқкина уйининг деразасидан кўчага қараб ўтирибди. Лайлакқор уриб турибди. Жимжит.

Йўлакда кимдир ер тепинди, пишиллаб ечинди, йўталдай. Эшик очилиб, парда орасидан сўлиброқ қолган семиз юзи ва тепакал боши қип-қизил, оғзининг икки томонидан иягигача осилиб тушган қалин мўйлови сарғайиб кетган башара кўринди.

— Мумкинми... Қечирасиз, келин табриклаш вазифасини ўз вақтида бажара олмадик... Эндиликда ҳам тўй, ҳам фарзанд масаласида қўш табрикимизни қабул қиласиз! Мен Юнуснинг қариндоши бўламан. Мирсолиев Мирсожид... Эшитгандирсиз?

Келин бунаقا номни эшитмаган бўлса ҳам:

— Эшитгандман... Юнус акам айтган эдилар... Марҳамат!— деб меҳмонни тўрга таклиф қилди.

Меҳмон тўға ўтиши билан уйни димиқсан, чириган тамаки ҳиди тутиб кетди. Уйга одам эмас, каттакон эски сархона киргандай бўлди. Келиннинг назарида бу ҳид унинг сариқ қурум босган мўйловидан чиқаётганга ўхшар эди. Бунинг устига, меҳмон ёнидан папирос олиб тутатди. Келин «уйда гўдак бор, чекманг», дегани тортинди-ю, буфетдан битта ликобча олиб, унинг олдига қўяр экан:

— Қечирасиз, Юнус акам шу кунлари папиросни ташлаганлар, кулдонимиз йўқ,— деди.

— Зиёни йўқ,— деди меҳмон оқ дастурхонга тушган кулни йўғон бармоқлари билан олишга уриниб,— тамакини кули идиш танламайди, носнинг иши қийин...

Келин йўлакда примусга чой қўйди, кириб нон кесди, дастурхон ёзди. Шунгача меҳмон яна иккита папирос чекди. Уй иссиқ бўлгани учун тутун юқорига

кўтарилилмай, одам бўйи сузаб юрар эди, шунинг учун келин чой дамлаб қайтишда эшикни қияроқ қилиб қўйди. Меҳмон келиннинг бу ишорасини фаҳмлаб, теласида сузаб юрган тутунни қўли билан еллиб тарқатган бўлди. Бу папирос ярим бўлмасдан тутун пастлаб гўдакнинг каравотига яқинлашиб қолди. Келин тоқати тоқ бўлиб назокат билан:

— Папиросни кўпроқ чекар экансиз,— деди илжашиб.

Меҳмон ичига тортган тутунни оғиз-бурнидан чиқараркан, чой ҳўплаб:

— Кўп чекаман ва кўлдан бери чекаман!— деди.— Қирқ уч йил бўлди. «Шури-мури»дан бошлиганман. Ундан кейин «Тари-бари»га ўтдим. «Тройка», «Роза», «Осмон» деган папирослар бор эди. Кейин чиққан папирослар ичидаги «Дюбек-Яка», «Триулапф», «Кавказ» деган папирослар аломат, лекин энг машҳури «Эпоха» эди.

Меҳмон папирос ҳақида сўз давомида учта папирос чекди. Уй тутунга тўлди. Келиннинг назарида ҳамма тутун боласининг ичига кираётгандай бўлар эди. Меҳмон гап билан овора бўлиб папироснинг кулини кулдонга қоқишини ҳам унуди. Папироснинг учидан узилган ярим бармоқдай келадиган кул аввал унинг тиззасига, кейин гиламга тушди.

— Ие, кечирасиз,— деди меҳмон ва оёғи билан кулни эзиб, гиламга сингдириб юборди.

Келин унинг тезроқ кетишини хоҳлаб соатига қарди.

— Соат уч, Юнус акам келмадилар, энди кечқурун, балки кечаси келсалар эҳтимол...— деди.

Меҳмон кулдонда тутаётган папироснинг қолдигига ингичка ва узун сўлак томизар экан:

— Зиёни йўқ, кутаман, фурсатим бор,— деди.

Келин уни зериктириш учун галига гап қўшмади, саволига қисқа жавоблар бераверди. Меҳмон дарҳақиқат, зерикиб қолди-ю, папиросга зўр берди; журнал варақлаб чекди, девордаги суратларни томоша қилиб чекди, деразадан кўчага қараб чекди... Келин дод, деб юбораёзди.

Соат ўн деганда меҳмон ўрнидан турди.

— Юнус келмади, энди мен кетай. Яна кела-ман...

Келин индамади, «дийдоринг қурсин», дейишдан бошқа гапга унинг тили бормас эди.

Меҳмон кетди. Келин йиғлагудай бўлиб эшик, дебразани очди, боласини бағрига босди, кўрпага кирди. Эр хотин уйни роса бир ҳафта қатрон қилишди: одеколон селишди, олманинг пўчошини тутатишди; исириқ солишди... Йўқ, уйдан ҳамон сархона ҳиди келар эди.

— Ахир абраҳ,— дерди Юнус,— бирорвоннинг уйига сёғингни артмасдан киргани-ку ибо қиласан, нега ҳавони булғатгани ибо қилмайсан?

1958 йил

## БИР ШОФЕРНИНГ ХОТИРА ДАФТАРИДАН

(Тарихдан)

Чоршанба. Ниҳоят ўз ихтиёrim билан ишдан бўшатилганлигим тўғрисида бўйруқ чиқди. Зап қутулдим-да шу хўжайндан! Одам торс ёрилиб кетай дейди, ўқигани ўқиган, ёзгани ёзган; уйидан ишга, ишдан тўғри уйига боради. Ҳар замон бирон идорага, аҳёнда театрга олиб бораман. Кунига ўн-ўн икки километрдан ортиқ йўл юрмайман. Хотини ўзидан баттар! Тайёр машина бўлгандан кейин белини қайиштириб мин, машиначига бор, ҳаммомга бор!..

Якшанба. Ҳозир саккиз кружка пиво ичдим. Уф, қимирласам қорним қулқиллади. Майли, ўйнаб олай, бўйруқ қўлимда, эртадан ишга чиқаман. Янги хўжайнин, янги «Победа!» Ура!..

Душанба. Янги «Победа»га номер олдим. Хўжайнини ишдан уйига элтиб қўйдим. Хўжайнин деган мана шундоқ бўлса: қад-комат, савлат... Машинада ўтиришини кўрсангиз, одамларга худди «кўчани мунча пашша босибди», дегандай қарайди.

Сешанба. Бозордан чоғроқ тандир олиб келдим. Хўжайнинг қизи жуда шўх экан: тандирни ҳовлига қўйиб чиққунимча, сигнални дудулатиб турди; машинанинг эшигига нима биландир чизиб отини ёзибди. Кошки қисқароқ от бўлса — Пошшохон — бутун эшикни энлаб ётибди. Хўжайнин кўриб индамади, кулиб қўя қолди.

Кечқурун Пошшохон билан келинойимни шаҳар айлантиридим. Бу хотин мунча озғин? Пишмай қуриган дастмолқовоққа ўхшайди. Лекин товуши жуда ўткир, ўзи жуда сергап экан.

Чоршанба. Пешингача тандир қурдим, кейин ўтий ёрдим, ёқдим. Пошшохон машинада ўтириб анор ебди — ҳаммаёқ расво... Келинойимга арз қилган эдим, у киши индамадилар.

Кечқурун хўжайнин билан районга жўнадик. Кечаси соат икки яримда қайтиш. Енимдан ўттиз літр бензин олдим. Хўжайнин кўпайтириб берар...

Пайшанба. Хўжайнин билан Қозогистонга бориб қўй олиб келдик. Қўй машинада маърамайди, дейишар эди, ҳаром ўлгур, йўл бўйи шунаقا маърадики!.. Шаҳарга кирганимизда товуши яна ҳам очиб кетди. Икки жойда милиция менга хўмрайиб қаради.

Енимдан яна ўн беш літр бензин олдим.

Жума. Қўйни машинага босиб келинойим ва Пошшохон билан яна районга жўнадик. Келинойимнинг холаваччалари ўгай ўғлини уйлантираётган экан. Кечаси машинада ётдим. Қорин оч.

Шанба, якшанба, душанба, сешанба. Бирор кимсан демайди, машинага хўжайнин Пошшохон бўлиб қолди. Жонимдан безор бўлдим.

Чоршанба. Қайтиш келдик. Хўжайнин келинойим билан уришди, ишдан чиқиб бир ошнасикига борди. Кечаси соат уч яримгача машинада ўтиридим, ётдим, ухладим. Икки марта милиция уйғотди. Соат уч яримда хўжайнин чиқиб жавоб берди. Гаражга кетдим.

Пайшанба. Арафа. Қатта гўристондаги бир қорига бир лаган чалпак элтиб бердим.

Жума. Келинойим билан Пошшохонни ҳайит қилдириб шаҳар айлантиридим. Енимдан қирқ літр бензин олдим.

Шанба. Ҳайит қилиб яна шаҳар айландик.

Якшанба. Хўжайнин билан овга чиқдик. Текис жой бўлса, машина билан қуён овлаш ҳам қизиқ бўлар экан. Хўжайнин тўртта ўқ узиб ярадор қилгандан кейин қуён қалин буталар остига кириб кетди. Мен кириб олиб чиқдим. Ўқ қуённинг чап сонига теккан экан, кечгача юриб бошқа ҳеч бир жонивор учратмадик.

Қайтишда бензиндан гап очиб чақа тўғрисида шама қилган эдим, хўжайнин: «Қанақа нотавон шофферсан, мендан пул сўрагани уялмайсанми?» деб уришиб берди.

Бу ёғи қандоқ бўлди, киракашлик қиласманми?

Душанба. Эрталаб хўжайнини ишга олиб боргани кетаётib бутун шофферлик умримда биринчи марта одам олдим, бирорни вокзалга элтиб қўйдим. Бу одам битта уч сўмлик, иккита бир сўмлик бериб афтимга қаради. Бу қараш билан «шу басми» демоқчи экану, мен «қўлга тушдингми», дермикин деб юрагим шув этиб кетди. Пулни олиб чўнтағимга солдим,

лекин чўнтағимга пул эмас, янги туғилган кучукчани солгандай бўлдим: қўлим, чўнтағим, юзим, бутун вужудим алланечук нам, ёпишқоқ... Ҳаром!

Шу тахлитда бола-чақамнинг олдига борамани?

Сешанба. Куни бўйи худди ўғрига ўхшаб юрдим. Милициянинг афтига қаролмайман, йўловчига ҳуштак чалса ҳам, юрагим гуп-гуп уриб тўхтаб қоламан. Шу аҳволда бугун 140 километр йўл босдим.

Кечаси Пошшохонни ҳаммомга олиб бордим. Булар ҳаммомга нега алоҳида-алоҳида боради, ҳаммаси бирга борса бўлмайдими?

Эски хўжайнинг қадрига етмаган эканман.

Чоршанба. Келинойимга сомса олиб келгани бозорга тушган эдим, эшак арава орқага тисарилиб машинанинг чап қанотини пачақлади. Кечаси билан шуни тузатдим.

Пайшанба. Идорага кетаётуб хўжайнинг «райондан бир-икки юз кило пиёз олиб келгин», деди. Жуда аччиғим келди: саксон километрга бориб олиб келинадиган пиёзнинг килоси, ниҳояти, йигирма тийиндан арzon тушар экан. Орамизда гап қочди. Хўжайнинг у-бу деб ортиқча гап қилган эди, машинани шартта тўхтатдим, моторни ўчириб қалитни қўлига бердиму, тушдим-кетдим. Хўжайнинг ойнадан бошини чиқариб «бунақа қилгани ҳақинг йўқ», деганича қолаверди. Биламан, ҳақим йўқ, лекин ҳақ суринширилайдиган бўлса, мен ютқизмайман.

Эски хўжайнинг учрайман, қайтиб ишга олмаса, бирон жойга жойлаб қўяр-ку!

1959 йил

## МУНДАРИЖА

### Пъесалар

Явги ер. ( <i>Шоҳи сўзана</i> ) . . . . .	3
Ориқ тишилар . . . . .	71
Сўнгги нусхалар. ( <i>Тобутдан товуш</i> ) . . . . .	127
Аяконларим . . . . .	176

### Портретлар

Фанишер . . . . .	226
Дўрмсн лочини . . . . .	229
Юринг, ошна, чўл қувлаймиз! . . . . .	235
Гулистонда бир бўстон . . . . .	239

### Фельетонлар

*Самарқандда мактабга кўмак ҳафтаси . . . . .	246
*Ой куйганда . . . . .	247
*Эшонимнинг бошларидан ўтганлари . . . . .	249
*Уғрашганда . . . . .	253
*Билдириш . . . . .	255
*Афандининг иқрори, ўзидан кейин . . . . .	256
*Ийлатган кулги . . . . .	259
Қанотсиз читтак . . . . .	262
*Дўстимнинг одати . . . . .	272
*Ўзинг шифо бер . . . . .	274
*Ишқал . . . . .	276
*Дунё қачон эркин нафас олади . . . . .	279
Барон фон Ринг . . . . .	282
Бос телкини . . . . .	285
«Ҳи-ҳи» . . . . .	288
Иккенинг бири . . . . .	291
Мактуб . . . . .	293
Пора . . . . .	296
Кўзача . . . . .	298
Ҳиқичноқ . . . . .	301
Оғайнилар . . . . .	303

Оқ ароқнинг қора иши . . . . .	307
Бизнинг муроҳазаларимиз . . . . .	310
Нутқ . . . . .	313
Кимёгар . . . . .	316
Тешик дастурхон . . . . .	319
Қуюшқон . . . . .	324
Сархона . . . . .	327
Бир шоғёрнинг хотира дафтаридан . . . . .	330

*На узбекском языке*

**Абдулла Каҳхар**

Собрание сочинений  
в пяти томах  
Том IV

**МИЛЫЕ МОИ МАТУШКИ**

*Пьесы  
Портреты  
Фельетоны*

Редактор *Х. Мансурова*  
Рассом *В. Шумилов*  
Расмлар редактори *М. Кағидзас*  
Техн. редактор *Т. Смирнова*  
Корректор *О. Турдабекова*

ИБ № 3750

Босмахонага берилди 10.02.88. Босишига рухсат этилди 14.06.88. Формати  
84×108<sup>1</sup>/<sub>32</sub>. Босмахона корози № 1. Адабий гарнитура. Юқори босма. Шартли  
босма л. 17,64+0,42 вкл. Шартли кр.- оттиск 18,06. Нашр л. 17,31+0,21 вкл.  
Тиражи 60000. Заказ № 1106/153. Бахси 1с. 50т. Шартнома № 180-37. Ғафур  
кўчаси, 30.

Ўзбекистон ССР Нашриёт, полиграфия ва китоб савдоси ишлари Давлат коми-  
тети «Матбуот» полиграфия ишлаб чиқарни бирлашимасда термизиб, 2-босма-  
хонасида босилди, Янгийўл, Самарқанд кўчаси, 44.

\*© Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти,  
1988 и.